


A man with a mustache and goatee, wearing a brown suit jacket, a striped shirt, and a dark bow tie, looks directly at the camera. A woman with long dark hair is partially visible behind him, looking towards the camera. The background is dark and moody.


УМНІ АЛН

КОРА ШАХВОДА

Умид АЛИ

ҚОРА ШАҲЗОДА

Қисса ва ҳикоялар



Тошкент
“IJOD-PRESS”
2018

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

А 49

Тақризчи:

Жумагул СУВОНОВА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Али, Умид.

Қора шаҳзода: қисса ва ҳикоялар / У. Али. — Т.: IJOD-PRESS, 2017. — 320 б.

ISBN: 978-9943-994-70-6

Ногаҳонда сирли воқеалар гирдобига тушиб қолган йигитнинг тақдири кўз билан боғлиқ. Йигит бировга тикилиб қараса бас, сирлар очилаверади. Бироқ ўзгаларнинг сиридан огоҳ бўлиш, айрим инсонларнинг жирканчлигидан, уларнинг тубан режаларидан хабардор бўлиб яшаш осон дейсизми?

Умид Алининг қўлингиздаги китобига “Жодуланган кўз” қиссаси ва севги-муҳаббат ҳақида жўшиб ёзилган ҳикоялари киритилган. Китоб-хон севги саргузаштларини бошидан кечирган турли ёшдаги севишганларнинг қалб кечинмаларидан баҳраманд бўлар экан, улардаги жасорат, шижоат, мардлик ва покликка шоҳид бўлади.

Abdulla Qodiriy nomidagi

viloyat AKM

INV № 168 765-2019

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

ISBN: 978-9943-994-70-6

© “IJOD-PRESS” нашриёти

ЖОДУЛАНГАН КҮЗ

1. Туш

Қандай учоқ эканини билмайман. Унга қачон кўтарилганман, қачон ўриндиққа жойлашганман, эсимда йўқ. Қизиги, бутун бошли самолётда якка бир ўзим парвоз қиляпман. Аэросалондаги сон-саноксиз ўриндиқлардан бирида, иллюминатор ёнида ўтириб олганман. Туйқус юрагимда киши билмас ваҳм қўзғалди. Дилимда саволлар уйғона бошлади-ю, аммо жавоб топа олмай, ҳалак бўлдим:

“Қачон кўтарила қолдим бу темирқушга? Мени ким бошлаб келди? Қаерга кетяпман? Нима мақсадда? Нималар бўляпти ўзи?..”

Кимсасизлик ҳам киши юрагига кўрқинч оловини пуркаркан. Бехос таҳликага тушиб, қичқириб юбордим:

— Ким бор? Қаерга кетяпман ўзи?

Ўрнимдан турмоқчи эдим, эплотмадим. Ўзимга разм солиб, билдим: хавфсизлик камари тақилган экан. Қорним тагидан ўтган камар тўқасини очишга уринаман, қани энди бу зормонда очила қолса. Овоз бериб, чақирганимдан ҳаял ўтмай, олд тарафдаги темир дарча сассиз очилиб, ёпилди. Узун қоматли, касб формаси ўзига ярашиқли, ҳусни талъати афсонанамо стюардесса қиз пайдо бўлиб, хиёл табассум билан патнис кўтариб ёнимга келди-да, ундан хатжилд олиб менга узатди. Ҳайрону лол бўлиб, хатжилдга қарадим. Юзида бирор ёзув йўқ. Ақалли биргина белги ҳам. Стюардесса хатжилдни очиб, ичидагини ўқишимни айтди. Хат-

жилднинг елимини кўчириб, ичига бармоқларимни тикқандим, бир кафтча ҳам келмайдиган оппоқ қоғоз илашиб чиқди. Ўнгу сўлини айлантирдим. Ҳеч вақо йўқ. Ёзилмаган, қуп-қуруқ. Тагин ажабланиб, стюардессага қарадим.

— Кўзларингизни бир марта юмиб, сўнг очинг, — буюрди у.

Шу билан бирор нарса ўзгарармиди? Баттар тажанглашдим. Аммо қаршимда табассумни сўндирмай, ширингина бўлиб турган бу қизми, жувоннинг сўзини ерда қолдиргим келмади. Унинг амрига сўзсиз бўйсундим.

— Менга термилманг, наф йўқ, — деди у яна, — қўлингиздаги қоғозга қаранг.

Беихтиёр қоғозчага назар ташлагандим... Сапчиб тушдим. Нақ мўъжизанинг ўзи! Тавба! Бир парча қоғозда яшил рангда ёзув пайдо бўлди. Худди экранда битиладиган титр сингари ҳаракатланиб, ўнгдан чапга силжиб бориб, яна қайталаняпти. Бор-йўғи биргина жумла:

“Қутлуг бўлсин!”

Шу, холос. Ҳеч нарсага тушунмадим. Бу битик кимга аталган? Нега бундай ёзилган? Ақлим етмади. Стюардессадан изоҳ талаб қилмоқчи бўлиб, унга юзлангандим, ғойиб бўлиб қолибди.

— Бир дақиқага, бу ерга қаранг, ҳой! — овоз берган бўлдим дарча тарафга қараб. Дарча очилмади-ю, аммо ногаҳонда тақиллаб қолди. Кимдир унинг ортида туриб, эшикчани чертаётганга ўхшаб туйилди. Кейин овоз келди...

— Шавкат, уйғондингми, болам? Шавкат...

Кўзларимни очсам, ўзимнинг чоғроққина хонам...

Дераза ёнидаги бир кишилик диванда ётибман. Эшик орт тарафдан ҳамон чертиляпти.

— Шавкат! Ўқишингга кеч қоласан, болам!

— Ҳозир, — дея бошимни ёстиқдан кўтардим. Хонага алангладим. Ўша-ўша уй. Деворларига яшил ранг гулқоғоз ёпиштирилган, бурчак тарафда қат-қат тоқчаларга китоблар терилган жавон, бир четда дарс столи ва стул. Унинг устида ҳам уч-тўрт китоблар тахланган, қалам ва ручкалар солинган цилиндрли қаламдон, қалин ва юпқа дафтарлар. Шу, холос. Камтаргина. Ҳеч нарсаси ўзгармаган.

Тўшакдан силжиб тушдим. Эгнимга ётиш олдидан ечиб қўйган мовийранг футболка ва жинси шимни кийиб, деразага яқинлашдим. Нақш гулли зангор пардани суриб, дераза дарчасини очиб юбордим. Юзларимга майингина шабада урилди. Маза қилдим. Девордаги рамка-соатга қарасам, унинг кичкина мили энди «7»га яқинлашаётган экан. Соатдан пастроқдаги тақвимга кўз ташлаб, кулиб юбордим. Ахир, бугун якшанба-ку! Институтда бозор кунида нима қиламан?

Ойижоним-а, ўқиш бўлмайдиган куни ҳам ухлашга қўймайдилар-а? Майли, дўконга эртaroқ бораман. Э, бугун “Янги бозор”га бормoқчи эдим-ку? Шимимнинг ранги ўчаёзган. Икки йилдан бери эгнимдан ташламай, кийиб юрибман. Тунов куни курсдош қизлар бошқа гап қуригандай шуни эрмак қилишаётганди. Пичирлашаётганида эшитиб қолдим. Бир уялиб кетдим. Бировнинг тўзиган кепкаси, бошқанинг oҳори тўкилган қўйлагини гапириб, ғийбат қилишдан бошқани билмайдиган жиблажибон қизларнинг куни туққан. Ўзи курсда каминадан бошқа уринганроқ кийимда борадиган ўқувчи бўлмагани учун ҳам мен доим “ўлжа” бўла-

ман шу касби кори гап титиш бўлган ифвогар қизларга. Янги шим кийиб, бир ҳаммасининг кўзини ўйнатай.

Тўшакни тартибга келтириб, юз-кўзларимни ювиш учун ваннахонага йўналдим. Тавба, йўлакдаги девор ҳам, ваннахонаники ҳам яшилга бўялибди. Қачон улгура қолишдийкан? Бир кечада-я? Бутун бошли уйнинг деворларини бўяб, оҳорини келтириш шунчалар осон бўлдики? Ҳеч ақлга сиғмайдиган иш. Ахир, кечқурун бундай эмас эди-да. Эски ҳолича турганди — ранги ўчиб, у ер-бу ерининг сувоғи кўчганди. Ошхонага кириб, тагин тонг қотдим. Бу ернинг ҳам деворлари тўқ зангор. Яшин тезлигида миямни шу фикр кесиб ўтди: “Ойим уста чақиртирган”. Туриб-туриб, бу фикрим ўзгарди: “Аmmo қачон? Кечанинг ўзидами? Аям бўёқчини кундуз куни чақирмай, қоқ тунда чақирадимки?”

Бошим қотди.

Ойим столга дастурхон ёзиб, нонуштанинг тарадудини қилаётган экан. Қуймоқ. Оҳ, оҳ, мураббога ботириб ейишни бирам хуш кўраманки... Қуймоқнинг ҳиди димоғимга ўрлагач, деворнинг ранги ўзгаргани ҳам эсимдан чиқиб кетди.

Ойим шарпамни сезиб, менга ўгирилди.

— Турдингми? Чойингни ич-да, тезроқ ўқишингга бор, кечикиб юрма, болам...

— Ойи, — дедим таънаомуз оҳангда, — бугун якшанба-ю, билмайсизми?

— А, якшанбами? Эсим курсин, — ойим икки кафтини юзлари орасига олиб, бошини саланглатди. — Эсим қолмаяпти, Шавкат... Ҳа, майли, чойингни ичиб, дўконингга боравер.

Ойимнинг бу гапи кулгимни қистатди. Сиёб бозоридаги турли ичимликлару шарбатлар сотиладиган дў-

конлардан бири меникимас, тоғамга қарашли. Уни ҳам тоғам ижарага олган, ҳар ой қисталанг қилмай туриб, эгасига ижара ҳақини олиб бориб беради. Тақдир тақозоси билан бу юмушни бир-икки бор камина бажарган.

Ойим дастурхон ўртасига бўлиққина пишган куймоқлар қат-қат терилган товоқни келтириб қўйди-да, сўнг олдимга ва ўзининг олдига ҳам бўш ликопча қўйиб, манзират қилди:

— Ол, болам.

Ойим пазанда. Аччиқ-чучукнинг хилма-хилини биллади. Хамирли таомларни ҳам, куюқ-суюқ овқатларни ҳам меҳр билан тайёрлайди. Пишириқларни-ку, айтмай. Ҳар икки-уч кунда пирогми, печеньеми, ишқилиб, ошқозон “қўмсаб” турадиган бир ширинлик муҳайё этмаса, кўнглим жойига тушмайди. Мана, ҳозир куймоқни буклаб-буклаб, асалга ботириб еяпману, нафс ўлгур ором олмай, “яна-яна”, деб турибди-да!

Ойим чинни пиёлага чой қўйиб, менга узатди. Қўл чўзиб, беҳос кўзларига қарадим. Нигоҳларимиз бир сонияда кесишди. Шунда... шунда ўзимда қандайдир ғайритабиийлик юз бераётганини, мени англаб етмас бир куч ўзига асир қилганини ҳис этдим. Борлиғим қизиб, олов олар, юрагим аллатовур ҳису туйғуларга тўлиб-тошар, ақлу савиям эса дунёнинг менга номаълум илми нужуми билан бойиб борарди. Мен... шу зайл ойимнинг фикрини уқа бошладим. У ликопчасидаги куймоқдан чимдиб-чимдиб ер, ҳар-ҳар замонда пиёласидаги кўк чойдан хўплар, ора-сира мен томонга қараб, алланималардан вайсаб қоларди. Шу тобда меҳрибонимнинг кўнглидан мана шу ўйлар ўтаётганди...

“Шўрлик болам-а? Сени эртароқ уйғотиб юбордим. Тўйиб ухласанг бўларди. Ўзинг ором нималигини бил-

майсан. Ўқишингга борасан, ундан чиқиб, тоғаннинг дўконига чопасан, уйга келиб, алламаҳалгача китоб титкилайсан. Камига мен ҳам юмуш тайёрлаб қўяман сенга. Эҳ, тақдиримиз шунақа экан, ўғлим. Отанг ҳаёт бўлганида бошқача яшармидик? Менинг кутубхонада ишлаб топаётган пулим нимага ҳам етсин? Кийим-бошинггами? Еб-ичишинггами? Бу ёқда ҳали газу светдан қарзимиз бор. Ундан узилишимиз керак. Эҳ болам-а...”

Ойим афтига илкис термилиб қолганимни кўриб, чўчиб тушди. Юзлари ўзгариб, хавотиромуз оҳангда сўради:

— Сенга нима бўлди? Тузукмисан?

— Ҳа, ойижон.

— Бунақа еб қўйгудай тикилма-да одамга, болам. Ўпкамни тушириб юборай дединг-ку? Ие, кўзларингга нима қилди? — ҳайрати ошди унинг. — Кечаси билан мижжа қоқмай, тагин китоб ўқиб чиқдингми? Қип-қизариб кетибди.

Кеча алламаҳалда дўкондан кела солиб, ўзимни таппа тўшакка ташлагандим. Эрталаб ойимнинг овозидан уйғонганимдан билдимки, қотиб ухлаганман. Аммо лекин бу оқшом мук тушиб китоб ўқиганим йўқ-ку?

Нонуштани қилиб, юзларимизга фотиҳа тортгач, ваннахонага ўтдим. Ойимнинг дабдурустан “кўзларингга нима қилди”, дея сўрагани юрагимга гулгула солганди. Раковина тепасидаги тош кўзгуга қарадим. Ҳаммаси жойида-ку? Мана, қалин, қоп-қора қошларим, бежиримгина бурним, оч қизил лаблар, силлиқ юзлар, иягим тагидаги нуқта хол ўша-ўша. Дарвоқе, ойим фақат кўзларимни гапирмаганмиди? Ойнадаги аксим билан кўз уриштириб, раковина олдида бир оз туриб қолдим. Қорачиғларим, оқиш парда рисолада-

гидек-ку? Қизлар ҳавас қиладиган узун, соқчилардай қатор саф тортган қил мужгонлар ҳам ўша-ўша. Қизиқ, фақат линзалар борлиги билинмайди. Шаффофда, тирноқдан ҳам кичик, ингичка, юпқа, қайтага қоғоз унинг олдида қалинроқ. Фақат кўзларим шоҳпардаларига ботаётгани гашимни келтиряпти. Янгилиги учунмикан? Майли, кўникиб кетарман.

Ойнага қараб туриб, кўзларимни юмдим. Шу кўйи хиёл туриб қолдим. Билмадим, ойим чақириб қолмаганида қанча вақт серрайиб турарканман. Кўзларимни очиб, ошхонага йўналдим. Тавба, кўзим тушган неки бор, бари тиниқ, худди бурним тагида тургандай бўлиб кўрина бошляпти. Кўзларим ойимнинг кўзларига тўқнаш келганда, юрагим қинидан чиқиб кетай деди.

Тавба, ойимнинг қорачиғлари, оқ парда, ундаги қон томирлару бир-бирига туташиб, қат-қат тортган миллион-миллион ҳужайралар... ҳамма-ҳаммаси яққол кўринаётганди. Бу ҳам майлига-ку-я, нақ оғиздай каттариб кўринаётгани асабимни эговлаётганди. Бу нодир хусусият илгари йўқ эди менда. Ҳозир кўриб турганларим... ғалати, жуда ғалати. Кўзларим ичида мисоли микроскоп лупаси жойлаштирилгандай эди. Биолог микроскоп оша кўз илғамас майда ҳашароту микробларни илғаб, уларни тафтиш этаётгандай, мен ҳам чумолидан-да майда, ҳатто ундан минг марта кичик нарсаларни кўра бошлаб, эсим оғаётганди.

— Ҳа, тинчликми? Нега рангинг оқариб кетди? — айни дам ҳолатимни сизди чоғи, ойим астойдил хавотирланиб сўради.

— Тузукман, ойижон, тузукман.

— Нимага бўлмаса, кўзларинг тешиб юборай деяпти. Илгари бунақамасдинг-ку, болам.

Кўзларимни тагин юмиб очдим. Бир марта. Энди ҳаммаси рисоладагидек кечаётганди-ю, аммо ойимнинг кўнглида кечаётган фикрлари менинг миямга қуёйла бошлади.

“Тавба-тавба, нима бўляпти бу болага, а? Одамни танимагандай қарашини-чи? Бунақамасди-ку? Ё бирор жойи оғриб, безовта қиялпти-ю, йигитлигига бориб айтмаяптими-кан, а? Бу нимаси энди, а?”

Ана фикрлар қисқариб, ойимнинг тилидан тошди:

— Бирор жойинг оғрияптими? Бу нимаси энди, а?

Тўғриси, вужудимда кечаётган бу ғайритабиий сезгидан юрагимда кўрқув уйғонди. Рост, ҳеч қаерим оғриётгани йўқ. Аммо шу кунгача ҳис қилмаганим — ғайриоддийлик энди тинчимни ўғирлаган эди. Шу дам лоп этиб, хотирамга шу саҳар тушда кўрганим — учоғу стюардесса тутқазган хатжилд келди. “Қутлуғ бўлсин!” деган яшил рангли ёзув яна кўз олдимда жило сочи. Эшитганим бор, одам кўрган ёруғ, хосиятли тушини энг яқин одамига айтиши ва яхшилиқдан умид кутиши лозим экан. Менинг энг яқин кишим, ойим. Меҳрибонимнинг кўрган тушимнинг таъбирини чақа олишидан умид қилмадим, аммо рўёбга чиқишини хоҳлаб, айтиб бердим.

— Қани мана бу ерга ўтир-чи? — ойижоним билангидан тутиб стулга ўтирғизди, сўнг ўзи ҳам ёнимга судрагудек бўлиб иккинчи стулни олиб келиб, чўкди. — Самолётда учётгандим, дедингми? Ўқиганинг бир жумла яшил рангда кўриндими?

Бу гаплар ростлигини тасдиқлаб, бош ирғадим. У дик этиб ўрнидан туриб, ошхонадан чиқди-да, ҳаял ўтмай, муқоваси мовий, юпқа, юзига бир бўғин катталигида “Туш таъбири” деб ёзилган қалингина китобни

кўтариб келди. Ўтган йил бу китобнинг бир нусхасини оиймнинг олдига борганимда, марказий кутубхонада, йўлакдаги жавонда қатор тизиб қўйилган катта-кичик китоблар орасида учратиб, қизиқиб, варақлаб кўрган эдим. Етти ухлаб тушимга кирмаган Ҳазрат Дониёл, Ибн Сирин, Кирмоний сингари муаббирлару мунажжимлар, уларнинг ҳаёти ёритилиб, айрим тушларнинг таъбирлари ҳам алифбо тартибида келтирилганди. Умуман олганда, астрология дунёси, илму нужумга унча ҳушим йўқ, ихлос ҳам қилмайман. Аммо жойи келганда, бир бурун суқиб кўришга мажбур бўлар экансан.

— Уч кун аввал кутубхонадан келтириб қўйгандим. — деди оийм нигоҳини китобдан узмай уни варақлашга киришаркан. Бир муддат китобни титкилаб, керакли жойни топди шекилли, кўзлари чақнаб, “мана”, дедию, овоз чиқариб ўқишга тушди:

— Ҳўш, “Тушда самолёт кўриш ҳаётда юксалишга ва мартабанинг яна ҳам ортишига ишора бўлади. Агар киши самолётда учиб кетаётганини кўрса, юксалиши ва мартабасининг улуг бўлиши тезроқ амалга ошади...” Ана, кўрдингми, болам?

— Э, бу бир китоб-да, ойи, ҳамма нарсага ҳам ишонаверманг. — Тўғриси, бу таъбир ўзимга ҳам ёқиб тушди-ю, аммо анойилик қилгим келмади. Оийм “Тушлар таъбири”ни бир-икки варақлаб, тагин ўқий кетди:

— Ҳўш, “Агар тушингизда яшил рангли нарсаларни кўрсангиз, билингки, муродингизга етасиз”. Вой, ўғлим, шояд шу кўрган тушинг баҳона, муродингга етсанг!

— Ойижон, ёш бола бўлманг, — астойдил раҳмим кеп-кетди меҳрибонимга, — ҳаётга реал кўз билан қаранг.

— Ихлос халос, дейишган машойихлар. Кўнглим сезиб турибди. Ҳали яхши кунлар келади, болам.

— Майли, мен “Янги бозор”га ўтмоқчийдим, кеча Саттор ака маошимни берганди. Шунга шим олсам, дегандим...

— Ўғлим, бозор қочиб кетмайди. Аввал битта иш қилгин.

— Қанақа иш?

— Бугун якшанба, қолган кунлар кўлинг тегмайди. Анави Дониёл ҳазрат мақбарасини биласан-а? “Улуғбек”даги-чи? Қачон қарама, гурра-гурра сайёҳлар келади.

Ойим “Улуғбек расадхонаси”дан ярим чақиримча бериқоқдаги Хожа Дониёл зиёратгоҳини кўзда тутаётганди. Мен ойимнинг саволига жавобан бош ирғадиму, шу он кўнглим шувиллаб кетди — у мени ўша зиёратгоҳга бориб келишимни буюрса-я?

— Бир ихлос қилиб “Дониёл ҳазрат”га бориб кел, болам. Тоғанга ўзим телефон қилиб, тушунтираман. Сезиб турибман, сен хосиятли туш кўргансан, кейин...

— Ойи, ойижон, қўйсангиз-чи! — гапини кесдим, — аввал бўладиган ишларни қилай.

Ойижонимнинг раъйини қайтармоқчи эмас эдим, аммо айтишга бўлган қўйи қўйи бўлиши лозим топмаётгандим-да. Қайсарлик қилдим.

— Бошқа сафар, ойижон, майлими?

Ойим ивиган бўлка нондай бўшашиди. Ўрнидан ҳолсизгина туриб, менга бир қараб қўйди. Тагин унинг каминага айтмоқчи бўлган, аммо айтолмаган сўзлари миямга сувдай қўйила бошлади.

“Бора қолсанг, нима қиларди? Ҳамма ҳам сен кўрган тушни кўрса экан? Ҳазрат Дониёлни зиёрат қилсанг,

бирор еринг камаядимми? Ўғлим бўла туриб, айтганимни қилмасанг.. ахир, гуноҳ ишга буюрмайпман-ку? Қайтага савоб. Отасиз ўстирдим. Эртага айтганимни қилсин, бирор иш буюрсам, йўқ демай бажарсин, дегандим. Мана, кўрсатаётган кароматинг..”

— Ойижон, — дедим меҳрибоним ошхона бўсағасига яқинлашганда.

Ойим раҳм сингган овозимни эшитиб, ортига ўгирилди.

— Нима дейсан?

— Бораман.

Ойижоним суюниб кетди. Юзлари севинчдан ловлов порлади.

2. Зиёрат

Кўрган тушимнинг қиймати ҳаминқадар эмас эди, албатта. Ойим унинг хосиятлилигига аллақачон ақли етган, шу боис ҳам бунинг шукронасига ҳеч бўлмаса азиз-авлиёлар танда қўйган муборак жойларни зиёрат қилишимни истаган эди. Ўзим ҳам ҳамон ҳайратда эдим. Одамнинг ички “овози”ни эшитиш, кўз илғамас нарсаларнинг кўзга кўриниши... Фақат бир нарсага ақлим етмаётганди. Биргина туш орқали шунақа ғайритабиий кучга эга бўлдимми? Бир оқшом аввал бу гап йўқ эди-ку? Ҳаммаси бир ухлаб тургач, бошланди. Ҳазрат Дониёл зиёратгоҳига келгунча мана шуларни ўйлаб келиб, калаванинг учини тополмадим.

Хожа Дониёл зиёратгоҳи Афросиёб қўрғонининг кунчиқар тарафида, Сиёб ариғи ёқасида жойлашган. Чўзиқ, тўртбурчак тарҳли, пештоқи беш гумбазли хонадан иборат. Пештоқи ҳамда унинг икки ёни қуббали кўзсимон гулдасталари ганч ўймакорлиги

билан безатилган. Ён томонларига равоқлар ишланган. Мақбара ичида чўзинчоқ дахма бор. Устига яшил духобали ёпинчиқ ташлаб қўйилган. Узунлиги чамаси ўн саккиз қадам чиқса керак. Пастда, мақбарадан қуйроқда табаррук чашма бор. Чашма ярми ер бағрига қапишган кўза оғзидан вошиллаб оқиб чиқади. Гуё мўъжизавий кўзадан ҳеч қуримас сув отилиб тошиб чиқаётганга ўхшайди. Ихлосмандлар даставвал шу зилол чашмада юз-қўлини ювиб, ният қилиб сув ҳам ичишади, идишларига ҳам олиб кетишади. Мен ҳам таомил бўйича ана шу сувга юз-қўлларимни чайиб, сўнг ҳовучимни тўлдириб, қониб ичдим.

Хожа Дониёл мақбарасининг ёнида мўъжазгина айвон бор. Айвондан сал берироқда писта дарахт беназиргина бўлиб ўсиб турибди. Эмишки, дастлаб бу ҳазрат Дониёлнинг суқилган ҳассаси бўлиб, вақт ўтиб, гуллаб, дарахтга айланибди. Бу қанчалар рост, қанчалар афсона, билмайман. Аммо унга назар солган заҳоти оддий писта дарахтидан ажралиб турганига амин бўлади киши.

Мен келгач, чорак соат ўтиб-ўтмай бир гуруҳ сайёҳлар қадам ранжида қилишди. Бир микроавтобус бўлиб келган хорижлик зиёратчилар орасида сохт-сумбатидан ўзбек, аммо эғнидаги кийимлари, оқ кофтасига монанд бошига қўндириб олган шляпаси, елкасига таққан бежиримгина сумкачаси, кўзларидаги тим қора ойнаги хориж фуқаросини эслатадиган чамаси ўзим тенги қиз инглизча бижир-бижир гапириб, ён-веригагиларни оғзига қаратиб турарди. Шу асно, ажиб куй таралгач, у гапиришдан тин олиб, сумкачаси оғзини очди-да, қўл телефонини чиқариб қулоғига тутди ва “Лаббай, эшитаман”, дея жим қолди. Унинг таржи-

мон-гид эканига амин бўлдим. Ортиқ кузатиб туриш беадаблик эди. Мен зиёратимни давом эттириб, бир оз айлангач, зиналар оша пастга тушдим. Шу дам кўнглимга чашмадан сув олиб, уйга олиб борсам-чи, деган уй келди. Ойим хурсанд бўлади-да!

Чашмага яқинлашганимда не тонгки, боягина кўзим тушган гид қиз ҳовучини тўлдириб сув ичаётган экан. Навбат кутиб, четда пойлаб турдим.

— Сизда мабодо баклашка йўқми? — сўраб қолди у сув ичиб бўлгач, менга ўтириларкан. Пир-пир этиб турган киприклари орасидаги қорачиғлар кўзларим билан тўқнашди. Вужудимда олов уйғонди, қизий бошладим. Ақли савиям ҳаракатланаётган мотор сингари фаоллашди. Унинг айни дам кўнглида кечаётган фикрлари миямга қуйилаётганди.

“Мунча тикилмаса одамга? Нима, қиз кўрмаганми умрида? Қарашини-чи? Бирам ўктам-ей...”

— Иккимизнинг дардимиз бир экан. Мен ҳам идиш излаётгандим, уйга опкетмоқчи эдим, — дедим дарҳол.

— Юринг, ҳу анави ерга, — гид чеккадаги ажралиб турган қоровул хонаси тарафга имо қилди, — топилиб қолар.

Иккимиз ёнма-ён қоровулхона томон одим ташладик. Мен уни гапга тутдим.

— Сайёҳларингиз қани? Улар сизсиз қийналишмайдими?

— Ҳозир тушлик қилишяпти. Ўзимиз телефон қиламиз дейишди.

— Улар сизни таклиф қилишмадими?

— Обедгами? — ялт этиб қаради у менга. — Таклиф қилишди. Хоҳламадим. Барибир ноқулай-да!

— Ҳмм. Анча вақтдан бери гидлик қилиб юрибсизми?

— Йўғ-с, ҳали ўқишни тугатганимча йўқ. “Иняз”да ўқийман, учинчи курсда. Тажриба алмашиш учун чиққандим.

— Инглиз тилини қотираркансиз.

У жилмайди. Жилмайганда янада чиройи очиларкан. Лабларининг икки четидаги кулгичлари порлаб, бу соҳибжамол кўзга гулдек кўриниб кетаркан.

Қоровул чол бизга атиги бир дона бир литрлик бўш баклашка топиб берди. “Бор-йўғи шу”, деб кулимсирагач, ортиқ уни хижолатда қолдирмаслик учун изимизга қайтдик. Идишни гид қизга узатгандим, тайсалланди. Андак қизаринди ҳам. Ҳаяжонланаётгани шундай кўриниб турганди-ю, сездиргиси келмасди. Ўзича жасоратли иш қилмоқчи бўлди.

— Сиз фойдалана қолинг. Мен барибир, эрта-индин яна бошқа сайёҳлар билан келишим мумкин, ўшанда ўзим билан бирорта идиш олиб келаман.

Кулиб юбордим.

— Унақаси кетмайди, — шунда беихтиёр унинг оппоқ билагидан тутиб, кафтига баклашкани тутқазганимни сезмай қолдим. Бу шундай кутилмаганда содир бўлдики, ўз ишимдан ўзим уялиб кетдим. Танимаган, биринчи учратиб турганим — бегона қиз боланинг қўлидан ушлаб олгандим.

“Журъатингга балли-е! Ҳали бирор бир курсдош йигит қўлимдан ушламаганди. Сен олғирлик қилдинг. Ҳаммавақт ҳам шундай ўктаммисан?”

Бу ички овозга жавоб беришдан ўзимни зўрга тийиб турардим. У мен фавқулодда қилган бир кичкина жасоратдан карахт алфозга туша бошлаган, лаблари қимтиниб, юзлари лоларанг тусга кираётганди. Қизиқ ҳолат юз берди. Қандайдир куч иккимизни ҳам гунгу карга айлантирган, на ундан, на мендан садо чиқар,

энди бояги бор жасорат сўниб, ўрнини ҳаяжон, уят ва хиёл қўрқув эгаллаганди. Орадаги ўнғайсизликни туйқус таралган телефон куйи тўздириб юборди. Гид қиз қўлтелефони қулоғига тутиб, инглиз тилида гапира бошлади.

— Hello! Have you finished your lunch? I'll come in five minutes (Алло! Тушлик тугадими? Ҳозир беш дақиқада етиб бораман.)

Тавба! Мен тагин сеҳр ичида қолдим. Бу кунга қадар менга ноаён беш-бегона тил тилсимини очиб, юрагимга, ақлу заковатимга ўрнаша бошлаганди. Ўлай агар, “окей”, “гуд” каби сўзлардан бошқасини билсам... Энди эса... ёнимдаги манави гид қиз талаффуз қилаётган инглиз тилидаги ҳамма сўзни фаҳмлаётгандим. Гўё инглиз тили менга она забонимдек таниш, гўё туғилганимдан буён бу тилдаги сўзу ибораларни эшитиб юргандек эдим.

— Майли, мени чақиришяпти, бора қолай, — шундай деб мендан икки-уч қадам узоклашган ҳам эди, тўхтатдим.

— Шошманг. Йўлимиз бир. Мен ҳам энди кетмоқчи бўлиб тургандим.

У ажабланиб, қўлидаги чашма суви тўлдирилган елим шишага, сўнг менинг бўм-бўш қўлларимга қараб, бесаранжомланди.

— Зиёратга келиб, сув опкетмасангиз...

— Бошқа сафар келиб, опкетарман, — шундай деб унинг кўнглини хотиржам қилгим келди-ю, аммо ўзим билан чашма сувидан олиб кетмаётганимга ўксинаётгандим. Ойимга элтишни, уни шу муборак неъмат билан севинтиришни истаётгандим. Теваракка сер солиб, нигоҳим илкис ёғоч ўриндиқда ағанаб ётган бўш елим

шишага тушди. Афтидан ҳозир кимдир шу ерда ўтириб шарбатми, чойми ичгану, бўшатиб, сўнг ташлаб кетганди. Севинганимдан ичимга сиғмай кетдим.

— Худо ишимизни ўнг қилганини қаранг, — дедим ўриндиқ томон чаққон юриб бориб, “Импра” чойидан бўшаган бир литрли елим шишани оларканман, — кутиб турсизми?

Ундан ажралгим келмаётганиданми, кетиб қолишини истамаётгандим. У хоҳламаётган бўлса ҳам бош силкиб, кутишга ишора берди.

Елим шишага бир оз сув олиб, силкитиб-силкитиб, уч бора чайқагач, идишни лиммо-лим қилиб, қопқоғини ёпдим.

Хожа Дониёл зиёратгоҳидан узилиб, ўнгга, “Оби Раҳмат” ресторани томон юра бошладик.

— “Иняз”да ўқийман дедингиз-а? — боягина қизнинг ўзи шу маълумотни берган бўлса-да, нима гап айтишни билмай, сўрадим. У бир сўз демай, тасдиқлаган бўлиб бошини лиқиллатди, холос.

— Қайси факультетда? Шунисини айтмадингиз-да боя?

Гид “шуни билишинг шартми?” дегандек менга қаради. Кўзларимиз тағин тўқнашди.


— Инглиз филологиясида.

“Нега менга қизиқиб қолди? Терговчими ё? Қизиқ?”

Мен энди қизиқиш боятдан бери ич-этимни қиздириб, ҳеч тинчлик бермаётган бир саволни бердим. Саволни бердим, қандай жавоб беришини кутиб, кўзларига термилдим.

— Исмингиз нима?

“Буниси энди ошиб тушди?”



Унинг хиёл қизарган юзларида табассум пайдо бўлди. Сирти майда гулли, оқ-қора чизиқли сумкасининг чўнтаги оғзини очиб, кўзойнагини олди-да, кўзларига тақди. Сўнг “кўзойнагим” қорачиғларимда жойлашган кўзларимга боқди.

— Ўзини тарозига соляпти, демангу, илтимос, шу саволингизга жавоб бермасам, майлими? Барибир, эртага унутиб юборасиз.

— Унутиб юбормасам-чи? — тихирлигим тутди.

— Қўйинг, яхшимас.

— Нега исмингизни айтишни истамаяпсиз? Шунчалар сирлими ё ирим қиласизми бировга айтишга?

— Ирим қилмайману, ҳарҳолда...

— Қизиқ, ўз исмини қизғанадиган одамни биринчи кўришим, — тўғриси ҳам ажабландим, ҳам бир оз ранжидим ҳам. Энди жаҳлим ҳам чиқа бошлаганди. Аммо буни сездирмасликка уриндим. Гарчанд у сўрамаса ҳам исмимни айтдим. Кейин қўшиб қўйдим. — Биз исми-мизни ҳеч кимдан қизганмаймиз. Ирим ҳам қилмай-миз.

— Энди табиатим шунақа-да, нима қилай? — деди у “айби”ни тан олиб.

Гап-гап билан бўлиб, ресторан олдига келиб қолганимизни сезмай қолибмиз. Бизни йўл чеккасидаги микроавтобус ёнида турган кекса эркак сайёҳ қарши олди. Бошқалари эса машина ўриндиқларига жойлашиб олишган экан.

Кекса сайёҳ аввал менга шунчаки бир назар солди-да, сўнг ҳамроҳимга қараб, бидирлади:

— Малика, сиздан хавотир ола бошладик, беш дақиқада келаман, деб саккиз дақиқада келдингиз...

Шаффоф кўзойнак таққан, тепакал, соқоли сийрак бу сайёҳ мушкулумни осон қилиб юборганидан

ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим. Қиз бечора сайёҳга таънаомуз тикилиб қолди, кейин тутила-тутила жавоб берди:

— Узр, чашма сувидан олгандим, шунга ушланиб қолдим.

Мен жилмайган кўйи ҳозиргина исмини билиб олганим-гид қиз билан шундай хайр-хўшлашдим:

— Малика, бу одам-чи, жуда зўр экан. Омон бўлинг!

Бурилиб кетаётганимда Малика микроавтобусга чиқаётиб, кўзларидан тим қора ойнагини олarkan, мен билдирган тилакни ўзимга “қайтарди”:

— Омон бўлинг!

3. Дўкон

Зиёратгоҳдан чиқиб, тўғри Сиёб бозорига йўрғаладим. “Янги бозор”га ўтишни кўзлагандиму, аммо фикримдан қайтдим. У ерда ҳам яна бир-икки соат қолиб кетсам, тоғам бошимда ёнғоқ чақиши турган гап. “Ўқишинг бўлмаган куни ҳам ивирсиб юрасанми”, деб койийди. Сиёб бозоридан сал бериоқда аёлу эркалар кийим-кечаклари сотиладиган икки қаватли ҳашаматли “Шодиёна” дўкони бор. Моллари бир оз қиммату, аммо асли кўп. Шу ердан шим харид қилишни кўнглимга тугиб, тоғамнинг чоғроққина дўконига кириб келдим. Тоғам сарғайиб, шалоги чиққан қалингина бир дафтарга алланималарни ёзаётган экан. Олдида шапалоққина микрокалькулятор ҳам бор. Ҳайрон қолдим. Негадир бир ўзи. Ўғли Самандар йўқ. Мендан уч ёш кичик тоғаваччам мактабни нари-бери тугатиб, отасининг мана шу дўконига танда қўйиб олганди.

Салом бериб тоғамга яқинлашдим.

— Келдингми, мижозларга қара, — деди тоғам мен

билан қўл бериб кўришгач, яна ишини давом эттираркан. — Самандар товарга кетган, кеп қолади.

Тоғам ҳозир менга қараганида кўзлари кўзимга тушганди. Вужудим тагин қизиб, миям фаол ишлай кетди. Тоғамнинг ручка билан нималарнидир қитирлатиб ёзаётганини ғайришуурий ҳисларим орқали англай бошладим. У кечаги савдонинг ҳисобини чиқариш билан машғул экан.

Мен ғайритабиий қудратимнинг яна бир қиррасини кашф этдим. Кўз кўзга тушгач, кўрмай туриб ҳам одамнинг нима ёзаётгани ё ўқиётганини билишим мумкин экан. Мана, тоғам ҳозир нечта маъданли сув сотилгани, неча кун аввал келтирган шарбатлардан қанча қолгани ва шу каби масалаларнинг чўтини олаётганди.

Ёнг шимариб, ишга шўнғидим. Хиёл ўтиб, Самандар келди. Бир “Дамас” маъданли суву шарбат келтирибди. Икковимиз ҳаш-паш дегунча юкларни ертўлага олиб кириб, жойладик. Елим шишалардаги маъданли сувни шундайгина эшик ёнига қўйдик. Мижозлар кўпинча шарбатдан кўра маъданли сув сўрашади. Таъбларига қараб, газли, газсизини олишади.

Дўкон ола-говур жой. Одам оёғи узилмайди. Кўнгли қайсидир бир ичимликни тусаган харидорки бор, келиб, ўзига маъқул бўлганини олиб кетади. Бу ерда харидорларнинг қадам товушлари, овозлари муттасил эшитилиб туради. Шунданми, доим шовқин. Аммо вақт ўтганини сезмай қоласан киши.

Аслида дўкон менинг жойиммас. Тайинли иш, бирикки сўм ишлаб топишим мақсадида ойим тоғамдан сўраб, мени “жойлаштирган”. Ҳарна рўзғорга ёрдам бўлсин деб, ўқишдан кела солиб, шу ерга югураман. Тоғам бир оз зиқнароғу, аммо қойиллатиб ишласам,

оладиган иш ҳақимнинг чўғини оширади. Ланжлашсам, пасайтиради. Шунинг учун ҳам кўпинча астойдил ишлайман.

Қизиқ бўлди. Иш жараёнида дам-бадам кўзлари кўзимга тушган мижозларнинг ички овозини, кўнглидаги битикларини, сиру асрорларигача миям “ёзиб олаётган” сайин бошқача бўлиб кетяпман. Тўғри, улар бевосита етказаётган шахсий хабарларни мен “ғамлаётганимни” билишмайди, бу нарса хаёлларининг кўчасига ҳам келмайди-ю, аммо нима десам экан... Ўзимни худди ўғридай ҳис қила бошлагандим. Ҳа, мен хос хабарлар, сир-асрорлар ўғрисиман. Аммо нима қилай, бу ихтиёримдаги иш эмас. Файришуурий ҳол. Борлиғимда гайриқудратий куч юзага келган, буни тўхтатиб ҳам, сўндириб ҳам бўлмаяпти. Одамларнинг фақат ўзларигагина аён сиру асрорларини кўнглим “ўғирлайвергани” учун ҳам айни дам ўзимни гуноҳкор ҳис қила бошлагандим. Дўконга келиб-кетгувчиларнинг оёғи узилмайди. Нигоҳи нигоҳимга қадалганки бор, “зарарланиб”, ўзи билмас алфозда мен томонга дил дарчаларини очиб қўйишаётганди:

“Савил кетгур “Кола”га бош қоронғи бўласанми, а? Олмагами, узумгами бўлмайсанми? Энди дўконма-дўкон изғиб, эрка келинга “Кола” ташиганим қолувди. Ўғлимни бекор жўнатибман-да Россияга? Ўзи ёнида турсин эди. Ҳа ордона қолгур-а?...”

“Жонга тегди шу гап-гаштагиям. Борасан, ичасан, қайтасан. На тузук гурунг бўлади, на бундай кўнглингни ёзиб, ҳордиқ чиқарасан? Фақат “ҳа-ҳа-ҳа-ҳа”, “ҳи-ҳи-ҳи-ҳи”. Ичкилик. Бўкиб ичасан. Ичмаганингга қўйишмайди. Қўшилмасанг, песга чиқаришдан тойишмайди, аблаҳлар. Кейин бир ой бошинг оғриб юради. Ўзингга кела олмай юрасан. Синфдош, бир

мактабда ёнма-ён ўтириб, ўқиганинг ҳурматидан борасан-да?! Бўлмаса, зарил кептими? Бугун менинг галим. Барини ароққа чўмилтиришим керак...”

“Хўш, бу ерда ичимликларнинг нархи...ҳм, ота-бобосининг нархини қўйишибдими, инсофсизлар-эй, сал арзон қип сотишса бўлади-ку?”

Ичингдан қиринди ўтказадиган шунақа гапларга тоқат қилолмай кетаману, аммо илож қанча? Югуриб бориб ёқасидан олсанг, сени девонага чиқаришлари турган гап. Одам олasi ичида дейишганларича бор экан. Ёқмаса-да, шу баҳона ким “оқ”, ким “қора”, билиб олаётгандим.

Шу асно шим сотиб олишим кераклиги ёдимга тушиб, тоғамдан рухсат олиб, “Шодиёна”га физилладим. Икки қаватли дўконнинг хоналаридан бирига кирдим. Хонанинг тўрт деворига ҳам турли рангу услубда тикилган шимлар қатор териб ташланган. Ҳаммаси “мана, мени сотиб ол” деб кўзга олов сачратиб турибди. Ичкарига киришим билан кўринишидан менга тенгдош сотувчи йигит олдимга пилдираб келиб, матоҳларини оғзидан бол томиб, мақтай кетди:

— Шим оласизми, жўра, марҳамат. Ҳаммаси асл мол. Қанақасидан керак: классический, спортивний... жинси керакми, ворёнками?

Мен унга парво қилмай, сўлга ўтдим, пастроқда илиғлиқ мовийранг жинси шимни танлаб, нархини сўрадим.

— Олтмиш беш минг сўм, — деди йигитча кўзларини лўқ қилиб. Шимни илгагидан бўшатиб, бўйимга ўлчадим. Калта эмас. Кейин чеккароқдаги парда туширилган бурчакка ўтиб, кийдим. Ўз ўлчамим. Лойиқ келди.

— Арзон қилинг, оламан, — дедим. У ҳушёр тортди.

– Майли, олтмиш минг. Бу нархда сиз олаётган жинсини ҳеч қарда бермайди.

“Оптомда қирқ мингдан тушган. Йигирма минг фойда. Аввалгилари ўттиз мингга тушган. “Карам”нинг “ўйнаётгани” чатоқ бўляпти-да. Тагин кўтарилса, зиён...”

Мен сотувчининг кўнглидан ўтаётган олатовур ўйларни уқиб, кўзларига боқиб дедим:

– Қирқ минг бераман.

– Ие, тоза ерга урдингиз-ку? Ўзининг нархиям-мас-ку? Бу пулга сизга жинси борми? – ранги гезарди шимфурушнинг.

“Тан нархини айтди-ку бу? Бирор жойда шу нархда кўрганмикан? Ҳе, қаяқда? Сотувда қирқ мингга жинси беради, шимилдириқни ҳам бермайди...”

“Ўзининг нархи қирқ мингмасми, ёлғончи”, деб бир чақиб олмоқчи бўлдим, шайтонга ҳай бердим. Иккимиз тортишгач, охири у яна беш минг камайтиришга кўнди. Сотиб олдим. Сувқопчиққа солинган янги шимни қўлтиқлаб, тоғамнинг дўконига қайтдим. Харидни бир чеккага қўйиб, Самандарнинг ёнига ўтдим.

– Шавкат, ертўлага тушиб, “Фанта”дан опчиқ, қара, камайипти, – деди тоғаваччам эшикнинг сўл тарафига имо қилиб. Чиндан ҳам бу ичимликнинг “баракаси” камайиб, атиги икки қути қолган экан. Неча бор ертўлага зинғиллаб тушиб чиқиб, қути-қути “Фанта” олиб келиб, ўрнини тўлдирдим. Ишни қойиллатгач, кафтларимни чанг-чунгдан тозалаб, тоғаваччам сари юрган ҳам эдимки, илқис касса олдида турган таниш кимсага кўзларим тушиб, кўнглим ёришиб кетди. Шляпасидан тортиб кофтасигача, бежирим сумкачаси ҳам оппоқ бўлган қизгина эрталаб Хожа Дониёл зиёратгоҳида танишганим Малика эди. Кўзларида қоракўзойнаги йўқ

эди. У афтидан, шарбат ё маъданли сув сотиб олганми, харидининг пулини тўлаётганди. Оёқларим беихтиёр у томонга бурилди.

— Ҳорманг, — дедим гид қизнинг орт тарафидан келиб, ёнига ўтарканман. У тоғам узатган қайтимни олиб, менга қаради-да, ҳайратдан кўзлари катта-катта бўлиб кетди.

— Сиз? — деди сўнг ҳайрон бўлиб. — Шу ерда ишлайсизми?

Унга жавобан бош ирғадим. Аммо унинг бундан қониқмаганини сездим. Тоғам кузатиб турган экан шекилли, орага қўшилди:

— У талаба. Бўш вақтида келиб, қарашиб туради менга.

Маликанинг чиройли кўзларида севинч, оппоқ юзларида сезилар-сезилмас қувонч пайдо бўлди. Шу дам унинг кўнглида савол уйғонди.

“Бу киши сизга ким бўлади?”

— Бу киши тоғам бўладилар, — жавоб бердим чаққонлик билан. У енгилгина бош ирғаб қўйди.

— Омон бўлинг!

Малика эшик тарафга бурилди. Ортидан боргим, уни кузатиб қўйгим келди-ю, тоғамдан иймандим. Кейин ҳалитдан “исли” гаплар чиқариб, ойимга карнай қилишидан андиша қилдим. Тўғри-да, “жияннинг тўйини бошлайверинг, опа, келин ҳам тайёр экан”, деса, мен нима деб жавоб бераман?

— Бўлажак келинми? Дидинг чаккимас, жиян? — гурсиллаб гапириб юборди тоғам. Самандар буни эшитиб, илжайиб қўйди.

— Нималар деяпсиз, тоға... — қип-қизариб кетдим шекилли, гапимни ҳам охиригача етказолмадим. Тоғам хохолаб кулиб юборди.

— Тоғангни аҳмоқ деб ўйлама бола, ер тагида илон қимирласа биламан-а...

— У билан шу бугун Хожа Дониёлда танишдик...

— Ана, танишдик, деяпсан, бўлди-да?! Аввал танишасан, кейин учрашасан, гаплашасан, қарабсанки, лубов-да?

— Э, боринг-е...

— Ха-ха-ха...

Тоғам гапуқмас одам-да. Гапинг ярмига етмасидан оғзингдагини чангаллаб олади. Бир сўзга ёпишса, берди худо, шуни “дастак” қилиб олиб, мўлжаллаб ураверади-ураверади. Қочиб қутуласан, холос.

— Шавкат, — дея чақирди тоғам касса олдидан узоқлашаётганимда. — Сигаретим қомапти. Бир пачка олиб кел.

Тоғам узатган учта минг сўмликни олиб, ортимга бурилган ҳам эдим, бехос бир харидор аёлга урилиб кетдим. Кўксим унинг кўкракларига қапишиб, кўзларим нақ пиёладай келадиган кўзларига кириб кетгудек бўлди. Ёши ўтинқираган бўлса-да, аямай юзларига упачаплаган, лаблари лаббўёқдан қондай қип-қизариб турибди. Ўзига бино қўйган сатанг хотин — қўнглимга шу ўй келди. Тагин вужудим қизиб, миям машина моторидек тез ишлаб кетди. Сатанг хотин ичида мени қарғаётган экан. Тилига чиқара олмай, дилида қолиб кетган қарғиш сўзлар борлиғимга қуйилиб, мени ўсал қилди.

“Кўзинг тешилгур, олд-орқангга қараб юрсанг ўласанми? Кўкракларимга тош келиб урилгандай бўлди-я? Ваҳ-ваҳ, жоним қақшаб кетяпти. Ҳе, бўйгинанг чиригур...”

Бу аёл шунчалар ёмонми? Нега қарғанади? Билмай

тўқнашиб кетганимга шунчами? Кейин айб ундамас-ми? У мен томонга қараб келаётганди, чамаси.

— Э, кўз борми? Ҳуш қаёқда?! — қойий кетди у па-лағда товушда, узук тақилган қўли билан кўкрагини силаб-силаб қўяркан. Мен дарҳол узр сўраб, сигарета олиб келиш мақсадида дўкондан чиқдим. Дўкони-мизнинг биқинидаги кичкина дўкончадан тоғамнинг хуморбосдисини олиб, изимга қайтгунимча ҳам мени қарғаётган хотинни унута олмадим. Унинг чақчайган кўзлари, қийшайган юзлари, дўрдоқ лаблари — бор вужуди менга қарши, нафрат ўқларини ҳозирлаган эди. Қўл силтаб, эсдан чиқаришга уриниб, изим-га қайтдим. Тагин кайфияти тушди. Сатанг хотин ҳали кетмаган экан. Бир қўлида ранги ўзининг ран-гидай совуқ, қаппайган сарғиш сувқопчиқ. Бир ел-касида кўйлаги рангига мос тўқ қизил сумкача илиб олган. Шу дам ҳаллослаганича Малика кириб келса бўладими? Унинг шарпасини сезиб, дўкончадаги бор одам шу томонга бир сидра қараб олди. Тоғам ҳам, Самандар ҳам ажабланиб боқишди. Малика касса аппарати олдига силжиб борди.

— Телефонимни қолдирибман. — У шундай деб ат-рофга аланг-жалаңг қаради.

— Телефон? — тоғам ҳам ён-верига қараб, кўзлари билан қидира кетди.

— Ие, мана, — Малика касса аппарати ёнидан ихчам-гина қаҳварангдаги қўл телефонни олиб, сумкаси чўн-тагига солди. Телефон касса аппарати қўйилган стол ранги билан бир хил бўлгани учун ҳам кўзга ташлан-май турган экан-да. Шугина ўй кўнглимдан ўтиб-ўт-май, энди ёт ўйлар миям қобиғидан сирғалиб ўтиб, борлиғимни олов олдира бошлади.

“Хусни чаккимас. Кўҳликкина экан. Эр кўрмаганлиги кўриниб турибди. Илдириб олсам, Видик соққасини беради. Ўзи айтган-онаси ўпмаганларини топиб келсанг, оғзингга сиққанини оласан, деган. Мана, олдимдан чиқди. Вазиятни бой бермаслигим керак. Аввал пойлаб борай-чи: бошпанаси қаерда, иш-жойи... Кейин план тузарман...”

Қўлларим ўз-ўзидан мушт бўлиб тугилди. Кўзларимда қаҳр уйғонганини ҳам сездим. Бу ич-сирти тимқора ўйлар анави сатанг хотиндан таралаётгани шубҳасиз. Ана, кўзларининг қирраси билан Маликани кузатяпти. Одам қарашга жирканадиган кўзлари билан. Шўрлик Малика буни пайқамаяпти ҳам.

Туриб-туриб, бирдан хаёлимга келган ёв ўйдан чўрт чўчиб тушдим: “қўшмачи”. Бу сингари қизфурушлардан эҳтиёт бўлган маъқул. Бечора Малика унинг қармоғига илинишига йўл бермаслигим керак. Ўз-ўзидан билагимда куч пайдо бўлди, юрагимда учқун уйғониб, зумда олов бўлиб гурлади. Чини билан одамни билиб бўлмас экан. Одам олasi ичида.

Малика дўкондан шошиб чиққач, унга сатанг эргашиди. Мен жойимда қозикдай қадалиб тураверсам, фурсатни бой беришим, бир бечора пок қизнинг уволига қолишим мумкин эди. Эҳтимол, вужудимда сезаётганим — аъло ҳис мана шундай киши билмас пистирмаларга дуч келадиган фариштамонанд қизларни ҳимоялаш ва уларни овлаб юрадиган сатангга ўхшаш бузгунчиларнинг додини бериш учун берилгандир. Яна ким билсин. Мен тоғамга дарров қайтиб келишимни айтиб, ундан розилик олдим-да, ҳозиргина дўкондан чиқиб кетган Малика ва сатангнинг изидан тушдим.

4. Дўст

“Бу жувонмарг ишнинг белига тепди-ку? Ё планининг исини олдимиз? Қаёқда? Авлиёмас-ку? Бирор зарил гапи бордиру, шу эсига келиб, орқасидан югургандир-да? Шошма-шошма, бу ахта бўлгур, қиз бўлмағурга ким бўлади? Ўйнашимикан ё? Буни ҳам аниқлаш керак. Аммо-лекин ёрдами тегди. Исмини аниқлаб берди. Малика экан исми...”

Дўкондан чиқа солиб, ўн қадам узоқда кетиб бораётган Маликанинг отини айтиб чақирганим ўзимга панд берди. Унинг орқасидан тўхтамай итдай эргашиб бораётган сатанг хотин гид қизнинг исмини билиб олди. Тўғри, бу ҳали каромат кўрсатгулик иш эмас-ку-я, аммо қўшмачиларга ўлжасини қўлга тушириш учун бу ҳам бир енгиллик-да. Сатангни четлаб ўтганимда у менга ўқрайди. Кўзларимни пирпиратиб қарагандим, қамашиб кетди. Тавба, унинг совуқ сўхтаси миямда муҳрланиб қолди. Худди сураткаш фотоаппаратини ишга солганда юз беражак ҳол содир бўлди лаҳза ичида. Бу яна нима каромат бўлди?

“Ҳа, кўзларинг оқиб тушсин. Расво қилдинг. Менга халал берадиган сен чигирткани эзиб ташламасамми ҳали?”

“Ифлос” — тилимдан шу қора сўз отилиб чиқди. Асабим эговланиб кетди. Сатангнинг олдига бориб, айтадиганимни айтмоқчи эдим, аммо мумкин эмас эди-да. Мен оғир-вазмин бўлишим, иродамга таянишим керак. Тоқатсизланиб, бирор ҳунар кўрсатсам, биринчидан кулгига қоламан, кейин у мени “туҳматчи”га чиқариб, тўполон кўтариб, посбонни чақириши, устимдан ёлғону бўҳтонларни қалашти-

риб, шикоят қилиши тайин. Бунақа ичи-ю сирти қора, ўю хаёллари, нияту мақсади ғирт бузуқ нусхалардан ҳар нимани кутиш мумкин.

— Тинчликми? — менга ҳайрон боқди Малика олдида келганимда. Икковимиз тўхтаб қолдик. Сатанг чаққон-чаққон юриб, биздан олислашди. Рўй-рост гапни айтиб, уни қўрқитгим келмади. Таклиф билдириб қўя қолдим.

— Сизни кузатиб қўйсам дегандим?

У “жиннимисиз”, дегандай ним жилмайди. Афтидан, энсаси қотди-ёв. Тўғри-да, тузук-қуруқ танимаган-билмаган бир одам олдинга келиб, ҳе йўқ-бе йўқ “кузатиб қўяй” деса? Эриш туюлмайдами?

— Биринчидан, қоронғимас, ана офтоб чарақлаб, ҳаммаёқ ёришиб турибди, кейин атрофда одамлар кўп.

“Ана шу одамлар орасида ёмони ҳам бор, сиз билмайсиз” демоқчи бўлдим, негадир журъат қилолмадим. Гапни кўзларидаги ойнакка ишора қилиб, ҳазилга бурдим.

— Қора кўзойнакни таққанингиз учун атроф қоронғи бўлса керак, дегандим-да.

У шарақлаб кулиб юборди. Кейин бармоқларини кўзойнагининг гардишидан оҳиста ушлаб, кўзларидан ечди-да, тагин табассум порлаган нигоҳини нигоҳимга тикди.

— Мана, энди сиз айтгандай, атроф қоронғимас, — кейин жиддий тортди, — Шавкат, илтимос, дўконга қайтинг, тоғангиз...

— Тоғамдан рухсат олдим, — деб хитоб қилдим, беихтиёр Маликанинг нозиккина қўлидан юки бор сувқопчиқни олдим. У ортиқ қаршилиқ қилмади.

— Майли, бекатгача, — деди сўнг уялиб хиёл паст товушда.

Бекат бозордан пастроқда, “Шодиёна” дўконидан, чамаси йигирма-ўттиз қадамлар нарида эди. Малика билан бақамти қадам ташлаб, манзилгача у-будан гаплашиб бордик. Малика оиласида кенжа қиз эканини, ўзидан аввалги икки опаси турмушга чиқиб, болали бўлганини айтди. Дадаси туман поликлиникасида терапевт врач экан. Аяси мактабда муаллималик қиларкан. Ўқишга лицейни тугатган йили кирган. Шартнома асосида ўқиркан. Инглиз тили билан бирга япончани ҳам ўрганаётганини айтганида, чиндан, унга ҳавасим келди. Хорижий тилларда эркин гаплашиш, фикрингни очиқ-ойдин билдириш... яхши-да! Интеллигент! “Ҳозир инглиз тилида қарийб бир миллиардан зиёд аҳоли гаплашади. Агар дунёда етти миллиард одам бўлса, бу ҳар етти кишидан биттаси билан бемалол фикр ўртоқлашиш дегани”, деб гурурланиб қўйди. Мен ҳам ўзим ҳақимда қисқача маълумот бердим. Ойим иккимиз бир квартирада туришимизни, ойим шаҳар кутубхонасида ишлашини айтдим. Университетда таҳсил олаётганимни, бу йил иккинчи курсга ўтганимни ҳам айтдим. Шу билан бекатга етиб келдик. Сувқопчиғини қўлига тутқаздим.

— Раҳмат, — деди бу гўзал қиз юкини кўтариб келганимга, сўнг тагин бидирлади: — Қўриқчилик қилганингиз учун алоҳида раҳмат!

Икковимиз ҳам беихтиёр кулиб юбордик. Кейин манзилига олиб борадиган 72-йўналишдаги автобус келиб тўхтагач, мен билан шоша-пиша хайрлашди-да, ўзини йўловчилар орасига урди.

“72” ортидан тутун бурқситиб, то кўздан узоқлашгунича жойимда қадалиб туравердим. Бирдан миямга лоп этиб шу фикр келди:

Анави қўшмачи қаерга ғойиб бўлди? Эҳтимол, бошқа

Ўлжа излаб, сандроқланиб кетгандир? Нима бўлганда ҳам Маликага яқинлашмаса бўлгани. Менинг Маликамга... Нималар деяпман ўзи? Менинг Маликам? У меникими? У энди менга тегишлими? Наҳотки...

Ландовурлик қилиб қўйганимни фавқулудда англадим. Ахир, телефон рақамларини сўрамадим-ку? Сўраган тақдиримда ҳам берармиди? Ҳали тузукроқ танишишга улгурмадик ҳам. Шунчаки Хожа Дониёлда тасодифан “тўқнашдик”, холос. Унинг тоғамнинг дўконига келиб, шарбат олиб кетгани ҳам тасодиф. Аммо анави сатангнинг ниятини билиб, ҳимоя қилмоқчи бўлганим-чи? Бу ҳам тасодифми? Йўқ. Уни тақдир менга атаган. Малика... менга ағалган қиз. Шундай деб ўзимни овутдим, яна тагин хавотир олови юрагимни жизиллата бошлади. Анави қўшмачи топиб олса-чи? Бугун бўлмаса, эртага. Бунақа бузуқиларнинг ниятини билмасам эканки... Майли, қаерда ўқишини билиб олдим-ку? Эрта ё индин институтига ўтаман бирор нимани баҳона қилиб. Қувиб солмас. Шу ўйлар билан ортга бурилиб, тоғамнинг дўконига қайтдим.

Кечкурун уйга кириб борганимда йўлакдаёқ ошхона тарафдан келётган таом иси димоғимни қитиқлаб юборди.

— Ойижон, мен келдим, — дедим кроссовкамнинг бандини бўшатиб, бирма-бир пойабзалимни ечаётиб. Ойим овозимни эшитибоқ ошхонадан чиқиб келди. Қўлида чўмич, белига этак тақиб олган.

— Ассалому алайкум! Овқатингиз пишдими? Итдай очман.

— Кел, болам, — ойим қўлимдан сувқопчиқни олиб, оғзидан мўралаб қўйди. — Нималар кўтариб юрибсан, болам.

Мен ойимнинг қўлидан сувқопчиқни олиб, ичидан

чашма суви солинган елимшиша ва юпқа сувқоғозга ўроғлиқ жинси шимни олиб, тагин қайтардим.

— Озроқ бозорлик қилгандим, сабзавот, мева. Нон бор эди, шунинг учун олмадим. Мана бу эса табаррук сув, Хожа Дониёлдаги чашманики.

Ойимнинг юзлари зумда ёришиб кетди. Ёнигоҳини бир муддат елимшишадан узмай, қараб турди-да, сўнг уни ўзимга қайтарди.

— Болам, буни ният қилиб опкелгансан, юз-кўзларингни юв, озроқ ич.

— Сиз-чи?

— Майли, ошхонада тура турсин.

Елимшиша яна ойимнинг кўлига ўтди. Мен шимни кўлтиқлаб хонамга йўрғалагандим, ортимдан ойим овоз солди:

— Кийимларингни алмаштириб, ошхонага ўт, ҳозир шўрвани сузаман.

Зулматга банди бўлган чоғроққина хонам чироқ тугмачасини босганим он ёришиб, нурга лиммо-лим бўлди. Бўйи бўйимдан сал баландроқ кийим сақланадиган жавонга яқин бордим. Жавон дарчасини очиб, унинг ортига михланган ойнага бир муддат термилдим. Ҳаммаси жойида. Туриб-туриб, илкис кўзларим қичишди. Аввал ўнги, кейин сўли. Сезиб турибман, линзалар ҳамон шох пардага ботиб, ғашимни келтиряпти. Бундан аввал янги линза таққаннимда ҳам шунақа бўлганди. Аммо олдингиларини ҳар кун дориланган сувига бир ботириб олиб, сўнг кўзларим ичига жойлаштирардим. Жонимга тегиб кетганди. Кечқурун бир азоб, эрталаб бир азоб. Қурғур шугина шаффоф нарса тирноқча ҳам келмайди-ю, аммо каромати...биринчи гал таққаннимда кўзларим сал қичишиб, андак оғриқ берди-ю, аммо бошим айланмади, кўнглим айнимади ҳам. Илгари,

мактабда ўқиб юрган кезларим ойнак тақардим. Ҳар гал бу кўзкишанни алмаштирганимда, кўзларим то кўзойнакка ўргангунча ҳаловат нималигини билмасдим. Ҳозир бундай эмас. Қичишишини айтмаса, ҳаммаси кўнгилдагидек.

Ойнага термилиб, узоқ қолиб кетдим шекилли, ойим яна чақирди:

— Кела қол, Шавкат, овқатинг совийди.

Кийимларимни алмаштириб, ошхонага йўналдим.

— Ҳа, ухлаб қолдингми? Келишинг мунча қийин бўлди? Ўтир.

Стулни суриб, чўкдим. Устига кўкат сепилган ёғлиққина шўрва иштаҳамни очиб юборди. Ликопчадаги майдалаб кесиб қўйилган нон қоқилардан бир кафт тўлдириб олиб, овқатимга ташладим.

— Тоғангни ишлари жойида эканми? Ҳеч нарса демадими? — сўради ойим нон кавшай туриб.

— Йўқ. Бирор нима дейиши керакмиди?

— Энди айтаман-да?!

— Ҳмм. Ие, итдай очман дейсану, ейишингни қара? — жеркиди ойим бир маҳал суст овқатланаётганимни кўриб.

— Шўрвангиз қайноқ экан-да, ойи. Пича совитсангиз бўлмайдими?

— Хом шўрвани қайноқ-қайноқ ичиш керак, болам. Дармон бўлади. Ёғи ҳам оғзингда тўнгиб қолмайди. Айтмоқчи, Шавкат, анави ўртоғинг Россиядан келибди.

— Қайси ўртоғим? — ҳайрон бўлдим.

— Шокир... Шокир-чи, мактабда бирга ўқиганмидинг? Уйи “дом”имизнинг орқасида-ку?

— Ҳа, уми? — ўқишни амал-тақал қилиб тугатиб, икки йил бурун амакиси билан Москвага кетган қирғий бурун синфдошим лоп этиб кўз ўнгимга келди.

— Боя дўконда кўриб қолдим. Кўкат саралаб турсам, орқамдан биров “ассаломалайкум, янга”, демайдими? Бир сапчиб тушибман. Қандай қилтириқ эди. Юзлари тўлишиб, бадани эт олиб келибди. Сени сўради.

— Нима иш қилган экан Россияда?

— Билмасам. Тузук сўрашганим ҳам йўқ.

Овқатни пок-покиза тушириб, устидан икки пиёла кўк чой хўплاديم. Сўнг ойим икковимиз юзимизга фотиҳа тортиб, ўрнимиздан қўзғалдик.

— Ҳа, қаерга? — деди ойим тараддудланаётганимни кўриб. Мен оқибатни канда қилмайдиган қирғийбурун дўстим Шокир ҳузурига бораётганимни айтдим.

— Узоқ қолиб кетма, эртага ўқишинг бор, — дея меҳрибоним орқамдан эшиккача кузатиб қўйди.

Мактабда ўқиб юрган пайтларим болалар билан унча ҳам иноқ эмас эдик. Худонинг берган куни жанжал эди. Машмашага доим баҳона топилар, даҳанаки жанг бора-бора катта муштлашувга айланиб, синф тўс-тўполон бўлиб кетарди. Бу ҳол дарсдан сўнг мактабимиз ортидаги кичкина себзор ичида ёки катта асфальт йўлга олиб чиқадиган тор йўлакда содир бўларди. Ўзимга ҳайрон қоламан. Жангу жадал билан мактабни қандай битирган эканман, дейман. Аммо-лекин болада ҳам барибир дарду ҳолингни айтадиган, сир-асрорларингни кўтарадиган дарддош бўларкан. Шокир билан ҳар кун бир вақтда мактабга бориб-қайтганимиз учунми ака-укадай аҳил бўлиб кетгандик. У портфелини тўлдириб китоб-дафтар кўтариб юргани билан иримига бўлса ҳам дарслик китобларни очиб кўрмас, уй вазифаларини эса мендан кўчириб оларди. Шу-шу, ўқимасликка “қасам ичган” бола китоб танимай мактабни тугатди.

Шокирларнинг уйи “дом”имизнинг шундоққина

орқа тарафила, иккинчи подъезд, учинчи қаватдаги уй. Илгари ўқувчилик маҳалларим кунда бориб турардим. Шокирнинг ойиси Сабоҳат опа худди ойижонимдай пазанда. Қачон борсам, перашками, беляшими, қатламами пишириб турганининг устидан чиқардим. Буғи ўрлаб турган пишириқлар билан сийларди. Отаси Акрам ака ҳам ёмон одаммас. Сал сўконғичлигини айтмаса, одамшаванда.

Подъезддан зиналар оша учинчи қаватга кўтариларканман, ҳозир жўрамнинг бағрига олиб, қаттиқ қисшини ўйладим. Унинг шунақа одати бор. Биров билан бел олишиб кўришдими, тамом то суягинг “қирс” этиб овоз чиқармагунича маҳкам қисиб тураверади.

Кулранг темир эшик олдига келиб, тепароқдаги қўнғироқ тугмасини босган эдим, худди шуни кутиб тургандай эшик ичқулфи шарқ-шуруқ этиб дарров очила қолди. Бўсағада сарғимтир дурра танғиб олган Сабоҳат опа кўринди. Афтидан, эшик олдидаги бетартиб ечиб ташланган оёқ кийимларини тартибга келтираётган эканми, бир қўлида бир жуфт шиппакни сиқиб турган экан. У мени кўрган замон ўзида йўқ севиниб, юз-кўзлари чарақлаб кетди.

— Ие, Шавкат, бормисан? Бундай бир йўқлаб келмайсанам, а? Ўртоғинг келмаса, соянгни кўрсатмай юаркансан-да?

Салом бериб ичкарига кирдим. Шокирни сўрадим.

— Киравер, хонасида ўтирибди, — деди Сабоҳат опа сўнг ён тарафидаги хона томон юзланиб, овозини хиёл кўтариб ўғлини чақира кетди. — Шокир, ўртоғинг келди.

Мен ўртоғимнинг чиқишига тоқатсизланиб, тўғри хонасига бостириб кирдим. У диванга ўтирган куйи фотожамланмани томоша қилаётган экан. Хона эшиги

очишиб-ёпилганиданоқ хушини ўнглаб, мен томонга қарадию, бирдан илжайиб, ўрнидан турди ва пешвоз чиқди.

— Бормисан, ўртоқ?

Ана айтмадимми? Яна ўша эски қилиғини қилиб, белимни қисирлатиб юборди.

— Қани ўтир, — Шокир диванга чўкиб, ёнидан жой кўрсатди. Ўтирдим. Унга синчков назар солдим. Ростдан, Россия ҳавоси ёқибди унга. Юзи тўлишган, бадани бир оз ёғ олган. Лоф эмасу, икки йил аввал кўрганимда гавдаси худди иккита чўп устидан кийгизилган қопга ўхшаб қолганди. Бегона одамнинг кўзи тушса, арвоҳ хаёл қилиб қочиши турган гап эди. Ҳозир мана кўриб турибман, бинойидай.

— Москва сенга ёқибди, Шокир, — дедим астойдил.

— Ҳа, ҳамма совуқдан қочса, мен ўзимни урдим. Қиши аёз, ёзи салқин. Энди кимга қанақа-да! Аммо менга ёқди.

Шу дам хаёлимга бемаъни фикр келди. Чидаб туролмадим.

— Совуқ одамга совуқ жойлар ёқади-да?!

Хона кулгидан портлаб кетди. Шокир кўз ёшларни артиб, ҳамон куларкан, тиззамга бир-икки шапатилаб кўйди.

— Заҳартиллигинг қолмапти, ўша-ўша. Мактабда ҳам жанжалбоши ўзинг эдинг.

— Ҳазил-да, ўртоқ, аразлаган хотиндай хафа бўлдингми?

— Йўғ-е, ўлибманми энди келиб-келиб сендан хафа бўлсам.

Кўзларим беихтиёр Шокирнинг ён томонидаги фотожамланмага тушди. Ўқувчилик маҳалларимиз туш-

ган расмларни кўрётгандир деган уйда сўрагандим, йўқ, бошқа суратлар экан.

— Барибир соғинаркансан. Ойим билан кунда телефонда гаплашаману, шундоқ бўлгандаям дийдорга нима етсин? Қариндошларнинг суратлари. Кўриб утиргандим, — у шундай деб дафтарча келадиган қалингина фотожамланмани очиб, бирма-бир варақлаб, ундаги расмларни кўрсата бошлади.

— Мана бу аммам, буниси поччам. Бу раҳматли бувим.

Фотожамланма икки варақлангач, нигоҳим бехос таниш қиёфага тушиб, юрагимда олов уйғонди. Шокир ҳамон суратдаги қариндошларини таништиришдан тўхтамасди.

— Бу поччам, бу аёл холам.

— Бу ким? — сўрадим сабрсизланиб бир аёлнинг елкасига осилиб, кулимсираб турган қизнинг суратига кўлимни нуқиб.

— Холаваччам. Қози Ариқда туришади.

— Ўша ёққа “72” борадими?

— Ҳа, нима эди? — Шокир нигоҳини суратдан олиб, кўзларимга тикди. — Уни танийсанми?

— Исми Маликами?

— Ҳа, — ҳайрати тагин ошди Шокирнинг.

— Инязда ўқийдими?

— Менга қара, ростдан уни биласанми ё расмга қараб фол очадиган одатинг борми? — энди қизишиб кетди у. Кўнглида шундай олатовур ўйлар кеча бошлади.

“Қизиқ, Маликани қаердан биларкан? Ё танишиб олганмикан? Икковиям талаба-ку? Йўқ, бошқа-бошқа институтда ўқишади-ку?”

— Бугун Хожа Дониёлга боргандим. Зиёратга. Ўша

ерда танишиб қолдим. Холаваччанг сайёҳларни эргаштириб юрган экан.

— Сайёҳларни эргаштириб юрган экан? Гид бўлибдими? Ҳмм. Ҳозир... — у шундай деб диван тирсагидан япалоқ қўл телефонини олди-да, бир тугмачани босиб, хотирада битилган рақамларни ковлаштира кетди. У нигоҳидан ўтказаятган бор телефон рақамлар менинг хотирамга бир-бир ўрнашаверди:

“Жамшид +93..., Зарина +91...” Ниҳоят менга керакли рақамлар топилганидан теримга сигмай кетдим, аммо сир бой бермай, жим ўтиравердим. У Маликага сим қоқди. Товуш “дут-дут”лаб икки-уч маротаба чўзиқ таралгач, охири алоқа тўлқинлари бирлашди.

— Алло, хоним, яхшимисиз?

Яна бир синоат ўз эшигини очди. Нигоҳим телефонда банд кишининг нигоҳига санчилган он унинг ким билан ва нима хусусида гаплашаётганини қийинчиликларсиз эшитиш қобилияти зуҳр бўлди. Худди вужудимдаги магнит тўлқинлар мобил алоқада бўлган икки абонентнинг тўлқинларини ўзига тортиб олаётгандек эди. Гарчанд ҳозир Шокирнинг телефонида нариги томондаги абонент овози эшитилмаса-да, мен гайритабiiй қудратим билан Маликанинг овозини илғай бошладим.

— Шокир, ўзингмисан? Вой тавба, овозингни эшитадиган кун ҳам бор эканми? Қачон келдинг Москвадан? Поччам тузукмилар? Эртага ўтмоқчи бўлиб турибмиз аям билан.

— Яхши, келинглар. Ҳа, айтмоқчи, сайёҳларга гидлик қилаётган экансан? Буни қачон ювамиз энди?

— Вой-бў, қачонлар эди...ювилиб бўлди-ю?

— Мен йўғимда ювилгани ҳисобмас. Битта зиёфат сендан...

— Зиёфат сендан айлансин! Майли...

— Ҳазиллашдим, Малика, жонинг омон бўлсин. Ўзим сени таклиф қилмоқчиман.

— А? Чини биланми? Қачон? Қайси ресторанга?

— Кўнглинг тусаган жойни айтсанг, бошлаб бораман.

— Шундайми? Бўпти...

— Менга қара, Малика, сизлар тарафга фақат “72” қатнаяптими?

— Ҳа, нима эди?

Шокирнинг “мендан гап очма”, деган маънода елкасидан туртиб қўйдим. У тушунди чоғи, мени “аралаштирмади”.

— Энди битта линия. “72”ни кутиб, чарчаб кетсанг керак, демоқчиман-да?

— Ҳа, йўқ, аввалгидаймас, линияда қатнайдиган автобуслар сони кўпайган ҳозир. Майли, аям чақиряптилар. Гаплашамиз яна. Омон бўл.

— Аҳа, омон бўл.

Шокир телефон тугмасини босиб, ёнига иргитди-ю, ишшайган кўйи менга юзланди:

— Тушмагур, айёр-да бу қиз. Тўғриси, гидлик қилаётганидан хурсанд бўлдим. Хўш, гапир-чи, энди, ишларинг қандай? Нималар қилиб юрибсан?

— Нима иш бўларди? Ҳали студент бўлсам...

— Истидентман, дегин. Яхши, истидент.

— Эй, тўғри гапир, — гашим келди унинг “студент” деган сўзни бузиб талаффуз қилганидан. Шокир қўлларини икки ёнига ташлаб яйраб кулди. Унга ёвқараш қараб турганимни кўриб, илкис кулгидан тийилди.

— Бўлди, жўра, ҳазиллашдим... Ўқийтганингни гапираман, нега дўконда ишлаётганингни яширасан?

— А?

— Дўконга кирганимда ойингни кўриб қолдим. Сени сўрагандим, тоғасининг олдида, дўконда ишлаяпти, дедилар.

— Ҳа, ўқишдан чиқиб, рўзғор учун...

— Майли, омадингни берсин, жўра, — Шокир жиддий тортди. Шу дам хона эшиги қия очилиб, Сабоҳат опа бошини ичкарига суқди.

— Шокир, Шавкат билан меҳмонхонага ўтинглар, чой дамладим. Ўзингга қолса, сафсата сотиб ўтираверасан, ўртоғинг озиб-тўзиб келибди, меҳмон қилмайсанми мундай...

— Овора бўлманг, турмоқчи бўлиб тургандим. Эртага ўқиш бор, ҳали дарсларимни тайёрлашим керак.

— Вой, ҳозир келдингу, дарров кетаманга тушасан-а, Шавкат, — ранжигудек бўлиб деди Сабоҳат опа.

— Ўқишинг қочиб кетмайди. Юр, — Шокир ўрнидан туриб, мени туртди. Ушлаган жойини кесмай қўймайдиган жўрам Шокирни яхши билганим учун ҳам бир пиёла чой ичиб, сўнг кетишни кўнглимга тугдиму дивандан кўзғалдим.

5. Тўртинчи қаватдаги уй

Уч кун ёмон қийналдим. Қани энди бирор баҳона топила қолса-ю, мени ҳушимдан айираёзган ул паривашга сим қоқсам ёхуд ўқиш жойига бориб учрашсам. Ҳечдан-ҳеч телефон қилиш мантиқсиз иш. Олов ўйлар юрагимни бир чеккадан куйдириб, мени батамом адо қилмоқда эди.

Илгари бир боқишда муҳаббат пайдо бўлишига сира ақлим етмас, очиги, ишонмас эдим. Кун келиб, бу азалий савдо бошимга тушдию, ишқнинг нечоғли рост ва бир дард эканига амин бўлдим. Малика ҳусни талъати аъло, мукаммал чиройга эга: кўзу қошлари

тим қора, мужгонлари қалин, бир маромда саф тор-тилган, юзлари хиёл қизғиш, бурни бежирим, лаб-лари ингичка, қирмиз ранг, ҳар оғиз очганда кўзга ташланадиган биринчдек оппоқ тишлар бу гўзалликка тагин тўқ ранг беради. Унинг ташқи чиройига монанд ички чиройи ҳам йигит кишининг кўнглига рўшнолик тўшаши бегумон. Аминманки, унга суқланиб қараган бўй йигитки бор, муҳаббат сабоғини олмай қўймас-ди. Аммо бунда мен истамасдим. Ҳалитдан бу гид қизни ҳаммадан қизғана бошлаган эдим. Гўё Малика фақат менинг муҳаббатим ва мен учунгина туғилган, унинг борлиги менинг борлигимдан далолат берадигандек туйиларди. Борлигимни энлаб, мени ич-ичимдан куйдира бошлаган олов ўйлар тўхтамас, Маликани ўйлаган сайин ҳаловатим йўқолиб, хумори тутган кашандадек тўлғонардим. Бу кишини жунун суратига солгулик дард кўҳна ҳам давосиз, бир бемор эдимки, мени тузатишга ягона “табиб” чора топа олар эди. У ягона “табиб” бўлса, Малика.

Уч кун хаёлларим оламида султонлик қилган Маликани ўйлайвериб, ақлдан озишимга оз қолди. Унга сим қоқмоқчи бўлиб, қўл телефон тугмаларини босиб, рақамларни тераман. Митти экранда Маликанинг қўл телефони рақамлари пайдо бўлади. Унинг гапирганда юрагим торларини чертиб юборадиган майин овозини эшитишга атиги бир тугмачани босиш кифоя, аммо журъат қайда? Гўё калит қўлимда эди-ю, уни жойига тушириш учун эшикнинг тешигини қидираётган кўзи ожиз одамга ўхшардим шу тоб. Мониторчадаги рақамлар қандай кўриниш берган бўлса, шу тахлит яна йўқолади. Бу бетайин иш такрор-такрор бажарилар, мантиқсиз касб олар, ўқишда, уйда, ишда ҳам эрмакка айланганди. Журъат эса уч кундан сўнг пайдо бўлди.

Институтдан чиқиб, бекатга етиб-етмай, манзилимга элтадиган автобус келиб тўхтагач, унга чиқдим. Салон ичи сийрак, йўловчилар кам экан. Орқа дарчадан киргандим. Шу эшик ёнидаги икки кишилиқ ўриндиқ холи бўлгани учун сурилиб, ўтириб олдим. Кейинги бекатда одатдагидек манзилига келган йўловчилар автобусдан тушиб, янгилари чиқишди. Бир йўловчи аёл ёнимга келиб чўкди. Беихтиёр унга қарадиму, юрагим орқасига тортиб кетди. Ўрта ёшлардаги бу сўхтаси совуқ нусха уч кун аввал тоғамнинг дўконига учратганим, гид қизни ўлжага айлантирмоқчи бўлган сатанг эди. Фақат бу гал сочини бўяб олибди. Тўқ жигарранг. Йўқ, зеҳн бериб, қарасам, бошидаги соч ўзиникига сира ўхшамайди. Ясама. У кuni йигитларникига ўхшатиб полбокс қилиб олганди. Бу гал эса сочи елкаларидан ошиб тушган. Уч кунда соч жонивор шунча тез ўсиши мумкинми?

Кўз кўзга тушди. У бирдан бесаранжомланди. Қизгиш костюмига мос чангаллаб олган гунафшаранг сумкачасини янада қаттиқроқ қисди. Кафти билан юбкasi этагини бир-икки қоқди. Бармоқларидаги узуклар бир муддат эътиборимни ўғирлади. Баҳашам, дўнг кўзли ялтироқ узуклар.

Шу дам вужудим олов олиб, миямга ёт сўзлар қуйила бошлади. Миям қобиғини ёриб ўтган ташқи тўлқинлар қабатимдаги сатанг аёлнинг вужудидан таралаётганига имоним комил эди. Ички қулоқлар ички овозларни эшита бошлади.

“Бу анави-ку?! Уч кун иллай менга халақит бериб, ишимни белидан синдирмоқчи бўлган гўрсўхта! Таниб турибман, бир марта кўрган бўлсам ҳам таниб турибман. Аммо эпллолмади, баччағар. Қўғирчоқни оstonовкагача судраб олиб борди-ю, у ёғига ҳайю ҳуйт қилиб

чизиб юборди. Овсар, сезмади. Мен дўндиқчанинг ортидан эргашиб, “72”га чиққанганимни, уйигача пойлаб борганимни, ўқийдиган жойини аниқлаб олганимни қаердан ҳам билсин бу сўтак? Довдираб ўтиришиничи? Мен ишкал ишни ёқтирмайман, картошка қилиб ўтиргандан кўра ё воз кечиб қўя қоламан, ё ушлаган жойимни шарт узиб оламан. Шу! Бу арава мунча имиллаб юрмаса, а? Федик “автобусга чиқ, “тилла”нинг кони автобусда, онаси ўпмаганлари тиқилиб ётади”, дейди! Лопух! Иккита “тилла”ни шунақа шалоқ аравалардан топганига энди ҳамма дўндиқлар автобусда юради дейди ўзича. “Тилла” эмиш-а? Биттаси “асл” чиқмади-ку? Жувон экан-ку? Қани? Кеча ҳам куни билан шу шалоқ араваларда юриб, жонимда жон қолмади. Аммо битта “тилла”ни чангаллаб олдим. Тозаси. Эр кўрмагандан кейин тоза бўлади-да? Бунақалари учун Федик бошимдан зар сочса ҳам кам...”

Титраб кетдим. Қўлларим ўз-ўзидан мушт бўлиб турилди. Нафратим қўзиб, аранг ўзимни тутиб қолдим. Қани, имкони бўлса-ю, бу виждонсизни бурда-бурдалаб ташласам. Бу қўшмачини биринчи кун кўрганимдаёқ хавфли одамлигини сезгандим. Ноинсоф, виждонсиз! Пок қизларни чангалига тушириб, бузуқлик йўлига бошлайдиган бу ярамас хотин жамият учун хавфли. Ўта хавфли! Наҳот, Маликанинг тақдири қил устида турган бўлса!

Сатанг унга кўз қиримни ташлаб турганимни сезди чоғи, сумкаси оғзини шақ этиб очиб, қора кўзойнагини чиқариб, дарров тақиб олди.

Кейинги бекатда тушишим лозим эди. Манзилимга етиб келгандим. Аммо ўриндиқдан жилмай ўтиравердим. Нияти бузуқ мана бу нусханинг уясини аниқламоқчи бўлдим. Кейин Маликага телефон қилиб, уни хавф-

хатардан огоҳлантираман. Ниҳоят, бекатимдан тўрт бекат ошгач, автобус тўхтаганда, сатанг тараддудланди. Ўрнидан дик этиб туриб, салондан чиққанида унга эргашдим. Дум бўлиб, орқасидан хийла юргач, пойлаб келаётганимни пайқади шекилли, ортига бир бурилиб қаради-да, кейин қадамини илдам ташлаб, тез-тез юра кетди. Мен ҳам дадиллашдим. У ўн-ўн беш қадам босганда ортига яна назар ташлади. Бу гал ҳаракати аввалгисидан ҳам жадаллашди. Иккимиз олдинма-кетин юриб, кўп қаватли иморатлар қад кўтарган жойга келиб қолдик. Тўртинчи “дом”ни ортда қолдириб, кейингиси дуч келганида, сатанг ним қоронғи иккинчи подъездга кириб кетди. Ортидан шошдим. У пошнаги туфлиси билан “тақ-туқ”лаб зинадан кўтарилар, мен эса изма-из келаётгандим. Ногаҳон, пошна овозлари тиниб, эшикнинг тақиллагани, сал ўтиб, унинг “ғийқ” этиб очиб-ёпилганини эшитдим. Тўртинчи қаватга кўтарилганда, сўл томондаги оч кулранг темир эшик ёпилганини илғаб қолдим. Мана қўшмачининг уяси. Аниқладим. Энди милисани бошлаб келсам ҳам бўлади. Шундай дейману, бу фикр аҳмоқона ҳам кулгили эканини ўйлаб, асабийлашаман. Йўқ, пухта ва аниқ иш қилишим лозим. Биргина гумон билан иш чиқмайди. Далилим бўлмаса. Сатангнинг қўшмачи эканини исботлашга арзирли нима бор? Яна хом иш қилдим. Сатангга ўзимни сездириб қўйдим. У кузатиб келганимни пайқади. Бўлмаса, шамолдай “учиб” келармиди? Бўшалган тўрвадай бўлиб, бўшашиб, подъезддан чиқдим.

Туриб-туриб, кўнглимга шу ўй келди: “Шунинг ҳам оиласи бормикан? Болалари, эри... Уйи-ку, бор... Бе, бу каби бузуқиларда оила нима қилсин? Қўшмачилар, фоҳишалар мутлоқ ёлғиз бўлишади. Бунақа ҳазарилардан ҳамма қавм-қариндош, кўни-кўшни, умуман,

жамият нафратланганида уларнинг ота-онаси, яқинлари олдига олиб, бошини силаб ўтирармиди? Воз кечиб қўя қолишади. Умрини нияти бузуқлик, қинғир ишлар билан совураётган бу малъунларга фақатгина ўзига ўхшаган нопоклар эш бўлади”.

Йўловчисидан ном-нишони йўқ бекатга етиб келиб, ёғоч харига ўтирдим. Чўнтагимдан қўл телефонимни чиқариб, Маликанинг рақамларини тердим. Чақирув товуши бир-икки бор таралгач, унинг овози келди. Суйимли бу майин овоздан этим жимирлаб кетди. Ўзимни йўқотиб қўйишимга бир баҳя қолди. Аммо ланжлик қилмадим.

— Алло! Малика, яхшимисиз?

— Салом! Узр, танимай турибман, сиз...

— Мен Шавкатман! Хожа Дониёлда танишгандикку! Кейин тоғамнинг дўконида учрашдик, сизни бекатгача кузатиб қўйдим, эсингиздами? Уч кун олдинчи?

— Ҳа, ҳа, эсимда. Яхшимисиз, Шавкат?

— Раҳмат. Сизда жуда зарур гапим бор эди. Ҳайрон бўлманг, номеримни қандай топди бу, деб. Ҳаммасини кейин тушунтириб бераман.

— Айтаверинг.

— Телефонда айтадиган гапмас-да! Бугун учрашсак бўладими?

— Бугун...ҳмм, иложи йўқ, кейин кеч бўлиб қолди. Эртага...майли. Тинчликми ўзи?

— Ҳа, тинчлик. Унда сизни... — бир лаҳза тарадудланиб сўнг дедим: — ...бульварда кутаман, университет хиёбонида. Эртага неча пара ўқийсиз?

— Уч пара.

— Дарс тугаши билан келасиз-а? Алло!

— Ҳмм.

— Бўпти, эртагача, Малика!

— Омон бўлинг!

Телефонни ўчириб тагин чўнтагимга солдим, лоп этиб, миямга келган фикрдан ғайратим ошиб кетди. “Галварс! Боя қилиш керак эди бу ишни...” Орқага қайтдим. Сатанг кирган подъездга яқинлашиб, эшикдан сал бериоқда тўхтадим. Айни дам бирдан-бир мақсадим, тўртинчи қаватдаги оч кулранг эшик кимга қарашлилигини, бу уйда ким яшабини аниқлаш эди. Агар одамлар бу виждонсизнинг қинғир-қийшиқ ишларидан хабардор бўлишса, ростдан ҳам у қўшмачи бўлиб чиқса, авахтага тушиши осон кечиши тайин эди. Бир оз ўтиб, ичкаридан қотмароқ эркак чиқди. Уни тўхтатиб, кўнглимни нотинч қилиб турган саволни бердим. У афтимга ажабсиниб қаради-да, сўнг буткул бошқа жавобни бериб, довдиратиб қўйди:

— У ерда бир эркак туради. Камерачи. Тўй, маросимларни видеога тушириб юради. Мижозлари тез-тез йўқлаб туришади. Ана пастда ҳам эълон ёпиштириб қўйибди.

Қотма эркак имо қилган тарафга қарадим. Подъезд эшигининг сўл тарафида елимланган кафтчалик қоғозда йирик ҳарфларда қинғир-қийшиқ ёзилган эълон ёпиштирилган экан. Яқинлашиб ўқидиму, пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди. Ҳалиги эркакка раҳмат айтишни ҳам насия қилиб, шошиб подъездга кирдим ва зиналар оша югуриб, тўртинчи қаватга кўтарилдим. Эшикни тақиллатгандим, ичкаридан йўғон овоз келди:

— Ҳозир! Боряпман.

Эшик очилган заҳот бўсағада сочларига билинар-билинемас оқ тушган, юзлари чўтир, буғдойранг, кўзлариди гардиши қора, ойнаклари ихчамроқ кўз кишани бор ўрта ёшлардаги эркак пайдо бўлди. Эгнида оқ свитер, қора шим.

— Келинг! Нима хизмат?

Салом бердим. Қўл бериб кўришдик. У менга кўзойнак ортидан ўқрайиб қараб турар, бу қарашда “бирор гапинг борми, тез бўл” деган маънони илғаса бўларди.

Мен гапни нимадан бошлашни билмай, пича талмовсираб қолдим. Сатангнинг сохт-сумбатини тасвишлаб, шу ерга кирганини айтдим.

Кўзкишанли бу эркак менга синовчан тикилди. Бошдан-оёқ разм солди. Нигоҳимни ўктам ташлаб, унинг кўзойнак ортидан еб қўйгудай қараб турган кўзларига боқдим. Кўз кўзга тушиб турарди. Аммо негадир ўзимда ўзгариш сезмадим. Вужудим оловланмади ҳам, миям ғувиллаб, фаолияти тезлашмади ҳам. Очиги, мен кутган нарса содир бўлмади. Ғайритабиийлик, ғайришуурий ҳисларим уйғонмади. Роса алам қилди. Айни шу тоб муҳтож бўлиб турганим — ғайритабиий қудратдан асар ҳам йўқ эди.

“Наҳот, ҳаммаси тамом энди? Мендаги куч қаерга кетди? Қани ўша ҳиссиёт? Ҳозир манави одам кўнглида қандай ўйлар ўтяпти? Сатангни кўрган-кўрмаганини, гапларининг рост ё ёлғонлигини қаердан биламан энди?”

— Кечирасизу, бундай одамни кўрганим йўқ. Бу ерга унақа сочлари жигарранг, қизил костюм кийган аёл келмади.

Кўзларимга тик қараб ёлғон гапиради-я? Ахир, сатангнинг худди мана шу уйга кирганини ўз кўзларим билан кўрдим-ку? Ана эшиги оч кулранг, темир эшик. Ортидан итдай эргашиб, пойлаб келмадимми? Кўрдим-ку?

— Майли, узр.

— Зарари йўқ. Бирор хизмат бўлса, бемалол, — деди камерачи яна бошқа гапинг борми, деган маънода.

“Хизматни ҳам қойиллатдинг?”

Ивиган бўлкадай бўлиб уйдан чиқдим. Хўрсиниб, зиналар оша пастлаб, тушаётганимда ортимдан эшикнинг “шақ-шуқ” қулфланганини эшитдим.

Карахт бўлиб қолдим. Сатанг ўз-ўзидан ғойиб бўлиши мумкин эмас. Ё уни кузатиб келгач, тагин бекатга қайтганимда чиқиб кетдимикан? Шундай ҳам бўлди, дейлик. Унда анави кўзкишаннинг ёлғон гапиришидан нима маъно бор? Ё сатангга яқинлиги бормикан? Тўхта-тўхта, қўшмачининг фикрларини уқаётганимда, “Фидик”ни тилга олганди. Фидик... Фидик... мана шу камерачимикан ё? Унинг исм-шарифини ҳам сўрамадим. Сўраганимда-чи? Нима ойдинлашарди? Фидик номмас, лақаб. Бирор замонда одам ўз лақабини бировга сотармиди? Ўз-ўзини тутиб берадиган аҳмоқ бормикан?

Уйга кела-келгунча калаванинг учини тополмай, қийналдим. Чигал ўйларим ечилмади. Қўшмачи, кўзкишан камерачи... менга жумбоқ бўлиб қолди. Эркакнинг ўқрайиб қарашлари, синовчан нигоҳлари хаёлимда изгир, бу мавҳум назарлар ортида нима яширинганини билолмай, азобланардим.

Овқат томоқдан ўтмади. Ойижоним пиширган шавлага бир-икки қошиқ урдиму, қолгани товоқда қолди. Меҳрибоним ҳайрон бўлди.

— Шавкат, шаштинг пастроқми дейман, нимага емаяпсан? Ё мазанг бўлмаяптими?

— Тузукман, ойи, фақат егим йўқ.

— Куни билан юриб, очқамадингми? Менга қара, дўконга бормадингми бугун? — бирдан шу эсига келиб сўради ойим.

Хушини йўқотган одам ўзига келса, қандай бўлади? Шу дам мана шу ҳолга тушдим. Ойим тагин эзмалик қилмасин деб ёлғон гапириб қўя қолдим.

— Борувдим, ойи. Фақат кўп ишламадим бугун.

Ойим кўзларимга тикилиб қолди. Шу дам тағин бошқа дунёга тушиб қолгандек бўлдим. Тағин ғайритабиий ҳислар қўзғалганди юрагимда. Миям “жонланиб” кетди.

“Ўғлим бугун бошқача. Очилмаяптиям. Овқатини ҳам емади. Нима бўлдийкан? Бу бола эт-бети оғриси ҳам яширади, дамдузроқ. Ё ўқишида бирор гап бўлди-микан-а?”

Бу майда-чуйда гаплар билан бошимни оғритиб ўтиришни истамадим. Юзимга енгилгина фотиҳа тортиб, ўрнимдан турдим-да, хонамга ўтдим. Ўзимни каравот устига таппа ташладим. Ёнбошлаб, девор тарафга ағдарилдим. Айни дам вужудимдаги ғайриқудратий сезгининг яна уйғонганидан, пайдо бўлганидан ҳайратда эдим. Қизиқ! Анави тўрткўзнинг кўзларига уввало ўктам нигоҳ ташлаб, фикрларини ўқий олмадим. Аммо меҳрибонимнинг ўйларини эса хакирдан қил суғургандек кечиряпман. Тавба, бу қандай сир-синоат бўлди тағин? Жумбоқ устига жумбоқ.

Ҳаял ўтмади. Чувалган ўйларимнинг учини топишга уриниб, фикрларимни жамлаётган эдим, бошимнинг чаккаларида бирдан санчиқ турди-ю, тақа-тақ тўхтади. Сўнг миям қизиб кетди. Бошим оғирлашгандай бўлди. Хонада, олдимда ҳеч ким йўқ, аммо биров қулоғим тагида бир нималарни шипшиётгандай бўлди. Илғаб турибман. Мана...

“Бу сўтак ким бўлди яна? Заказ беришга келмаган. Ўхшамаяпти. Закази бор одам тили бойланиб, довдираб ўтирмайди. Иштонини ҳўллаб қўйган болага ўхшаб туришини-чи бунинг?.. Нима-нима... Ҳа-а, ҳаққа ишни расво қилибди-ку! Ифлос. Ис олдирибди. Манави мишиқи кет-кетидан из олиб келаверган. Хитларданми-

кан? Йўқ, ўхшамаяпти. Хитлар ишини тоза бажаради. Бу бўлса анқовроқ...”

Бу олатовур ўйлар менга буткул ёт. Кимнингдир дилидан ўтгану, вақтида диққат қилмаганман. Мана энди хотирамнинг пучмоқларидан тумандай ёпирилиб кел-япти.

“Ис чиқарибсан-ку? Ортингдан эргаштириб кепсан? Яна менинг олдимга? Энди бу ерга келиб ўтирма! Тўғри ҳарамингга боравер. Иш чиқса, ўзим телефон қилиб айтаман-да, топган “тилланг”ни тезроқ илинтириш пайига туш, чўзиб юрма... Уқдингми? Бўлди. Энди кетавер”.

Тамом. Миям яна зилол сувдай тиниқ тортди. Гўё икки елкамни босиб турган ботмондай юк ҳам мисқолланиб-мисқолланиб, йўқолди. Вужудимни чулғаб олган хос борлиқ тарс ёрилиб, яна ўз дунёмга қайтдим. Қайтдиму... энди бояги хавотир икки ҳисса ошди. Юрагимда қўрқув уйғонди. Англаб етгандим. Ҳозиргина кечирганим — ёт ўйлар камерачининг кўнглида кечгани аён. Кейингиси — тигли гаплар шақшаққа қаратилганди. Ҳакка бу — қўшмачи. “Тилла”дан гап очди. “Тилла” бу... бу Малика бўлса керак. Вой ифлослар-ей! Нияти шу қадар ёвуз, мақсади ғайир бу қабиҳ одамларни ер қандай кўтариб турганига ҳайронман. Энди нима қилиш керак? Маликага бу гапларни қандай тушунтираман. Унинг ўтакаси ёрилиб кетади-ку!

Бир нарсага ақлим етмаётганди. Нега кўз кўзга тушган маҳал қаршимдагининг дилида кечган ўйлари дарҳол менинг кўнглимга оқиб киради-ю, манави ярамасники кечикиб маълум бўлди? Агар нияти соф бўлмаган одамларнинг ўйлари кўз кўзга тушгач, маълум вақтдан сўнг аёнлашади, дейлик, унда ҳакка-чи? Унинг шайтонназар кўзларига қараганим он дилидагини “ёзиб олдим-ку? Бир эмас, бир неча марта... Қизиқ.

Хонам эшиги “ғийқ” очилиб кетди. Меҳрибоним оҳиста қадамларини ташлаб ёнимга келди. Ўйларим тумандай дув тарқалиб, ўрнимдан туриб олдим.

— Шавкат, ўқишингдан чиқиб, дўконга борганмидинг? — хавотиромуз боқди ойим менга.

— Ҳа, — дедим кўзларимни ундан олиб қочиб.

— Нега ёлғонни тўқийсан, бола? — ойимнинг овози бир парда кўтарилди.

Кўзларим доим ёлғонни фош қилади. Шунинг учун ҳам ойимга қарамасликка урингандим. Аммо негадир бу сафар ундай бўлмади.

— Ойижон, бир оз мазам бўлмаганди...

— Шунга ёлғон гапириш керакмиди? Ҳозир тоғанг телефон қилиб сени сўради, нега бугун келмади деди.

— Ўзим тушунтираман тоғамга. Ҳозир... телефоним қаерда қолди? Ошхонада қолдирибман.

— Шартмас. Телефон қилмай кўя қол. Унга чарчаб келган, ётибди дедим. — Ойим шундай деб ёнимга келиб чўкди. Қаварган кафти билан елкамни силаб, киртайган кўзларини айбдорона кўзларимга тикди. — Нималар бўляпти сенга, Шавкат? Бугун бошқачасан? Овқатингни ҳам емадинг? Ё бирор жойинг оғрияптими? Мазанг бўлмаяптими?

— Ҳаммаси жойида, ойи, хавотирланманг. Ҳеч қаерим оғриётгани йўқ, тузукман.

— Унда нега шаштинг паст, кайфиятинг ҳам йўқ.

— Билмасам. Чарчадим. Шунгами...

— Болам, онангман-ку? Ичингни ёрмасанг, дардингни айтмасанг, қаердан биламан? Ё бирортаси билан уришиб қолдингми? Нимага гапирмайсан?

Ахир, гувоҳи бўлаётганим — воқеаларни ровийга ўхшаб сўзлаб беролмайман-ку. Она, ахир. Бир дарди ўн бўлмайдими? Мумкинмас.

— Ойижон, ёш бола эмасман-ку? Ҳадеб хавотирланаверасизми? — Ўзимни мажбурлаб жилмайишга уриндим. — Чарчаганман. Шундан. Ётиб турсам, чарчоқлар тарқалиб кетади.

— Майли, — ойим ўрнидан қўзғалди. — Дамингни ол.

— Чироқни ўчириб кетинг, — дедим ойим эшикка етганида.

6. Жумбоқ ечилди

Уч жуфт соат оралигидаги дарсларда ўзимнинг бор-йўқлигимни билмай ўтирдим. Олдинги иккитаси маъруза, кейингиси амалий машғулоти эди. Ўқитувчиларнинг ўқиган маърузалари ҳам татимади. Дафтарни очиб, қаламни тираб турибману, ёзолмайман ҳеч. Хаёлим Малика томон оғаверди. У билан бўладиган учрашувни ўйлаб ҳам ҳаяжонланардим, ҳам юрагимдаги қўрқувдан ўзимни ожиз сезардим. Йўқ, мен айна дам борлигимни забт этиб улгурган оташ муҳаббатни эмас, бир бечора қизнинг нопок кимсалар “қопқон”ига беихтиёр ўлжа бўлиб қолишидан чўчиётгандим. Фикризикрим шу эди: Маликани бу ярамаслар қармоғидан қутқариб қолиш. Аммо қандай қилиб?

Сўнгги дарсда туйқус тутилдим. Хаёлларим ичида қамалиб қолганимдан, ўзим билан ўзим машғул бўлганимдан доцент домланинг чақирувини илғамай қолибман. Биров қулоғим тагида “Назаров!” деб овоз солгандагина ўзимга келдим. Ён қабатимга бундай ўгирилиб қарасам, доцент Эшмирзаев. Кўзойнаклари ортидан менга илжайиб қараб турибди. Ҳадаҳа ўзимни ўнглаб олдим. Атроф саҳродаги жимжитлик каби қуюқ сукунат ичида эди. Ўттиз чоғли талаба нафасини ичига ютиб, биз томонга ҳайрон қараб турарди.

— Бу дейман, Назаров, мавзуни сув қилиб ичиб

юборганга ўхшайсиз! Диққат ҳам қилмайсиз! Савол бердик, парвойингиз фалак. Қани, сув қилиб ичиб юборган мавзуингизни бир чеккадан гапириб берингчи...

Шошиб қолдим. Ўрнимдан шарт турдим-да, ҳамон партам ёнида қозикдай қадалиб турган доцентга бир қараб олиб, секин овоз чиқардим:

— Узр, домла, сезмай қолибман.

Шу дам Эшмирзаевнинг кўзлари хумор қилиб қолди. У гардиши қалин, ойнаклари нақ пиёла оғзидай келадиган кўзойнагини ечиб, бўш қолган қўли билан аввал ўнг, сўнг чап кўзларини уқалай бошлади. Чашми сиёҳининг хумори босилди шекилли, тағин ойнагини тақиб, менга дашном берган бўлди:

— Дарс вақтида хаёлни бир чеккага йиғиштириб, бор диққатни беринг, тушунарлими?

— Ҳа.

Эшмирзаев жойига қайтди. Мен ўрнимга чўкдим.

Домла доска олдига яқинлашиши билан бошим лўқиллаб кетди. Бирдан чаккаларим ичи санчиб, ҳузуримни йўқотдим. Бошимни чангаллаб олдим. Афтим бужмайиб кетди.

— Домла, Шавкатнинг тоби қочди, — деди хавотир ичида сабоқдошларимдан бири. Эшмирзаев ташқарига чиқишимга рухсат берди. Курсдошларимдан бири менга ҳамроҳ бўлиб, билагимдан тутиб эшиккача борди. Аудиториядан оёқ олиб, йўлак оша факультет ҳовлисига чиққунимча ҳам бўларим бўлди. Чеккадаги ўриндиққа келиб ўтириб, нафасимни ростладим. Миям ҳали ҳам ғувиллар, вужудим қизиб борар, аммо энди чаккаларимдаги санчиқ тўхтаган, онгу шуурим ёт ўй-хаёллар билан тўлиб-тошиб борарди.

“Манави отасининг уйида ўтирибдими? Дарс бош-

ланганини билмаяпти чоғи... Овсар, ҳуши хаёлинг қаерда? Савол бердим сенга, гарангсиганини-чи бунинг?..”

Бу ички овозлар доцент Эшмирзаевнинг юрагидагина акс-садо берган, унга қараганим он ғайришуурий ҳислар билан илғаганману, лекин... лекин миям ахборотни кеч қабул қилган. Нега? Нега бундай бўляпти? Кеча ҳам шу ҳол қайталанганди. Камерачининг ичахборотини магнит тўлқинларим кеч қабул қилганди. Нега?.. Бирдан миямга лоп этиб зўр фикр келди. Камерачи ҳам, манави Эшмирзаев деганлари ҳам кўзкишанда юради. Домла бирровга ойнагини кўзларидан ечиб олганди — мутаассир бўлдим. Бундан чиқди, кеча ухлаётган маҳалим камерачи ҳам бирор сабаб билан кўзларидан кишанни ечгану магнит майдонимда туриб қолган хабарлар ёпирилиб миямга урилган. Демак, мулоқот чоғида қаршимдагининг кўзлари ойнак ё бошқа воситалардан холис бўлганида ичхабарлар тўсиқсиз келиб туради, кўзларда кишан бўлса аксинча... Уҳ, мантиқни!

Калаванинг учи топилганди. Мен шу пайтга қадар ечолмай қолганим, ақлу савиямни қақшатаётган жумбоқни ечиб бўлгандим. Ана, калит топилди!

Бошимнинг лўқиллаши тўхтаб, огриқ ва ҳаловатсизлик батамом ариган бўлса-да, Эшмирзаев домланинг амалий машғулотига қайтиб бормадим. Тўғри университет хиёбонига учирма бўлган палапондай “учиб келдим”, Маликани кута бошладим. Баҳайбат чинорлар панасида қолган хиёбон унча ҳам гавжум эмас. Йўловчилар сийрак. Икки чеккадаги катта асфальт йўлдан ўтиб-қайтаётган машиналар эса тинимсиз қатнайди. Икки йўл ўртасидаги гирди темир панжаралар билан ихоталанган, манзарали дарахт ва гуллар билан

безалган, ҳар атрофи чимзор, кета-кетгунча чўзилган узун тош йўлакда сокинлик ҳукм суряпти. Бу ерда нафасни ростлаш ва ўтириб ҳордиқ чиқариш учун икки чеккада чамаси ҳар ўн-ўн беш қадамда кумуш ранг, суянчиқли ўриндиқлар қўйилган, аммо ҳозир уларнинг бари гўё кўргазма учун хизмат қилаётган тасвирлар коллекциясига ўхшаб туйиларди. Чунки бу ўриндиқларнинг ҳаммаси бўм-бўш эди. Мен тош йўлакнинг тўроғида, Амир Темур ҳайкалига яқин масофадаги ўриндиққа чўкканча Маликани кутаётгандим. Туриб-туриб, анқовлик қилганим эсимга тушиб, кулиб қўйдим. Малика мени қандай топиб олади? Бутун хиёбонни айланиб чиқсинми бечора? Ахир, белгиланган жойни айтиб, манзилни тушунтиришим керакмасми? Туйқус шу нарса хаёлимга келиб, Маликага сим қоқдим. Ҳаял ўтмади, тўлқинлар унинг мени мутассир этадиган майин овозини олиб келди.

— Алло, Малика, яхшимисиз? Мен хиёбонданман, Амир Темур ҳайкали орқасида. Сизни пойлаб ўтирибман.

— Нега? Вой, узр? Кеча келишгандик-а? Шавкат, биласизми... — шундай деб чайналиб қолди. Мен унга дадиллик бағишладим.

— Алло, нима бўлди? Эсингиздан чиқдимми? Ахир, жуда ҳам зарил гапим бор дегандим-ку?

— Шавкат, ҳозир уйдаман. Бугун институтга ҳам бормадим.

— Нега? Тинчликми?

Шу дам Маликани йўтал тутди. Ўқтин-ўқтин овоз келди.

— Тобингиз йўқ, шекилли? — хаёлимга келган илк фикрни айтдим унга.

— Ҳа. Шамолладим. “Лечение” оляпман.

— Ҳмм... майли унда. То тузалмагунингизча жойингиздан жилманг, хўп?

— Хўп, — енгилгина кулиб қўйди Малика. Назаримда қирмизи лаблари юзларигача ёйилгандай бўлди. Тўғри-да, мен унга ким бўлибманки, буйруқ берсам, меҳрибонлик қилсам. Ҳали учрашиб, танишганимизга бир ҳафта тўлдими-тўлмадими, унга энг яқин кишимдай муомала қиялман. Эҳтимол, унинг кўнглидан ҳам шу фикрлар ўтаётгандиру, айтишга келганда... Йўқ, одобли қиз ҳеч қачон юзга сапчигулик гап айтмайди, андишасизлик қилмайди. Малика, менинг Маликам ана шундай қиз.

Суҳбат шу ерда узилди. Хўрсиндим. Қўлтелефонни чўнтагимга солдим. Шу дам атрофдан бир қизнинг яйраб кулгани эшитилди. Беихтиёр қувноқ овоз жаранглаган томонга қарадим. Икки ўриндиқ наридаги ўриндиққа сочлари елкасидан ошган, келинчақлар фатаси мисол оппоқ, узун кўйлак кийган қиз бор кулгисини оламга сочиб ўтирарди. Унинг қаршисида туриб олган жасур йигитча эса гўзалнинг кафтларидан сиқиб, ўзи томон тортқилар, афтидан турғизишга уринар, қучоқлаб бағрига босишни ихтиёр этганди. Шўрликкина эса уятданми, андишаданми, эҳтимол, мард йигитнинг кўнглини оғритиб қўймаслик учунми, икки бети лоладай қип-қизариб, қаршилигини беғараз кулгиси билан ифодаляётганди.

Тошяётган кулгиси булоқдай тоза париваш қизни Маликага, шўхликлари борган сайин кучаяётган йигитни эса ўзимга қиёс қилдим.

“Малика ҳам шундай шарақлаб кулармикан? Бор кулгисини атрофга сочармикан? Йўқ. Наздимда, у тўқ андишали қиз. Табиатан босиқ. Менда эса шартакилик-

дан мисқолча ҳам йўқ. Севишганлар ҳам ҳар хил бўларкан-да? Шўх-шаддод, оғир-босиқ, камтар-камсуқум...”

Ўрнимдан кўзгалдим. Севишганларни хижолатда қолдиришни истамадим. Тош йўлакдан Амир Темур ҳайкалининг олд тарафига ўтганимга қадар соф, жарангли кулгилар тиним билмади.

7. Иш пишмади

Дуконга боришга ҳали эрта эди. Одатда, тоғамнинг олдига тушлик вақтидан бир соат ўтиб бораман. Бугун уч жуфт дарсни амал-тақал қилиб ўтказдим, негадир Сиёб бозорига боришга оёғим тортмади. Кеча Малика билан телефонда гаплашганимдан сўнг хавотирим тагин ошган, тинчим йўқолган эди. Уни ҳозир кузатишяпти. Ҳар босган қадамини ўлчаб юришипти. Кўзкишанли камерачи ҳақкага ишни тез битказ деб буйруқ берган. Ўз ишининг пихини ёрган сатанг, ким билсин, Маликани илинтириш учун зимдан алланималарни режалаштираётгандир.

Автобус кутиб ўтиришга ҳам тоқат қилмай, “такси” тутдим-да, кўзкишанли камерачи паноҳ топган манзилга қараб “учдим”. Бу гал макр йўлига кириб, қиёфамни бир оз ўзгартиргандим. Бошимга мовий кепка, кўзларимга компьютер нуруни қайтарадиган оддий ойнак таққандим. Эгнимда Рональду тасвири туширилган оқ футболка ва мовий жинси шим бор. Ўзи табиатан ёшимга нисбатан беш-олти ёш кичик кўринаман, ҳозирги ҳолатимда мени ҳеч ким талабага қиёс қилмасди. Турган гап, мен оддийгина коллеж ё лицей “ўқувчисиман”. Тўққизинчи синф боласиман, десам ҳам биров шубҳаланмайди. Манзилга етгунча фикрларимни пишитиб, айтадиган сўзларимни аниқлаб олдим: “Мен фалончи лицейда ўқийман. Холамникига

келгандим. Шундайгина “дом”ингиз олдидан ўтаётиб, эшик ёнига ёпиштирилган эълонга кўзим тушди. Камерачи экансиз, ишларингизни кўриб, маъқул келса, буюртма бермоқчи эдим. Аввал сиз видеога олган бирорта лавҳани кўрай...”

Кўзкишанли оператор турадиган “дом”га келиб, тўртинчи қаватга кўтарилгунча ҳам айтмоқчи бўлган “монологим”ни ичимда қайта-қайта такрорладим. Аммо тўртинчи қаватга кўтарилиб, кулранг темир эшикни тақиллатган ҳам эдимки, ичкаридан жавоб бўлмади. Эшикни тагин чертдим, барибир наф чиқмади. Ичкаридан ҳеч ким садо бермади.

“Туй-пуй чиққан бўлса, кетгандир-да? Ё бошқа жойга равона бўлдимикан?.. Тўхта-тўхта, ахир унинг кечикиб келган ичахборотида “ҳарам” ҳам бор эди-ку? Бундан чиқди, иславоthонасига кетган... ҳмм... Телефон қилиб кўрсаммикан-а?”

Кўзкишанли камерачининг телефон рақамларини билмасдим, аммо пастда ёпиштирилган эълонда ёзилган бўлиши керак эди. Шу ўйда шошиб тагин зинадан пастлаб, подъезддан чиқиб, сўл тарафга қарагандим, бирдан тарвузим қўлтиғимдан тушди. Эълон битилган қоғоз ўрнида қоғоз қивиклари аралаш елимгина турарди, холос. Шўх-қув мактаб болаларининг иши бўлса керак! Юлқиб, йиртиб олишган.

“Бунчалар омадсиз бўлмасам-а? — алам ичида шу сўзлар тилимдан учди. — Уни пойлаб турсаммикан?”

Шу мақсадда чеккада чўнқайиб ўтириб олдим. Орадан бир сигарет тортимлик вақт ўтганди. Бир жувон, чамаси, икки ёшли боласини кўтариб подъезддан чиқди. Мушукулимни шу осон қилса-чи, деган ўйда ундан камерачини сўрагандим, қилган жавобидан эсанкираб қолдим.

Уч йилдан бери бу ҳунарини ташлаганмиш... Ана холос! Энди нима қилдим? Аввалги гал келганимда подъезддан чиққан бир йигит ҳам шу гапни айтганди. Мен анқов эса ўнг тушунмай, талмовсирабман. Мендан ўн қадамча узоқлашган жувонга етиб олиб, галдаги саволимни бердим:

— Кечирасиз, у ҳозир нима иш қилади?

— Билмайман, — мен томонга бир ўгирилиб қадамларини жадал ташлади у.

— Ўзи шу ерда турадимиз? — сўрадим тагин ўзимни илк бор кишанли камерачини излаб келган одам деб билсин деган ўйда.

— Уч кундан бери кўринмайди. Одатда, уйда бўлган пайтлар кечқурун чироғи ёниқ туради. Кеча ҳам, олдинги кун ҳам чироғи ёнгани йўқ.

— Сизга яна бир савол берсам, майлими?

— Узр, шошиб турибман.

Шу дам аллақандай ёқимли куй янграган эди, жувон кафтидаги қўлтелефони тугмачасини босиб қулоғига тутди:

— Боряпман, уйдан чиқдим...Ҳозир етиб бораман.

Жувон олислаб кетди. Мен жойимда танг қотдим. Режам иш бермади. Аттанг...

Қуролини йўқотиб қўйган аскардай ланж тортиб бекат томон йўл бурдим.

“Уч кундан бери келмаяпти дедими? Келганида уйининг чироқлари ёниқ туради, деди.Қизиқ? Қаерда тунаётган бўлиши мумкин? Уч кундан буён...”

Олатовур ўйларга асир бўлиб бекат томон яқинлашиб бораётгандим. Бир маҳал ғизиллаб кетиб бораётган кумушранг “Матиз” шундайгина ёнимдан ўтиб, ўн қадамча нарида ғийқ тўхтади-да, кейин орқага бир

оз “тисарилди”. Сигнал чалди. Диққат қилдим. “Матиз” эгаси битта-яримтани чақираётгандир-да, деб орқа-олдимга қарадим. Ҳеч ким йўқ. Бундай синчиклаб қарасам, ҳайдовчи — ўзимнинг ўртоғим Шокир.

“Чаққон-эй! Машина олишга қачон улгура қолдйкан?” — деган ўй келди кўнглимга.

— Мунча талмовсирамасанг? Келмайсанми тезроқ?! — тоқати тоқ бўлди шекилли, Шокир “машинага ўтир”, дегандек имо қилди. “Матиз”нинг орқа тарафидан айланиб ўтиб, олд эшигини очдим-да, шофёр ёнидаги ўриндиққа чўкдим. Машина тагин юриб кетди.

— Хумпар-эй! Қачон ола қолдинг машинани? Мундай ёрилмайсанам, а? — қитиқ патига тегмоқчи бўлдим. У ишшайди. Менга бир муғомбирона кулиб қаради-да, сўнг кўзларини йўлга қадади.

— Насиб қилгани бўларкан, ўртоқ. Очиғи, машина режамда йўқ эди. У куни келганингда, дўкон очмоқчиман деб айтувдим, эсингдами?

Шокирнинг гапини тасдиқлаб, бош ликиллатган бўлдим. У тагин гапиришда давом этди:

— Роса бошоғриқ экан-эй? Ижара, налог... булар майли, бир нави, центрдан точка очишга жой тополмадик. Дадам бир ҳафтадан кейин Москвага қайтмоқчи бўлиб турибди. Ҳамма иш ўзимга қолиб кетса, қандай эплайман? Товар опкелиш керак, жойлаштириш керак, сотиш керак...

— Жон койитмасанг жонона қайда? Белингни оғри-тиб ишламасанг, ҳузурини қаердан топасан?

— Э, жононлар ҳар қадамда топилади. Жонни койитиш шартмас ҳозир, бир имога маҳтал бўлиб туради бари. Очиғи, менам туролмаяпман бу ерда? Кетсамми деяпман?

— Жинни бўлдингми? — ҳайрон бўлдим унинг мақсади нима эканлигини англаб. — Унда машинани нимага олдинг? Чанг босиб ётиши учунми?

— Нега чанг босаркан? — Шокир менга ўтирилиб олди. — Ижарага бераман, ҳар ой келиб соққасини аямга бериб кетаверади. Шу ҳам муаммоми?

— Афандининг ўзисан-а? Москвангга кетмасдан олдин “права”ли бўлиб олай деб, автошколада ўқидинг, кейин паттанг қўлингга тегиб-тегмай чизвординг. Энди бугун “Матиз”ни олиб, яна кетаман деб турибсан-а?

— Нима қилай, дўстим, ёшликда дунё кезиб қўяй дейман-да?

— Ўргилдим сендақа жаҳонгаштадан...

Шокирга шу тобда ҳавасим келаётганди. У бошқараётган мана бу тойчоққа ҳамма ҳам етолмайди. Афтидан, “Матиз”ни машина бозоридан олганга ўхшайди, салондан тез муддатда сотиб олишнинг иложи йўқ. Шунини Шокирдан сўрагандим, рост бўлиб чиқди.

— Албатта, бозордан олдим. Нима, сенга салондан бир кунда калитни қўлингга тутқазишармиди?

Светофорга яқинлашганимизда, бирдан унинг чироғи қизилга кўчдию, “Матиз” саф тортган машиналар қаватида бир муддат “ўпкасини босиб олиш” учун тўхтади. Мен беихтиёр ён томонимга ўгирилдим. Шундайгина қўл чўзсам, етадиган жойда садаф ранг “Ласетти” “пишқириб” турарди. Машинага зимдан кўз югуртириб, кўзларим беҳос унинг ҳайдовчисига тушди-ю, юрагим ҳаприқиб кетди. Одам йўқотган нарсаси анча вақт ўтгач, лоп этиб олдидан чиқиб қолганида қандай кўйга тушади? Мен шу тоб ана шу аҳволга тушгандим. Оқ “Ласетти”нинг ҳайдовчи ўтирадиган ўриндиғида кўзкишанли камерачи жойлашганди. Унинг бир қўли рул чамбарагида, иккинчисида тортилган сигарет бор

эди. Дам-бадам сигаретни сўриб, қолдигини машина ойнасидан чертиб қоқётганди.

Светофор чироқлари сариқ, сўнг яшилга кўчди-ю, “дам олиб турган” тумонат машина туйқус қўзғалди.

Ичимга олов тушди. Шошиб қолдим.

— Шокир, мана шу “Ласетти”нинг орқасидан ҳайда, — деб юбордим Шокирга унинг шошилиничи иши борми-йўқми, суриштирмай ҳам.

— Қайси “Ласетти?”

Шокирга биздан уч-тўрт қадам олдинда бораётган кўзкишанли камерачининг машинасини кўрсатдим.

Биз садафранг “Ласетти”нинг изидан тушдик.

Шокир ҳам ҳайрон, ҳам ҳайратда эди. Дабдурустдан бировнинг орқасидан пойлашга тушиш унинг учун таажжубли эди, албатта. Аммо мен ҳақиқатни айтишни лозим топмадим. Бу жосусликнинг бир чеккаси Маликага бориб тақалади, табиий, Шокир холаваччасини ҳимоя қилишга киришиб, қизишиб кетиши, жаҳл устун келиб, бирор аҳмоқлик қилиб қўйса, иш пачава бўлиши ҳеч гапмас. Ёлғон гапирдим:

— Тоғамнинг дўконидан насияга ўн қути “Фанта” билан “Кола”олганди, энди жilовини тутқазмай, қочиб юрибди. Уйига қачон эшик қоқиб борма, “йўқ”. Телефони доим “доирадан ташқарида”.

Шокир афтимга ғалати қараб қолди.

— Тоғанг насияга нарсa бермасди шекилли?

Довдираб қолдим. Ёлғонни ростга дўндириш учун кейинги ёлғонни тўқидим:

— Тоғамни яхши билмас экансан, Ҳотами Той иккита бўлса, биттаси шу тоғам.

— Ол-а! Сенам аравани қуруқ олиб қочишга уста бўп кетибсан.

— Ишонмасанг, ишонма.

Шу ерга келганда “Ласетти” катта асфальт йўлдан сўл томонга бурилиб, кўп қаватли уйлар жойлашган тор кўчага йўналди. Изма-из юрдик. Туйқус Шокирнинг юзларида билинар-билинемас кулги пайдо бўлди. Кўзлари ҳам айёрларча кулмоқда эди. Менга синчков нигоҳ ташлаб олди. Кўзларимиз бир лаҳза тўқнашди. Сония ўтмай, миям машина моторидай шиддат-ла ишлаб кетди. Вужудим қизиди. Шокирнинг айнаи дам кўнглида кечаётган фикрларини ўқий кетдим.

“Ҳа, айёр?! Гапни айлантиргунча пўсткалласини айтиб қўя қолмайсанми жононлар қошига келяпман, деб. “Ласетти” бир баҳона, дийдор ғанимат. Йигитсан, биламан. Йигитча ишлар ҳам каминага чўт эмас. Икки йил бурун бу ерларни мен ҳам “зиёрат” қилганман. Яхши биламан. Ҳа, Шавкат, муғомбир-эй...”

Бошқача бўлиб кетдим. Одам тўхмат тошлари остида қолиб кетса, қандай аҳволга тушади, менда ҳам шу ҳол кечаётганди. Аммо сир бой бермаслик учун босиқ бўлиб ўтиравердим. Миқ этмадим. Бир пайт бир маромда юриб бораётган “Ласетти” йўл чеккасида “ғинг” этиб тўхтади. Кўзкишан пойлаб келаётганимизни сезиб қолмаслиги учун Шокирга “сен ҳайдайвер”, деб имо қилдим.

Қизиқ. Кўзкишанли камерачи машинани тўхтатишга тўхтатди-ю, бироқ ўзи ундан тушмади. “Матиз”нинг ён томонига қўндирилган кўзгу орқали ортга назар ташладим. Йўқ, машина жойидан жилмай турибди.

— Ортидан тушганимизни сездимикан? — бўшашиб кетдим.

— Сезди-ёв, назаримда, — ажабланди Шокир, кейин бирдан тутақиб кетди: — Менга қара, қувишдан мақсадинг нима ўзи? Қарзни ундиришми? Машинасини тўхтатганидан фойдаланмайсанми? Олдига бор! Рулни орқага бурайми?

— Йўқ. Фойдаси йўқ. Биринчидан, у бизни сезиб қолди, кейин то рулни бураб, ҳайдагунингча, мингга қўйиб юборади.

— Тўғрига ҳайдаверайми, у ёғи тупик. Бунинг ҳам фойдаси йўқ.

— Тупик? Бу ерларга келганмисан? — Шокирга тикилдим. У довдираб қолди. Айни дам нима дейишга сўз тополмай, бир лаҳза қийналди, сўнг деди: — Ҳа. Бир иш билан келганман бир вақтлар. Бир танишим шу ерда туради.

“Иш биланми ё айш-ишрат қилганими?”

Шу гапни айтишдан ўзимни аранг тўхтатдим.

— Баҳона ҳам тайёр. Ўша танишингнинг уйига кирамиз.

— Нима? Эсингни едингми? Ҳечдан-ҳеч-а? — Шокирнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Йўқ, уйига кирмаймиз. Ўзимизни худди меҳмонга келгандай кўрсатамиз. Анави сўтакда шубҳа уйғотмаслик учун.

— Сўтагингда шубҳа уйғониб бўлди. Бу айёрлигинг иш бермайди.

— Оббо! Сен айтганимга қўн, у ёғимни ўзимга қўйиб бер.

Шокир машинани тўхтатди. Кўзларимга қаради.

— Бу ғирт аҳмоқлик. Менга қара, дўстим. Очиги, бу ерда ҳеч қандай таниш-панишим йўқ. Кейин бир жойда зарил ишим бор эди, — у шундай деб билагидаги механизм соатга бир қўр қараб олди. — Ярим соат қолибди. Так, бирга кетасанми ё шу ерда қолдириб кетайми?

Шу дам орқа тарафдан машинанинг овози келди. Кўзгучага қарадим. “Ласетти” бурилиб, изига қайтиб кетаётганди.

Шокирга тагин “Ласеттининг изидан тушайлик” деб айтолмадим. Кўриниб турибди, шундоқ ҳам вақтини ўғирлаб, бошини қотириб ўтирибман. Малол келаётганини кўзлари ҳам айтиб турибди. Кейин пухта режа ишламай, пойлоқчилик қилиб юриш билан ҳам иш битмайди. Ҳозирда қиладиган биринчи ишим Маликани вазиятдан огоҳ этиб, уни ҳушёрликка чақириш эди. Мана шу ўйлар кўнглимдан кечиб, Шокирга дедим.

— Кетдик. Ортга ҳайдайвер.

8. Иккинчи туш

Кўзкишанли камерачининг дабдурустдан машинасини буриб, ортига қайтганини ҳазм қила олмадим. Тоғамнинг дўконига боргач ҳам, кечқурун уйга келганимда ҳам мени “сайдга” айлантирган сайёд ўю хаёлларда кезиб юрди. Нега манзилига энди етдим деганида бирдан унинг фикри ўзгарди? Ортидан пойлаб келаётганимизни сездими ё? Шубҳаландимикан? Қўрқдимикан ё? Биз, иккита чувак йигитдан-а? Эҳтимол, бизни авом қиёфасига кирган милиция деб ўйлаб жуфтакни ростлаб қолгандир? Яна билмадим. Бу мавҳумлик ақлга сигмас даражада аҳмоқлик бўлди. Аммо-лекин унинг машинаси ҳақида билиб олдим: садаф ранг “Ласетти”. 14 3467 а. Аммо бу иш берармиди? Энди қаршимдан чиққан ҳар бир оқ “Ласетти”ни пойлайманми?

Шокир ҳам тулкилигига борди. Сирларини оча қолмади. Ахир, кўнглидагини ўқидим-ку: “Икки йил бурун бу ерларни мен ҳам зиёрат қилганман. Яхши биламан”. Бундан чиқди, кўзкишан мўлжаллаган масканда бузуқилар уя қурган. Бу аниқ. Шокирнинг кўзига кўз тикиб, яна сирларини билиб олмоқчи бўлдим. Унинг ахборот тўлқинлари майда-чуйда, кераксиз “хабарларни” етказди. Шу дам кўнглимдан ўй ўтди. “Ўша сен

зиёрат қилган жой қаерда? У ерда кимлар туради? Ҳақка деган аёл ҳам борми?” Шу саволларни тўлқинларим орқали Шокирга етказмоқчи бўлдим, иш чиқмади. Қанча уринсам ҳам, унинг мия қобиғини тўлқинларим ёриб ўтолмади. Шунда англадим, мен одамни сеҳрлаб, уни ўзига қарши ҳаракатлантирадиган жодугар эмас, шунчаки суҳбатдошимнинг кўнглида кечётган фикру ўйларнигина ўқий оларканман, холос.

Менинг ўзгариб қолганим кундай равшан эди. Иштаҳа билан овқатланмайман, кечқурун қиладиган дарслару топшириқларни аллақачон йиғиштириб қўйганман, дўконга ҳам оёқ тортганда бориб, тортмаганда қўл силтаб қўяман, паришонхотирлик, нуқул олатовур ўйлар билан андармон бўлиш одат тусига кириб бораётганди. Мана шулардан ойим хавфсиради чоғи, кечқурун хонамга кирди. Мен каравотимда чалқанча ётиб, шифтга термилиб ўй сураётгандим. Хона эшиги очилиб, ойим пайдо бўлган заҳоти ҳушимни йиғиштирдим. Ўрнимдан туриб, ўтириб олдим. Ойим оҳиста қадам ташлаб келиб, ёнимга секин чўкди. Ҳе йўқ-бе йўқ, бирдан ғалати гап айтди:

— Эртага институтингга бормай қўя қол, ўғлим.

Анграйиб ойимнинг юзига қарадим. Унинг кўзларида хавотир, фақат оналаргагина хос бўлган қайғу, меҳр бор эди.

— Нега?

— Шу кунларда жудаям бошқачасан. Муборак тушни кўрганингдан бери ўзгариб қолгансан. Эрта сахар туриб, Қумтепага бориб келамиз. Узоқмас, таксида ярим соатлик йўл.

— У ерда нима қиламиз? — баттар ҳайрон бўлдим.

— Юсуф бобо деган нафаси ўткир домулла бор экан. Суриштириб билдим.

Шу ойимга ҳеч тушунмайман-да! Қайси асрда яшаётганини ҳали ҳам билмайди, шекилли. Ирим-сирими-ку, майли, буниси нима энди? Жаҳлим чиқиб кетди.

— Ойи, мени касал деб ўйлаяпсизми? Кўриб турибсиз-ку, соппа-соғман ё кўзингизга шундай кўриняпманми?

— Ундай демадим-ку, ўғлим. Енгил тортармидинг, дейман-да.

— Керакмас, шусиз ҳам қушдай енгилман.

— Бўлмаса, нега овқатланишингга маза йўқ? Кайфиятингни ҳам кўриб турибман, ҳаминқадар. Ойингман ахир, мендан яширма, болам!

— Ойижон, аввал ҳам айтгандим-ку, хавотирланишга ҳожат йўқ, ҳаммаси жойида. Ўқишга ҳам, ишга ҳам бориб келяпман. Кейин иштаҳа бўлса, овқатланаман-да?

Ойим оғир хўрсиниб, ўрнидан турди. Бир-икки қадам жилиб, менга ўгирилди.

— Борасанми Қумтепага?

“Йўқ” деган маънода бош чайқадим. Ойим индамади. Хонадан чиқиб кетди.

Наздимда ойим мендан ранжиди. Тўғри-да, энди бир камим азайимхону дуохонларнинг эшигини қоқиш қолувди. Таниш-билишлар эшитса нима дейишади? Бу гап ўртоқларимнинг қулоғига бориб етса, устимдан кулишмайдими? Шуларни ўйлаб, кўзларим илинибди... Бир маҳал уйғониб кетдим. Ён-веримга қараб қўрқиб кетдим. Ахир, каравотда ётгандим-ку? Бу нимаси? Хонам жўн хонамас, ўртасидан торгина йўлак кесиб ўтган, ҳар икки тарафи қатор саф тортган қўш курсилари бор кета-кетгунча чўзилган узун, ёп-ёруғ хона. Мен ўртароқда, суянчиғига оппоқ

жилд кийдирилган курсида ўтирибман. Ўнг томонимга қараб, яна ҳайрон қолдим. Хона деразаси одам юзига иккита келадиган айлана, қалин ойна экан. Фаҳмладим. Мен аэросалон ичида эканман. Самолёт парвозга кўтарилган, баландликда қуш янглиғ учиб боряпти. Аммо аэросалон ичида мендан бошқа бирор жон йўқ. Бир ўзим. Иллюминаторга қарагандим, қуюқ оқ тутундан бошқа ҳеч вақо кўзга кўринмади. Ўрнимдан турмоқчи эдим, бўлмади. Камар тақилган экан. Камар тўқасини очишга қанча уриндим, бўлмади. Эпполмадим. Ёнимда ним табассум қилганча касб формасида ёшгина қиз — стюардесса пайдо бўлди. Қўлида патнис бор экан. Унда атиги бир дона хатжилд. У индамай патнисдан хатжилдни олиб менга тутқазди. Тонг қотдим. Бу қанақа даҳмаза экан, деб конвертни елимидан кўчириб, ичига қўл суққандим, бир парча оқ қоғоз илашиб чиқди. Қоғозда шундай сўзлар битилган экан:

“Ирода ва сабр”.

— Бу қандай ўйин? Нега мени авраяпсизлар? — шундай деб хатдан кўзларимни олиб стюардесса томон юз бурган ҳам эдимки, унинг ғойиб бўлиб қолганини кўриб, капалагим учиб кетди.

...Аэросалон дарчаси тақиллагандек бўлди. Кейин бўғиқ овоз келди. Хиёл ўтмай бўғиқ овоз равонлашди.

— Шавкат, тур! Тур, болам!

Кўзларимни очсам, ўз хонам. Каравотимда ётибман. Чироқ мўл-кўл нур таратиб, ҳамон ёниқ турибди. Уни ўчирмаганлигим эсимга келди. Уззутун ёниқлигича қолган. Ойимнинг тагин овози чиқди:

— Шавкат!

Чақириққа жавоб бердим.

— Ҳозир, ойижон, ҳозир!

Бошим негадир ғувилларди. Худди миям ўрнида самолёт мотори жойлаштирилгану, тиним билмай ишлаб, “гув” этиб овоз чиқараётганди. Иккинчи марта ойим айтганидек муборак туш кўрганимни англаб тургандим. Учоқ, кўкдаги парвоз хосиятли нарсалар. Аммо ҳеч мағзини чақа олмаётганим — хатдаги ибора жумбоқ бўлиб қолаётганди. Бундан етти кун аввал кўрган тушим кечагисидан деярли фарқ қилмасди. Фақат ёзувлар алмашганди, холос. Биринчисида “Қадамлар” деган битик бор эди, бунисида “Сабр ва ирода”. “Қадамлар”ни Маликани мудрофаалаш кўйида ҳаққа ва кўзкишанли камерачининг изидан тушганимга йўйгандим. Аммо бу “калит”-чи? “Тутоқмасдан, жимгина ҳаракатингни қилавер, мақсадинга эришасан” деганими бу? Тавба! На кулишни биласан, на...

Шу дам кўзларим қичишиб, ҳаловатим йўқолди. Кўзларимни юмиб, бармоқларимни қовоқларим устидан оҳиста бир-икки босдим. Ишқалаш мумкинмас, шусиз ҳам қорачиқларга ёпишиб турган контакт линзалар ботяпти, кўзпардани тилиши мумкин. Муборак туш кўрганимдан бир кун аввал окулист ҳузурига бориб, кўзларимни қайта текширтириб, мана шу — 3 диоптрияли линзаларни сотиб олгандим. Окулист “агар кунлик алмаштириладиган линзалардан чарчаган бўлсангиз, узайтирилганлари бор, шу хилидан олинг, ҳар кун ечиб яна тақиб ўтирмайсиз, бир ой мобайнида ечмасдан бемалол тақиб юрасиз” деганда, шунга амал қилгандим. Окулист яна “линза муддати тугагач, келинг, аммо зинҳор-базинҳор ўзбошимчалик қилиб, бошқа линзаларни сотиб олиб юрманг-а” дея огоҳлантирганди ҳам. Ўзимга балоларни сотиб олиб юрмайман-ку, кўз керак, албатта. Шунинг учун окулистнинг ҳар бир сўзи менга қонун. Аммо наздимда, бу кўз врачининг

дарди бошқа. Шу пайтга қадар нечта линзадан фойдаланган бўлсам, унинг тавсияси билан фақат бир оптика дуконига бориб, бу дахмазани олганман. Ўзи ҳам ўқтин-ўқтин қулоқ-миямга қуйиб турарди: “Бошқа оптикаларга бориб юрманг-а, сифатсизларини олсангиз, кўзларингиз жароҳатланиши мумкин”.

Хайрият, кўз қичишиши қолди. Тўхтамаса, ўша окулистнинг олдига боришни мўлжаллаётгандим.

Юз-қўлларимни ювиб, апил-тапил нонушта қилдим-да, кийимларимни алмаштириб, институтга отландим. Ойимга бу кеча кўрган тушим ҳақида оғиз очмадим. Яна эзма-чуриклик қилиб, ирим-сиримларини бошлаб юбориши турган гап эди. Тағин “муборак қадамжоларни зиёрат қилиб кел” деса, нима қиламан?

Подъезддан чиқиб, беш-олти қадам юрган ҳам эдимки, Шокир “Матиз”ини ҳайдаб келиб қолди. Шу ошнам хўп оқибатли йигит-да. Йўли бошқа ёқда-ю, мени ўз маңзилимга элтмоқчи бўлади. Эринмаган банда-ей...

— Ўтир, — деди у машинасига имо қилиб. “Матиз”нинг олд эшигини очиб, ўриндиққа жойлашдим.

— Ўқишга боряпсанми? — тағин сўради Шокир. Тасдиқлаб, бош ирғадим. Кумуш ранг “Матиз” ўрнидан жилди.

— Ўзинг қаёққа йўл олдинг? — сўрадим дўстимдан.

— Тирикчилик. Кўриб турибсану? — деди у менга қараб. Шунда нигоҳларимиз туташди. Тағин ички тўлқинларим ҳаракатга тушиб, унинг ахборот майдони томон “хужум”га ўтди. Миям қобиғидан сизилиб кираётган ёт хабарларни идрок қила кетдим.

“Кеча биз “Ласетти”ни қувиб борган жойга кечқурун ўтдим. 5-дом 44-квартирани қоралаб бордим. Эшикни тақиллатсам, ўша нозанин Гуля очди. Офатижон бўлиб кетибди. Икки йил аввал олдига борга-

нимда ҳам дуркунгина эди. Қиз деганлари ҳам шунча ҳурлиқо бўладими-а? Бир қошиқ сувга қўшиб ичворгим келди, рости. Аммо ичкарига таклиф этмади, қурмағур. Ярим соатдан кейин “клиент” келаркан? “Хоҳласангиз “тилла”лардан топиб берман дейди-я, бу? “Роза” бўп кетибсан-ку? Каминага сенга ўхшаган “нуқра”лари ҳам бўлаверади дедим. Кулди. “Хоҳласам, бир кунда “тилла”га айланаман, бунинг йўли осон”, дейди. Мени бугунга таклиф қилди. Кечқурун ўтмоқчиман олдига...”

Роса айнибди. Ким билади, эҳтимол, Москвада ҳам мана шундай “офатижонларни” орқасидан қувиб икки йилни шамолга совургандир-да? Шу фикр кўнглимдан кеча бошлаган ҳам эдики, яна гуп этиб хабарлар бўрони миям қобиғига урилди.

“Москвада ҳам битта “гул”ни илинтиргандим. Украина эди, қурмағур. Сочлари силлиқ, малла ранг. Тип-тиниқ. Кафтингни қўйсанг, ўз-ўзидан шўнғиб кетади. Ўзига тоза бино қўйганлардан экан. Профессиналлардан. Ёши меникидан бир ёш катта эди-ю, аммо чидаса бўларди. Кўзни шамғалат қилиб, бориб келардим олдига”.

Кўнглим айниб кетди. Дарров юзларимни ойна томонга бурдим. Унинг эса парвои фалак, кўзлари йўлда, қўллари рул чамбарагида. Ўзи вайсашдан тинмайди.

— Сенга маза. Институтингга борасан-келасан. Менга қара, чиройли қизлар кўп бўлса керак-а? Бирортасини илинтириб олдингми? Қачонгача сўппайиб юрасан? Эрта қариб қолсанг, кейин сенга ким тегади? Воҳа-ҳа-ҳа... — шу ерга келганда ўз гапи ўзига нашъа қилиб, беўхшов кулиб юборди.

— Ўзлари-чи? Ўзлари?

— Биз ҳам бекор юрганимиз йўқ. Саралаяпмиз.

— Овлаяпмиз, десанг тўғрироқ бўлармиди? — унинг нозик жойидан ушладим.

— Энди...

— Ҳа, — дедим унинг бирдан гапини йўқотиб қўйганидан муғомбирона кулимсираб.

— Ҳа, бир гап бўлар-да.

— Менга қара, қиз овлаб юришни бас қил-да, бит-тасини эгалла-қўй, — дедим унга машина институт биноси олдига келиб тўхтагач. У ҳе-хелаб кулиб юборди. “Матиз”дан тушиб, эшикни ёпганимда рўй-рост шу гапни айтди:

— Элбурутдан нима қиламан бўйнимга олахуржунни илиб, бўйдоқчиликда давримни суриб қолай.

Ойнаси туширилган эшик деразасидан унинг мак-корона кулиб турган ғар кўзларига қарадим.

— Давримни сураман деб... — бир аччиқ гап айтмоқчи эдим, журъатим етмади, — астағфирулло, охири бахайр бўлсин-да!

Шокир ортимдан бир нималар деб жавраб қолди. Парво қилмай, қадамларимни факультет биноси томон жадал ташладим. Миямда эса турфа фаразлар бош кўтармоқда эди.

“Кўзкишанли камерачи, бундан чиқди, кеча Гуля деганларининг олдига келаётган экан-да? Гуля ким бўл-дийкан? Оддий енгилтак қизми? Эҳтимол, унинг кўз-кишанли билан бирор алоқаси бордир?”

Ёвқур ўй-хаёллар омонлик бермади. Дарсдан сўнг Гуля деганларини излаб топишни кўнглимга тугдим.

9. Улфатчилик

Тўрт жуфт дарсни ортда қолдириб, галма-гал ик-кита автобусда манзилимга етиб келдим. 5-“дом”ни қийналмай топдим. “Дом”нинг биқинига елим тахта-

чада шу рақам йириккина қилиб ёзилган ёрлиқ ёпиштирилган экан. Энди 44-квартирага кўтарилиш керак эди. Аммо дабдурустан кириб борсам, ўйламай-нетмай гапирсам, иш пачава бўлиши турган гап эди. Енгил-так қизларни фақат бир нарсa қизиқтиради: пул. Шу зормондани деб қинғир йўлга кириб, танини сотиб юришга маҳкум улар. Аммо менинг мақсадим кўнгилхушлик қилиш эмас, ё ҳакка, ё кўзкишан ҳақида маълумот олиш. Демак, Гуля деганларининг кўнглига йўл топишим учун аввало, ўзимни “мижоз” сифатида кўрсатишим, оғзига сиғадиган пулни беришга тайёр валломат ролини ўйнашим керак. Қайдам, буни ўхшата олармиканман? Шу ўйда подъездга кириб, зина пиллапояларидан энди кўтарилган ҳам эдим, чўнтак телефоним куй таратиб юборди. Шу маҳалда “бемаврид” сим қоққан одамдан ижирғаниб, унинг чақирувига жавоб бериш кўйида шимим чўнтагидан аппаратни олган заҳотим бўшашиб кетдим. Митти экранда тоғамнинг рақамлари пайдо бўлган эди. Кеча у кишига “эртага тўрт пара дарс бўлади, институтдан чиқиб тўғри дўконга келаман”, деб ваъда берган эдим. Бу ёдимдан кўтарилибди.

— Алло, тоға, — деб алоқага киришган эдим, у койиб кетди:

— Ишлаш ниятинг борми ўзи? Сен болага нима бўляпти? Хоҳласанг келасан, хоҳламасанг йўқ. Ёқмаётган бўлса, айт, тоға энди дўконингизда ишламоқчи эмасман, де қўй. Мен ҳам тушунадиган одамман...

— Тоға, узр, жуда зарил ишим чиқиб қолди-да!

— Нега телефон қилиб айтмайсан шуни?

— Энди қилмоқчи бўлиб тургандим, сиз кўнғироқ қилиб қолдингиз...

— Муғомбир, гапни ҳам ўрайсан-а? Бўпти, келганингда гаплашамиз.

Қўл телефонимни тагин чўнтакка солиб, иккинчи қаватга қўтарилган ҳам эдим, тепадан “тақ-туқ” этиб тушиб келган бир “светофор” қиз ёнимдан ўтаётиб, менга қараб-қараб кетди. Эринмаган банда, юз-кўзларига бўёқларнинг хил-хилидан чаплаб, роса пардоз қилганга ўхшарди. Киприклари уламалиги шундайгина билиниб турган бу “светофор” қизнинг кўзлари кўзларимга тушгач, юрагимда гуп этиб олов ўрлади. Аъзойи-баданим қизиби, бошим ғувиллаб кетди. Шу тобда бу “светофор” қиз кўнглидан ўтаётган оний ўйлар беихтиёр миям қобикларидан сизиб, шууриmda жонлана бошлади.

“Бу “сопляк” ким бўлдийкан? Олдимга келдимикан? Уйимни қаердан билган? Э, йўқ, бешинчи қаватдаги анаконда хотиннинг янги квартирантлари бўлса керак. Тўхта-тўхта, квартирант бўлса, билишим керакку? Бир қават остимда туради-ю, билмайманми? Йўқ, ўхшамаяпти... ана, менга қаради. Ёқдим шекилли. Ўзиям ёқимтойгина экан. Емишли... Ўхшамаяпти, қизсираган мужиклар бунақа лох бўлмайди?.. Э, Таня кутиб ўтиргандир? Анави Видик келиши керак эди-ку, “уйдан чиқавер, келдим, мана” деди. Ие, келган экан-ку, ана “Ласетти”си эшик олдида турибди...”

Сайд ўйлар гирдобидида тўртинчи қаватгача қўтарилганимни сезмай қолибман. Ҳушимга келгач, тагин ортимга қайтдим. Зинапоя пиллапоялари узра шитоб-ла пастлаб, подъезд эшиги олдига етганимда, машина овозини эшитиб қолдим. Ташқарига югуриб чиқдим. Фақатгина сўл томонда узоқлаб кетиб бораётган садаф ранг “Ласетти”ни айтмаганда, атрофда

ҳеч ким йўқ эди. Рақамларидан машина кимлигини ҳам билдим. Кўзкишанли камерачи. Ҳаммаси тушунарли. “Иш чиққан...”

Хўрсиниқ лабларим орасидан учиб чиқди.

Доим кечикиб юраман. Ишларим ҳеч унмаяпти. Бугун ҳам омадим юришмади. Шу дам хаёлимга бир бемаъни ўй келиб, қўрқиб кетдим. Худо кўрсатмасину, анави ҳакками, видикми Маликани йўлдан оғдириб, мана бунақа енгилтак Гулями, Диляга ўхшаган кўча қизларига айлантирса-я? Йўқ, бунга имкон бермаслигим керак. Асло!

Олатасир ўйлар билан олиша-олиша тоғамнинг дўконига етиб келганимни ҳам сезмай қолибман. Самандар юкка кетибди. Тоғамнинг бир ўзи жонини жабборга бериб ишлаётган экан. Боя телефонда бир чақиб олувди. Ками бор экан. Мени кўриши билан тагин талай кетди:

— Сен болада эс борми ўзи? Иккида шу ерда бўлман деганмидинг?

Индамай тургандим, у саволни яна қайтарди. Гапини тасдиқлаб, бош ирғадим.

— Ҳозир соат неча бўлди? Ана, қара! — тоғам қўлини эшик тепасига илинган осма соатга ишора қилди. Хоҳлаб-хоҳламай ўша томон қарадим: 3:30. Вақт деганлари бунча учқур бўлмаса-я? Гуля деганларининг маишатхонасидан шу ерга келгунимча нақд бир соат ўтибди. Тавба!

Тоғам шу гап билан мени койишдан тўхтар, деб ўйлагандим, йўқ. Энди бутунлай бошқа мавзуга кўчди:

— Опам бечорада нима айб? Уни ҳам адо қиляпсан сен бола?

Ойим телефон қилиб, роса дарди ҳол қилгандир деб тургандим, йўқ, қўнғироқ қилмаган экан. Эрталаб

ишга кетаётиб, йўл-йўлакай тоғамнинг олдига кириб ўтган экан. Бунини ҳам тоғам айтди. Шу билан вайсашдан тўхтадим десам, йўқ, камини бор экан.

— Бошинини айлантириб қўйибди сенинг! Ҳуш хаёлинг ўшанда сен боланинг? Шундайми?

Ялт этиб тоғамга қарадим. Кимни айтаётган бўлиши мумкин? Ким менинг бошимни айлантиряпти? Шунга қизиқиб, савол назари билан қараб тургандим, ўзи айтди:

— Ўша қизга эргашиб юрибсанми? Бир ҳафта олдин келганди-ку, дўконга? Мени “бу киши тоғам” бўлади деб таништиргандинг, эсингдан чиқдимми?

Бўлди-бўлди, у Маликани айтяпти. Малика бошимни “айлантириб” қўйганини гапирётган экан-да бир соатдан бери. Нима қипти, мен уни севаман, ахир. Бунини тилга кўчиришга айлани тобда журъат йўқ эди менда.

— Ҳа, индамайсан? Гапир! Оғзингга талқон солиб олганмисан?

Нима дей? Келганимдан бери “пўстагимни қоқаётган” бўлса? Арпасини хом ўрганмиканман-а тоғамнинг? Бунча менга ёпишмаса-я? Дўконга кириб-чиқаётган харидорларнинг бари бақир-чақир қилаётган тоғамга қараяпти. Ҳамманинг диққатини ўғирлаяпти. Худди бу ерда спектакль қўйиляпти-ю, тоғам қизиққон, жаҳли бурнини учида турадиган одам образига кириб, берилиб роль ўйнаётганга ўхшарди. Кейинги дашноми суяк-суягимдан ўтиб кетди.

— Ишласанг одамга ўхшаб ишла, дўкон сенга ўйинчоқмас. Олаётган пулингнинг ҳалоллаб ол-да?

Бошқа тоқат қилиб тура олмадим. Бор аламларим йиғилиб қолган эканми, ҳаммаси жамланиб битта гапга айланиб, тилимдан тошиб чиқди:

— Хотиржам бўлаверинг. Энди ишламайман, — шундай деб дўкондан чиқдим утўри уйга бордим.

Кела солиб кийимларимни ҳам алмаштирмай ўзимни каравотимга таппа ташладим. Тош қотиб ухлабман. Ойимнинг овозидан уйғониб кетдим.

— Шомда одам ухламайди, Шавкат! Хосияти яхшимас. Оғирлашиб қоласан. Бугун вақтли қайтибсан, дўконга бормадингми?

Ойим эшикдан мўралаб турган экан. Юзига қарадим. Хавотир аломати йўқ. Саросимага ҳам тушмаган. Тоғам ҳали телефон қилмаган кўринади. Бўлмаса, келган заҳоти менга дакки беришга тушиб кетарди.

Каравотдан қаддимни ростлаб, турдим. Тагин ўрнидан жилмай турган ойимга қарадим. Менга мўлтираб қараб турибди. Саводига жавоб кутяпти.

— Бордим, — дедим лоқайдлик билан меҳрибонимнинг кўзларига қараб.

“Бечора болам, укамнинг айтгани ростга ўхшаяпти. Бу битта тавияни деб ўзини олдириб қўйибди. Нимага ўзгариб қолган десам, гап бу ёқда эканда? Ўзига келиб олсин, андакроқ кўнглига қўл солиб кўраман. Учрашиб юрадиган қизи қанақа, насл-насаби, ота-онаси кимлар, ўзи ўқийдими-ишлайдими — ҳаммасини сўрайман?! Тагин бедаво қиз чиқиб қолмаса, гўрга эди...”

— Кийимингни алмаштириб, дўконга чиқиб, ке, уйда нон қолмабди, — ойим шу гапни айтиб эшикни ёпди.

Бошқача бўлиб кетдим. Фақат ўзинггагина маълум хос сирларни биров ўғринча билиб олса-ю, кун келиб туйқус бу ҳақида сен дарак топсанг, шу дам одам қай кўйга тушади? Мен ҳозир шундай ҳолни кечирмакда эдим. Ойимни нима жин урди? Нега Маликани тавия

дейди? Бедаво чиқмаса гўрга эди-я, деб шубҳаланади? Бўлажак келини ҳақида ҳалитдан бўлмағур хаёлларга бориб утирса-я? Ахир, Маликанинг кимлигини мен яхши биламан-ку! Унга тенг қиз дунёда бормикан? У билан одамийлик бобида беллаша оладигани-чи? Йўқ. Тўхта-тўхта, ойим мен Маликани ёқтириб қолганимни қаердан била қолдийкан? У кишига бу ҳақда ҳали оғиз очмагандим-ку? Ҳа, бўлди-бўлди. Бу тоғамнинг иши. Аниқ. Бугун ўзи айтди-ку, онанг бечора олдимга келди демаганмиди? Деганди. Шунда “қуюшқондан” чиқиб кетаётганимни айтиб, Малика ҳақида ҳам тошириб гапирган бўлса, эҳтимол.

Ойимнинг ошхонадан келган овози сайёд хаёлларимни тўзғитиб, ҳушимни ўнглади:

- Шавкат, имиллама! Тезроқ чиқиб кел дўконга.
- Ҳозир!

Кийимларимни алмаштириб, уйдан чиқдим. “Дом” имизнинг қаршисида, асфальт йўлнинг нариги чеккасида кета-кетгунча катта-кичик дўконлар тизилган. Озиқ-овқат маҳсулотлари дўкони, хўжалик моллари дўкони, гўштнинг хилма-хили топиладиган бўламача, “Пайнет” шохобчаси... Подъезддан чиқаяти, кўзларим туйқус озиқ-овқатлар дўконидан сал бери-роқда турган кумуш ранг “Матиз”га тушди.

“У-бу харид қилиш учун Шокир магазинга чиққан” — шу фикр ялт этиб хаёлимдан ўтди. Асфальт йўлни кесиб, ўтиб пештоқига “Озиқ-овқат маҳсулотлари” деб ёзилган дўкон сари юра бошлаган ҳам эдим, бир пайт битта елим қопчиқни қаппайтирганча Шокир чиқиб қолди. Ногоҳ нигоҳи менга тушиб, ишшайди.

— Тузукмисан? — деди кафтимни қисиб, унга яқинлашганимда.

— Нонга келгандим, — дедим қуруққина қилиб.

— Менга қара, бир отамлашмаймизми, а? Москвадан келганимдан бери ичмагандим. Сенинг баҳонангда бир хумор босилармиди?

Дабдурустдан таклиф киритди у. Шокирни ҳеч ким билмаса ҳам, мен биламан. Ётиб қолгунча ичиб қол, деганлар хилидан. Қўлига битта шиша тегдими, тамом, то уни бўшатмагунича тинчимайди. Сўнгги томчисигача силқитиб, галдагисига ўтишдан ҳам тоймайди. Аммо маст бўлса ҳам ўзини йўқотиб қўймайди, ярамас. Мана шу “таланти”ига беш ташлаш керак. Шундай-ку-я, бир тарафдан жағи очилиб қолади. Гапхалтаси оғзи очилиб, нақ булбулигўё бўлиб кетади. Қулоғинг тагида биров тиним билмай “сайраб турса” кимга ҳам ёқарди. Шунини ўйлаб, дарров таклифини рад этдим.

— Ҳмм. Ичмасанг, чекмасанг... мўрт тортиб юравер, — деди тўлиб-тошиб турган йигит бирдан попуги пасайиб. Беихтиёр нигоҳларимиз тўқнашди.

“Якка ўзим ўтирсам татимайди-да, Гуля ҳам йўқ. Бўлмаса, тўғри олдига учардим...”

Шу дам кўнглимга бир ўй келди.

“Пайтдан фойдаланиб қолсам-чи? Маст бўлса, шақир-шуқур бўлиб қолади. Ичидагиларни бир-бир тўкиб солади. Авраб, Гуля ҳақида билиб олардим. Ҳа, шундай қиламан...”

— Майли, сазанг ўлмасин, — дедим унга, — мендан бошқа киминг бор сенинг?

Шокирнинг сўниқ тортган кўзлари зумда қувнаб кетди.

— Қўлни ташла. Мана бу йигитча гап бўлди, жўра, — у кафтимни сиқиб қўйди. — Бўлмаса, гап бундай, манавини уйга ташлаб олдингга келаман, тайёр бўлиб тур.

Бугун бир яйрайлик. Қаерда ўтирамиз? — у менга берган саволига жавоб олишни ҳам кутмай, ўзи ташаббус кўрсата қолди. — “Шеримбек”дан зўри йўқ. Ўша ёққа борамиз.

“Сен айтганча бўла қолсин” дедим. Ярим соатдан сўнг учрашишга келишиб, тарқалдик. Мен дўкондан иккита буханка нон олиб, уйга учдим. Кийимларимни алмаштириб, ўзимни тартибга келтиргунимча ҳам келишилган вақт бўлиб қолди. Бир маҳал чўнтак телефоним куй таратиб юборди. Чўнтагимдан олиб, экранига қарагандим Шокирбойваччанинг рақамлари.

— Ҳозир, тушяпман.

Ойимга Шокир билан ўтиришимиз борлигини айтиб, уйдан чиқдим.

Кумушранг “Матиз” шундайгина подъезд эшиги қаршисида ўт олиб турган экан. Машина дарчасини очиб, дўстимнинг ёнига чаққон ўтириб олдим. Биз чорак соат деганда ҳашамдор, бир нигоҳ ташлаганда кишининг эътиборини тортар даражада кўркем “Шеримбек” ресторанига келдик. Бу ресторан бир қаватли, ичи кенг ва шинам, қалашган столларнинг бари банд, мижозлар сон-саноксиз эди. Официантлар афтидан бош қашишга вақти бўлмаганиданми, тез ҳаракатланишар, ҳаммасининг қўлида патнис, тинимсиз столлар олдиға қатнашарди. Ичкариға кирганимиз заҳоти ёшгина бир официант қиз пилдираб бизға пешвоз чиқди. Афтидан, Шокир бу ерга тез-тез келиб, бу ойимчаларнинг чўнтагини қаппайтириб турадими, у хушомадни қуюқ қилиб юборди. Сўнг тўрроқдаги бўш турган тўрт кишилик столға бошлаб борди ва дарров хизматға киришиб кетди. Шокирбойвачча валломатлик қила кетди:

— Биринчисига суюқ бўла қолсин, қуюғига шашлик,

“кускавойидан”, салатга... ҳмм, помидор билан бод-рингни паррак қилиб келтирасиз, хўш, яна “Кола”, кейин ҳалигидан...

Кўз юмиб-очгунча чоғроққина столда Шокирнинг ҳамма айтгани муҳайё бўлди. Фақат кабоб кечроқ тайёр бўлишини айтиб, официант ёқимли иштаҳа тилаб, бизни холи қолдирди.

Шокир ишга киришиб кетди. “Столичний”нинг тиқинини осонгина очиб, жимитдеккина, шаффоф финжонларга қулқиллатиб қуя бошлади. Шиша оғзини иккинчи митти идишга ўнгарган эди, мен унамадим.

— Биласан-ку, ичмаслигимни, ранжимагин деб эргашиб келдим. Майли, мен “қораси”ни оламан, — шундай деб абжирлик билан “Кола” қопқоғини бураб очиб, катта финжонни лиммо-лим қилдим. Идишнинг лабигача кўтарилган ичимликнинг сарғимтир кўпиклари сонияли лаҳзалар ичида сўниб, пасая-пасая, охир ярмига келганда тинди. Ярим финжон “кола”дан уч-тўрт қултум ичиб, томоғимни ҳўлладим. Шокир аллақачон отиб олган, иккинчи финжончани кўтаришга тараддудланаётганди.

— Эй жўра, одам дунёга бир бор келаркан, — гап халтаси оғзини очиб юборди Шокир, — “иш, иш” деб умримиз ўтаётганини ҳам билмай қоламиз. Мана, йигирма учдан йигирма тўртга қараб силжияпти ёшимиз, ҳадемай уйланамиз, бола-чақа орттирамиз. Ҳаёт яна мураккаблашади. Чунки энди фақат ўзингни эмас, оилангни ҳам ўйлашинг керак бўлади. Едириб-ичириш, кийдириш, бошқа эҳтиёжлар... э, ҳаммасига пул керак. Пул топиш учун ишлаш керак.

Шокирнинг жўн, олимларча фалсафа тўқиши, сийқаси чиққан бу рўзгорий гаплари эриш туйила

бошлаган эса-да, унинг “файласуф”лигига тан бериб, “сеники маъқул” дейишдан бошқа чорам йўқ эди. Ҳали йўлда келётганимизда “маст бўлиб қолсанг, кейин нима бўлади”, деб машинасига шаъма қилгандим, у қўл силтаб, “аканг қарағай ёнингда, ғам ема”, деб лоқайдланганди. Аввал ҳам кайфда машина бошқарганини айтиб, мақтанди. Мен кўза кунда эмас, кунида синади деб тагин ҳушёрликка ундагандим, у бодилигидан қолмади. Ҳозир шу гаплар эсимга келиб, камроқ ичгин дея тайинладим. У кимга гапиряпсан, демади ҳам.

— Жўра, энди улғайдик. Эмин-эркин яшашни ўрганиш керак. Мана, мен, масалан, кўнглим нимани тусаса, шуни қиламан. Кўнгилхушликми, тортинмайман. Чунки озод қушман, озод қуш.

Мавриди келган эди. Унинг ичида киши билмас бир дунё қайнаб ётар, менга майда-чуйда, кераксиз, нафидан зиёни кўп олачалпак гаплар дум-дум бўлиб, узалиб бораётганди. Мен темирни қизигида босиш керак қабилида иш тутмоққа ўтдим.

— Кўнгилхушлик дейсанми? Бу ҳам йигитчиликдир-да, а? — дедим кулимсираб.

— Ҳа-да. Кеча кўнгил қурғур тусай бошлади. Бордим. Овим юришмади, жўра!

— Ие, нега?

— Йўқ экан.

— Йўқ экан?

— Ҳа, йўқ экан. Умуман бу дунёда йўқ экан.

Шокирнинг юзида порлаб турган қуёшни бир зум ғам булутлари тўсди. У ҳорғин тортган одамдек хўрсинди-да, сўнг финжончадаги ароқни бир кўтаришда бўшатди. Мен ундан кўз узмай ўтирибман.

— Бир йил олдин чавақлаб кетишган экан. Эшитяп-

санми, Гуляни ўлдириб кетишган экан. Унга ўхшаганини бошқа учратмадим. У ягона эди мен учун.

Галати бўлиб кетдим. Худди бу қотиллик ҳозир, кўз ўнгимда содир бўлгандек юрагим ларзиллаб кетди. Яна бир жумбоққа рўпара келгандим. Бундан чиқди, шу бугун “тупик”да подъездда кўрганим — танноз дилбар Гуля эмас экан-да? Унда ким у? Танини пуллаб юрган ўзга фоҳишами?

Шокирнинг кўзларида сезилар-сезилмас ёш кўринди. Тагин ароқ сипқориб, ликопчасидаги помидордан газак қилди. Бир-икки чайнаб ютинди. Кейин менга қаради. Ёшли кўзлари билан кўзларимга боқди. Вужудим қизий кетди. Бошим ғувиллади. Бошланди.

“Сен билмайсан, дўстим, мен уни яхши кўрардим. Ўшанақа бўлса ҳам яхши кўрардим. Ишонасанми, шу яшаб турган шаҳримда ўша қиздан бошқасининг олдига бормаганман. Чин сўзим. Уни ҳаммадан қизғардим. Рашк қилардим. Жинниман-а, келиб-келиб, насл-насабининг тайини йўқ, ота-онаси ҳазар қилиб, воз кечиб юборган, одамлар кўз ўнгида суюқоёқ бўлиб кўринган бир қизни деб тинчимдан айрилиш... нима қилай, у ҳаётимда учрагган ягона қиз эди... ягона...”

Темирни қизигида босдим.

— Шокир, Гуля деганинг ким?

— Гулями? — у мана шу исмни айтиб, тагин бир финжон ароқни бўшатди. Аммо энди газак қилмай, афтини буриштириб олди. Кўзларида қаҳр пайдо бўлди. Худди энг қаттол душманидан ўч оладиган жасур рақибдек шиддатланди. Сўнг сўзлари ўктам тус олди. — У кўнглимнинг гули эди. Эшитяпсанми? Кўнглимнинг гули. У қинғир йўлга кирган бўлса ҳам одамга эл бўлишни биларди. Одамнинг тафтини олишни биларди. Бир гал-

да ёрилиб, бор дардини тўкканида мен тош қотганман. Ҳе, онасини бу ҳаётнинг... Бечорани авраб-алдаб мана шунақа ифлос йўлга олиб киришган. Ҳуснидан фойдаланишмоқчи бўлишган-да? Ўзиям қараб кўз тўймасди чиройига. Юзи тип-тиниқ, кўзлари шахло, сочлари товланарди. Ипакдай майин эди. Разиллар, бир ожиза, покдомон қизни ифлослик ботқоғига итқитиб, тайёр ўлжага айлантиришган-қўйишган. У бошқа фоҳишаларга нисбатан икки-уч карра зиёд чўтал оларди ўшанда. Унга кўнгли суст кетадиганлар ҳам мўл эди. Сўраб-суриштириб келадиганларнинг қадами тинмасди. Мен шулардан биттаси эдим. Ўйлаб қарасам, унинг олдиға фақат нафс қитиқлагани учун бормаган эканман. Чиндан кўнгил қўйган эканман. Афсуски, одамзотнинг қадри вақт ўтгач, билинаркан.

— Гуляни бу ёмон йўлга ким бошлаган экан? Ундан сўраганмидинг? Айтганмиди? — галдаги саволимни бердим.

— Ҳа, айтганди. Лақаби ҳаққа эди адашмасам. Қари қанжиқ, қўшмачи. Бир Гулянингмас, нечта пок қизларнинг бошиға етган, у мараз.

— Уни кўрганмисан?

— Ҳакканими?

— Ҳа.

— Кўрмаганман. Гуля уни илоннинг ёғини ялаган туллак, дерди. Бечора қизларға мижоз келмай қолса, “бозор”ға чиқишға мажбурларкан. Тунги капалаклар ҳақида эшитгансан-а?

“Ҳа” дея бош ирғадим. Бу ёғи мен учун қизиқ эмас эди. Шокир тағин майдалашди. Фоҳишаларнинг тунда мижоз “овлаш” учун бекатларға тарқалишию йигиту эркакларни жодулаб қандай пул ундириши ҳақида

айта бошлаган эди, мен “ўтмиш”га қайтишни лозим топдим.

— Шокир, ҳакканинг уяси қаерда бўлиши мумкин?

— Ҳакканинг уясини сўраяпсанми? — муғомбирларча кулимсиради Шокир. — Қизиқ, кўнглинг тусаяптими?

— Йўқ. Унақамас. Бу қўшмачининг танобини тортиб қўйиш керак. Ўзинг айтдинг-ку, нечта қизларнинг бошига етган деб. Бундан кейин ҳам гулдай қизларни ўлжага айлантиришдан тап тортмайди, бунақа нусхалар.

— Тўғри айтасан, тап тортмайди.

“Столичний” яримлаб қолганди. У финжонга ароқ қуймоқчи бўлиб шишага энди қўл чўзгандиямки, мен чаққонлик қилиб, илиб олдим.

— Бўлди, ўртоқ, машинада келганмиз. Бу ёғини ҳам ўйла.

Шу гапни айтган ҳам эдим, официант столга катта лycopчада ҳовури кўтарилаётган кабоб, лycopчада майдалаб тўғралган пиёз келтириб қўйди. Мен бўлак-бўлак гўштлар тизилган сихларни тенг тақсимлаб, ярмини дўстим олдидаги бўш лycopга, қолганини ўзимникига қўйдим.

— Энди шашликка ҳужум, — деди ҳамон менга жавдираб, нима дейишни билолмай турган Шокир. У барибир тоқат қилиб тура олмади. “Хумчаси” тўлмагани учун тагин бир финжонча ароқ қуйиб ичди, сўнг иштаҳа билан кабоб чайнашга тушди.

Гуля, ҳакка тўғрисида бошқа гап бўлмади. Лycopлар кабобдан бўшалгач, юзимизга фотиҳа тортиб, қўзғалдик. Шокир қайсарлигига борди. Кайфи тароқ бўлса ҳам, машина бошқаришни уддаларкан. Бахтимизга бирорта ЙПХ ходими учрамади. Уйга эсон-омон етиб келдик.

10. Сир очилди

Уйга кирганимда яна бир можаронинг устидан чиқдим. Тоғам келган экан. Афтидан, у билан айтишиб, дўконидан чиқиб кетганимдан сўнг юрагига ғулғула тушганми, иш вақти тугаган заҳоти дўконни ёпгану бу ёққа чопган кўринади. Тоғам билан лоқайдгина кўришиб, энди ўз хонамга йўналгандим, овози амрона оҳангда чиқди:

— Ўтир!

Ночор хоҳламайгина тоғам қаршисига, хонтахта атрофидаги қуроқ кўрпачага чўккаладим. Ойим ошхонада куймаланаётганди, шу он олдимизга чойнак-пиёла кўтариб келиб қолди. Кўлидагиларни хонтахта устига қўйиб, инқиллаб, укасининг ёнига ўтирди ва чойнакдан пиёлага чой қуйиб, қайтариб солди. Бу ишни уч карра такрорлагач, бир оз тин олди-да, сўнг ўзи, кейин тоғамга пиёлада чой узатди. Пиёлалардан кўтарилаётган ҳовур ҳавога сингиб, кўздан ғойиб бўларди. Тоғам қайноқ чойдан бир ҳўплаб олди-да, гап бошлаб юборди:

— Ўғлингиз менга аччиқ қилиб юрибди, опа. Бугун соат уч яримда дўконга келди. Мен “барвақтроқ келсанг бўлмайдами”, деб койигандим, нима дейди, денг?

Онам нигоҳини тоғамдан олиб, менга ҳайрон бўлган кўйи қаради:

— Нима дединг, гапир?

Тоғам гапининг ярмини “ютганди”. Менга одамнинг иззат-нафсига тегадиган гапни айтиб юборгани “эсидан чиқди” чоғи, ҳайтовур, жим бўлиб қолди. Шуниси алам қилди. Менинг шу тобда тоғам билан жанжаллашишга тоқатим йўқ эди, аммо ҳаммаси-

га қўл силтаб кегишга ҳам орим йўл қўймаётганди. Юмалоқ-ёстиқ қилиб хулоса гапни айтдим:

— Бошқа ишламайман.

— Ана, худди шу гапни айтди-да! — “сенам эшитиб қўй” дегандек ойимга юзланаркан.

Энди дашном бериш навбати ойимга келди. Насихатгўйлигини бошлаб юборди:

— Сен энди ёш боламассан, ҳадемай ўқишингни битирасан. Ўз соҳангда иш бошлайсан. Унгача кулоқ қоқмай, тоғаннинг ёнида ишлайвер. Мана, катта бошини кичик қилиб келиб ўтирибди. Қизларга ўхшаб аразлаб, ишни ташлаб келганинг нимаси, Шавкат? — туриб-туриб, бу насихатгўйлик бир чеккада қолиб, “тергов” бошланиб кетди. — Менга қара, ўзи нимага асрда кириб бординг дўконга? Дарсларинг бугун тўрт пара эди шекилли? Кейин семестр тугагани йўқ, имтиҳонлар пайтимас ҳозир.

— Мен бунинг нима ишлар қилиб юрганини яхши биламан, — индамай ўтирганимдан фойдаланиб, жавраб кетди тоғам, — жиянимиз институтда ўқияпти, эртаиндин тугатса, бир яхши лавозимни эгаллайди, деб юрсак, бу қиз болалар билан “свидани” қилиб юради.

Ялт этиб тоғамга қарадим. Сабр косам тўлиб, бақиршимга бир баҳя қолганди. У ҳовуридан тушди, посангиси бир оз енгиллашди. Унга ўқрайиб турганим ёқмади шекилли, “айбим”ни далиллашга киришди.

— Ҳа, нима, ёлғонми? Дўконга келган қизга мени “бу тоғам бўлади” деб таништирганинг эсингдан чиқдими?

Мўлжални беҳато ураётган тоғамга сўз айтишим, ойим олдида бебурд бўлиб қолмаслигим учун ҳам ўзимни ҳимоялашга ўтдим.

— Мен “свидание” қилиб юрганим йўқ. Сиз ай-

таётган қизни Хожа Дониёл зиёратгоҳида кўргандим, холос. Кейин дўконингизга келди. Бошқа учрашмадим.

— Ие, у дўкондан чиққач, менга ҳозир келаман деб орқасидан чопганинг-чи? Бунисига нима дейсан?

Тоғам мени 1:0 га урди. Тилим гунгу карахт бўлиб, нима дейишни билмай қолдим. Юзларим шолғомдай қип-қизарганини ҳис қилиб турардим. Уятдан олов бўлиб ёнаётгандим. Айни пайтдаги забун ҳолим икки ўт орасида қолган ночор одамга менгзарди. Тоғамнинг далилини рад этсам, ўзимга зиён, айни пайт виждонимга ҳам қарши чиққан бўлардим. Бу билан ўзим севиб, кўйида телба бўлаёзган Маликадан воз кечган бўламан. Бу гапни қувватлаб, рўй-рост тан олганимни маълум қилишга эса ҳали эрта эди. Аммо барибир бир сўз айтишим, бу ноқулай вазиятни силлиқлаб, тоғам итарган “ўра”дан чиқиб олишим керак эди. Тилимга фақат боятдан бери бутун вужудимни қамраб, дунёимни эгаллаб олган сўз келди. Ҳаммасини қисқа қилиб, қароримни айтдим:

— Бу ёғи ўзимга тааллуқли. Бошқа ишламайман дўконда, — шундай деб юзимга фотиҳа тортиб, жойимдан шахд турдим-да, хонамга отилдим.

Ойимнинг овози ортимдан етиб борди:

— Шавкат, бу нима қилганинг? Ёш боланинг ишини қилма!

Тоғамнинг ҳам овозини эшитдим:

— Майли, опа, мен энди борай, хоҳлаганини қилсин, қўйинг гапирманг.

Йўлакда оёқ товушлари, ойим билан тоғамнинг пичирлашгани ва адоғида эшикнинг очилиб-ёпилгани эшитилди. Ҳаял ўтмай, менинг хонамнинг эшиги ҳам “ғийқ” очилиб, ичкарига ойим кириб келди. Тоғам-

нинг кейинги гапидан уят ҳисси бутун вужудимни олов каби ёндирар, ўзимни қўйишга жой тополмай қолгандим. Ойимнинг кўзларига-ку, энди қарашга ботинолмаётгандим. Гарчи у Маликага кўнгил қўйганимни орқаваротдан, тоғамнинг оғзидан эшитган бўлса-да, менга билдирмай юрганди, аммо ҳозир сир очилганди-да!

Мен каравотимда чалқанча ётиб, ўй ўйлаётгандим. Хонада ойим пайдо бўлиши билан ён томонимга ағдарилиб, юзларимни деворга ўгириб олдим. Ойим қадамларини мулойим ташлаб, ёнимга секин юриб келди-да, каравотнинг бир чеккасига омонатгина кўнди. Қавариб кетган кафти сочим узра зув югурди, меҳрибон овози қулоқларим ичига дув қуюла кетди:

— Ўғлим, бунақа савдо ҳар кимнинг бошидан ўтади. Агар яхши қиз бўлса...

Шу дам куч, журъат қаердан келди, ўзим билмай қолдим. Бошимни ёстиқдан олиб, ўтириб олдим. Меҳрибонимнинг кўзларига умид-ла нигоҳ қададим.

— Ойижон, Малика яхши қиз. Ўзи инязда ўқийди. Одобли, ҳушли. Кўрсангиз, сиз ҳам ёқтириб қоласиз.

— Шундайми? Майли, болам. Аммо ўқишинг...

— Ўқишим бир нави ўтапти. Яна бир курс-да? Ойижон, мен уйлансам фақат Маликага уйланаман.

— Хўп, болам, хўп.

Ойимнинг қоқ суяк елкасига бош қўйдим. Ундан доғланган ёғ, пиёз ҳиди анқир, аммо бу менга зиғирча халақит бермас, димоғимни куйдирса-да, барибир ёқаётганди. Қайноқ бағри олов бўлиб ёнаётганини, юрагининг дукиллаб ураётганини ҳис қилаётгандим. У тагин дағал тортган, аммо мулойим кафтини сочим узра қўйиб, силашга тушди. Бу эркалик тан-таннимга роҳат юбориб, мудрай бошладим.

11. Фалокат оёқ остида

Маликага сўнгги бор сим қоққанимдан сўнг у грипидан батамом фориг бўлиб, оёққа туриб кетма-гунича қўнғироқ қилишни эп кўрмаётгандим. Қайта-қайта телефон қилиб, ҳол-аҳвол сўрашга эса андишам йўл бермаётганди. Аммо уни ўйлайвериб, эсим кирди-чиқди бўлаёзганди. Тушимда ҳам, ҳушимда ҳам шу гўзал қиз кўринаверарди. Маликасиз кун ўтказаетганимга аранг чидаб келаётгандим. Ҳайтовур, ўзи телефон қилиб қолди. Уч жуфт соат дарсни тугатиб, хиёбонда учрашишни маълум қилганди, мен уни ўша жой — соҳибқирон ҳайкали орғидаги ўриндиқда кутишимни айтдим. Рози бўлди. Мана, чорак соатдан бери маҳбубамни кутиб, келмаётганидан жонсарак бўла бошлагандим. Бахтимга, атрофда бирор зог йўқ, ҳамиша ёш-яланг йигит-қизлар билан жонланиб турадиган сўлим хиёбонга бугун еру осмонни энлаган жимжитлик қўриқчилик қилаётганди. Шув-шув ўтиб-қайтаётган машиналарни айтмаса, бошқа овоз эшитилмасди. Сокин хиёбонга келиб сабрни қалқон қилиб Маликани кута бошлаганимга чамаси йигирма дақиқа тўлар-тўлмас, у Амир Темур ҳайкали ёнида кўринди. Эғнида хол-хол кўйлак, устидан шунга монанд рангда жемпер кийиб олганди. Сочларини йиғиб, орқасига ташлаб олган, бу гал бошида шляпа йўқ эди. Билагига бежиримгина тим қора сумкачани илганча мен томон қадамини жадал ташлаб келмоқда эди.

— Ассалому алайкум! — деди Малика менга етишига тўрт-беш қадам қолганда. Мен унинг ҳурмати учун ўриндиқдан турдим. Дард барибир дардлигини қилибди. Бечора рангини олдирибди, бурнининг ён-

лари қизариб қолган, кўзлари ёшли. Бир маҳал қисқа-қисқа йўтал тутди.

— Яхшимисиз, Маликахон? Тузалиб кетдингизми?

— Раҳмат. Йўтал қўймапти. Дориларимни ичиб турибман, укол оляпман.

— Тоза тузалиб, кейин чиқсангиз бўларди ўқишга.

Икковимиз ёнма-ён уриндиққа чўкидик. Малика сумкачаси ҳалқаларини билагидан чиқариб, қўйнига олди-да, унинг ёпиқ оғзини шир этиб очиб, ичидан дастрўмолча чиқарди.

— Тоза тузалиб кетишга бир-икки ҳафта керак. Бу ёқда дарслардан қолсам, “нб”лар қалашиб кетади. Кейин ўзлаштириш мушкул, — у шундай деб дастрўмолчаси билан бурнини артиб олди, кейин менга юзларини буриб, хавотиромуз сўради: — Муҳим гап бор дегандингиз, қулогим сизда.

Очиғи, гапни нимадан бошлашга ҳайрон эдим, томдан тараша тушгандай “Ўзингга эҳтиёт бўл, бир ифлос қўшмачи изингга тушган”, десам, қиз бечоранинг юраги ёрилмайдими? Мендан хафа бўлиши тайин. Калламга тузукроқ ўй келмагач, гапни айлантира бошладим.

— Зиёратгоҳларга чиқиб турибсизми? Гидлик қиялпсизми? Сизга маза-да, сайёҳлар билан бемалол гаплашасиз. Ўша кун, рост ҳавасим кеп-кетди.

— Ҳмм... — деб қўйди Малика энсаси қотиб. — Ўшандан кейин борганим йўқ ҳеч қайга. Бу ёқда грипп безор қилиб ташлади.

— Грипп билан баҳорнинг бошида хайрлашгандик. Ҳали йўқлаганича йўқ мени, — дедим гапиришга мавзу топилганидан хурсанд бўлиб. Малика “қизиқмисиз” деб афтимга кулимсираб қаради. Мен ҳазилга ўт қаладим.

— Ишонсангиз, у менга жуда оқибатли, ўтган йили икки марта “йўқлади-да”. Бир келганида камига ўн кун туриб олади. Меҳмоннинг иззати уч кунлигини билдирсам ҳам кетмайди-да, айёр. Охири “капля” билан қувиб юбордим. Ҳа, новокаиндан ҳам роса қўрқаркан.

Шу ерга келганда Малика қиқирлаб кулиб қўйди.

— Ҳазилкашлигингизни билмас эканман. Гриппга жон киргазиб юбордингиз-ку? Тагин меҳмон эмиш!

У яна кулди. Кулиши бирам ёқимлики...майин, беозор. Кири йўқ кулги.

— Зериктириб қўймай дейман-да сизни.

— Раҳмат.

Шу дам ўйларим ранг олди. Унинг кафтларидан маҳкам ушлагим, севиб қолганимни рўй-рост айтгим кеп-кетди-ю, аммо ичимда ўзимни койидим: “Ахир, уни чорлашдан мақсад кўнгил тилаш эмас-ку, бу бечора қизни ўлжага айлантирмоқчи бўлган ярамаслар ортидан изғиб юришибди. Уни огоҳлантиришим, ҳушёрликка чақиришим лозим эмасми? Бечоранинг бу гаплардан хабари йўқ, бу ола ўйлар унинг хаёлига келмайди ҳам. Аммо қанчалар оғир бўлмасин, айтишим шарт. Шарт!”

— Малика, — дедим жиддий тортиб, — сизни чақирганимдан мақсад зарил гапни айтиш эди.

Малика чиройли кўзларини менга қадади. Унинг нур балқиб турган қорачиқларини кўриб, сўзларимни йўқотишимга бир баҳя қолди. Унга термилиб турсам, ўзимни йўқотиб қўйишимдан қўрқиб, кўзларимни олиб қочдим.

— Эшитаман, Шавкат?

— Малика, кўнглингизга келмасину, мабодо сизни биров кузатиб юргандек туйилмайдими?

Бу гап унга малол келиб, ҳозир бирорта аччиқ сўз айтса керак деб тургандим, йўқ ундай бўлмади.

— Йўқ, ҳеч ҳам ундаймас. Тинчликми ўзи? — ҳайрон бўлди у.

— Тинчлик, тинчлик. Сиз хавотирланманг, шунчаки сўрадим-да.

Аммо шу гапни айтиб улгурмасимдан қувлик қилибми, муғомбирликми, гапга “тўн” кийдира кетди:

— Лекин биттаси анчадан бери ортимдан пойлаб юрганини биламан. Фақат мен сир бой бермаяпман.

— А? — юрагим увишиб кетди. Маликанинг табассум қилиб турган кўзларига қарадим. Нигоҳлар тўқнашиб, дунём унинг дунёсига, уники меникига кўчди шу чоқ. Иккимиз ҳам бирдан жим бўлиб қолдик. Гўё жодугар сукунат ҳар иккимизнинг тилимизни қотириб, гунгу карахт қилиб қўйгандек эди. Аммо у бардош беролмади, нигоҳи нигоҳимдан сирғалиб, оғди. Мен унинг кўнглида уйғонаётган оппоқ ўйларни худди ўз ўйларим каби кечира бошладим.

“Нега мени аврайсан? Гапни айлантирасан? Мақсадингни очиқ-ойдин билиб турибман-ку? Изҳори дил учун мени чақиргансану, айтишга ботинолма-япсан! Журъатинг етмаяпти. Мана, тилинг айтиши лозим бўлган сўзларни кўзларинг айтаяпти. Афсуски, фақат кўзларинг... Гапир, илтимос...”

Энди бардошсизлик менга кўчганди. Ўрнимдан шарт туриб кетдим. Билмадим, мутаассир бўлдим чоғи. Унинг кўнглида шундай... шундай баҳорий ўйлар ғуж бўлганини кутмагандим. У мен ҳақимда шундай... шундай нафис хаёллар қилаётганини ўйламагандим. Малика... менинг Маликам! Эркам, гўзалим, баҳорим, муҳаббатим!

Сир бой бермаслик лозим эди, албатта. Бу ногаҳоний ҳолни бошқа нарсага йўйдим:

— Узр, оёқларим увишди, айбга буюрмайсиз, — шундай деб тагин ўриндиққа ўтирдим. Бу гал орамиздаги масофа аввалгисидан икки қарич яқин эди.

— Малика, бордию сизни битта-яримта кузатаётган бўлса...

— Айтдим-ку, биттаси эргашиб юради деб. Билмадим қачонгача эргашаркан? — деди у бепарво оҳангда.

Маликанинг кимни назарда тутаетганини идрок қилаётгандим. У ўзини ёқтириб қолган, худди мен каби севги дардига мубтало бўлган, менга эса нотаниш йигитни айтаётганди. Аммо мен назарда тутган, қилиш-қилмиши ифлослигу нопокликдан ўзга бўлмаган, қўрқинчли ҳам хавфли нусха буткул бошқа-ку? Бу Маликанинг хаёлининг кўчасига ҳам келгани йўқ.

— Малика, сизни пойлаб юрган яна биттага ортган бўлиши ҳам мумкин?

— Йўғ-ей, — кулиб юборди у, — ким экан ўша?

— Битта аёл, — бу сўз беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди.

— Аёл дейсизми? Қизиқ! Мен нима учун керак эканман унга? — Маликанинг юзларидаги табассум сўнди. Юзларидаги ранг ҳам ўзгарди. Қўрқиб кетганини англадим. Энди жиндак ҳазил қилмасам, уни хавотир ичига ташлаб қўйишимни фавқулодда англадим.

— Совчи.

— Совчи? Вой! — қиқирлаб кулиб юборди Малика. Унинг кулгисига мен ҳам қўшилдим.

Бу дам хиёбонда одам сиёҳи кўпая бошлаган, яккам-дуккам йўловчилар ўтиб-қайтишар, ўриндиқлар ҳам бандлана бошлаганди. Бир пайт нигоҳим қўшни ўриндиқда ўтирган аёлга тушди. Сочи тилларанг, жин-

галак-жингалак, кўзларида тим қора ойнак, кўйнидаги сирти қаҳваранг ноутбукни чиқиллатиб ўтирганди. Қилиғи ғалати туйилди. Қоп-қора кўзойнак билан мониторинорда ишлаб бўладими? Биз томонга ўқтин-ўқтин қараб қўяётганини ҳам сездим. Сездиму миямда бонг урилган “сигнал”дан чўчиб тушдим: Қўшмачи!

Тилларанг сочли аёл туйқус секин ноутбугини ёпди. Ёнидан чарм ғилофини олиб, унга “япалоқ” компьютерни авайлаб солди-да, сўнг оғзини беркитиб, ҳалқаларидан тутди. Шу асно биз томонга яна ўғринча назар солиб олди. Шубҳаландим. Фавқулодда миямга келган ўйдан қувониб кетдим. Маликага “мен ҳозир” дедим-да, тилла сочли аёл олдига чаққон бориб, қўл телефонини сўрадим. У афтимга ажабланиб қаради.

— Узр, хола, аксига олиб меникининг қуввати тугаб қолди, қаллиғимникида эса ҳисобида пул йўқ экан.

“Қаллиқ” деган сўз беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди.

— Менинг телефонимда ҳам пул қолмаган, — шундай деб еб кўйгудек кўзларимга тикилди.

Қувватим етмади. Унинг ич ўйларини қанча уриниб ҳам ўқий олмадим.

Аёл сумкасини елкасига илиб, чаққон-чаққон юриб узоқлашди.

— У танишингизмиди? — сўради Малика қайтганимда.

— Йўқ, шунчаки бир нарсани сўрадим.

— Майли, — Малика ўрнидан турди, — мен энди борай, уколим қолиб кетмасин.

— Кетасизми? — дедим “кетманг ҳали” деган оҳангда. У бош ирғади. Зорим бор, зўрим йўқ, на илож. Маликани бекатгача кузатиш учун эргашидим.

Биз ҳайкални айланиб ўтиб, катта асфальт йўлга чиқдик. Сфетофорнинг қизил кўзи ёнишини мен ҳам,

Малика ҳам бесабр бўлиб кутаётгандик. Мана ёнма-ён турибмиз. Яланғоч билагим унинг билагига тегиб турибди. У ўғринча, кўз остидан қараётганини ҳам сезиб турибман. Шайтон-эй, нега бунақа қарайди?

— Юринг, — дедим ҳамма машиналар тақа-тақ тўхтагач. У амримга жавобан ним жилмайди.

Асфальт йўлни кесиб ўтаётиб, илкис миямда чидаб бўлмас оғриқ кўзгалди. Икки кафтим билан бошимни чангаллаб олдим. Бутун дунём қизиб, борлигим олов бўлиб ёна бошлади. Тормозланган тўлқинлар миямга дув-дув санчилиб, ичхабарлар газнасига дунё-дунё ахборот қуя кетди.

“Тилла эгали эканини билмабман-ку! Манави лайча нима қилиб юрибди? Наҳотки қайлиғи шу бўлса? Магазин, автобус, энди хиёбон... Тилланинг ортидан тушганимни сездимикан? Қизиқ, қандай қилиб, ахир шубҳали иш қилмадим-ку ҳали? Ҳмм... Видикка нима дейман энди? Соққани катта ваъда қилувди-я! “Ишни катишка қилишингни билардим”, деса тамом. Катта соққадан бенасиб қоламан. Шантини ишга солсамми-кан? Ҳа, у қув, йўлини билади. Томоғини мойлаб қўйсам, бўлди... Тулки-ей, телефон сўраганини-чи! Нима, мен анойи эканманми, шундай телефонини қўшқўлаб тутқазиб қўядиган? Рақамларимни ёзиб олсин-да, кейин хоҳлаган мақомига йўрғалатаверсин, а? Тулки-лигингни катта холангга бориб қиласан, лайча! Ҳозир Шантининг олдига бораман. Уйда бўлса керак. Қўнғироқ қилай-чи!”

Қўшмачининг бу қора ўйлари миям ичида бўй кўрсатди. Бошимни чангаллаган қўйи йўл ўртасида туриб қолган эканман. Бир пайт даҳшатли қичқириқдан эсанкираб қолдим:

— Шавкат!

Овоз Маликаники эканини англаб етишга улгурмасимдан нимадир биқинимдан қаттиқ туртиб юборди. Оёғим ердан узилганини, бир қадам нарига тўп этиб тушганимни биламан, холос, кейин атрофни бирдан зулмат қоплади. Кўз олдим қоронғилашди.

Кўзларимни очсам, ёруғ, чоғроққина палатада каравотда ётган эканман. Бошим лўқиллаб оғрирди. Қўлимни теккизгандим, бармоқларим дағал, қаттиқ нарсага тегди. Кейин билдим, бинт билан чандиб ўраб ташланган экан. Биқинимнинг ўнг тарафи ҳам ачишиб оғриётганди.

Палата эшиги очилиб ёпилди. Остонада ойим пайдо бўлди.

— Шукр, ўзингга келдингми, болам, бу палакат қайси ерда ётган экан, а? — ойим шюшиб олдимга келди. Бечора кўзлари қизарган, қарашлари ғамгин. Йиғлагани аниқ. — Йўлдан ўтаётганда у ёқ-бу ёғингга қарамайсанми, болам? Хайрият-эй, жароҳатинг оғирмас экан, сенга бирор кор ҳол бўлиб қолса, мен...

— Ойи, йиғламанг, дурустман-ку, мана, — дедим аъзойи баданим қақшаб оғриб турган бўлса ҳам дард-ни ичимга ютишга ҳаракат қилиб. — Мана, ўрнимдан турайми? — шундай деб устимдаги юпқа ёпинчиқни итқитиб, энди кўзгалган эдим, ойим унамади.

— Йўқ-йўқ, болам, ётавер, дўхтир боши ерга урилиб, лат еган, мияси чайқалган, туриш мумкинмас, деди.

— Яна нима деди?

— Ўжар боланинг ҳоли шунақа бўлади деди, айниқса, онасининг гапига кирмаган боланики?

— Ойижон, ўзингиздан қўшмай гапиринг.

— Тўғри-да, болам. Кеча тоғангга ҳам хўп сапчидинг,

ахир аччиқ-тизиқ гапирса ҳам тоғанг, бегонамас. У ҳам сенинг фойдангни кўзлайди.

— Ойи, — дедим, — мени бу ерга ким олиб келди?

— Анави машинанг пачақ бўлгур ҳайдовчи-да! Қуриб кетсин, кўзи қаёқда экан, у яшшамагурнинг?!

— Қарғаманг, ойижон, кейин айб ўзимда, ҳайдовчидамас. Йўлни кесиб ўтаётганимда бошим оғриб қолди. Туриб қолган бўлсам керак.

— Барибир, тавбасига таянтираман уни, ҳали келсин.

Ойимнинг феъли қизиқ. Жаҳли чиқдими, тамом, то ҳовуридан тушгунча гап уқтиролмай одамнинг эси кетади. Бундай олиб қараганда, ҳайдовчида айб йўқ. Машина қизил чироқда тўхтаган, яшил ёнганда юриши керак, мен эса йўл ярмида туриб қолганман. Ҳайдовчи буни кутмаган, тормоз босишга аранг улгургандир-да? Тагин виждонли экан. Мана, мени тўғри касалхонга олиб келган. Қўл силтаб қочганда нима буларди ҳолим. Мана шуни ойимга тушунтиргунча ҳам бошимнинг оғриғи икки ҳисса ошди. Меҳрибоним менинг ортиқ гапиршимни истамадими ё уринтириб қўйгиси келмадими, ҳайтовур посангиси енгиллашди.

— Майли болам, бир тарафдан ўзингда ҳам айб бор. Аммо-лекин энди ҳушёрроқ бўл.

Ойимдан Малика ҳақида сўрамоқчи бўлдим, негадир уялдим. Унинг даҳшат ичида янграган қичқириғини унутиб бўлармиди? Бечора, роса қўрқиб кетган бўлса керак ўша дам. Ҳазил гапми, бировни машина туртади-ю, одам қарсак чалиб ўтирадими? Яна у қадрдон дўстинг бўлса? Йўқ, нега шунчаки дўст бўларкан? У ахир, менинг ...

Қизиқ, ойимнинг кўзларига кўзларим тушиши замон унинг кўнглидаги ўйларни ўқий кетардим. Мана,

ҳозир ундай бўлмаяпти. Чирансам ҳам бўлмаяпти. Нима жин урди мени? Наҳот, нодир хислат энди оҳорсизлашган бўлса? Наҳот, энди мен одамларнинг кўнглидаги ўю хаёлларини била олмасам. Унда Маликани қандай қутқараман? Уни ёвуз махлуқлар дастидан қандай ҳимоя қила оламан?

— Нима бўлди, ўғлим? Рангинг ўзгарди? Бошинг оғрияптими?

Ойим асабийлашаётганимни оғриқ важдан деб ўйлади чоғи, ортига бурилиб, палатадан чиқиб кетди. Ҳаял ўтмай узун бўй, тўладан келган, кўзойнакли врачни бошлаб келди. Оппоқ халат кийган шифокор хонага кирган заҳоти аввал ойимни тинчлантирди:

— Тинчланинг, хола, ўғлингизнинг жароҳати жиддий эмас. Боши ёрилиб, бир оз қон йўқотган. Бош ерга зарб-ла урилиб, мия чайқалган, холос. Бунини тиббий тилда черепно мозговой травма дейишади. Биз керакли муолажани қилдик. Отдек бўп кетади ҳали, а, азамат? — сўнги гапини менга қараб айтиб, табасум қилди. Жавобан бош ирғаб қўйдим.

— Боши оғрияпти, ахир, — худди ҳолатимни ўзида кечираётгандек куйиниб деди ойим.

— Жароҳат жойи битгунича...

— Ойи, мунча хавотирланасиз, ҳеч гап бўлгани йўқ-ку? — одобсизлик бўлса ҳам врачнинг сўзларини кесишга мажбур бўлдим. Ўзимни бардам тутмасам, меҳрибоним тинчимаслигини, кўнгли жойига тушмаслигини биламан-да.

— Ана, ўзи ҳам тасдиқлаяпти, жасур йигит экан. Исмнингиз ким, йигит?

— Шавкат.

— Яшанг, Шавкат. Хўш, икки соатдан кейин кетинингиз мумкин. Унгача ёта тулинг, — врач шундай деб

“менга бошқа саволлар йўқми” дегандай аввал ойимга, кейин менга қаради.

— Раҳмат, дўхтир.

Мен унга кўрсатган ёрдами учун миннатдорчилик билдиргач, у билинар-билинемас бош ирғаб, қадамларини оғир ташлаганча палатадан чиқди. Бироқ хонанинг ойна кўндирилган эшиги ёпилиб, тагин очилди.

— Ассаломалайкум, яхшимисиз, ука? — нотаниш бақалоқ эркак икки-уч қадам ташлаб, олдимга келди. Ойимнинг қошлари чимирилди. Фаҳмладим. Мени машинасида туртиб юборган шоввоз шу.

— Қандайсиз?

Шунақа ҳам бемаъни савол берадими одам деган? Ҳолимни кўриб турибди-ку? Чапаничасига сўқиб юборай дедиму, тагин андишам йўл бермади. Аммо саволга яраша жавоб бериш керак.

— Кўриб турганингиздек.

— Укажон, биламан, айб ўзимда. Сариқ ёнганда юриб кетибман. Аммо сиз хавотирланманг, ҳаммасини ест қиламиз.

— Нима қиласиз? — кўзларига ўқрайдим.

Ҳайдовчи саволимга жавоб бериш ўрнига бесаранжомланган кўйи, қўлини шимининг чўнтагига югуртирди-да, ниманидир илиб, менга тутқазди.

— Бу хамир учидан патир. Нима хизмат бўлса, тайёрман, ука, — деди у бир қўлини кўксига босиб.

Кичкина палатани катта сукунат қоплади. Бақалоқнинг иккита юзталиқ доллар тутган қўли ҳавода муаллақ қотди. Афтидан, мени “кўкча”ларни олишга уяляпти, деб ўйлади шекилли, бирдан чаққонлиги тутиб кетди. Бўш турган қўли билан кафтимни ўнглаб, пул сиқимлаб турган кафтини секин қўйиб, оҳиста қисди. Ёзилган кафтимда букилган иккита юз доллар пайдо бўлди. Қўлимда пул эмас, чўғ турганди гўё.

— Олинг пулингизни, — дедим жиддий оҳангда.

У ўзини гўлликка солиб, чулдиради.

— Дўхтирдан эшитдим, икки соатдан кейин жавоб тегаркан. Ўзим уйингизга олиб бориб қўяман.

— Олинг буни! — боягидан бир парда баланд овозда дедим. У эсанкираб қолди. Бир менга, бир ойимга аланг-жаланг қилиб қаради. Амрни бажармаса, вазият бундан-да тўнглашини, ниҳоят англаб етди чоғи, баркашдай панжасини чўзиб, кафтимдан садақасини олди.

— Мени тўғри тушунинг, ука, сизга асқотиб қолар деган умидда..

— Ўлар ердамасмиз, — қўполлашди ойим бирдан тилга кириб. — Сиз кетаверинг, хотиржам бўлинг. Ўзимиз бораверамиз. Кейин яна қайтиб келишингизга ҳожат йўқ.

— Опажон, илтимос, фақат милисага...

— Ойим сизга хотиржам бўл, дедилар-ку? Қўрқманг, бизда бунақа ғайирлик йўқ, — гапини юлиб дедим.

Бақалоқ қўлини кўксига қўйиб, узр-маъзурларини айта-айта ортга тисарила-тисарила палатадан чиқди.

Тавба! Бақалоқ чиқиб кетиши билан Малика кириб келса бўладими? Худди навбатма-навбат киришга келишиб олишгандек.

— Шавкат, яхшимисиз? Роса қўрқитдингиз-да ўзи-ям! Бошингиз оғримаяптими?

Томоқ қириб қўйдим. У ойим борлигини пайқамади ҳам. Бу дам меҳрибоним хона ичи димиқиб кетганидан шамоллатиш учун дарчалари ёпиқ дераза яқинига борганди. Малика дарча очилгач, ойимнинг шарпасини пайқадую, юзлари дув қизариб кетди. Уялди. Аммо ўзини йўқотиб қўймади. Одоб билан оппоқ, бежирим кафтини кўксига тутиб, салом берди. Меҳрибоним ма-

ликамининг саломига турган еридан алик олиб, ёнимизга келди.

— Сиздан ўла-ўлгунча миннатдорман, қизим. Жиллакурса, сиз бор экансиз? Анави яшшамагур...

— Ойи, — дедим чўзиб “қарғаманг” деган маънода.

— Тўғри-да, кўзига қараб ҳайдасин-да?! — шундай деб меҳрибоним тагин Маликага юзланди. Худди эски қадрдонидек у билан аҳволлаша кетди. — Уй ичилар тузукми, ота-онангиз, ҳамма бардамми?

Малика сезилар-сезилмас бош ирғаб “ҳа” деб қўйди.

Эҳ, қани энди ҳозир ойимнинг дилида кечаётган ўйларни уқа олсам. Эҳтимол, шу тобда ўғлининг дидидан ич-ичидан фахрланаётгандир? Маликанинг хусни малоҳатига, одобига, меҳрига ва оқибатига тасаннолар ўқиётгандир? Мана, кўзлари қувнаб, порлаб кетяпти. Ойимнинг феълини биламан, у талтаймаслигим учун ҳам ортиқча рағбату мақтовларга изн бермайди. Бирор юмушни қойиллатиб бажарсам, нари борса, баракалла, дейди-қўяди. Мени мақтовларга кўмиб ўтирмайди.

Малика билан ҳам нигоҳларимиз неча бор тўқнашиб, сирғалди. Афсус, унинг ҳам дили дунёсини ҳис қила олмаяпман. Менга нима бўляпти ўзи? Нега бирдан ҳаммаси бурунгидек из-изига қайтди. Қани мўъжиза?

Ҳаммасини билиб турибман, ғайришуурий хислатдан автоҳалокатдан сўнг жудо бўлдим, тўғрироғи, машина мени туртиб, бошим ерга зарб-ла урилгач, мўъжиза ҳушим билан бирга ғойиб бўлди.

Хотирамни ҳеч жамлай олмаяпман. Ўзи бу дахмаза қачон пайдо бўла қолди? Илк бор учоқда парвоз қилаётганимни туш кўрганимдан кейинми? Ҳа-ҳа, шундай. Гарангсиб турганимда кўзларимга хона деворлари ям-яшил тусда кўринди. Ошхонаники ҳам. Йўлакники

ҳам. Кейин нонушта маҳали ойим билан овқатланиб, бехос меҳрибонимнинг кўзларига кўзларим тушдию... бошланди. Мана энди бу ҳол юз бермаяпти. Тўхта-тўхта... Ахир, бир кун аввал, тушдан сўнг окулист ҳузурига бормаганмидим? Шундай. У кўзларимни тагин ўлчади. Аввал чап, сўнг ўнг кўзимга авторефрактометрни қўйиб, офтальмология жадвалига қарадим. Йирик ҳарфларни, кейин кўз илғаши мушкул майда ҳарфларни кўз қувватим етгунича аниқ кўриб айтдим. Кейин офтальмоскопда обдон текширди. Ўша ташхис: “Миопиянинг ўртача даражаси, -4, -3,5 диоптрия”. Олти ой бурун алмаштириб тақиладиган линза олиш учун ҳузурига келганимда мана шу “анъана” ўтказилганди. Бу гал қайта такрорланди-ю, линзага келганда ўзгарди. “Бир ой давомида кўздан олмай тақиладиган линза буюртиринг. Ҳар кун тақиб-ечаверсангиз ҳам кўз бечора дод дейди. Маъқулми?” деди. Севиндим, албатта. Аммо ичидан пишган бу окулистнинг мақсадини кейин билдим. Ўзининг хусусий оптикасида линзанинг бу хиллари кўп келтирилган экан. Рецептни олиб, менга “ниҳоятда ғамхўр” бу окулистга тегишли оптикага бордим. Эғнидаги халату қалпоғи оч яшил жувон ўтирган экан. Қўлимдан рецептни олиб, парда туширилган дарчаси очиқ хона томон кириб кетди-ю, ҳаял ўтмай қайтиб чиқди. Япалоққина ғилофча. Очсам, ичида бир жуфт шаффоф линза. Шошиб тургандим. Тоғамнинг дўконига учдим. Кечқурун кечки овқат маҳали ойим “окулистга бордингми?” деб сўраганларида линза олганим эсимга келди. Дастурхон йиғиштирилгач, хонамга кириб, кўзларимни йириб линзаларни бирин-кетин жойлаштирдим. Шу. Окулист “бир ой давомида кўздан олмай юрсангиз ҳам бўлади” деганида бирдан тақиб

қўя қолай дедим. Эсим кирди-чиқди бўлса? Эрталаб, линза тақишни унутиб, шу туришда уйдан чиқиб кетишим ҳам мумкин эди-да? Шу. Сўнг шу оқшом ажабтовур туш кўрдим. Эрталаб нонушта маҳали ойимнинг кўнглидаги ўйларни ўқидим. Демак, каромат кўрсатаётган нарсa линза экан-да? Тўхта-тўхта, унда нега ҳозир бу сағана иш бермаяпти? Мўъжиза кўрсатмаяпти. Бошим урилганда, миям чайқалгач, линзалар ҳам силжиб, кўзимдан чиқдимикан? Йўғ-э? Нималар деяпман ўзи? Тошмидики, ирғиб чиқиб кетса?

Кўзларимни юмиб, қовоқларим устидан бармоқларимни теккиздим. Шохпардаларга бир нима ботай деди. Шубҳасиз, линза. Аммо негадир мўъжиза рўй бермаяпти. Шундан гаранг эдим.

Малика палатада узоқ қолмади. Зарур ишлари борлигини айтиб, кетди.

Икки соат ўтар-ўтмас менга ҳам жавоб тегди.

12. Ёзиб олинган сирлар

Шом қўниб, чорак соат ўтгач, туйқус эшик қўнғироғи жиринглади. Ойим ошхонада куймаланаётган эди. Қўнғироқ овозини эшитиб, эшик томонга келаётганди, мен чаққонлик қилдим.

— Ойи, ўзим очаман.

Ойим ортига қайтди.

Эшикни очишим билан тоғамга рўпара келдим. Унинг кўзларида хавотир бор эди. Ичкарига кириб, ҳе йўқ-бе йўқ, мени қойиб кетса, денг.

— Сен бола тинч юрмас экансан-да, “одамлар жиянинг авария бўпти” деса, юрагим нақ қинидан чиқай деди.

Унинг бу гапига кулгим келди. Тоғамнинг гум-гурс

овозини эшитди шекилли, ойим капгир тутган кўйи биз томонга келди.

— Бундай телефон-пелефон ҳам қилмайсиз-а, опа? Бу гапни эшитиб, оёғимни қўлга олиб югуриб келяпман, — деди тоғам энди ойимга “ҳужумга” ўтаркан. Ойим “айби”ни юва бошлади:

— Э, ҳуш қаёқда дейсан? Ишхонада эдим. Бир маҳал соткам жиринглаб қолди. Қўлга олсам, Шавкатнинг номери. Бирор зарил иши чиқдимикан ё бирор нарсани сўрармикан, деб, телефонни ёқиб, қулоғимга тутсам, қиз боланинг овози келяпти. Ўқиган-да, ётиғи билан тушунтирди. Болангни машина уриб кетди, деса ўша пайт юрагим товонимга тушиб кетармиди? Барака топсин, ўзи анави гўрсўхта билан травматологияга олиб борибди. Боргунимча операция қилиб, палатага кўчириб қўйишибди.

— Ваҳима қилманг, ойи, операциямас, шунчаки қонни тўхтатиб, бир-иккита укол қилишган, шу, — дедим ойим ошириб юборганидан ғашим келиб. Тоғам ойим эсига тушса, қарғашдан тинмайдиган “гўрсўхта” ҳайдовчини суриштирди. Мен ҳаммаси жой-жойига тушганини, унга даъвойим йўқлигини тушунтирган эдим, тоғамнинг олови чиқиб кетди.

— Бунча бўш-баёв бўлмасаларинг, а? Танобини тортиб қўйиш керак, бунақа шапкўр шопирнинг! Кейин кўзига қараб ҳайдайдиган бўлади. Майли, булар иш бўлибди. Мен бир хабар олай деб келгандим, — тоғам шундай деб қайтишга тараддудланди. Ойим, мен кечки овқат тайёр бўлганини, бирга ўтириб, ейишга қанча ундамайлик, унамай кетиб қолди.

Шавлани пок-покиза тушириб, устидан бир чойнак кўк чойни бостириб ичгач, хонамга кирдим. Каравотимга келиб, оҳиста чўзилдим. Бу дам бошимнинг оғ-

риғи тинган, ҳеч қандай оғриқ безовта қилмас, кўнглим ҳам хотиржам эди. Бошимни ёстиққа қўйишим билан бирдан нимадир миям ичида ғувиллади. Кейин бу тушуниқсиз овоз тиниб, ўз-ўзидан ўйлар чашмадай жўша бошлади. Йўқ, фавворадай кўтарилиб тошаётган бу ажабтовур нарсанинг менга алоқаси йўқ, буткул ёт, дунёимдан ташқаридаги етти ёт ўйлар эди. Фикрларимни жамлаб, идрок қила бошладим.

“Бу бало қайда турган экан? Онанг ўлсин, болам? Мен энди нима қиламан? Шавкатжон, болам?..”

“Ўзингизни босинг, хола, ўғлингизга жиддий шикаст етгани йўқ, ҳозир ҳушига келади. Қонни тўхтатдик. Жароҳати оғирмас. Ёмон ҳаёлларга борманг”.

“Болам, болажоним...”

“Йиғламанг, худо хоҳласа, ўғлингиз ҳали узоқ умр кўради, уйлантирасиз, неваралар кўрасиз...”

“Болам...”

“Ана, реанимационнийдан палатага кўчирыпмиз... энди йиғламанг, хўп?!”

“Акмал Сирожевич, яна битта беморни олиб келишди. Аҳволи жуда оғир, автоҳалокатга учраган экан, университет хиёбонида”.

“Ким келтирди? Одами борми?”

“Бор, аммо у ўзини беморга бегонаман деб айтяпти, шунчаки йўловчи эмиш”.

“Жонлантириш хонасига. Опа, сиз ўтириб туринг, ўғлингизга укол қилганмиз...”

“Шавкат, болам...”

Бу ойим билан мени даволаган врач ўртасидаги қисқа мулоқот эди, адашмасам. Шундай. Ҳушсиз ётган дамда ҳам миям бу изтиробли суҳбатни ёзиб олган экан-да... Орага қўшилган ким бўлди? Ҳамши-

рамикан? Ассистент? Касалхона. Беморлар, жароҳат олганлар келтирилиши табиий.

Мана буниси буткул бошқа ўйлар эди:

“Шавкат! Шавкат!!!

Нега? Нега мен энди англаб етган туйғу кўнглимда уйғонган дамда бунақа бўлади? Мени бунчалар қийна-масанг, юрагим!

Э, ҳаёт бунчалар шафқатсизсан? Мен усиз қандай яшайман энди? Бахтимсиз дақиқаларни, кунларни қандай ўтказаман? Уни қайтариб бер, худойим! Қайтариб бер!..”

Йўқ, мени ўйларим алдамайди. Кўнглим ўз-ўзига душман эмас. Алжираётганим йўқ. Хаёлимда ҳам содир бўлмаяпти бу гаплар. Ҳаммаси рост, ҳақиқат. У мени севади. Юракдан, бутун вужудан севади. Бўл-маса, бу тилидан чиқмай, юрагининг бир четиди чўғ бўлиб, борлигини оловлантираётган бу хуш ўйлар унинг кўнглидан ўтмасди. Бу юракка муҳаббат доригач, олов туйғу одамнинг бор оламини жодулагач, айтиладиган, ибо йўл бермаганда ҳам дилдан ўта берадиган гаплар эди. Охир, мана, аён бўлди: Унинг мени севиши чин. Малика мени деб ёнгани, азоблангани рост. Машина уриб, ҳушимдан айро тушганимда эсхонаси чиқиб кетгани, қаттиқ қўрққани, мени йўқотиб қўйишдан қўрққани катта ҳақиқат.

Миямда тагин бир нима чақнади.

“Тилладан умид узмайман, қайлиғи бўлса бордир? Тиллани бузмагандир? Йўқ, занг теккан “тилла” бунақа хотиржам юрмайди. Демак, ҳали ҳеч гап йўқ. Мен отни қамчилашим керак. Видик тақдирламоқчи. Шунча пулдан қуруқ қоладиган аҳмоқ йўқ. Телефоним қаерда эди... Сумкам нимага очилмаяпти? Замоги занглабди-ми нима бало? Э, савил...А-а-а...”

Ахир, бу анави сатанг хотиннинг кишибилмас ола ўйлари-ку! Хиёбондаги харракдан туриб, қайгадир гумдон бўлди. Асфальт йўлни кесиб ўтаётганимда илкис унинг қора ўйлари миямга чамоқдай урилиб, ўзимни йўқотиб қўйгандим. Шу касофат бўлмаганда машинага урилмасдим ҳам. Афтидан, йўл ярмига келганда, кўзларидан қора ойнагини олгач, ахборот қабул қиладиган тўлқинларим тағин жонланиб, маълумотларни зув-зув ташийвергану миям зўриқиб, бошимда санчиқ турган. Кўзкишан, Эшмирзаев домла билан бўлган учрашувдан сўнг худди мана шундай нохушлик уйғонганди-да...

Миям ёзиб олган кейинги жумлаларни шууримдан ўтказиб, ўзимча таҳлил қилдим. Ҳаққа “тилла” деб Маликани назарда тутган. Унингча, бокира қизлар — тилла. “Қайлиқ” — мен. “Занг теккан тилла бунақа хотиржам юрмайди...” Ҳмм... тулки-ей, фалсафасини қаранг бу туллакнинг? “Видик”. Бу, ҳойнаҳой, кўзкишанли камерачи бўлса керак? Мараз! Маликани тутиб, унга элтиб берса, кўзкишан бошидан зар сочади — шундай кир хаёл қияпти бу ҳаққа. Кейин... телефонини излаб, сумкасини очмоқчи бўлган, аммо улгура олмаган. Қизиқ, нега тўсатдан бақриб юборади... Шу саволга жавоб излай-излай, бирдан миям ишлаб кетди. Ахир, у йўлда кетиб бормаётганмиди? Хиёбон йўлагидан асфальт йўлга бурилган, оғзи берк сумкасини очиб, қўлтеелефонини олмоқчи бўлгану, нохос... Фавқулодда миямга келган ёвқур ўйдан ўзим қўрқиб кетдим. Наҳотки, ҳаққа ҳам мен сингари машина ҳалокатига учраган бўлса?

Фикрларимни жамлаб, миям ёзиб олган ахборотларни титдим...

“Акмал Сирожевич, яна битта беморни олиб ке-

лишди. Тахминан қирқ-қирқ беш ёшлардаги аёл. Аҳволи жуда оғир, автоҳалокатга учраган экан, университет хийбонида.

— Ким келтирди? Одами борми?

— Бор, аммо у ўзини беморга бегонаман деб айтяпти, шунчаки йўловчи эмиш”.

Ўрнимдан туриб кетдим. Юрагимга олов тушганди. Бу аҳволда ухлаб бўлмасди. Негадир ҳаққа кўз ўнгимдан кетмай қолди. Касалхонага мен билан бир вақтда “университет хийбони”дан келтирилган “қирқ-қирқ беш ёшлар атрофидаги аёл” сатанг қўшмачи эканига ишона бошлагандим. Юрагимнинг туб-тубидан “у ўша, қўшмачи” деган овоз келаётганди.

Балки хабари бордир, дея Маликага сим қоқмоқчи бўлдим, дарҳол фикримдан қайтдим. Биринчидан, вақт алламаҳал бўлган, ҳойнаҳой, у ухлаётгандир? Иккинчидан, Малика ухлаган тақдирда ҳам чақирувимга жавоб бериш учун қўлтелефонни бошқа биров олса, жуда ноқулай. Ойимдан сўрасаммикан? Йўқ. Қизиқсиниб, “нега сўраяпсан?” деб терговни бошлаб юборса, қутулиб бўлман? Яхшиси, эртагача сабр қиламан.

Шундай деб ўзимни овутдим тагин ўрнимга чўзилдим.

13. Изҳори дил

Институтга боришга ҳафсалам бўлмади. Биринчидан, ҳали жароҳатим битиб, тўла тузалганимча йўқ. Дори-дармон қиялман. Кейин бошимга гир ўралган бинт саллага ўхшаб, хунук кўриняпти. Бошимни пайпаслаб, яна шуни аниқладим. Жароҳат олган жойим ўт-ўлани йўқ бир парча яланг ерга ўхшаб қолган. Муолажа чоғида ҳалақит берганми, сочимни қайчилаб ташланган. Бу аҳволда курсдош қизларга кулги бўлмайманми?

Нонушта қилиниб, дастурхон йиғиштирилган бўлса ҳам ўрнимдан қўзғалмай, ошхонада бир нуқтага тикилиб ўтиргандим. Ойим ишига кетганига чорак соатдан ошганди. Бир маҳал қўл телефоним куй таратиб юборди. Овоз ётоғимдан келаётганди. Кечқурун телефонни жавон устига қўйгандим, бошқа тегинмагандим. Шошиб, хонага келдим, аппаратни қўлга олиб, митти мониторига қарадим. Юрагим гурс-гурс ура бошлади. Маликанинг рақамлари. Шу дам миямга худбинона ўй келди: “у мени ўзидан-да зиёд севса керак...”

Яшил тугмачани босдим.

— Алло!

— Ассалому алайкум, яхшимисиз? Безовта қилмадимми?

— Йўқ, Малика, бемалол. Уйдаман, ўқишга бормадим. Биласиз-ку, бошим олачалпак.

— Ҳмм. Сизга бир хабарни етказмоқчийдим. Кечаги аёл эсингиздами?

Тўмтоқ саволдан пешонам тиришди:

— Қайси аёл? Кимни айтяпсиз?

— Кеча хиёбонда кўрганимиз-чи? Тилла сочли аёл?

У ҳаккани назарда тутаётганди. Қизиқишим ортди. Шошиб сўрадим:

— Тинчликми? Унга нима қипти?

— Ҳозир телефонимдан интернетга киргандим, бир сайтда видеолавҳа қўйишибди. Ўша аёлнинг ўзи.

— Малика, аниқроқ гапиринг. Қанақа видеолавҳа?

— Ўша кеча сиз гаплашган тилла соч аёл туширилган видеолавҳа. Уни ҳам кеча хиёбонда машина уриб юборган экан.

— А?

— Видеоёзув тагида изоҳ ҳам бор. Ўқишга сабрим чидамади, ёмон гаплар...Алло, Шавкат эшитяпсизми?

— Эшитяпман, — дедим кечаги шубҳаларим ўнгидан келганидан гангиб.

— Кейин сиз “биров кузатиб юргани йўқми”, деб сўрагандингиз... мен мужмалроқ жавоб бергандим. Мана шу аёл бўлади. Ўзим сездирмаётгандим.

— Малика, бугун холи вақтингиз бўладими? Кўп нарсаларга ойдинлик киритиш керак. Майлими уч-рашсак?

— Майли-ку-я, фақат хиёбондамас, — чўрт кесди Малика. Сездим, кечаги нохуш воқеадан кейин хиёбонни ёмон кўриб қолган бўлса, ажабмас. Мен ўйлаб-ўйлаб, тайинли жойни танладим.

— “Ширин” кафесида. У ерда одам унча гавжум бўлмайди.

Малика рози бўлди.

Тушликдан бир соат ўтиб, “Ширин” кафесига келиб Маликани пойлаб ўтирдим. Қаҳвахона унча ҳам шинам эмас, хўрандалар ҳам мақталгулик даражада эмас эди. Бу ерни бежизга танламагандим. Сабаби, қаҳвахонада, одам сийрак, бировнинг биров билан иши йўқ. Ул-бул буюртириб, оқшомга қадар ўтирсанг ҳам, официантлар лом-мим демайди.

Малика ҳаялламади. Мен келгач, беш дақиқага қолмай келди. Бўсағада кўринган он ўрнимдан туриб, уни қарши олдим. Стулни суриб, ўтиришга таклиф қилдим. Ўзим эса ўрнимга, Маликанинг рўпарасидаги стулга чўкдим. Ҳол-аҳволлашиш, бошқа майда-чуйда гапларга айнаи кез тобим йўқ эди. Шунинг учун ҳам чўзиб ўтирмай дангалига кўчдим. Айнаи дам бор ўй-хаёлларимни ҳаққа эгаллаб олганди.

— Видеолавҳадан гапирдингиз эрталаб?

Малика ҳам кўпам пайсалга солмай гапиришга, тараддудланди. Сумкаси ичига қўл тикиб, сенсорли қўл

телефонини олди-да, уни ёқиб, бирпас тикирлатиб, нималарнидир титкилагач, кейин аппаратни менга узатди.

— Мана, алоҳида папкага кўчириб олгандим.

Муъжаз экранга қарабоқ, нигоҳим михланди. Асфальт йўл ўртасида қонига беланиб ётган аёл, уни гир ўраб олган одамлар, ЙПХ ходимлари, саф тортган узундан-узун машиналар...манзара аянчли эди.

— Мени зимдан кузатиб юрганини сезгандим. Тоғангизнинг дўконида учратганимданоқ менга дум бўлиб юрганди. Нима мақсадда эргашиб юрганини билмасдим. Изоҳни ўқиб, тахмин қилдим, — тилга кирди Малика мен видеолавҳага сеҳрланиб, гунг бўлиб қолгач. Телефон мониторчасидан нигоҳимни олиб, рўпарамдаги гўзал қизга қарадим. Унинг кўзларида ғазаб, нафрат ва ғилт-ғилт ёш бор эди.

— Изоҳни ўқидингизми? — сўради у.

Мен видеолавҳа остидаги комментарияларни бир-бир ўқишга киришдим.

“Ниҳоят, палагинг қуриди, ҳакка...”

“Энди тилла ахтариб ўзингни қийнаб юрмайсан...”

“Қари қўшмачи ўлим ёқасида...”

“Тулянинг арвоҳи урди уни...”

Кейинги жумла бир ҳафта олдин Шокир билан ресторанда ўтирганимизда унинг сархуш ҳолда менга айтганларини ёдимга солди. “Туляни севардим. У билан сўнгги бор икки йил бурун, Москвага учмасдан аввал кўришгандим. Келсам, йўқ. Бу ёруғ ҳаётда йўқ. Уни гумдон қилишган экан. Қандай қилиб? Буниси менга қоронғи...”

— Малика, сизга айтишга журъатим етмади. Шунинг учун мужмалроқ гапирдим. Сиз эса ҳазилга буриб...

— Мен қўрқоқ эмасман. Шукр, ўзимни ўзим ҳимоя-

лашга кучим етади. Каратэ машғулотларига қатнаганман, уч йил. Тажрибам бор. Аммо бир нарсага ҳеч ақлим етмаяпти? Сизнинг менга қилган эътиборингиз... лоқайд эмаслигингиз... — у ҳамон ёшли қароғларини менга тикиб, жавоб кутарди. Мен нима дейишни билмай, хиёл бесаранжомландим. Тайинли сўз тилимга келмади. Пойинтар-сойинтар гапира бошладим.

— Малика, биласизми, мен... ҳозир... очиги...

Довдираб қолдим. У эса мени ортиқ “қийнашни” хоҳламай, ўрнидан турди. Бежиримгина сумкасининг ҳалқаларидан қўлини ўтказиб, “ҳамроҳхалтасини” елкасига илди.

— Узр, кетишим керак, — дея қадамларини шитобла ташлади.

Бир лаҳза нигоҳлар тўқнашди. Унинг юраги тилга “кирди”:

“Шавкат! Нега ундай қиляпсан? Нега? Ахир, севмайди деб ўйлайсанми? Хатти-ҳаракатларинг муҳаббат аломатлари эканига ақлим балодай етаяпти. Мени кўз қорачигингдай асрашга уринаётганинг, ўзимга ҳушёр бўлишга ундаётганинг сабабини биламан: Муҳаббат! Ахир, кўзларинг айтиб турибди-ку! Юрагингдаги бори кўзларингда порлаб турибди-ку! Фақат тилга чиқаролмаяпсан. Қўрқяпсан. Қўрқоқсан сен, қўрқоқ!”

Асабим бу ўйларга дош бермади.

— Йўқ! — овозим жаранглаб чиққанидан ҳамма мен томонга нигоҳ бурганини сездим. Эшикка яқинлашган Малика ортига ўгирилиб, менга ажабсиниб қарай-қарай, ташқарига отилди. Ортидан югурдим.

Малика “Ширин”дан ўн-ўн беш қадамлар узоқлашган, йиғлаб борётганди шекилли, қўлидаги дастрўмолчасини кўзларига теккизиб олаётганига кўзим тушди.

— Малика, — дедим унга етиб олиб, — тўхтанг!

“Ширин” хилватда жойлашганди. Тушлик тугаган, хурандалар тарқалган, шунданми қаҳвахона яқинида зог кўринмасди. Югурганимдан сокин нафас ололмай, ҳансиардим.

— Мени тинч қўйинг, — менга қарамай юришда давом этди қиз. Нимадан аччиқланаётганини тушуниб турардим. Пайсалга солгим келмади. Бу синовли лаҳзаларда менинг тақдирим, тўғрироғи, бахтим ҳал бўлаётганини тушуниб турардим. Агар бўшашсам, кечикишим ё буткул Маликасиз қолишим ҳеч гап эмас эди. Қаердандир танамда журъат пайдо бўлди. Мен шитоб-ла икки-уч қадам ташлаб, Маликанинг олдини кесиб чиқдим. У ҳайрат оша ёшли кўзларини кўзларимга тикди. Мен унинг майин, оппоқ билагидан шарт ушладим. Вужудимда қон гупуриб кетди. Юрагимдаги олов бор оламинини эгаллаб олганди.

— Малика, — дедим ҳамон ҳансираб, — тўғри, сизга эътиборлиман. Ҳушёр бўлишга ундашим ҳам бежиз эмас. Сизни учрашувларга таклиф қилишим, дақиқалаб пойлаб ўтиришларимнинг боиси... боиси... сизни севаман... Севаман...

Малика бу жасоратни кутмаганди. У мен тўғримда дил изҳор қила олмайдиган журъатсиз ошиқ деган тўхтамга келиб бўлганди. Шунинг учун ҳам кишибилмас аразлаб, “шошиб” чиқиб кетганди. Аммо мўъжиза рўй берди. Мен унинг олатовур ўйларини парчалаб ташладим.

— Малика... маликам менинг... — уни бағримга олдим. Ундан таралаётган анвойи бўй борлигимга гупурилиб, карахт қилди. Кафтларим унинг жилва таратаётган силлиқ, чиройли сочларига шўнғиди.

Малика кўзларини хиёл юмган, фавқулодда туғилган

журьятимдан сеҳрланиб, бор ихтиёрини менга берган, кучоғимда индамай турарди. Мен шу лаҳзаларда дунёдаги энг бахтли инсон эдим.

14. Кутилмаган иш

Уззукун бахтимдан сармаст бўлиб юрдим. Негадир телбаларга ўхшаб бор овозимни қўйиб бақиргим, “Одамлар, мен бахтлиман! Севиб-севилган бахтиёр йигитман, Малика муҳаббатимни рад этмади, у энди меники, эҳе-ҳе-ҳей...” деб дунёни бошимга кўтаргим келарди-ю, уялардим. Маликани бекатгача (уйигача олиб боришга негадир ийманардим) кузатиб, уйга қайтаётгандим, туйқус “дом”имиз орқасидаги дўкон олдида Шокирнинг машинасига кўзим тушди. Шитоб-ла юриб, яқинлашсам, сигарет тортиб, хаёлга берилиб турган экан. Олдига яқинлашгандим, мени кўриб, эсхонаси чиқаёзди.

— Тинчликми, салла ўраб олибсан?

Шокирнинг ҳали хабари йўқ экан, кечаги ҳалокат ҳақида айтгандим, кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Машина эшигини шарақ очиб, отилиб тушди.

— Энди эшитишим, ўзинг бундай телефон-пелефон қилмасанг, дил ёрмасанг, ҳе сендақа жўрани... — астойдил хафа бўлди у. Кулгим қистади, нима энди “мени машина туртиб кетди”, деб оламга жар солишим керакми?

— Уйга юр, бугун ўқишга бормадим. Ойим ишда, гурунглашиб ўтирамиз.

— Э, гурунгга вақт қани? Мижозни кутяпман? — у шундай деб сигаретасини сўнгги бор тортиб, қолдиғини чеккага иргйтиб юборди.

— Кетамизми?

Қўнғироқдай овоз эътиборимни тортди. Машинанинг нариги томонига қарадим. Кўзларига тим қора ойнак таққан, лаблари тўқ қизил, юзлари упадан оқарган, кўз-қовоқларига ҳам аямай бўёқ чаплаган танноз қиз биз томонга бир жилмайиб қаради-ю, таклифни ҳам кутмай, машина эшигини очиб, ўриндиққа жойлашди. Унга термилиб қолибман. Кўзларимга иссиқ кўринди-да! У буни сездими-сезмадими, юзини нариги томонга бурди. Шокир чаққонлик билан машинасига ўтириб, ўт олдирди. Сўнг бошини ойнаси туширилган эшикдан чиқариб, хитоб қилди:

— Кечкурун гаплашамиз, телефон қиламан.

“Ласетти” дудбўронидан тутун бурқситиб, узоқлашгач, миям “ишлаб кетди”:

“Ахир, бу қизни қайси куни “тупик”да кўрмаганмидим? Ўша. Шу куни ҳам нақ “светофор” бўлиб олганди. Шокир тагин чакки юра бошладимикан? Гулядан кейин бу таннозни топиб олган бўлса... Э, “клиент” деди-ку? Киракаш терговчимас-ку, сўраб-суриштириб мижозни қабул қилса?”

Бировга туҳмат қилмадиммикан, деб ўзимни койиб, уй томон йўналгандим, илкис миям қизиб, девор ағдарилиб, ортидаги юзага чиққандай, шубҳаларим ҳақиқатга дўна бошлади.

“Шокир ака, ҳақка асфаласофилинга кетди. Ҳозир травмотолигическийдан келяпман. Бир соат бўлди жони узилганига. Энди бу ёғи байрам деяверинг...”

“Шундайми, дундигим. Унда ҳақ берарканмизда? Гулянининг хунини олдим. Энди армоним йўқ... “Тупик”ка ҳайдайверайми?”

“Ҳайдайверинг... Ҳа-я, айтганингиздай, видикчага олдим, соткамдан, кейин ҳақка ўлди деб “нет”га ташладим. Комментария ҳам ёздим”.

“Менга қара, Шанти, нега вақтида органга айтмагансан?”

“Буй, қизиқмисиз? Ўзимга ўзим душманмасману? Кейин терговда Видикни сотиб қўйишим ҳеч гап эмасди...”

“Майли, жоним...”

“Шокир ака, ўша куни ростдан ҳеч ким кўрмаганмиди сизни?”

“Вей, мани билмайсанми ҳалиям, кўча шип-шийдам эди дедим-ку, шунақа “момент”ни пойлаб юргандим, мавриди келганда...”

Уйга келгунча пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди. Аъзои баданимни титроқ босди.

Бу не ҳодиса? Наҳотки, Шокир қўшмачини машинасида уриб юборган бўлса? Қаердаги суюқоёқ билан топишиб, расво ишларга араллашиб юрибдими? Бундан чиқди, у кўпдан буён ҳаққанинг ортидан пойлаб юрган, фурсат келгунча “сабр қилган”. Э, худо...

Йўқ, мен алжираётганим йўқ. Шу кунгача миямда нимадир содир бўлса, одамлар кўнглидан ўтган неки ўй бор, ўқиган бўлсам, бари рост чиққан. Ҳаққи рост. Бу гал ҳам ботинимда кечган бу хаёлларнинг рўй-ростлигига шубҳа қилмасам ҳам бўларди.

Ётоғимга кириб, каравотимга энди чўккан ҳам эдим, қўл телефоним сайраб юборди.

— Алло!

Малика экан. У ҳаяжон оғушида қўшмачининг ўлим топгани ҳақидаги хабарни ҳозиргина сайтда ўқигани, мурдаси тасвири туширилган видеолавҳа ҳам бор эканини айтганда тарракдай қотдим. Мана далил.

— “Гулянинг қотили” деб ёзишибди, — қўшиб қўйди у охири, — Гуляси ким бўлиши мумкин? Алло!

— Ҳа-ҳа, эшитяпман.

— Майли, мени чақирешяпти...

Телефон ўчди.

Кўзларимга ёш келди. Йўқ, бу йиғи эмас, юракнинг зардоби ҳам эмас. Кейинги кунларда ўзи тез-тез ёшланадиган бўлиб қолган. Сабабини билсам, ўлай агар! Окулистга бормасам бўлмайди чоғи! Эртага Садриевнинг олдига бораман. Бирор муолажа буюртирар. Томизғими, уколми, барибир, қайтиб кўздан сув-оқмаса бўлди-да.

Эҳ, Шокир бежизга Гулясининг ўлимига куюниб юрмаган экан-да. Наҳот, одам одамни шунча қаттиқ севиш мумкин бўлса? Қотилидан қасд олишгача борди-я? Ўзим-чи? Маликанинг ишқида телба бўлмадимми? Девона бўлишимга оз қолди-ку? Майли-ку-я, дўстимга ачиниб кетяпман. Энди бошқа суюқоёқни илинтириб, давр сурияпти. Узоқни кўзламаса бу бола! Ҳозир ҳақкани уриб юборган ҳайдовчини излашаётгани аниқ. Тўхта-тўхта, ахир у яқинда Москвага кетаман деганди-ку? Демак, ҳамма ишлари режали экан-да?

Ўйларга берилиб, кўзларим илинибди. Йўлакдаги эшик очилиб-ёпилганидан ва оёқ товушларидан уйғониб кетдим. Ҳаял ўтмай хонам эшиги очилиб, ойим бошини ичкари суқди.

— Шавкат, неча марта айтаман-а шомда ухлама деб? Ишларинг орқага кетади, ўзинг оғирлашиб қоласан.

Ойимга ҳеч тушунмадим-да. Ирим-сиримлари ҳам тина қолмайди.

— Уйқум келса, нима қилай, — дедим соддалик билан.

— Майли, мен қозонга бирон нима солай.

Чорак соат ўтиб-ўтмай, меҳрибонимнинг тезпишар

таоми тайёр бўлди. Иштаҳам йўқ эди-ю, аммо ойим хавотирга тушмасин, дея озроқ таомдан чуқилаб турдим.

— Ҳамма ёқда дув-дув гап. Кеча бульварда яна битта одамни машина уриб кетган экан-да, — деди ойим янги чойдан бўшаган пиёламга тагин яримлатиб кўк чой қуяр экан, — аёл экан.

— Сиз қаердан эшитдингиз? — сўрадим қизиқиб.

— Мен билан кутубхонада ишлайдиган бир жувоннинг эри травматологияда травматолог. Бирам жағсиз-эй. Эрталаб кела солиб, шу шум хабарни ёйса-я...

— Яна нималар деди? — билгим келди.

— Тавба, бошига парик кийган эмиш, сумкаси-дан телефон, ўтгиз чоғли аёлларнинг рўйхати ёзилган блокнотча, ноутбук, яна алламбалолар чиқибди. Савилнинг касби нима экан, қизиқ-а? Милиса шуғулла-наётганмиш.

Бу ажабланарли эмасди. Жиноий иш. Шу тобда мени бошқа нарсa қизиқтираётганди: жабрдийданинг ўзи бир қизнинг қотили бўлиб чиқиши, неча гулгун-пушларни фоҳишага айлантиргани маълум бўлгач, иш қандай тус оларкан?

— Кимлигини билишибдими? Оиласи, бола-чақаси бор эканми? — сўрадим тагин ойимдан.

— Билмасам, болам?

— Буни анави ҳамкасабангиз айтмадими?

— Э, сенaм эзмаланма, овқатингни е, совияпти. Бир дунё иш уюлиб турганда, бировнинг ғийбатини эшитишга вақт қани? — ойим нон қовурдоққа санчқи уриб, оғзига солди.

Меҳрибоним ҳаққа тўғрисида ортиқ гапирмади. Бошқа мавзуга кўчди.

— Малика яхшими?

— Ким?

— Кулоқдан қолганмисан дейман? А, кеча сени балнисага олиб борган қизни сўраяпман, — қизишди ойим.

— Яхши юргандир-да, билмасам, — ўзимни гўлликка солдим.

— Ўғлим, қачон борай, — деди ойим жилмайиб, — совчиликка?

Афтидан шолғомдай қизариб кетган бўлсам керак, кўзларимни олиб қочдим. Аммо-лекин бу гап менга ёқиб тушди-ю, нима деб жавоб қайтаришга ақлим ишламай қолди.

— А? Нега индамайсан?

— Билмасам, ойи, ҳали шошманг-чи? — шундай деб юзимга қисқа қилиб фотиҳа ўқиб, ўрнимдан турдим.

15. Гумондор

Кечки хўракдан сўнг диққат бўлиб ўтирдим. Кўзларим ёқилган телевизорда-ю, хаёлим Шокирда эди. У сим қоқишга ваъда берганди. Орадан икки соат ўтди ҳамки, қўлtelefonим “сайрамади”. Соат мили 22:00 ни кўрсатганда тоқатим тоқ бўлиб, охири ўзим Шокирнинг рақамларини териб, чақирув сигналинин юбордим. Дарҳол жавоб келди: “Абонент доирадан ташқарида”.

Хаёлимга зув этиб бемаъни ўй келди: “Анави “мижози” билан кўнгилхушлик қиялптимикан?!”

Ўзимни чалғитиш учун хонамга кириб, ўкув столига ўтирдим. Бетартиб турган китоблардан бирини олиб, секин варақлай бошладим. Агата Кристи “Ўнта негр боласи”. Бу детектив романни аввал ҳам ўқиб чиққанман. Тагин кўз ташлаш учун китоб жавонидан олиб,

столга ташлаб қўйгандим. Зўр асар. Кимсасиз оролга ташриф буюрган ўн нафар меҳмон галма-гал ўлим топади. Меҳмонларнинг бари қотил. Қотилликлари учун ҳам сирли тарзда қурбон бўладилар. Шу тобда ҳақканинг ўлимини ҳам шу асардаги қаҳрамонлар ўлимига ўхшатгим келди. Ўша кез бирорта йўловчиси бўлмаган хиёбон — нотаниш орол. Ҳақкани туртиб юборган машина эгасини ҳеч ким билмайди. Тагин у қотиллик қилгани учун ҳалокатга учрайди.

“Ўнта негр боласи” воқеалари менга маълум, ҳатто китобдаги айрим жумлалар ёд бўлиб кетган бўлса-да, такрор ўқигим келганди. Энди эса хаёл қургур Шокирга оғиб, миямга ҳеч нарсa кирмай қўйди. Бирмунча вақт ўзимни чалғитиб, беҳуда китоб варақлаб ўтирдим. Сабрим чидамай яна дўстимнинг рақамларини тердим. Нафи бўлмади. Алламаҳалгача гангиб, ўйларим билан олиша-олиша, охир толиқдим шекилли, секин каравотга чўзилдим.

Саҳарга яқин кўзларим илингани учунми, ухлаб қолибман. Ойимнинг турткисидан уйғониб кетдим.

— Шавкат, саккиз бўляпти соат.

Кўзларимни ишқалаб ўрнимдан турдим. Уйқудан қониқмаган эканман чоғи, ҳамон мудраб ўтирардим. Аммо ойимнинг кейинги гапидан уйқум батамом ўчди.

— Жўрангни милиса ушлаб кетибди.

— А?

— Бечора аяси йиғлайвериб кўзлари шишиб кетибди. Боя келганди сени сўраганди, ётувдинг. Уйғотишга кўнглим бўлмади. Кеча кечқурун Шокирни беш-бегона қиз ўлгур билан битта кватирада тутиб олиб кетишган экан.* Кейин телефонида сим қоқиб, аясини чақиришган экан. Юрагини ҳовучлаб борса, етти ухлаб тушига кирмаган гаплар...

Шокирнинг “йигитчилиги” охир шундай хотима топишини кўнглим сезганди. Энди нима бўлади? Умри қамоқда ўтадими?

— Нима гаплар экан, ойи, тушунтириброқ гапиринг, — дедим нима юз берганини сезгандек бўлсам-да, аниқлик киритишга уриниб.

— Шу йигит қўлини қонга ботирганига ҳеч ҳам ишонгим келмаяпти. Анави аёлнинг ўлимида гумон қилинаётганлар орасида ўртоғинг ҳам бор экан. Тавба, ақл бовар қилмайди-я? Санобар айтди: ўлиб ҳам тинчимаган тоза расво аёл экан. Кафтдай дафтарча тутиб, казо-казоларнинг номию телефон рақамларигача ёзиб қўйибдийкан. Шантинининг исмини йириккина қилиб, алоҳида қизил қалам билан белгилаб қўйганмиш.

— Шантиси ким экан? — хаёлимга дарров кеча Шокир машинасига миндирган “мижоз” келди-ю, ўзимни гўлликка солдим.

— Шу ўлгур қизнинг квартирасида ўтирган экан-да ўртоғинг. Машойихлар бежизга айтишмаган: “Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади”, деб. Дуппа-дуруст йигит эди-я Шокир, нима жин урди, ҳайронман? Келиб-келиб бир суюқоёққа илакишадими, а?

Йўқ, Шокирни биргина Шантининг олдига қатнаб юргани учун ҳибсга олишлари мумкин эмас. Бу айб билан уни ҳақканинг ўлимида гумон қилишлари ҳам мантиққа зид. Бу ерда ечилмаган яна бошқа бир жумбоқ бору, барчага зулмат кечадек қоронғи бўлиб турибди.

— Майли, мен ишимга кечикмай. Нонуштага тухум қайнатдим. Холодильникда колбаса бор, сариеғ ҳам, — ойим шуни айта-айта, хонадан чиқди. Кейин йўлакдаги эшикнинг очиб ёпилгани эшитилди. Мен юз-қўлларимни ювиш учун ўрнимдан қўзғалдим.

16. Ёвуз режа

Санобар опанинг дарду ҳасратини қулоқ қоқмай эшитдим. Ойимга айтган гапини менга ҳам такрорлади. Мунг чўккан кўзларига қарагандим, бу ҳам наф бермади. Дилидаги ўйлар аламу азобларга қоришиқ нолалар экан. Бечорага ачиниб кетдим. Кеча кечқурун Шокирнинг қўнғироғини кутиб ўтирган маҳалим у шаҳар ИИБ идорасида кишанли ҳолда ўтирган экан. Ҳозир ҳам ўша ердадир.

Санобар опанинг олдидан чиқиб, зина пиллапоялари оша пастга тушдим. Подъезд бўсағасидан ҳатлаган ҳам эдим, мен томонга қараб келаётган Маликага кўзим тушди. У қадамларини жадал ташлаб, келаётганди. Мен ҳам шитоб-ла одимлаб, унга пешвоз чиқдим.

Ҳол-аҳволлашиб, чеккага ўтдик. Бўёғи кўчган харракка чўкдик.

— Шаҳардан келяпман, маҳкамадан, — дея дарднок овозда гапира бошлади Малика, — аҳвол чатоқ. Суриштирдим.

— Нима гап?

— Шокирни билмай юрган эканман...

— Нима гап, ахир? — тоқатим тоқ бўлди.

— Бир ахлоқи бузуққа эргашгани етмагандай... э-эй, холамга қийин бўлади энди... Биттамас, бир нечта қотиллик юз берган, тоза чигаллашиб кетган экан. Анави сиз айтган, қўшмачининг дафтарчаси бир нечта сирларни очиб ташлабди. Бир йил аввал Гуля деган қиз ўлган экан-ку?

— Хўш?

— Шокир шунга ошиқ бўлиб юрган экан. У Москвадан келиб, Гулясини излайди, ўлиmidан хабар топиб, қотилни қидиришга тушади. Бу “ис”ни қўшмачи се-

зиб қолиб, дафтарчасига “Гуля+Шокир» деб белгилаб қўяди. Менимча, у Шокирни ҳам...

— Ўлдирмоқчи бўлган демоқчимисиз? — дедим Маликага бу сўзни айтишга тили айланмагач. У билинар-билинмас бош ирғаб қўйди.

— Битта шу ёзув ҳакканинг қотили кимлигини аниқлаб беролмайди-ку?

— Тўғри, аммо бу бировдан гумон қилишга етарли далил. Шу туфайли уни кеча қўлга олишган чиқар. Кейин Шокирни яхши биламан, тап тортмай, айбини бўйнига олиши ҳам мумкин.

Бунга имоним комил эди. Шокирда барибир виждон бор.

* * *

Малика, мен иккимиз ўйлаганимиздек бўлиб чиқди. Шокир ўз айбини тан олибди. Тергов ишлари тугаб, иш судга оширилганмиш. Ҳакканинг дафтарчаси очилмай қолган кўп мавҳум ишларга ойдинлик киригбди. Шанти ундан ўн минг АҚШ доллари миқдорида қарздор экан. Отнинг калласидек бу пулни тўлашга қурби етмагани учун ҳам Шокирга жиноят ишида шерикчилик қилган. Тўғрироғи, қўшмачини гумдон қилишга гиж-гижлаган. Шаҳар четидаги ҳашаматли “Мараҳ” хусусий меҳмонхонаси Видикнинг “ҳарам”и экани ҳам аниқланди. “Ҳарам”даги ўн чоғли “нуқра” қиз ҳам қўлга олинди. Аммо шоввоз Видик сувдан қуруқ чиқадиганлар хилидан экан. Уни излаб ҳеч қаердан топа олишмади. У ҳакка ҳалокатга учраган куннинг ўзидаёқ шаҳардан чиқиб кетган экан.

17. Кўз ичидаги кўз

Тушдан кейин Малика билан Ёшлар боғида учрашишга келишгандик (Университет хиёбонида бормай-

диган бўлиб кетганмиз). Унга аям эртага “меҳмонга” боришларини айтмоқчи эдим. Биладан, қачонлардан бери ушбу хушхабарни эшитаман деб сабрсизланиб юрибди. Мана, бугун мавриди келган экан. Унгача окулист ҳузурига бориб келишни кўнгилга туккандим...

Навбатим келгач, профессор Садриевнинг олдида кирганимда унинг шашти паст эди. Офтальмолог ҳар гал пешвоз чиқиб, ҳол-аҳволни қуюқ қиладиган оқибатли одам бу гал қуруққина қилиб, “Яхшимисиз, келинг”, деди, холос. Кайфияти йўқдир-да, деб столи рўпарасидаги стулга чўкдим. Мен дарҳол шикоятни бошлаб юбордим:

— Кўзларим ўз-ўзидан филт-филт ёш бўлиб қоляпти. Кўрган одам йиғлаяпти деб ўйлаши мумкин. Кейин менда ғалати нарсалар бўляпти?

— Нима экан у? — деди у менга эътибор бермай олдидаги варақларни тартибга келтираркан.

— Сиз ёзиб берган линзани таққанимда атрофни фақат яшил рангда кўрдим. Бу тарқагач...

Ана шу ерда у юмушидан тўхтаб, менга тикилиб қолди. Кўзларида умидми, ишончми уйғонаётганди.

— Кейин-чи?

— Кейин...бировнинг кўзига қарасам...

— Унинг фикрларини ўқингиз?..

— Ҳа.

— Бу дам миянгиз ғувиллаб, бошингизда санчиқ турадим?

— Шундай.

— Ойнак таққан одамнинг фикрлари маълум вақт ўтиб, миянгизга ёзилади, бу пайт тагин бошингиз лўқиллаб кетади.

Мен унинг гапларини тагин тасдиқладим. У худди

йўқотиб қўйган нарсасини топиб олган бахтиёр одам сингари илжайиб, ўрнидан тура солиб мени кучоқлаб олди.

— Дўстим! Энди тақдирга тан бергандим. Ўн йиллик меҳнатим сувга оқиб кетдими, деб қўрққандим. Оптикачи янгангиз адашиб бошқа линзани берибди-да сизга. Ўзи айб менда. Алоҳида ғилофга солишим керак эди. Энди гап бундай... Бир ҳафтадан кейин Британияда дунё миқёсида кўзойнаклар ва линзалар кўргазмаси бўлиб ўтади. Бирга борамиз.

— Ечиб берсам-чи?

— Йўқ-йўқ, линза тақилдими, у умрбод кўз ичида қолиши керак, акс ҳолда ўз кучини йўқотади. Биласизми, мен бу линзани ишлаётганимда уни “кўз ичидаги кўз” деб номлагандим.

— Доктор, ўз вақтида келмаганим учун кечиринг, мен...

— Мана келдингиз-ку! Хижолат бўлманг, тақдир деганларича бор экан.

— Раҳмат!

Бугун Маликага битта эмас, иккита хушхабарни етказаман. “Кўз ичидаги кўз”дан дарак топиб, мендан ранжимасмикан, ишқилиб? Ахир, қарийб бир ойдирки, кўнглидагини кўзларига қараб, ўқиб келяпман-да!

Малика, менинг маликам!..

«АЗИЗИМ» туркумидан

КЕНЖА КЕЛИНОЙИ

Куёш икки терак бўйи кўтарилган.

Шаҳарнинг «мушкулкушод» одамлари ивирсиб турадиган жойи ҳам энди пича сийраклашган, бурчак-бурчакларга тикилиб олган азаматлар ўтган-кетгanning пойига кўз тикишади.

Бизга керакли азамат эса мана бу йигит — бошига ажнабийларнинг кепкасини қўндириб олган, эгнига енгсиз мовий кўйлак ва шу рангда униққан шим кийган бўз йигит. Унга аскар ёшини чамалаш мумкин. У узоқ ўйга ботган. Нигоҳи бир нуқтадан узилмайди.

Кеча бу азаматнинг ови бароридан келган. Шаҳарнинг қоқ марказида икки қаватли бино солган бир бойвачча уни сийлаб юборди. Йигит қувонганидан терисига сиғмай кетди: кетмоннинг сопидай кафтда ўн доллар сайраб тургандан кейин...

Йигит меҳнатда тобланган эканми, бир дунё қипқни кўрдим демай, увоғини ҳам қолдирмай машиналарга ортиб берди. Ундан кейин арраланган тахталарни бир жойга саржиндай қилиб терди. Мана шу ишга бор-йўғи уч соат вақт сарфлади, холос. Йўқса, икки-уч киши тиришиб ишлаганда ҳам кечга довур тинадиган иш.

Йигит тушликка ҳам қолмай битириб кетмоқчи бўлиб турганди, бойвачча унамади.

— Бу қанақаси? Тушлик қилмасдан кетиш, йўқ, оғайни!

Йигит дастурхон ёнига чўкканда ҳуши бошидан

учди: кўзини михлаб олган ноз-неъматларни олдин ҳеч қарда учратмаган экан. Қўл теккизишга уялди. Шу туришда бу неъматларни тишлаб, еб бўлмаслигига ақли етди.

Бойвачча борини тўкиб-сочадиганлари хилидан экан. Антиқа шишаларни қалаштириб, оғзини энди очмоқчи бўлиб турганида йигит унамади:

— Ака, бизга тўғри келмайди.

— Қиттай олсанг, ичингдаги чангни ювиб юборарди... — манзиратни канда қилмади, саховатпеша жаноб. — Майли, ўзинг биласан.

Бир лаҳза ўтмай чинни товоқда ош кўринди. Ҳовури димоқни қитиқлаб юборди. Тўғриси, шу асно йигитнинг димоғимас, юраги «қашланиб» кетди.

Ошни чиройидан бол томгулик соҳибжамол келтирганди. Кавшанаётган йигитнинг беҳос унга нигоҳи тушди-ю, луқмасини ютолмай тайсалланиб қолди. Бирдан йўтал тутди.

Соҳибжамол ортига шошилди ва лаҳза ўтмай косада сув олиб чиқди.

— Ичиб олинг, босади.

Йигит ютоқиб сув ичди. Бироқ овқат томоғидан ўтмади, номигагина бир-икки кафт теккизган бўлди.

Йигит кетар чоғи дарвозага яқинлашганда соҳибжамол пилдираб келиб қолди:

— Манавингиз қоп кетибди...

Йигитнинг дағал кафтига сиртига қипиқ кўнган кепка илинди.

Бойвачча қуюққина хайр-хўш қилди:

— Очиғи, менга ёқиб қолдинг. Сендай азаматини учратмаганман. Мен дангалчи одамман, тўғрисини айтаман, меҳнатсевар экансан...

Йигит мақтовлардан эригани йўқ, очиғи, унинг қу-

лоғига ҳозир ҳеч гап эшитилмасди. Қўзлари соҳибжамолнинг хушрўй суврати-ю, қулоқлари унинг жарангли сўзлари билан тўлиб қолганди.

Йигит остонадан ҳатлаганда ўша оқ «Нексия» моторини қизитиб турган экан. У икки-уч қадам юрмаёқ машинанинг олд эшиги очилди. Ҳайдовчи мулозамат қилди:

— Қани, тахтга чиқсинлар...

Йигит жилмайиб, машинага минди.

— О, бизнинг хўжайин замона Ҳотами Тойларидан, — машина қўзғалган заҳоти даҳани даҳанига тегмай сайрай кетди ҳайдовчи, — боя келишда айтувдим-а, ранжитмайдилар...

— Кечирасиз, ака, — ҳайдовчининг сўзини кесди йигит, пича ҳаяжонланди, — анави... уйда бир қиз юрибди-ю, у...

— Уҳ, хўжайиннинг асл бойлиги ўша, — гуруннга қувват киритди ҳайдовчи.

— Қизларими? — аниқламоқчи бўлди йигит.

Ҳайдовчи беўхшов кулиб қўйди, сўнг жиддийлашди:

— Хўжайиннинг учинчи хотини, кенжа келинойимиз бўладилар...

Йигитнинг юрагидаги гуриллаган оловга сув сеппилгандай бўлди. Бошқа ҳеч нима сўрамади, ломим ҳам демади.

Ҳайдовчи манзилга етгунча «кенжа келинойи»сини мақтай кетди.

Азаматнинг борлигини эса ўй чулғаб олди.

Мана, кечадан бери аҳвол шу: туғилаётган саволларга жавоб излайди, аммо нажот йўқ. Саволлар жавобсиз қолаверади:

- Отаси тенги одамга қандай текканийкин?
- Уни севармикан?
- Мабодо бойлигига учмадимикан?
- Уйдагиларининг кўнганини-чи шу чолга?

Азизлар, бу азаматга ёрдам берайлик, ахир бировнинг хасми бўлган пойшикастани ҳеч эсидан чиқаролмаяпти, бояқиш?!

КЕНЖА КЕЛИНОЙИ (Иккинчиси)

Ҳурлиқонинг дунёсига ўт тушди. Ҳаловати йўқолди. Қандайдир касаллик вужуди узра ўрмалаб, борлигини маҳв эта бошлаганди. Энди ҳеч нарса татимай қолди. Ҳаммасига ўша айбдор. Келмаганда бу дард юрагига олов пуркамаган бўларди.

Бировнинг қўйнига кириб чиққандан кейин туғиладими, бу дардисар.

«Ўт тушсин...ўт тушсин дунёсига».

Бояқишнинг дарди ичида. Мардикор йигит кетган замон, гўё қимматбаҳо буюмини йўқотгандай бўлиб қолган. Телбага ўхшаб қолган чоғи. Қаерга қараса ўша!

Бойвачча ўзи билан ўзи. Унинг армони йўқ. Тараллабедод у.

Э, йўқ? Армонсиз одам бор эканми? Ўғил кўрай, мен ҳам халққа ош берай, дўст-душман олдида кўкракни кериб юрай деб, манавини никоҳига олмадими?

Биринчи хотинидан бола бўлмади. Беш йил кутди. Иккинчисиям ўлик палак чиқди. Иримига унгаям уч йил чидаб берди. Бу ойимжамол эндигина чилладан чиққан.

О, ўшанда қиёмат кўпганди. Иккита хотин устига

тушаманми, деб худони зорини қилди, бояқиш. Отаси жоҳиллардан экан, куёвнинг дунёсига учди. Қизини кўрқитди, оқ қиламан деб.

Қиз учун отанинг қарғишидан даҳшатлироқ жазо йўқ. Қисмат экан, деб рози бўлди шўрлик. Ҳаммасини ичига ютиб, тишини-тишига босиб келаётганди. Буниси, ўлганнинг устига тепки бўлди.

Ўхриқо миясига келган фикрдан кўрқиб кетди: «Сезиб қолса, бўғиб ташлайди». Аммо бу янгиликни унга ким етказди.

— Кеннойи?!

Ўвли томондан ҳайдовчининг хавотиромуз овози эшитилди. Ўхриқо бир қаноти очиқ деразадан ташқарига бўйнини чўзди.

Ҳайдовчи деразага нигоҳини тикиб ўтирган экан, тагин сўради:

— Вақт бўлмадими, олтида деб айтгандийз?

Ўхриқо билагидаги соатга бирров кўз ташлаб олди.

— Ҳозир, — шундай дея нариги хонага ўтди. Кийимини алмаштиришга чоғланди.

Бир ҳафта бурун бир синфдоши телефон қилиб, меҳмондорчиликка айтганди. Қадрдон дугонаси эмасми, дарров розилик берди-қўйди. Ҳатто эрини ҳам хабардор қилгани йўқ. Бўлмаса, ён қўшнининг уйига ҳам жуфтидан рухсат сўраб, кейин ўтадиган одам. Негадир буни қизғонди.

* * *

Ўхриқо беш қаватли бинонинг учинчи қаватига кўтарилди. Эшик қўнғироғини босгач, қадрдон дугонаси кучоғини ёзиб қарши олди:

— Вайй... дугон, ўзингмисан, очилиб кетганингни... —

Хурлиқо янги келинчак. Унинг устига худо уни кўх-ликкина яратган. Пардоз-андозсиз ҳам сулув кўри-нарди. Шу келишда ҳам ўзига зеб бергани йўқ эди. Шошаётганидан кўзгуга бир разм солиб олиб, у ер-бу ерига қараган бўлди, холос. Дугонаси ҳам ундан қо-лишмасди: сочларини шаршарадай ташлаб олган, юз-лари ёғ суртилгандай силлиқ, тимқора кўзойнаги ўзи-га ярашиғлиқ эди.

Меҳмон ва мезбон ичкари йўналдилар. Йўлак бе-тидаги ваннахона эшиги очик экан. Биров бордай туюлди. Ҳа, кимдир ортини ўгириб олиб алланима билан уймаланиб турган экан. Меҳмон эътибор бер-мади, нариги хонага юриб кетди.

— Уфф... мунча ивирсийди бу, бир соат бўлди-е, — тўнғиллади хонага кирган заҳоти мезбон, — битта кранни ўрнатиш шунча қийинми? Қўлимдан келади деганига опкелаверибман!

Хурлиқо гап кимга қаратилганини фаҳмлади. Дуго-насининг кайфиятини кўтариш мақсадида гапни бошқа ёққа бурди:

— Бир нарсадан қуруқ қоладигандек дарров югуриб кеппан, — ҳали бирорта меҳмон келмагани, биринчи бўлиб ўзи ташриф буюрганига шаъма қилди.

Шу тоб тағин эшик кўнғироғи жиринглади. Устма-уст яна. Мезбон йўлакка шошилди. Хурлиқо ҳали ўр-нашмаганди. Дабдурустдан ўзи... уялди. Нигоҳи ногоҳ тўрда, девордаги рамкаларга тушди. Ўша томонга су-рилиб борди. Суратга яқин келиб энди қўл узатган эди ҳамки, ортидан таниш товуш етиб келди:

— Иш битди, опа.

Хурлиқо ўгирилди-ю, аллазамонларда йўқотган нарсаси ногоҳ олдида пайдо бўлгандай бир аҳволга

тушди. Йигит ҳам етти ухлаб тушига кирмаган ҳодисанинг устидан чиққандай эди. Нигоҳи михланиб қолди.

КЕНЖА КЕЛИНОЙИ (Учинчиси)

Бойваччанинг тирноққа зорлигини айтмаса, дегулик армони йўқ. Шаҳарнинг ўзида иккита данғиллама ҳовлиси, иккита хотини учун сотиб олган «дом»лари бор. Ўзи шаҳарнинг тўридаги ҳовлида истиқомат қилаётгани билан шаҳар этагидаги ҳовлига зарурат бўлмаса бормайди. Кенжа хотини билан яшаса-да, аввалгиларини ташлаб қўйгани йўқ. Кун ора, ҳар икки-уч кунда дийдорлашиб туради.

Кундошларнинг эҳтиёжлари ботмонлаб ғамлаб қўйилган. Ҳеч нимасига зориқмайдилар. Аммо аёлга биринчи навбатда бахт керак. Фарзанд бўлмагандан кейин сўппайиб яшаш ҳар кимнинг ҳам жонига тегади. Мана бу тарафдан бу икки муштипарни манглайи шўр.

Катта кундош хайрли ишга қўл урган. Чилласи чиқмаган чақалоқни асраб олиб боқаяпти. Ҳозир гўдак тепапоя бўлиб қолди.

Бойваччанинг табиатида тихирлик йўқ. Бўлмаса кенжа хотинини қолдириб катталарни уч талоқ қилиб ажрашса бўларди. Хоҳламади. Хотинлари ҳам бу ҳақида оғиз очганлари йўқ.

Бойваччанинг давлати, битта туманни кўч-кўрони билан сотиб олишга етгулик. Йўқ-йўқ, отасидан молдунё мерос қолгани йўқ. Ҳазина ҳам топиб олмаган. Ҳаммаси соф меҳнати, тадбиркорлиги туфайли. У уй-жой сотиб олиб, бош-оёқ таъмирлаб пуллайди. Бисотида ҳозир сотилмаган дом, ҳовлилардан тўрт-бештаси

бор. Мана бугун яна биттасини пуллади. Тўрт хонали квартирадан бир ярим баровар фойда кўрди. Димоғи чоғ эди. У уйга кириб келганда шом эндигина кўнган, уй ичи гўё ҳаммани ер ютгандек жимжит эди. Шундай бўлиши олдиндан маълум эди. Ярим соат аввал кенжа хотини телефон қилиб огоҳлантириб қўйган эди. Бойвачча рад этмади. Билади, ҳали ёш, кўнгли қувноқликни, руҳи енгил кайфиятни истади. Шунинг учун сазасини ўлдирмайди. Ўйнаб-кулиб қолсин, болали бўлса буларга кейин йўл қайда дейди.

Қоронғига чулғанган уй бир зумда ёришиб кетди. Айвондаги чироқлар, иккинчи хонадаги чироқлар лип этиб ёнди. Бойвачча ошхонага ўтиб, музлатгич эшигини очди. Пукаги омонатгина тиқилган коньякни олиб, столга яқинлашди. Тўнкариб қўйилган пиёлани ўнглаб шарбат қўйди. Кейин бир кўтаришда сипқориб «уҳ» деб юборди. Лабидаги қўйқаларни кафти орқаси билан сидирди, кейин меҳмонхонага ўтди. Курсига чўкиб, пултни қўлига олди. Телевизорни ёқди. Лип этиб экран ёришди. У ўзга каналларни бир-бир тафтиш қилиб чиқди. Томоша қилишга арзигулик кўрсатув йўқ эканми, ўчириб қўйди. Ён чўнтагидан қўл телефонини олиб, таниш рақамларни босди. Негадир жавоб бўлмади. Бошқа рақамларга ўтди. Зув этиб товуш келди. «Лаббай, хўжайин».

— Келинойингни опке! — амр қилди.

— Ўзим айтаман, келасиз дегандилар, — чайналди ҳайдовчи.

— Мен сенга олиб кел деяпман, кеч бўлди, — товуши бир парда кўтарилди бойваччанинг.

— Хўп, хўжайин.

Товуш ўчди.

Бойвачча тагин бир галги рақамларни терди. Яна жавоб бўлмади. Асабийлашиб ўрнидан турди. Ошхонага йўл олди.

* * *

Хонанинг бир бурчида ҳурлиқо ҳиқиллаб ўтирибди. Сочлари тўзғиб, кўз ёшлари юзини сел-сел юваяпти. Қадалган таёқдай бўлиб азамат йигит олдида серрайиб турибди. Юрагини ваҳм чулғаб олган.

— Энди нима қилдим? — пичирлади ҳурлиқо кафтларини юзига олиб.

— Мени кечиринг... мен... мен... ўзимни... — гапи пойинтар-сойинтар чиқади йигитнинг.

Шу асно эшик қўнғироғи чалинди. Устма-уст яна. Ҳурлиқо шарт ўрнидан туриб кетди. Шошиб юз-кўзларини енги билан артишга тушди ва йўлакка ўтди. Зум ўтмай ўша ёқдан қийқириқ овозлари келди:

— Вой ўзингмисан, Баҳор...

Уйга ўн чоғлиқ меҳмон ташриф буюрган эди. Собиқ синфдошлар, ҳурлиқо зўраки табассум қилди.

Қизиқ меҳмонлар нотаниш йигитни кўриб ажабланишмади. Мезбоннинг таниши деган хаёлга боришди-микан?

Йигит бир чеккада анграйиб турмади. Фавқулодда чаққонлик билан меҳмонларга хизмат қилиб турди. Ҳурлиқони аччиқ ўй босди. Даврада ўтирибди-ю нигоҳини бир нуқтадан узмайди. Унинг юрагини шу тобда ечимсиз савол тирнамоқда эди. «Энди нима бўлади?»

КЕНЖА КЕЛИНОЙИ (Тўртинчиси)

Ҳаммаси кўз очиб-юмгунча юз берди-я... Агар олифта думини ликиллашиб кетиб қолмаганда бу ҳол юз

бермаган, хурлиқода ич-этини кемираётган ваҳима қўзғалмаган бўларди.

«Ўртоқжон, холамнинг тоби қочиб қопти. Ўзи шу подъездда туради. Биринчи қаватда. Бояқишнинг ҳеч кими йўқ. Бирровга хабар оламану қайтаман, хўп...» — мезбон шундай дедию пилдир-пис бўлиб жунаворди. Устанинг ҳақини бериш эсигаям келмаган бўлса керак. Азамат ҳам анойи йигит эмас, ҳали бирор даргоҳдан бармоғини бурнига тиқиб қайтмаган. Ҳақини едирмайдиганлар хилидан у. Ўзи писмиқ кўринган билан ўр йигит. Шундай экан, қайтгунча кутишга аҳд қилди.

Олифта ғойиб бўлганига ўн дақиқа бўлар-бўлмас, даҳлиздаги телефон жиринглаб товуш берди. Хурлиқо ҳовлиқиб гўшакка ёпишди.

— Баҳор, муаммо чиқиб қолди, холамни балницага элтяпман, бир оз кутасан энди, дугонажон. Ҳа-я, эсим қурсин, анавилар йиғилволишиб ҳаммаси бирга келаркан, бир соатдан кейин. Манга телефон қилишди. Кутиб оларсан, фақат хафа бўлмагин...

— Йўқ, йўқ, ўлибманми, хафа бўлиб, сен бемалол ишингни бажаравер...

Хурлиқо гўшакни жойига қўйиб ортига бурилганини билади, азамат хирсдай бўлиб ёниб турган экан...

Унинг олов нигоҳига ортиқ дош беролмади. Бурилиб нариги хонага ўтди. Йигит ортидан эргашди...

— Нима, эсингни едингми, — негадир бадани титраб кетди қизнинг.

Йигит миқ этмади, ёввойи одамдек унга интилди ва...

* * *

Фавқулудда кенжа ойисининг юмшоқ супургидай майишиб қолгани ҳайдовчини ажаблантирди. Қувлиги

етти маҳаллага ёйилган келинчакнинг бу абгор ҳолини бировга айтсангиз ишонмайди. Паришонхотир бўлиб қолган, бояқиш. Ҳайдовчи ҳол-аҳволлашди-ю, бу ҳолнинг сабабини сўрашга ботинолмади. Уйга етиб келганда қиз шўрлик рўй-рост ҳиқиллаб юборди.

— Нима бўлди, кеннойи? — тагин ажабланиди содиқ хизматкор. Ҳурлиқо жавоб бермади. Эшикни зарб-ла очиб, қия очиқ дарвозадан шошилиб кириб кетди.

* * *

— Нега соткангни ўчириб қўйдинг, уч марта телефон қилдим? — хотини уйга кириб келиши билан сўради бойвачча.

Ҳурлиқо индамади, нариги хонага ўтди. Эри ортидан эргашиб кирди.

— Нима бўлди?

— Ҳеч нима! Ўз ҳолимга қўйинг, — малолланиб жавоб қилди қиз. Бойвачча хотинига яқин сурилиб келди-да, жон-жаҳди билан унинг иккала билагидан сиқиб олди:

— Нима бўлганини билишим керак, сени деб анави кундошларингни ташлаб қўйганман.

Ҳурлиқо лабини тишлаб олди. Кўзларидан ёш си-зиб чиқди. Аммо индамади.

* * *

Эрталаб тушакни тартибга келтираётиб, ҳурлиқо-нинг қўл телефони куй таратди. Тугмачани босиб қулоғига тутди:

— Ўртоқжон, мендан роса ўпкаланган бўлсанг керак-а, кеча кайфиятинг бўлмади...

— Нега ундай дейсан, Гулюз, ҳаммаси жойида эди-

ку, ҳа, анави устанг нима бўлди? — Бирдан хаёлига мардикор келиб, сўради. Меҳмондорчиликдан қайтаётган маҳали ҳалиям қорасини ўчирмаган эди у.

— Донг қотиб ухлаб ётибди, уйғонса, дачамизга олиб бораман, иш тиқилиб ётибди...

Ўурлиқонинг томоғига нимадир тиқилгандек бўлиб гапиролмай қолди. Кўз олди қоронғилашиб кетди.

— Алло, Баҳор, нима бўлди? — ташвишомуз товуш келди у томондан. Кейин ўсмир йигитчанинг овози аралашди: «Тинчликмикан, хола?»

— Қурқма, ҳаммаси жойида, — билинар-билинемас жилмайди Ўурлиқо.

* * *

Кечга яқин тагин қўл телефон куй таратди. Ўурлиқо эринибгина тугмачани босди...

У томондан ҳаяжонга ботган овоз келди:

— Баҳор?!

Ўурлиқо титраб кетди:

— Сен?! — кейин лаби лабига тегмай жаврай кетди.

— Йўқ, йўқ, эртага иложи йўқ, индин ҳам. Ҳозирча учрашмай турганимиз маъқул.

Ўурлиқо телефонни ўчириб ортига ўгирилгандиям-ки, даҳшатдан юзлари оқариб кетди.

Кўзлари қаҳр оловини сочаётган бойвачча унга тикилиб турган эди.

ДЕВОР ОРТИДАГИ СИР

Мен ўсмир ёшида эдим. Эндигина кўнгил кўчасига бўйлаган, мурғак юрагимга мисоли уругни ёриб чиққан ниҳолдай бир ҳис оралаган-у бор вужудимга аста-се-

кин ёйилиб, мени савдойи қила бошлаган кезлар эди. Ўша пайтлар биз, синфдош жўралар гоҳ бир-биримизга меҳрибон ака-укалардек қадрдон, самимий, бир-биримизга қайғудош, гоҳ кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ ашаддий ёвлардек ёқалашиб, муштлашиб ҳам турардик. Аммо барибир дўстлигимиз устун келар, бир-биримизнинг тумшуқ-бурнимизни қонатиб, юзларимизни моматалоқ қилиб дўппослаган бўлсак-да, бир-икки кун ўтмай ярашиб олардик. Синфимизда Қоровой лақабли новча, қорадан келган, ҳазилга суяги йўқроқ йигитча бўларди. Ўта самимийлигидан, ҳазилкашлигидан ҳамма уни ўзига яқин олар, ҳатто қизлар ҳам ҳайиқмай муомала қиларди. Тўққизинчи синфда илк бор пахта ҳашарига отланганимизда у бизни қутқарди: зерикишдан, албатта. Негаки, Қоровойдан бўлак ҳамма йигитлар ўлғудай терс, қўпол, қизлар билан муомалага келганда юзлари шолғомдай тез қизарадиган уятчан эди-да... Мен ҳам мана шу тоифага мансуб эдим. Хуллас, туманимиздан сал узоқроқ туманлардан бирига, пахта теримига келдик ҳам. Биз, ўқувчиларни сувоғи кўчиб, дераза кўзларига картон, клеёнка қоқилган, девори тўкилиб кетаман деган эски мактабга жойлаштиришди. Ҳамма дув тўзиб, ўз ўрнини тозалай кетди. Шу куни ҳаммамиз учун ҳеч кутилмаган янги ҳаёт бошланди гўё. Кечга бориб, овқатланиб бўлгач, синфдошлар ўз ўринларига чўзилгач, таниш мавзуда суҳбат бошланди. Яқин-яқиндан бери жўралар қизлар мавзусига қизиқа бошлаб, кўнглидагини бир-бир тўқар, ҳар бири ўзи учун қадрли, суюмли бўлган исмга тўхталганда эса жуда бошқача бўлиб кетар, кўзлари чақнаб, юзларида ёқимли табассум пайдо бўларди. Ана шу лаҳзаларда кўз ўнгимда Баҳор пайдо бўлар, мен ширин хаёллар оғушига чўмардим.

Пахтадаги илк оқшом унча файзли бўлмади. Ҳамма югур-югур, юмушлар билан банд бўлиб чарчаганиданми, тез уйқуга кетишди. Мен эса ухлаёлмадим. Бир оз қатор тўсинлар сафланган шифтга термулиб, ўй суриб ётдим. Бир пайт кимдир енгимдан туртгандек бўлди. Қарасам, Акмал деган жўрам.

— Юр, ташқари чиқиб келайлик, — деди у. Мен ҳам бир шамоллаб келиш мақсадида унга эргашидим. Ташқари қоп-қоронғи бўлса-да, ёқимли эди. Майин шабада турган, осмон мусаффо эди. Ҳаммани уйқу ўз комига тортган бу бемаҳал вақтда икковимиз узун-қисқа бўлиб, мактаб ҳовлисидан ошдик. Озроқ яёв юрган ҳам эдикки, ён томондан, девор ортидан товуш эшитилди. Бу йигит-қизнинг овози эди. Мен Акмални «қимирлама», дея туртдим. Шу он у нафасини ичига ютиб, нақ ҳайкалга айланди-қолди. Овоз энди баралла эшитилди:

— Нега индамайсан, гапирсанг-чи! — бу Қоровойнинг овози эди. — Ахир, айтяпман-ку, фақат сени севаман деб...

Йиғи эшитилди. Афтидан, қиз боланики эди. Қоровой олдинги саволини тағин такрорлаганида иккинчи овоз эшитилди:

— Нима дей, эрким ўзимдамас, отам....

Мен бошқа ҳеч нарсани эшитолмай қолдим. Назаримда, қулоқларим чиппа битиб, қоронғилик қаърига сингиб кетгандим. Акмалнинг турткисидан сўнггина ўзимга келдим.

— Бўлди, жуфтакни ростлашди улар, — деди у.

— Акмал, жон дўстим, кўрганингни ҳеч кимга айтма, қиз боланинг шаънига яхшимас бу, — дедим овозим қалтираб унга. Акмал онт ичди.

Ҳа, мен Баҳорни севиб, не-не орзу-умидлар билан

Ўз оламимда у билан яшаб юргандиму, лоақал белги, ишора билан буни унга сездирмагандим. Қўрққандим. Қоровой эса жиловни олиб кетибди. Чаққонлик қилибди. Мана шундагина онгимнинг гўрлигини, аҳмоқлигимни англаб етдим. Сенинг севган кишинг ўзгага ҳам манзур бўлар экан. Сенинг юрагингдан урган одам бошқаникини ҳам эгаллаши мумкин экан. Шундагина фаҳмладим кўнгилга буюриб бўлмаслигини, муҳаббат илоҳий инъом эканлигини. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, мен шу куни улғайиб, нақ юз ёшга тўлгандим. Ҳаётнинг моҳиятини англашга мана шу бир воқеа, бир нигоҳ туртки бўлганди.

Қоровой билан алоқамиз бузилгани йўқ. Негаки, мен юрагимда пинҳон сақланган бу сирни ҳеч кимга сездирмадим, айтмадим. Баҳорни ҳам ёмон кўриб қолганим йўқ. Чунки бунга ҳақсиз эдим. Бироқ бу икки севишганларнинг тақдири қўшилмаган экан. Баҳор бир йил ўтиб, ўзидан уч ёш катта қўшни маҳалладаги бир йигитга узатилди. Қоровой эса хорижга ишлагани кетди. Сал ўтиб, яқин бир қариндошининг қизига уйланди. Ҳозир бир ўғил, бир қизи бор.

Мана ўсмирликнинг энг беғубор, бегард палласида бўлиб ўтган кичкинагина бир муҳаббат қиссаси. Буни ортиқ сир туюлмадим.

КУЗАТУВ

Бовужуд йигит титраб кетди. Йўқ, ундан аввалроқ қизнинг вужудида титроқ уйғонди. Кўзлари уятданми, қўрқувданми юмилди, лаблари қимтилди, тўлишган ёноқлари янада қизариниб, эти пир-пир учди. Бир-бирининг бағрига олов югуриб, икковининг ҳам бор

дунёлари қизиди, бошлари гангиди. Бир одам сояси-ча келадиган, тимдаланган бужур танаси беҳисоб севги ибораларига тўлиб-тошган тол ер ўпгулик шалола сочлари билан уларни ўз панасига олди. Гарчи хиёбоннинг энг хилват, чекка жойи бўлса-да, узоқлардан кўриниб-кўринмаётган одамлар шарпаси, уларнинг сезилар-сезилмай эшитилаётган овозлари бу ерга келётган эди. Бироқ айни дам бир-бирининг кўнглидан сув ичаётган, бир-бирининг юрагига тош босгулик севгини муҳрлаётган маҳбубу маҳбуба ҳаммадан олисда, гўёки ҳали одам оёқ босмаган аллақайси оролда танҳо эдилар. Сукунат пойлоқчилик қилаётган эди. Ногаҳон, бу ҳам четлашди. Киз маҳбуби бағридан хиёл бўшалиб, бошини қуйи эгган қуйи тилга кирди:

— Кеч бўп қолди, кетишим керак...

Йигит уят-андишадан юзлари лов-лов ёнаётган маҳбубасининг лабларидан сал қуйироғини омонатгина тутиб, ўзига қаратди. Порлаб турган кўзлари, муҳаббат завқ-шавқ таратаётган нигоҳини унга тикиб, хитоб қилди:

— Кино-чи?

Гарчи бу севишганларнинг дийдорлашув режасида бўлса-да, қиз айбсинган қуйи деди:

— Уйдагилар вақтлироқ келишимни тайинлашганди. Бормасам...

— Ана холос!

Йигитнинг боядан бери қувнаб турган кўзлари туйқус ўзгарди. Маҳбубасидан бу хил рад жавобни кутмаганди. Ахир куни кеча сим қоқиб, кино учун чипта сотиб олганини, бирга унга тушишини маълум қилганида қиз розилик билдирмаганмиди?! Энди эса айниб ўтирибди. Йигит зоти қонида бор-да — бирдан ёввойилиги

тутди ошиқнинг. У маҳбубасининг қўлини чангаллаб, бир нарса тутқазди. Қиз аввалига ҳайрон бўлди. Сўнг кафтида пайдо бўлган парча қоғозларга боқиб, билди: чипта, икки дона.

— Хафа бўлдийизми? — аллақаердан жасурлик инди қизнинг юрагига. — Ўзимга қолса, тушардим кинога...

— Сиз тушмасангиз менга нима бор, майли, яхши боринг, — қизнинг сўзларини ҳам эшитишга тоби келмай кетишга тараддудланди йигит. Қиз чипталарни чангаллаганича тол тагида қолди. Йигит қадамини жадал ташлаб, маҳбубасидан узоқлашди.

Йигитнинг феъли қизга маълум. Икки йил ичида уни «авра-астаригача» ўрганди. Безорилардан ҳимоя қилган илк кундан бери, то шу кунларгача: гулу ширинликлар билан сийлаб, сим қоқавериб, безор қилгунигача — ҳамма-ҳаммасини ўрганди, билди. Йигит довюрак, сахий, меҳнаткаш, ориятли, гурурли, аммо жиндак ярашмайдиган хислати бор. Бўлар-бўлавермасга ранжийверади. Мана ҳозир ҳам шунақа бўлди.

«Кўнгли оғринди. Нима қилай, қош қорайганда кириб бормаيمان-ку, уйга? Дадам билса, худо кўрсатмасин. Аммо бугун йўқлар...» — ўй келди кўнглига қизнинг. У худди тош юклангандек қадамларини оғир-оғир ташлаб, маҳбуби кетган тарафга бурилди. У ярим йўлга етганда қўлларини боядан бери нима қитиқлаётгани ёдига тушди. Ташлаб юбормаган экан чипталарни.

«Увол бўлди... Бечора мени деб сотиб олган, яна бирор нимани режалаштиргандир? Энди қайтиб таклиф қилмасаям керак кино ўлгурга?» — туриб-туриб фикри ўзгарди. Энди қадами тезлашиб, чаққон юра кетди.

Йигит бекатда сигарет чекиб, тутунини эрмак қилётганди. Наздида оғзидан бурқсиб чиқаётган буғ ҳавода

юрақ шаклини олиб, сўнг шу қўйи осмону фалакка кўтарилиб, мусаффолик сари сингиб борётганди. Бу ҳол хийла вақт қайта-қайта, такрор-такрор тус олди. Сўнг илкис кимдир нариги қўлини тутгандек бўлди. Қаради: панжасига илиқ, майин, оппоқ кафт чирмашиб турибди.

— Чекиш соғлиққа зарар, — янги сўрила бошланган сигарет донасини маҳбуби лаблари орасидан чангаллаб олиб, иргитиб юборди қиз. — Энди кетдик.

— Қаёққа? — ҳайрон бўлди йигит.

— Ҳойнаҳой, манавини сувга оқизиш учун олмагандирсиз? — чипталарга имо қилди қиз жилмайиб. Йигит асл қиёфасига қайтди ва шу заҳоти маҳбубасининг бир бетидан чаққонгина ўпиб олди.

— Уятсиз, — бунга жавобан маҳбубининг юзига омонатгина шапатилади қиз. Йигит тагин шўхлик қилди: қизни даст кўтардию, қийқиратиб бир-икки гир айлантириб қўйди.

Лаҳза ўтмай уларнинг ортидан қачонлардир йўловчиларини қувиб юборган бекат жимгина кузатиб қолди.

ТАҚДИР ЁЗУҒИ

«Тўйдан кейин эрингни ёқтириб қоласан. Мана кўрасан...» — бу мубҳам, совуқ гап қулоқларига чиппа ёпишиб, бесар қилиб юборди қиз бечорани. Шўрлик... Охир «тавбасига таянтириб қўйишди» уни.

«Севги-муҳаббат бир кунлик, ўтади-кетади. Сен келажагингни ўйла. Бўй-басти келишган, тайёр уй-жойи, тагида «Ласетти»си бўлса?! Мана бу қовоқ каллангни ишлат?!» — аясининг куюнчақлигими, узоқни ўйлаб теран фикр қилганими ё чиндан ҳам бахт

мол-дунё, бойликда эканми, бояқишнинг қулоғига қуйиб, юрагидан ишқни ўчириб ташламоқчи. Йўқ, муҳаббат дарди илоҳий — ўчириб ҳам, кўмиб ҳам бўлмайди. Уни фақатгина юрак билан бирга суғуриб олиб ташлаш мумкин, холос.

Киз шўрликка қийин бўлди: «гунг-кар», энди мана бу хонага қамалиб олиб, нуқул аламини йиғидан оляпти.

Бечоранинг суйгани камсуқум, камтар йигит. Камбағалликка қирон келсин, агар қайлиқ ҳукмига ўтган ўша олифта йигитдай топармон-тутармон, уловли бўлганида омади чопармиди йигит шўрликнинг.

«Ўзинг танангга ўйлаб кўр, уй-жойиам йўқ экан. Ижарада тураркан, бечора. Ўшанга тегдингам дейлик, хўш, эшикма-эшик санғиб, қулгига қолмоқчимисан? Отанг икки дунёдаям рози бўлмайди...»

Аясининг бу таъналари тинса эди, кошки? Ҳар икки гапнинг бирида шуни юзига солгани солган. Мана, ота-онасининг орзуси деб рози бўлди-ку, охир ўша валломатга. Нега энди тинч қўйишмайди қиз бечорани? Тинч қўйишмайдиям, то «эгасига» соғ-саломат топширишмас экан, кўнгиллари хотиржам бўлмайди. Ҳар қадамини пойлашади. Ахир, ўша севганини деб бир кафт дори каппалаганини, бир ўлимдан қолганини унутиб бўларканми? Ҳозирдан хафвсизлик чораларини кўриб қўйишган: барча тигли буюмларни, «аптечка»даги дори-малҳамларни кўч-кўрони билан ертўлага олиб тушиб яшириб қўйишган. Дарчада иккита муштдай қулф осиглиқ турибди. Бечорани ақалли ҳожатхонага ҳам ёлғиз юборишмайди. Кўчага чиқишга-ку, йўл бўлсин?!

«Аямни ким айнитган бўлиши мумкин? — уйлари

чувалади қизгинанинг. — Ахир, ўзлари учрашиб келганларида оғизларидан бол томиб мақтагандилар-ку?» — аламидан лабларини чимчиб олди.

Тақдир ёзуғи шу экан — ўша олифтага хасми ҳол энди қиз. Қайлиғи ҳам ёмон йигит эмас: буйчан, қад-қомати расо, истарали... бироқ суйган ёри бошқача-да, нимасидир бор...

Мана бугун кечки овқат ҳам ўтмади қизгинанинг томоғидан. Боши оғриётганини важ қилиб, ётоғига кириб кетди.

Ҳеч тушунолмади — шу йигитга меҳр қандай пайдо бўлди ўзи? На жамоли, на буй-бастини кўриб... Овозидан ҳам севиб қолиш мумкин экан-да? Овоз ҳам овозда, ўзиям, нақ анави машҳур радиобошловчининг ўзи: оҳанрабо, куй эшитгудай бўласан гўё. Телефон шунақа каромат кўрсатади. Агар шу матоҳ бўлмаганда эдими, шум касофатларга кўндаланг бўлмасди ҳозир ошиқ ҳам, маъшуқа ҳам. Тақдир экан-да?! Худо бояқишнинг манглайига бир бандам билан севишасан, бироқ бошқасига маҳр қилинасан, деб ёзган эканми? Мана, қисматдаги куй янграпти.

Телефонда иккиси хийла вақт гаплашиб юришди. Дийдор ҳам насиб этди. Кейин ўз-ўзидан ришталар тугунлашиб, меҳр-муҳаббат денгизига шўнғиб кетишди. Ошиқ-маъшуқлик палак ёзди. Бу сирдан қизнинг онаси ҳам хабар топди. Тап тортмай йигит билан учрашди ҳам — сиёғини, ранг-рўйини кўрди. Қизининг кўнглига илиқ гап ташлаб қўйди: «Бамаъни йигитга ўхшайди. Отангга ўзим тушунтираман...» Афсус... совчи қўйган шоввоз устун келди — ота шугинага розилик берибди.

«Тушликни канда қилманг. Одамлардан ажралманг. Иссиқроқ кийиниб юринг...» — бу маъшуқанинг ода-

тий, ҳар кун, ҳар мулоқотда такрор-такрор таъкидлаб турадиган сўзлари, хитоби эди. Энди бу меҳр анқиган сўзларни бахтиқаро, шўрпешона ошиққа ким айтади?

Қиз тўшакда беҳол ётибди. Боши лўқиллаяпти унинг. Эртага тонг отса, Тошкентга ўша — кўнгли тортмас қайлиғи билан ипподромга бориб келиши керак — тўй тарадудди...

Аяси нуқул битта гапни такрорлагани-такрорлаган: «Тўйдан кейин эрингни шундай ёқтириб қоласанки, мана бу қилиқларинг кулгили туюлади ўзингга. Тўйдан кейин...»

Шундаймикан? Борди-ю бу ҳақиқатга дўнса, унда муҳаббатнинг қадри бир тийин бўлмайдими? Суюклисини деб ўлим билан олишганлари, тунлар изиллаб йиғлаб чиққанлари, чеккан изтироблари афсона бўлиб қолмайдими?

Хўрлиги келди шўрликнинг. Лабларини чимдиб, намхуш юзларини ёстиққа босди.

Телефон куй таратиб юборади туйқус... суюкли рақамлар... Кўп ўтмай ўша рақамларга СМС хабари юборилади: «Мени кечиринг, жон... бахтли бўлинг! Алвидо!!!»

НИГОҲЛАР ТЎҚНАШДИЛАР

1

Нигоҳлар тўқнашдилар... ҳуркак ва ўктам нигоҳлар... Юракларда ажиб туйғу қўзғалди. Кўнгил ширин таъм туйди... жуда ҳам ширин таъм...

Иккови бир-бирини-да танимас эдилар.

2

Ошиқ ҳаловатини йўқотди. Кўзлардан уйқу, тандан мадор, тилдан сўз қочди. Туриш-юришида унум бўлмади...

Маҳбубанинг кўзлари намланди. Уйга қамалиб олди. Тизгинсиз хаёллари узоқ-узоқларга олиб кетди...

Иккови бир-биридан-да беҳабар эдилар.

3

Ошиқ қадрдонига оғиз очди. У ҳамроз бўлди. Дард-каш бўлди...

Маҳбубанинг кўнглига биров-да қўл солмади. Дугоналар олисда эди, янгалар бепарво... фақатгина юрак сирдош...

Иккови бир-бирини-да билмас эдилар.

4

Изҳори дил бўлмади. Журъат топилмади. На ошиқ, на маҳбубада...

Иккови-да забун қолдилар.

5

Туйқус совчи оралади. Баобрў, бадавлат хонадондан. Совчиларнинг галдаги қадами қутлуғ бўлди... нон синдиришди.

Маҳбуба... шу кеч кифтлари силкиниб-силкиниб йиғлади... Ёстиклар ивиб кетди...

Ошиққа ҳам қаллиқ изладилар.

Топдилар. Ўзи каби одми, фақир, ожиза...

Иккови-да мажбур бўлдилар.

6

Ногоҳ...

«Волга» қабатига «Москвич» келиб тўхтади. Қароғлар бир лаҳза дийдорлашдилар. Оппоқ либосга бурканган маҳбуба (бамисоли оққуш)... Шундай қўл узатилса, ет-кулик алфозда эди. Кейин яшил чироқ ҳукмини ўтказди...

Иккови-да шу ниятда.

7

Туй бўлди. Дабдабали.

Ҳофизлар овозга зўр бердилар. Раққосалар хиромда.

Одамлар яйради, юзлар порлади, кўзлар қувонди.
Куёв-да ўзида йўқ шод, аммо келин (маҳбуба)...

Ўзга ёқда ҳам тўй авж эди. Тўйбонлар масрур, меҳмонлар мамнун. Боши хиёл эгик келинчак бахт сурурини тотмоқда. Куёв (ошиқ) эса... куёв юрагини дард қўймоқда эди.

Иккови-да тўйда эдилару, руҳлари йироқ-йироқларни кезмоқда эди.

8

Ёр-ёр садолари тингач, гўшангага қадам қўйдилар.

Маҳбубани беихтиёр титроқ босди, лабларини чимдиб, йиғлаб юбормасликка тиришди. Тиришди-ю, аммо...уддасидан чиқолмади.

Ошиқ қаршисида ўтирган келинчакка қараб туриб, беихтиёр кўзларини юмиб олди. Томоғига нимадир тикилгудек бўлди, қийналиб нафас олди. Ёқаси тугмаларини бўшатди ва чимилдиқнинг бир бурчини шарт кўтариб, ташқарига оёқ олди...

Иккови-да бахтсиз эдилар...

9

Орадан йиллар ўтди.

Маҳбуба ўғил кўрди, ошиқ эса қиз...

Фарзандлар улғайдилар. Муҳаббат ёшига етдилар...

Иккови-да муҳаббатни унутмадилар.

10

Нигоҳлар тўқнашди...хуркак ва ўктам нигоҳлар...

Юракларда ажиб туйғу қўзғалди. Кўнгил ширин таъм туйди... жуда ҳам ширин таъм.

Оқибат...бахт тантана қилди.

Ошиқ куёвлик бўлди, маҳбуба эса келинлик...

Икков-да муродга етдилар. Муродга...

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ ВА АТИРГУЛЛАР

Бугун негадир эрта уйғондим. Тонг оқариб улгурмаган, шафақнинг қизғиш нури тилла рангга айланмоқда эди. Шўхчан шабада турган, ҳовлидаги дарахтларнинг шоҳу новдалари шитирлар, барглари ҳилпирар ва бу менга ёқиб тушаётган эди. Вужудимни салқинлик шимиб борса-да, эту баданимда титроқ қўзғалса-да, шу кўйи туравердим. Ҳовли этагида барқ урган, гунчалаган оқ, пушти, қирмизи атиргулларга туйқус нигоҳим тушиб, кўзларим оловланиб кетди.

«Унга аталган гуллар...кўнгил гуллари...»

Шу уй ҳаёлимдан ўтиб улгурмай, қўшни девор ортидан бир қизчанинг эрка овози эшитилди:

— Ойи, муаллимамга гулдаста тайёрлаб қўймабсиз-ку?

— Вой-бў, туш кўриб турдингми? Азондан-а? Ҳали мактаб вақтигача неча соат бор? Вақтли туришиничи? — тўнғиллади аёл.

— Сўнгги қўнғироқ, ахир...

Аёл яна нималардир деб шанғиллади, жеркиди. Қизча бошқа индамади.

Бугун мактаб ўқувчиларининг хос байрами. Сўнгги қўнғироқ. Шу ўйга келди дегунча хотира йўллари кенгайиб, кўнглим равшанлашиб кетади.

Баҳор...

У атиргулларни ёқтирарди: пушти, оқ, қирмизи атиргулларни. Бир гал иккиси мактабдан қайтаётганди, муюлишга келганда у беҳосдан «ух» деб юборди. Ажабланиб қарадим. Унинг кўзлари қувончдан порлаб турар, юзларидаги кулгичлари кишини сеҳрламай қўймасди.

— Гуллар, атиргуллар, — деди у бир чеккада урам ва дона-дона гул сотиб ўтирган аёлга имо қилиб.

Мен уйлаб ҳам ўтирмай қадамимни гулфуруш аёл томон ташладим. Баҳор менга эргашди. Афтидан, унинг учун гул сотиб олишимни сезди чоғи, хижолат бўлганидан «ҳай-ҳай»лашга тушди.

— Умар, нима қилмоқчисан, мен шунчаки айтдим-қўйдим. Сотиб олишинг шартмас.

Унга қулоқ солмадим. Бориб, у ёқтирган атиргуллардан жуфт қилиб олдим: пушти ва оқ гуллар.

Баҳор самимий, очиқ қиз эди. Ҳайратини, қувончу севинчларини, ҳагто қайғуси, ғам-ташвишларини ҳам яширмасди. Очиғи, бу қўлидан келмасди. Ўга ҳиссиётчанлиги учун бўлса керак, менга бўлган муҳаббатини кўзларида намоён қиларди. Ҳа, фақат шу, севгига келгандагина у журъат қила олмасди. Аммо мен ҳаммасини билиб турардим. Унинг менга кўнгли борлигини, мен ёқтирган-ёқтирмаган нарсалардан хабардорлигини, нималарга қизиқишиму қизиқмаслигимгача унга аёнлигини билардим. Кейин мен унга нимани таклиф қилсам, нима иш буюрсам, уйлаб ўтирмай қабул қилар ва сўзсиз адо этарди. Аммо бир куни иккимиз кинога боришни таклиф қилганимда ростакамига жаҳли чиқиб кетгани эсимда. Ўшанда қовоқларини солиб, индамай қўйган, агар узр сўраб, кечириси учун эланмаганимда, афтидан бир умр гапирмай ҳам кетиши мумкин эди. Кўнгли очиқ бўлгани билан номуси, уяти, андишаси қаттиқ эди Баҳорнинг.

Сўнгги ўқув йилининг адоғида, сўнгги кўнғироқ куни аввалги таклифимни айтдим.

— Баҳор, мана мактаб тугади, бугун байрам. Ўқитувчимиз шаҳар айланишга рухсат бердилар. Кинога тушайлик, — дедим қўрқа-писа. У эса бошқача бўлиб

кетди. Нигоҳини мендан олиб қочди. Юзлари титраб кетганини ҳам сездим. Лекин бу гал мендан ранжимади-ю, аммо рад этди.

Энди аразлаш менинг галим экан. Унга бошқа ҳеч нарсани таклиф этмадим. Сунгги қунғироқ муносабати билан уюштириладиган дастурда иккимиз бажаришимиз лозим «номер» бор эди. Иккимиз бир-бир шеър уқишимиз керак эди. Мен атай рад этдим. Муаллимга томоғим оғрияпти деб алдадим. Буни қарангки, у мен ёдлашим лозим бўлган шеърни ҳам ёд олган экан. Гал келганда ҳам ўзининг, ҳам менинг шеъримни уқиб берди. Жасорат кўрсатди. Аммо мен тунка, буни очиқдан-очиқ мақтаниш, кибрга йуйдим.

Дастурдан сунг синфдошлар шаҳар айлангани кетишди. Мен уларга қушилмадим. Баҳор ҳам эргашмади. Шу-шу, сунгги имтиҳонгача у билан гаплашмай юрдим. Аммо энг сунгги имтиҳон куни ўзи менга дил ёрди:

— Умар, хафа бўлма, ҳаёт ўзи шундай экан. Охири кун сирымни айтаман ҳаммага деб ният қилгандим. Мана фурсати келди. Мени тоғамнинг ўғлига фотиҳа қилишган. Бир ойдан кейин тўй. Шунинг учун ҳам таклифингни рад қилгандим.

Юрагимда нимадир чирт узилди. Атрофим зулматга чўмди гўё. Мен пок, чин ва гузал севгимни, шу билан бирга севгилимни бой бериб қўйган эдим. Баҳорнинг нега севмаган йигитга турмушга чиқаётганининг сабабини ҳам билардим: тоғаси катта корхонанинг директори, дадаси эса унинг қўл остида ишлар эди. Агар у тўйга норозилик билдирса, орага совуқчилик тушиши, ҳатто юзкўрмас бўлиб кетиши ҳам мумкин эди.

Шу-шу, мен фақат хотираларимнигина сақлаб қолдим, холос. Ўша йили атай бозордан гул кучатларини

олиб келиб, ҳовли четига ўтқаздим. Бу севгилим суйган пушти, оқ, қизил атиргуллар эди. Улар ҳамон ажиб ифор таратиб, кўзни қувнатиб барқ очилиб турибди.

— Мана, атиргуллардан даста қилдим, кел, ола қол, — қўшни девор ортидан овоз келди яна. Сўнг қизчанинг севинч таралиб турган овози эшитилди.

— Раҳмат, аяжон.

Мен шабада олиб келган атиргуллар ҳидидан сармаст бўла-бўла, ичкарига кирдим.

ҚИРҚ САККИЗ ВАРАҚЛИ ДАФТАР

Жамшидбек академик лицейни тугатган йилнинг ўзиёқ университетда ибтидоий имтиҳондан «соғ-омон» ўтди-ю, олтин даврнинг қаҳрамонларидан бирига айланди. Талаба деган номни оқлаш, нуфузли олий даргоҳга лойиқ толиб бўлиш қоидаларини у илк кунлариёқ билган ва шунга ҳаракат қила бошлаган эди. Кўз юмиб-очгунча тиллага тенг даврнинг биринчи фасли тугаб, иккинчиси бошланди-ю, бизнинг қаҳрамонимиз яна бир синовга дуч келди. У иккинчи курсда, ўн тўққиз ёшда бир дардга асир бўлди. Дард юракка ёпишди — муҳаббат томир отди. Жамшидбек ўзга бир факультетда таҳсил олаётган толиба қизга ошиқу беқарор бўлди-қолди. Унга «поточний» ўтиладиган дарсларнинг бирида дуч келганди. Илк бор иккови кинотеатрларнинг ҳашаматли саройидек келадиган катта аудиториянинг кичкинагина партасида ёнма-ён жойлашиб олишди. Кейинги гал ҳам бу ҳол такрорланди. Қош-кўзлари сузукдек, юзлари қип-қизил олмадек таранг, сочлари сунбулдек узун, вужудидан атиргулнинг таровати таралаётган бу гунча қизга дил берганини Жамшиднинг ўзи сезмай қолди, ҳатто. Йигит бечора умумий гаплар

билан кифояланар, унинг «қулфлоглик» юрагига мос калит сўз тополмай ҳалак булар, турли режа ва ғояларни уйлаб топарди-ю, шу оннинг узида бу бемаънилик эканини англаб, улардан воз кечарди. Бир ҳафтада бир бор дийдор бор эди. Бундан Жамшид қоникмас, у билан ҳар кун учрашишга эса арзирли баҳона топилмасди. Бироқ кунлар утган сайин ошиқ йигит шунини сеза бошлади: қиз майинлашиб бораётганди, юз-кўзларида сунмас табассум пайдо булганди. Бир куни дарсда ёши элликка яқинлашиб қолган, чакка сочларига оқ тушган доцент талабаларни йуқлаётиб, кутилмаганда Жамшидбекнинг фамилиясини айтиб юборди. Йигит дик этиб ўрнидан турди.

— Олдимга келинг, конспект дафтарингизни ҳам ола келинг, — буюрди доцент. Жамшид тахтадек қотди. Чунки бу пайтга қадар дафтар тутмаган, маърузаларни ҳам ёзмай ўтирарди. Уни бу абгор ҳолидан ёнидаги қиз қутқарди:

— Манг, маникини элтинг, исм-шарифимни ёзмаганман, сезмайди.

Йигит қирқ саккиз варақли дафтарни қулига олиб, доцентга яқинлашди.

— Хуш, — дея конспектни варақлай бошлади ўқиғувчи. Сўнг дафтарнинг у ер-бу ерини кўздан кечириб, Жамшидга шубҳаланиб бир қаради-да, суради:

— Бу конспект ўзингизникими?

— Ҳа, — тасдиқлади ёлғондакамига йигит. Шунда доцент дафтарни бошқатдан варақлашга тушди-да, ҳар икки-уч бетда имзо чекиб, ўз фамилиясини ёза кетди. Буни кутмаган Жамшид тарракдек қогди. Ногаҳонда қўнғироқ чалинди. Доцент ўрнидан туриб хайрлашганда, боядан бери сув қуйилгандек жимжит аудитория ари уясидек ғув-ғув бўлиб кетди.

— Хуш, сезмадими? — сумкасини елкасига илиб тушиб келган қиз сўради Жамшиддан.

— Сезмади, — деди Жамшид ҳамроҳининг кўзларига тик қарай олмай, — Сиздан илтимос, дафтарингизни бир кунга бериб тулинг, кўчириб олсам?

— Майли, фақат эртадан қолмасин, — шундай дея қиз аудиториядан чиқди. Жамшид унинг ортидан эргашди.

Шу оқшом Жамшид ухламади ҳисоб. Туни билан кўзлари қизариб, маҳбубасининг конспектини қайта ёзиб чиқди. Энг сўнгги бетни ёзиб бўлганда соат миллари 5:00га етганди.

— Сиздан кеча яширгандим, — деди Жамшид танаффусда университет биноси ташқарисида Маликага рўпара келгач, салом-алиқдан сўнг. — Кеча лекцияда домла дафтарингизнинг ҳар бир бегига имзо қўйиб ташлади, шунинг учун уни бош-оёқ бошқа дафтарга кўчириб чиқдим, ёзувим сизникидек чиройлимас, шунга айбга буюрмайсиз...

Қиз варақлари оппоқ, қалин дафтарни бир-бир варақлаб туриб, бирдан ҳайрати ошиб кетди. Бир дафтарга, бир Жамшидга боқди.

— Тинчликми? — унинг ранги ўзгаргани сезиб, сўради Жамшид.

— Ахир, бу бошқа фан-ку?!

Жамшид шошиб унинг қўлидан дафтарни олиб, кўз тикди. Чиндан бошқа фаннинг мавзулари ёзилган экан. Қовун туширганини шу он англади. Хижолатдан қипқизариб кетди.

Малика шарақлаб кулиб юборди.

Мана, азизлар, бу ҳангома Жамшидбек ва Маликаларнинг кўнглига мисоли бир кўприк бўлиб, икки ёш севгиси бирлашишига туртки бўлди.

СЕВИШ АЙБ ЭМАС

Замира буюқлари учиб, хира тортган эски сандиқни титкилаётиб, картон қутига кўзи тушди. Ҳар нарсага диққати тез, зийрак қиз боя эҳтиётлаб битталаб олаётган латта-путталарни энди чангаллаб, қисмлади-да, кўз юмиб-очгунча сандиқни газмолу румол, бичилган куйлақлардан «озод» қилди. У сандиқ даҳанининг тенг чорак қисмини эгаллаб турган ёпиғлиқ картон қутини авайлаб кутариб олиб чеккага қўйди.

— Бунча пардай енгил бўлмаса, — Замира қизиқсиниб, қути «қулоқ»ларини кутарганда унинг «оғзидан» сарғайиб-титилиб кетган аллақандай қоғозлар кўпчиди. Қизиқувчан қиз улардан бирини қулига олиб, кўз югуртирди.

«Салом, Шарифжон, яхшимисиз? Соғлиқлардан, кайфиятлардан сурасак? Хизматни ҳам бошлаб юборгандирсиз? Мен тузукман. Уйдагилар, ота-онам, ҳам-малари яхши, шукр. Кеча онангизни йўлда учратиб қолдим. Оғзи қулоғида эди. «Женпед»га ўтибди, ўз кучи билан албатта. Уч йиллик ҳаракатдан сўнг ниҳоят ниятига етибди, ҳалоли бўлсин. Мен бу йил уриниб курмадим. Отам истамади. Отам кўнмагач, нима ҳам қила олардим? Майли, ўзингиз тузукмисиз? Ўтган сафар номимга ёзиб юборган хатингизни олиб, шундай қувондим. Бир дона расм ҳам бор экан. Сочи малла йигит билан тушибсизми? Менимча, ё рус, ё хохол бўлса керак-а?..»

— Шариф ким бўлдийкин? — бир муддат нигоҳини жилдсиз мактубдан узиб уйга толди Замира. У шу куйи пича хаёлланди-да, сўнг мактублардан бошқасини олиб, нигоҳ қадади.

«Салом, Зарифа! Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, доим ўй-хаёлим сенда. Мана аскарликка келганимга ҳам икки ойдан ошди. Аччиғинг келмасину, сенинг битта сувратингни ҳам олиб келганман. Кун-тун чўнтагимдан қўймай юраман. Бир тожик дўстим бор, Валижон. У билан сирдошман. Сен ҳақингда гапириб бердим. У «Агар тўйингга айтмасанг, кўрасан!» деб пўписа қилади. Ўлибманми, қадрдонимни тўйимизга айтмай, а, Замир?! Худо хоҳласа, тўйимиз бўлади. Қишлоқда дув-дув гап бўлсинки, ҳамманинг оғзи очилиб қолсин, тўйимизни кўриб... Икки йил нима деган гап? Ўтади-кетади...»

— Наҳот, аям дадам билан турмуш қуришдан аввал севишган бўлса? Қизиқ, нега унга тегмаган? — мубҳам, чек-чеки йўқ саволлар домига тушди Замира хиёл кўзларини хатдан узиб, ўйга ботаркан. У тагин юзини қутидаги «тошиб чиқаётган» хатларга бурди. Сарғимтир қоғозларга қўл буриб, уч-тўрттасини қисмлаб олди. Тагин яна такрорлади. Бу ишни беш-олти бор қайтаргач, қути таги кўриниб, сурат пайдо бўлди. Замира шошиб уни қўлига олди. Ҳарбий формада ўктам назар ташлаб турган жангчи йигит қиёфаси. Шу пайт қизнинг хотирига нимадир урилиб, сапчиб ўрнидан турдида, нариги хонага ўтиб, аясининг ҳужжатлари, фотожамланмаси ва яна бир талай жиҳозлари сақланадиган жавон эшигини очди. Озроқ тимирскиланиб, доғ инган, оҳори кетган қўш саҳифа — расм жамланмани топди. Уни қўлига олиб, аста очди. Сўл томонда аясининг сочи иккита ўрим қилиб олдида ташланган, бўйинбоқ таққан, оқ-қора формадаги йириккина оқ-қора расми, ўнг тарафда эса тўрт-беш қатор қилиб терилган ўқувчи қиз-йигитларнинг майда расмчалари.

— Мана, — деб юборди пичирлаб расмлар орасидан

бояги жангчи йигит қиёфасини излай туриб. — Демак, аям ўз синфдошлари билан севишишган. Уни севганлар. Қизиқ, унда нега ўша йигитга турмушга чиқмаганлар? Бунга нима тўсиқ бўлган экан? — Замира қўш бетли фотожамланмага бир зум тикилиб, сўнг уни ёпди-да, яна ўз жойига қўйди. Ортига қайтди.

«...Шариф, мендан ранжиманг. Мен отамнинг юзига оёқ қўёлмадим. Юраксизлик қилганим йўқ. Онам орқали бўлса-да, кўнглимдагини айтдим. Бир йигитга кўнглим бор дедим. Аммо оғам... ўз билганидан қолмади. Биласиз-ку, у кишининг қанақа одам эканлигини? Аммо мана виждонимни уртага қўйиб айтаман, мен сизни...»

Ногаҳон пайдо бўлган ёш Замиранинг бетига сизилди.

— Бечора аяжоним. Бобом шундай қаҳри қаттиқ одам бўлган экан-да! Муҳаббатни тушунмагандан кейин... вой улмасам!

Шу пайт ташқаридан аёл кишининг товуши эшитилди. Бу Замиранинг аяси Зарифа опа эди. Қиз бечора шошиб қолганидан хатларни чаппа-роста қилиб қутига жойлаб, сандиққа солди-да, кейин айқаш-уйқаш ётган лаш-лушларни чангаллади. Зарифа опа хонага кириб келганида қизи сандиқни қулфлашга улгурган, унинг устидан курпачаларни тера бошлаганди.

— Нима қиялпсан? — деди нима булаётганини куриб турса-да.

— Уйни йиғишгиряпман, аяжон!

— Бор, аччиққина кук чой дамлаб кел.

Замира буйруқни эшитибок хонадан оёқ илди. Боши гангиб турган Зарифа хонани кўздан кечираётиб, бирдан сандиқ олдида бир варақ қоғозга кўзи тушди. Юраги ўт олгудек бўлиб, уни бориб олди.

«Мен сизни ҳеч қачон унутмайман, алвидо!»

— Наҳот, сандиқни ковлаган бўлса? Йигирма беш йилдан бери сақлаб келяпман. Эрим билмайди. Қизим эса... — шу тоб Зарифанинг кўнглига мудҳиш ўй келди.

* * *

Замира пахта нусхали чойнак ва пиёла кўтариб келганда хонада аяси йўқ эди. Аммо сандиқ оғзи очилган, гилам устида лаш-лушлар уюлиб ётарди. У ҳовлига югуриб чиқди. Тандирхона томонда гуриллаб олов ёнаётганига кўзи тушиб, ўша томонга югурди.

— Кераксиз қоғозлар... — кўзида ёши билан қизига сўз қотди Зарифа.

* * *

Замира хонани бошқатдан саранжомлаб чиқди. Сандиқ матоларини текислаб-тахлаб, жамлай бешлади. У сўнгги буюм — сатин рўмонни ёйиб, тахламоқчи бўлгандиямки, ерга пимадир тушди. Бундай қараса, ҳарбий кийимдаги ошиқ суврати. Шугина «қутилиб қолган» экан. Замира юзларига табассум югурди. Уни қафтлари билан силаб, гарддан тозалади.

— Аяжоним-ей, муҳаббатни ҳаммадан сир сақлаганингиз билан барибир ошкор бўлади. Қолаверса, севиш айб эмас.

Замиранинг нега бундай деётганига сабаб бор. Унга эртага суюклиси томонидан совчилар келади.

ҒУРУР БЕКАСИ

Одам ўз хатоларидан куюнади, албатта. Агар бу хатоларни вақтида тўғрилашнинг иложи бўлгандами, эҳ?!

Ортга назар ташлаб, босиб ўтган йўллар ҳақида ўй-

ласам... юрагим тирналади. Гуё ҳаво етишмай, нафасим
тиқилиб қолгандек, дунё кўзларимга тор, мана бу нур
сочиб турган офтоб хира, осмон сип-сиёҳ, оёғим ости-
даги ер сарҳадсиз тиканзорга айланади. Менинг яккаю
ягона хатоим ўз муҳаббатимни қўлдан бой берганим.
Ўз бахт қушимни учуриб юборганимда. Бундан чама-
си ўттиз йиллар илгари ҳаётимга илк бор юрагимни
оловга кўмиб, вужудимни ёндириб, бор дунёимни бир
ҳис қоплаб олди. Ўшанда мактабнинг сўнгги синфини
битириш арафасида эдим. Ҳар жабҳада фаол бўлганим,
ишчанлигим, тиришқоқлигим ва аълочи ўқувчи бўлган-
ним учун мени синф сардори қилиб сайлашганди. Мен
оиламнинг ҳам, мактабнинг ҳам фахри эдим. Макта-
бимизда туман миқёсида волейбол мусобақаси уюш-
тирилаётганди. Етакчи эдим. Фақат ғалаба қозониш,
мактаб обрў-эътиборини ёйиш мақсадида эрта-кеч тин-
ним билмасдим. Ўйин мактабимиз ташқи ҳовлисида,
спорт майдонида ўтказилар, шу ерда ўнлаб мактаб-
лардан ташриф буюрган мусобақа қатнашчилари бил-
лан тўп суришардик. Мусобақа давом этаётган шундай
кунларнинг бирида ўйин пайтлари нигоҳини мендан
узماётган хушқомат, бўй-басти ҳар бир қизнинг юра-
гига олов пуркайдиган бир йигит менга мактуб узатиб,
уни уйга боргандан кейин ўқишимни илтимос қилди.
Мен нописандлик билан хатни олиб, буклаб чўнтак-
ка тикдим. Уйга келгач, кечқурун хатжилдни очиб,
чиройли ёзилган бу мактубни тўхтамай бир нафасда
ўқидим. Бунда у менга севги изҳор қилганди. Мен шу
заҳоти хатни жилди билан ғижимлаб ўчоққа иргитдим-
да, олов қаладим. Йигитнинг севги кўйида ёниб ёзган
изҳори охири кул бўлди. Орадан уч кун ўтиб, йигит
келди. Мен унга жавобан қўрслик қилдим. Ортиқ бу
ерга келмаслигини, акс ҳолда шармандасини чиқариш-

ни айтдим. Шу-шу, йигит бошқа кўринмади. Мен ана шунда ҳаддимдан ошганимни, фавқулодда нотўғри иш қилганимни фаҳмладим. Негаки, бу дам нигоҳи мен томон қадалган, чиройли кўзларини узмаётган йигит қиёфаси ҳаёлимдан кетмай қўйди. Менинг кундан-кун унга бўлган иштиёқим, соғинчим оловланиб борди. Мактаб тугади. Яна бир оз вақт ўтди. Уйимизга совчилар оралади. Қавм-қариндошлардан. Охири дадамнинг қарори билан холаваччамга унаштирилдим.

Мен фотиҳали бўлган кунларнинг бирида энг яқин дугонам билан Тошкентга йўл олдим. Бизни қайлигим вокзалгача кузатиб қўйди. Перрондан поездга чиқаётиб, бехос йўлакда таниш нигоҳга дуч келдим. Оҳ, бу ўша, неча кун, ойдан бери юрагимни куйдираётган муҳаббатим соҳиби — мусобақа пайтлари менга очиқиб термилган йигит эди. Аммо у мени танимади. Ўтибор ҳам бермади. Буни қарангки, у билан бир купеда кетиш тақдиримизга ёзилган экан. Тошкентгача бирга кетдик. Қани энди ғуруримни синдириб, «мен ўша сиз ошиқ бўлган қизман», деб айта олсам, йўқ. Бошимни эгиб ўтиравердим. У эса суҳбатни авж олдирди. Дугонам билан ширин-ширин суҳбатлар қурди.

Ғурур муҳаббатнинг кушандаси экан. Мен билмай ўз бахтимга ўзим тўғаноқ бўлган эканман. Худойим яна бир бор имкон берса-ю, ундан фойдалана олмасам... Бундан оғири йўқ экан, азизлар?!

Кўп ўтмай, холаваччам билан оила қурдик. О, тўйнинг илк оқшомида чеккан изтиробларим, кўзёшларим, юрак-бағримни куйдирган бенасиб оловли муҳаббат азоби... Эсласам, ҳамон дилим оғрийди. Ўзимдан нафратланиб кетаман. Аммо энди наилож, сўнгги пушаймон — ўзингга душман.

Мен фақат жисман маҳрамимники эдим. Унга то-

мон қалб эшикларим беркилган, илиқ туйғу йўқ эди. У билан на очилиб гаплашардим, на сирлашардим. Ҳаётнинг энг бемаза, рангсиз, тароватсиз кунлари бошланганди. Бу то тўнғичим, ўғлим дунёга келгунга қадар давом этди. Кейин бу ёқимсиз туйғулар ўрнини илк бор юрагимда ҳис қилганим — она меҳр-муҳаббати эгаллади. Мени бемазмун ҳаёт, сайқалсиз умрдан ўғлимнинг ташрифи қутқарди. Аммо барибир аёл киши ўз туйғуларини сўндира олмас экан. Юрагимнинг туб-тубида унга нисбатан бир вақтлар уйғонган, аммо ўз хатоим, мағрурлигим туфайли завол топган бахт — муҳаббат сўнмаганди. Ҳар-ҳар замонда қўзғалган бу изтироб юрагимга бемисл оғриқ олиб келарди. Вақт ўтди. Мен ишга жойлашдим. Ўзимни ишга бағишладим. Бир оз овунган бўлдим.

Кунларнинг бирида ҳамкасбларимиздан бири олдимга шошиб келиб, телефонда биров сўраётганини айтди. Ҳайрон бўлдим, чунки бу кунларга қадар ҳали ҳеч ким ишхона телефони орқали мени безовта қилмаган, йўқламаганди. Мен телефон гўшагини кўтара туриб, бир вақтлар жисму жонимни беришга ҳам тайёр турган энг нодир овозни эшитдим.

— Салом! Ниҳоят сизни топдим.

— Салом, — дедим. Қўзларимда ёш пайдо бўлганини сездим, аммо дарров артдим.

— Сизни дугонангиз орқали топдим. Ишхонангиз номерини берди. Олдингизга ўтмоқчиман, эртага...

— Шошманг, — дедим унга. — Нимага келмоқчисиз?.. Уйланиш учун? Энди кеч. Мен оилалиман, ўғлим бор. Бошқа телефон қилманг. Мени безовта қилманг, илтимос?!

Ёшлар тагин қуйилиб келди. Юрагимда эса сўнгги йўқ саволлар уйғонди: «Аввал қаерда эдинг? Бирги-

на араз билан кетавердингми, а? Севаркансан, нега курашмадинг? Нега шу пайтгача ақалли бирор марта кеп-кетмадинг? Сенинг йўлингга тикилиб қўзларим толди. Орадан уч йил ўтиб-а?..»

Шу кеч ўғлимни бағримга олиб ётар эканман, юрагим хувиллаб, бўм-бўш бўлиб қолганини ҳис қилдим. Бу умидим сўнганлиги, шу бугунги иқрор ҳаммасига якун ясагани, энди на у, на мен бир-биримизга интилмаслигимиз, муҳаббатимизни кўмганимизни тушуниб етган эдим.

Мана, бу изтиробга лиммо-лим воқеа... Шундай дейману, унга гоҳ-гоҳ дуч келгудек бўламан. Билмадим, бу рўеми ё чиндан ҳам ўшами? Назаримда, у мени ҳамон кузатиб юргандек, ҳар бир қадамимни санаётгандек туюлади...

Ушбу воқеани ҳикоя қилиб берган аёл Тошкентда туғилган. У бугун фарзандларини уйли-жойли қилиб, ширингина неваралари қуршовида ўтирибди. Гарчи пок муҳаббати ғалаба қозонмаган бўлса-да, ҳаётидан, оиласидан мамнун.

ПУШТИ РАНГ ҚЎЛҚОПЛАР

Жувон сандиқ титкилашга тушди.

Кунлар совиб, этни ачитувчи изғирин еллари эсган, қаҳратон қишнинг аёзи қўзиган палла. Ҳали қор ёғмаган, ер ойна тусга кирмаган эса-да, айна қор ҳавоси, аччиқ аёз.

Ширин жон. Одам бу маҳал ўзини иссиққа уради.

Жувон сандиқнинг авра-астаригача ковлади. Боғчага қатнаётган ўғилчасининг қишки кийимларини ажратиб олди. Тубдан юзга чиққан лаш-лушларни қайта те-

мир жомадонга жойларкан, туйқус қўлига бир парча сурпга ўроғлик нарсa илинди. Ажабланиб очди.

«Вой, худойим» — кўзлари яшнаб кетди бирдан. Айни дам вужудига енгил титроқ инди.

Бир жуфт пуштиранг қўлқоплар худди кафтларида ўсиб чиққандай бўлди. Гулга дуч келган капалакдек суйиниб кетди жувон. У бир зум топиб олган матоҳига маҳлиё бўлиб, тикилиб турди-да, сўнг бағрига босди, тўйиб-тўйиб ҳидлади. «Хайрият» — пичирлади секин, — «Хайрият, йўқолмабди». Маҳзун жилмайди...

* * *

Қиз тўққизинчи синфни битириш арафасида эди. Йигит ўн бирни.

Йигит тағин қизга дуч келди. Яна ўша «оҳор»ли гапни такрорлади. Қиз уни синашда давом этарди. Бу гал ҳам бўш келмади:

— Нега тушунмайсиз, бу шунчаки ҳавас. Муҳаббат деган нарсa киноларда, китобларда бўлади.

Йигит «оҳор»ли гапга изоҳ киритди:

— Мен икки йилдан бери йўлингни пойлайман. Наҳот, шундаям ҳавасга йўйсанг. Ҳавас бир лаҳзалик нарсa-ку?

Қиз лом-мим демади. Жунаворди. Йигит орқасидан югурди...

* * *

Содир бўлиши лозим воқеа, ниҳоят... юз берди.

* * *

— Жиннича... — қизнинг кўзларини бақувват панжалар тўсди. Ачишиб кетди.

Умид АЛИ

— Эй, бўлди қилинг, — эланди қиз.

— Олдин яна бир бор севаман, деб айт, — амр қилди йигит.

— Уфф, — йиғлагудек бўлди қиз.

Йигит қўлларини бўшатиб, бир чаққонлик билан уни ўзига қаратди. Қиз қовоғини уйди. Ўзини ранжиган каби тутди.

— Бўлди энди, шунга шунчами, — шўхлигидан ўзи ҳам ранжиди, назарида.

— Қара, сенга нима олиб келдим, — чўнтагидан целлофанга солинган алланарса чиқарди: Бир жуфт қўлқоп. Пушти ранг. Зеб бериб ишланган бир дона гули ҳам бор. Йигит шоша-пиша қўлқопларни қизнинг қўлларига кийгизиб қўйди.

— Вой, чиройлилигини, — кўзлари яшнаб кетди қизнинг, кейин бирдан шаштидан тушди, — ҳали қор йўғ-у?

— Тентаквой, қўлларинг совқатмасин дегандим. Қор эса ёғиб қолар. Балки эртага ё индин...

Йигит башорат қилган экан, эртаси куни гупиллаб лайлак қор ёғди.

* * *

Йигитнинг таътили тугади. Пойтахтга яна ўқишга шайланди.

— Сенга хат ёзиб тураман.

— Тошкентнинг қизларини чиройли дейишади, — илмоқли гап қилди қиз.

— Ҳа. Бир кўришда ошиқ бўлиб қоларкан йигитлар. Билмадим, мен... — йигит гапини тугатмаган эдики, қиз бурилиб ортга қадам босди.

— Тўхта, жиннича, — унга етиб олди йигит. Бурни-

дан енгилгина чимчилаб олди, — менга сендан бошқаси керакмиди?

Қизнинг қўлларини ҳовучига олиб, беозор сиқди. Қўзлари туйқус унинг чўнтагида уч бераётган қўлқопга тушиб, мағрур жилмайиб қўйди.

* * *

Қизнинг уйига совчи оралади. Қиз хавотирга тушди. Илкис дилидагини қоғозга туширди.

Хат йигитга етиб бордим-йўқми, қоронғи. Бироқ мана шу ҳадик қизнинг юрагини кемира бошлади: «Бирор-бир ота-она тўнғичи уйланмай туриб, кейинги ўғлига келин олиб берармиди?»

* * *

Йигит сим қоқди...

— Алло, бу сенмисан, мен эшитдим...

— Энди кеч, нон синдиришди, — маҳзун жавоб қилди қиз.

— Мен қолдираман, эшитаяпсанми, тўйни бузаман.

— Йўқ, мени иснодга қўясиз, илтимос, ҳаммасини унутинг, — бошқа жавоб кутиб ўтирмай, гўшакни жойига илди ва бирдан пиқиллаб йиғлаб юборди.

* * *

Қиз қисматнинг кирдикорига кўнди. Бу орада тўшак-ёстиқ қилган отасининг кўнглини синдиришга юраги дов бермади.

Йўқ, айна дам юраги исён кўтармоқда эдию, бўғзидан отилиб чиқишга ғурур, номус ва яна меҳр отлиқ кучлар тўсиқ ҳозирлаганди.

Қиз ота уйидан бор-йўғи битта матоҳни «ўз уйи»га олиб кўчди.

* * *

...— Ойижон, — болакай кўзларини ишқалай-ишқалай уйга ботиб утирган онасини дабдурустдан қучоқлаб олди.

— Вой, уйғондингми, болам? — Жувон юзларига сизилган ёшни артиб, қад ростлади. Қўлқопларини чўнтагига тикди.

Аллақаерда ҳўроз қичқирди.

Жувон сўлоқмондай бўлса ҳам болани даст кўтарганча нариги хонага ўтди. Эр ҳам уйғонган, кийинишга тушганди. Туйқус кўзлари хотинига тушди-ю, ширин жилмайди. Жувон ҳатто табассум қилмади. «Қизиқ, бу одам билан беш йил қандай яшадим-а, балки болам учундир. Ҳа-а, болам учун» — миясига лоп этиб урган бу аҳмоқона фикрни ҳарчанд қувмасин, ҳақиқатдай жаранглаб тураверди.

Эр эшик томон йўналиб, йўлакай ундан бир бўса олмоқчи эди, жувон тутқич бермади:

— Тезроқ ювинсангиз-чи, ишга кеч қоласиз.

САВДОЙИ

Биринчи кун

Бозор қайнаган. Бозорчиларнинг қўли қўлига тегмайди.

Шу тобда бир йигит картошка растаси бўйлаб кезиб юрибди. Унинг ёқасига бўйинбоғ чиппа ёпишиб, савлатини кўз-кўз қияпти. Бир қўлида қаппайган елим-халта. Картошкафурушлар одатий манзиратга чоғландилар:

- Кеп қолинг, ука.
- Иним, бунақаси бошқа жойда йўқ.
- Акажон, арзон қилиб бераман.

Йигит шарт ортига бурилди: «Акажон»га ким журъат қилди.

Хуснига нон ботириб еса бўладиган қиз ҳамон чор-лаяпти:

— Арзон қилиб бераман, акажон...

«Тавба, суқсурдеккина қиз...картишка сотиб турса-я...Уй қуриқлаб, ёрини кутиб ўтирса, ярашмай-дими?» — хаёлига шу гап келди йигитнинг хурлиқо томон яқин жилиб келаркан.

— Қанча тортай, акажон? — чаққонлиги кўркини икки карра очиб юборди қизнинг. — Балким кўпроқ оларсиз...

Йигитнинг қўли картошка узра югурди, кўзлари эса хурлиқо хуснига қадалди:

— Беш кило торта қолинг.

— Вой, жоним билан.

Пақир бир зумда тухумдек-тухумдек картошкаларга тўлди.

— Мана роса беш кило, аммо-лекин маза қиласиз, акажон.

Қиз қараса, йигит киприк қоқмай қараб турибди. Шўрликнинг хижолатдан юзлари қизариб кетди.

— Акажон, картишкани тезроқ оббормайсизми, янгамиз қовуриб берарди, — шаддодлиги тутди қизнинг.

Йигит майин жилмайди, кейин жавоб қилди:

— Янга...у энди бўлади-да!.

Хурлиқо лабини чимдиб қўйди. У ёқ-бу ёққа аланглади, кейин энг сўнгги сўзни айтди:

— Яна кеп туринг.

Йигит ноилож кетди.

Иккинчи кун

Шаддод қизнинг оҳанрабо овози харидорлар хушини ўғирлайди:

— Келинг, акажон, арзон қилиб бераман.

«Акажон»лар истар-истамай картишка сотиб оладилар.

— Бизга беш кило тортинг.

Хурлиқо янги харидорнинг юзига ҳали қарамай туриб шоша-пиша пақирни тўлдиради.

— Мана... вой, тавба-а, — таниш чеҳра ҳайратини кўзиди қизнинг.

— Картишкангиз ширин экан, бир ейишда ҳаммасини паққос туширибмиз-а, — ҳазил оҳангида гап бошлади йигит, — кечирасиз, исмингизни сўрамабман?

— Вой, исминни нима қиласиз? — ажабланди хурлиқо.

— Қизиқ экансизу, сизга доимий мижоз бўлсам, ёмонми?

— Бехижолат. Ҳар кун келаверинг, — пақирни тўрхалтага бўшата туриб жавоб қилди шаддод қиз.

Йигит чаққонлик билан пул узатди. Майин қўллар пул билан лиққа тўлди.

— Вой-бў, бу кўп-ку, — ҳайрон қолди қиз пулга кўз тикиб.

— Эртага яна келаман, сараларидан ажратиб қўйинг, — тезкорлик билан жавоб қилди йигит, тагин мижғовланди, — исмингиз...

— Шундай сархилларидан битта-битта ажратиб қўяйки... — лаби-лабига тегмай жавради хурлиқо, — бу нақалари тушингизга ҳам кирмаган бўлсин.

Йигитнинг ўжарлиги тутди:

— Саволимга жавоб бермадингиз. Исмингизни айтмадингиз-ку...

Хурлиқо «шилқим» йигитга тезроқ жавоб бериб юборгиси келдими, айтди. Исм хурлиқонинг жисмига монанд бўлмади.

Учинчи кун

Йигит раста олдига келиб бирдан бўш қопдай шалвираб қолди. Икки карра картошка сотиб олган жойда бақбақалари осилган, бақалоққина аёл ўтирибди.

— Келинг, йигитти гули, қанча тортай, — у жавобни кутмай шарт-шуртлаб картошкаларни пақирга сола бошлади.

— Кечирасиз, кеча шу жойда бир қиз, исми...

Аёл шарақлаб кулиб юборди:

— Ўша мен-да, қоқиндиқ, нима, ишонмаяпсизми, паспортимни кўрсатайми, а?

— У-чи? У қиз... — каловланди йигит.

— Мен касал бўлувдим. Шунга икки кун ўрнимга чиққанди. Менга қаранг, порядишний йигитга ўхшайсиз, — бирдан жиддий тортди аёл, — у билан бошқа адибади айтишиб юрманг-а, иккита тойлоқдай боласи бор. Келиним бўлади. Тушундингиз-а?

Йигитнинг устидан бир челақ совуқ сув қуйилгандек бўлди. Тили айланмади товуш беришга, бироқ дили жавоб қилди: «Тушундим!»

«ЛАЙЛИ» + «МАЖНУН» = СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

Йигит синфда ўтирибди-ю, хаёли аллақерда парвоз қияпти. Нигоҳи муаллиманинг чеҳрасига қадалгану кўзлари ҳозир бу нурли сиймони кўраётгани йўқ. Унинг ёнида дуркунгина қиз ўтирибди. У аллақандай ҳис билан муаллимани жимгина тинглапти. Кўзларига севинчдан кўра қайғу кўпроқ нуқс урган. Туйқус чалинган қўнғироқдан ҳамманинг патагига қурт ўрмалади. Орқа тарафдан кимдир луқма ташлади:

— Ана сенга сўнги қўнғироқ.

Бутун синф гурр кулиб юборди.

— Эртага-ю, жинни, — кимдир танбеҳ берган бўлди унга.

— Нима фарқи бор, барибир, охирги дарсу...

Йигит ортига ўгирилиб қаради. Охирги дарсда охирги калима кимнинг оғзидан чиқди — гувоҳ бўлди. Жини суймайдиган сариқ соч ўртоғи.

* * *

Синфда йигитдан бўлак ҳеч ким йўқ. У сукунат билан тиллашаётгандек миқ этмай ўтирибди. Ўз партасида. Парта юзига «ҳуснбузар» тошиб кўркига дарз етган. Юрак рамзидан тортиб, ошиқу мошиқларнинг жайдари расмигача тасвир тушган. Бу ажи-бужи чизмалар устидан бир кафт кукун сочиб, латта билан ишқаласа кетар, аммо мана бу ботиқ ёзувни ўчириб ҳам, қириб ҳам тиндириб бўлмайди. Ёзув ўйиб ишланган: «LAYLI+MAJNUN=LOVE»

Ўзи йигитнинг шунақа касали бор. Қўлига қалам тегдими тамом — бирор нарсанинг нухасини кўчирмаса кўнгли жойига тушмайди. Кеча галдаги «совға»ни тайёрлаб, ҳурлиқони имлаганини билади, шундай жавоб олди:

— Ручкангни пастаси тугабди-да, энди лезвага ўтибсан?!

Кайфиятини кўтараман деб ўйлаганди йигит. Тескариси бўлди. Мана энди ораларидан ола мушук ўтиб, бир-бирига терс бўлиб қолишган. Мактаб тугашига бир кун қолганда...

— Репетиция бошланди, биласан-а, бугун пишитмасак бўлмайди. Охирги кун... — йигитнинг хаёли тўзғиб кетди. Сариқ соч ўртоғи тепасида илжайиб турибди.

* * *

— Сенга нима бўлди, кечагина Маяковскийнинг ўзи эдинг-ку, — йигитга таънаомуз нигоҳини қадади

муаллима. — Бунақада шармандамиз чиқади-ку?! Би-
либ қўй, сенга ишониб топширяпмиз шу дардисар...
қўнғироқни?!

Йигит бор ўй-хаёлини, фикрини бир нуқтага жам-
лашга уринди. Тагин уриниб кўрди. Кўзларини хиёл
юмиб, шеър айтишга тушди...

* * *

— Чакки чиқмади, Мажнунбек, — йигитнинг ел-
касига кетмондай кафтини ташлади сариқ соч. Юзида
истеҳзо барқ урди.

Йигит хаёлидан шум фикр ўтди: “Башарасига бир ту-
ширсаммикан?!” Тагин фикридан қайтди: “Оғир бўл,
Мажнунбек”.

Йигитнинг «Мажнун»лиги синфгагина эмас, бу-
тун мактабга аён. «Лайли»нинг кимлигини ҳам ҳам-
ма билади. Унинг ошиғи сочи толасидан-да мўл.
«Мажнун»нинг мана бу ўртоғиям ўшалардан биттаси.

Йигитнинг лутфу карами тишлари орасидан сиқи-
либ чиқди:

— Раҳмат!

* * *

Йигитнинг юраги така-пука. Қўнғироқ чалинмаси-
даноқ юраги жаранглаб зарб уряпти. Хаяжон нелигини
умрида ҳис қилмаган одам шу дамда гарқ бўлди-қолди.
«Ҳадемай қўнғироқ чалинади. Шу билан кейин ҳамма-
си тугайди... «Лайли» ҳам».

* * *

Байрамнинг бадий қисми тугаб, асосий қисм бош-
ланди. Йигит жажжигина қизчани етаклаб давра ўрта-

сига келди. Бир кафтини митти қўлга берди, кейингисига чойнакдай оғир қўнғироқни илди. Шу пайт ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган ҳол рўй берди. Қизалоқ давра оша айлана юриб туйқус бир енгни ўзи томонга тортди-да, еталаб йигитга яқинлашди. Қўллари икки томонга ёйиб, икки кишининг кафтидан ушлади.

Қўнғироқ занг чалди. Юраклар ҳам. Жаранглар акс-содосига қўшилиб кетган қарсақлар овозини ажратиш қийин эмас эди.

Давранинг бир четида табассумини яширмай самимий қараб турган бир жуфт кўзларга қизалоқнинг нигоҳи тушди. Тилла каби нур таратиб, қарсакка зўр берган бу йигит бир кўзини айёрона қисиб қўйди. Қизалоқ жилмайди.

Шу тариқа “Мажнун” “Лайли” билан яна топишди. Аммо бу ошиқлар орасидан энди ола мушук ўтмайди, дейишга кафолат беролмайман.

ҚОР ЁҚҚАН КЕЧА

Керишиб, ўрнимдан турдим. Хона анча илибди. Дераза пардалари зич ёпилган, дарпардалар туширилган. Девордаги бонгсоат бир маромда ишляпти. Айни дам унинг миллари тўққизга қараб силжимоқда.

Бугун якшанба. Қотиб ухлайдиган куним бўлгани учун мени уйғотмаган. Ҳалиям вақтли уйғонибман, бўлмаса, режамда яна бир соат уйқу бор.

Тушакни тартибга келтириб, хонадан чиқдим. Йўлак ҳам, нариги хоналар ҳам жимжит.

Енгил душ қилиб, сочиққа артина-артина, хоналарга бирма-бир бош суқдим. Қизик, қаерга кетган бўли-

ши мумкин? Дарров қўл телефонни олиб, рақамларни тердим. Зум ўтмай, қўшни хонадан мусиқа таралди.

Соткасини ҳам ташлаб кетибди. Кеча менга лом-мим дегани йўқ. Қаерда бўлиши мумкин?

Айвонга ўтдим. Дераза дарчасини очганимни биламан, юзимга гуп этиб, муздек шамол урилди. Кўзларим қамашиб кетди. Бир кечада ҳаммаёқ оқ рангга чулғанибди. Қор.

Бола-пақирлар қийқириб, яхмалак учишяпти. Бу ердан улар зигирдек кўринади. Худди қумурсқадек.

Шу дам йўлак томонда эшик очилиб ёпилди, сўнг оёқ товуши эшитилди. Ўша ёққа шошдим.

Қўлида сут лиммо-лим банка кўтариб турибди у.

— Пастдаги дўкончадан опчиқдим, арзонгина экан, — деди у банкани менга узатиб, этигини ечаркан. — Йўл бирам ёмонки, сал қолди йиқилиб тушишимга.

— Уйғотганингда ўзим бориб келардим-ку, — дедим сал жаҳлим чиққудай бўлиб.

— Сизни уйғотиб бўладими? Нақ ярим соат турткиладим-а, — деди у.

— Мана бундай қилмайсанми? — деб биқинидан енгил чимчилаган бўлдим.

— Вой-й, уятсиз...

Олдма-орт ошхонага йўналдик.

* * *

Якшанба бўлгани билан дам олиш қаерда? Уй бўлгандан кейин, албатта, иш топилади. Хотин зотига-ку тиним йўқ. Мана ҳозир «асал» ваннахонада тоғора тикиллатиб кир чайяпти. Мен бузук дазмолни чуқилаш билан овораман. Ундан кейин ошхона чаноғидан сув томчилаяпти. Бир кўз югуртириб қўйишим керак.

* * *

Тушликдан энди бушагандик. Телефон сайраб юборди. Қулоққа олдим:

— Айтишни унутибман-ей, бугун еттиларда уйга ўт. Биздан икки «дом» нарида турадиган ўртоғим.

— Тинчликми? — дедим унинг шошиб-пишиб гапиришидан.

— Базмча қиялпмиз, ўғилчамиз диконглаб қолди, сендақа амакилари борлигини бир кўриб қўйсин. Ҳа, хотинингниям оливол, баҳонада маники билан танишиб олади.

У ўтган йили ўғилчали бўлганди, демак, бугун ёшига тўлган.

Бу таклифни «асал»га етказувдим, норизоланиб, тўнғиллади:

— Шундай қорда-я, ўзингиз бораверинг, эрталаб сал қолди-я, йиқилиб тушишимга.

Мен унинг енги шимарилган билакларидан икки қўллаб ушладим:

— Ўзим кўтариб олиб бораман сани.

* * *

Қиш эмасми, бу ёғдан тонг отиб, бу ёғдан шом қўнади. Атроф биллурдай товланади. Болалар ҳалиям уйнаб юришибди бир-бирига қор отиб.

Сигарет бурқситиб, атрофга қарадим. Эрталаб айвонча дарчасини очиқ қолдирувдим. Шу эсимга тушиб, тепага қарадим — шу қўйича турибди. Чўнтакдан телефонни олиб, рақамларни тердим:

— Балконгаям бир қараб қўй, деразага.

* * *

Ўртоғим терлаб-пишиб меҳнат қилибди ўзиям. Дас-турхонга дунёнинг бор неъматини тортган. Аммо меҳмонни тузук айтмаган кўринади: мен, «асал», икки қўшниси (хотинлари билан), битта тоғасиям келган экан — шу. Сўнг ота-онаси. Шулар ҳақида ўй суриб уйга яқинлашган эдик ҳамки, бир нима гуп этиб йиқилиб тушди. Ёнимга қарадим: «асал» думалаб ётибди-да. Ичимдан фавворадай кулги отилиб чиқди. Кулгим босилмай унга қўл узатдим, унамади. Қош-қовоғини солиб, энкайиб ўрнидан турди. Мендан бир-икки қадам узоқлашди. Ортидан силжиган ҳам эдимки...

Қайтар дунё, дейишади-ку. Мана энди устимдан шўх кулгилар ёғиляпти.

Мен шу алфозда чўзилганимча ётавердим. Бирдан овоз тинди.

— Сизга нима бўлди? — қўрқиб кетди назаримда.

Кўзим юмуқ, нафас чиқармаяпман.

«Асал» менга яқинлашди. Кафтлари билан юзимга шапатилай кетди:

— Қўрқитманг мени, — овози тиради. — Сизсиз қандай яшайман.

Мана шу сўз керак эди менга. Кўзимни очдим. Уни... бағримга тортдим.

ЁМҒИР КЎЗ ЁШНИ ЯШИРАДИ

Чорак соатча йўл бўйида туриб қолган жувонни охири келиб тўхтаган лимонранг «Нексия» ҳайдовчиси машинасига миндирди.

— Тавба, дуо кетганми, «Қирча»га бирорта машина

унамаса-я? — жувон орқа тарафдаги бўм-бўш ўриндиққа ўрнашиб олгач, норози оҳангда тўнғиллади.

— Йўли у томонларга тушмагандир-да, мана, биз ўша ёққа боряпмиз, — жавобан сўз қотди кўринишидан чаққон, қотмадан келган, кўзлари зийрак ҳайдовчи йигит, сўнг қўшиб қўйди: — Мана бу акамиз ҳам «Қирча»га кетяпти.

Машина ўрнидан енгил қўзғалди.

Жувон боядан бери хаёли ўзида бўлмагани учунми, ё яхшилаб қарамаган эканми, ҳайдовчининг қабатидаги ўриндиқни тўлдириб ўтирган келишган йигитга зимдан қараб, туйқус юраги шувиллаб кетди. Йигит ҳам машина кўзгуси оша ранги ўчинқираган жувонга назар солди-ю, кўнгли оромини йўқотди. Чап елкаси оша орқа ўриндиққа ўтирилди:

— Дилноза.

— Ассалому алайкум! — титраб-қақшаб деди жувон.

— Яхши юрибсанми, уйдагилар яхшими?

— Раҳмат, яхши.

— Уйларингга боряпсанми?

— Ҳмм.

Бўлди. Йигит бошқа савол бермади. Бояқишгина питарлаб қолган чумчуқ кўйига тушганидан кейин нима қилади азоб бериб. Шусиз ҳам, машинага ўтиргани учун ўзидан пушаймон бўлаётгандир қизгина. Орадаги қисқа жимликни эса ҳайдовчининг овози тўзитиб юборди.

— Ана, ёмғир ҳам ёқди. Кулманглару, аммо мен ёмғирни яхши кўраман.

Йигит юзларида табассум уйғонди. Хомуш кулимсиради. Жувон нигоҳини ойнага қадади. Томчилар кетма-кет ёғилиб, зарб-ла машина ойнасига уриляп-

ти, сирғалиб тушяпти. Йиғи манзараси гўё. Худди биров атай кўз ёш тўккандек.

Дилноза бўшашиб кетди. Гурунг ипини очиб юборган ҳайдовчининг самимий сўзларини ҳам, унга жавобан «ҳа» ёки «йўқ» билан кифояланаётган таниш йигитнинг овозини ҳам эшитмади гўё.

Жувон жувон бўлмасидан аввал мана бу йигит билан бир маҳаллада яшар эди. Уйлари орасидаги масофа тахминан ярим чақиримча келса ҳам азбаройи соғинганидан йигит Дилнозанинг эшиклари олдидан ҳар кун ўтар, унинг дийдорини кўришга муваффақ бўлмай қайтмас эди. Йигитнинг эътиборини, эҳтимол, кўнгил оромини ўғирлаганини сеза бошлаган қиз ҳам негадир ошиқ келаверган сайин кўчани, дарвозадан нарёгини хоҳлаб қолар эди. Шу кўйи бир-бирига ўрганган қиз-йигит қалбида муҳаббат гунча очди. Бу ҳол давом этаверса, маҳалла-кўй одамлари кўнглида ола гап болалашини тушунган қиз ошиғига ортиқ келмаслигини, аммо ўзи вақт-вақти билан учрашувга чиқиши мумкинлигини айтди. Йигит маҳбубасини тушунди ва бир куни уни учрашувга таклиф этди. Ўшанда ёмғир ҳавоси уфураётган эди. Қиз соябон қўлтиқлаб чиқди. Йигит эса ҳар галгидек якка ўзи. Иккиси учрашишгач, қиз хавотирланиб сўрагани:

— Нега соябонсиз чиқдингиз, ҳозир ёмғир қуйворса, борми?..

— Мен ёмғирни яхши кўраман. У биласанми, нимани яширади?

— Нимани? — тушунмай сўради қиз.

— Агар йиғлагудек бўлсанг, кўз ёшларингга қушилиб, оқиб тушади. Буни ҳеч ким пайқамайди.

— Мен... йиғламайман. Ҳеч қачон!

— Илоҳим, шундай бўлсин, — қатъий оҳангда деди йигит.

Аммо қиз йиғламасликнинг эпини қила олмади. У кейинчалик кўп йиғлади. Йиғлатишди. Кўзларидан оққан ёшининг адади ҳам, охири ҳам кўринмади. Аввалига ошиғи юборган совчиларга отаси рад жавобини бергач, аламдан, бахти кемтик эканлигидан йиғлади. Ундан кейин боши «боғлангач», ўз кўнглининг эгаси билан ортиқ кўриша олмаганини дилдан сезиб, хўрлигидан йиғлади. Тўйи куни оппоқ келинчак либосида, ёридан бир умрга узоқлашаётганини фаҳмлаб, бефаҳм турмуш уртоғи олдида йиғлади. Мана, у ҳозир ҳам йиғлаяпти. Севгидан маст бўлиб, ошиғи билан бирга кезган дамларини эслаб кўз ёш тўкяпти. Муҳаббат таъмини тотган бўлса-да, бу бақадр неъмат бир фурсатлик эканлигидан аламланиб ёш тўкяпти. Ҳозир эса қўл чўзса етгулик жойда собиқ ёри ўтирибди-ю, аммо унга бошқа эғалик қила олмаслиги, у фақат юрагининг туб-тубида ўрнашгани, хотирасининг энг чуқур жойида қолиб кетганини англаб йиғлаяпти.

Лимонранг «Нексия» бир уй ёнида тўхтагач, йигит машинадан тушди. У Дилнозага сўнгги бор сўз қотиб, машина эшигини ёпди:

— Хайр, яхши бор.

Жувон собиқ ёрининг ҳамон соябонсиз эканини билди. Яна бир оддий ҳақиқатни ҳам тушуниб етди: у ёмғирни яхши кўради.

Кўп ўтмай, жувон ўз манзилига етиб келди. У ҳайдовчига пул бериш учун тараддулланаётган эди, йигит унамади.

— Сизга тўлашди. Тушаверинг.

Жувоннинг кўзларига яна ёш келди. Машинадан тушиб, соябонини ёзишга ҳам ҳоли келмай оҳиста

қадам ташлади. Боши узра томчилаётган ёмғир кўп ўтмай унинг кўз ёшларига қўшилиб кетди.

ҚАРОҒЛАР, ЁНОҚЛАР, ДУДОҚЛАР...

Қароғлар... Ёноқлар... Дудоқлар...

Қорачиғларда порлаган ишқ умримнинг боқий мезонларида ёрқин из қолдирди. Бу кўзларда акс этган ҳаёт энг ширин лаҳзалардан сўзлаб беради. Унда бахтнинг оний нашидасини ҳис этиш, сармаст бўлиш нечоғлик саодат!

Ёноқлар тафти оловдай сел таратар, вужудга титроқ, қалбга олам-олам севинч улашар, кўнгилни нурга бойитар, ишқнинг бетакрор лаҳзаларини тухфа этар.

Дудоқлар юракка кўчган энг тотли, энг ширин муҳаббатнинг таъми, ифори, тафти.

Қароғлар, ёноқлар, дудоқлар...

Сиз мени эсламай ҳам қўйгандирсиз, бироқ мен ҳар куни, ҳар лаҳза, ҳар нафас сизни ўйлайман. Қоп-қора, шахло кўзларингиз, қип-қизил олмадай ёноқларингиз, кўз тушса тишлаб олгудек олранг лабларингиз, кафтдан-да тошгулик майин, жилвакор сунбул сочларингиз — ҳамма-ҳаммаси ёдимда. Ахир, бу жодуликларни эсдан чиқариб бўладими?!

Қорачиғлар... Унда доимо ўзимни кўрардим. Ҳа, ҳа, менинг жонли сувратим акс этарди унда. Гуё мен бутун борлиқни унутиб мана шу қорачиғларга жойлашиб олгандим. Бу ерда мангуга қолиб кетгандек эдим.

Кўзларингизда сеҳр бор эди. Мафтунлик барқ уриб турарди. Нигоҳлар тўқнашганда борми, мен тамом ўзимни йўқотардим. Сиз бир зум боқиб турардингизда, дарров қароғларингизни олиб қочардингиз — нигоҳингиз сирғалиб кетарди. Мен секин келиб юзин-

гизни кафтларим орасига олиб, ўзимга қаратардим. Ловиллаб кетарди вужудингиз. Бун қўлларим теккан заҳоти қизариниб қолган ёноқларингиздан сезиш қийин эмасди.

Ёноқларингиз... ажиб, шундай силлиқ эдики, назаримда кафтларим майинлашиб, дағаллиги ҳам билинмай қоларди. Юзларингиз тафтидан қўлларим олов олар, бу бутун вужудимга сингиб кетарди. Бу олов жуда ҳам мароқли эди.

Сиз... сиз қунишаётган қушчадек жунжикиб қолардингиз, этингиз пир-пир учарди. Хаяжондан қалтираб кетардингиз. Қулупнайранг лабларингиз эса титрар, улар орасидан дам-бадам кўзга ташланаётган садафдек оппоқ тишлар ярқирарди.

Мен... мен мана шу қулупнайранг дудоқларга маҳлиё бўлиб тошдай қотардим. Билмадим, йигит кишида эҳтирос кучлимикан ё иродасизлигим боисми, айти шу лаҳзаларга тамоман маст бўлиб қоним жўшиб кетарди-да, сизни бағримга қучиб, ана шу қулупнайранг лабларингиздан қаттиқ-қаттиқ бўса олардим.

Сиз қафасга тушган қушчадек типирчилаб, исканжамдан қутулолмай хуноб бўлардингиз. Нозиккина қўлларингиз кўкрагимга тиралиб, қайноқ оғушдан қутулмоққа интилардингиз. Бу ожизона, айти дамда эркалангансимон хатти-ҳаракатлар ўзимга ҳам ёқиб тушарди.

Сиз кучоғимда тўлғонардингиз. У ён-бу ён сирғалиб тушаётган сочларингиз таровати янада сармаст этарди мени. Шалоладай мавжланган бу сунбул сочлар шу қадар муаттар бўй таратардики, бундан ўзлигимни унутиб қўярдим. Ҳа, ҳа. Сиз йигит кишининг ақлини ўғирловчи, ҳушидан айиргувчи тенгсиз бир малаксиймо соҳибжамол эдингиз.

Эҳ-ҳе, орадан қанча сувлар оқиб ўтмади, қанчадан-қанча ниҳоллар бўй чўзиб, забардаст дарахтларга айланмади?! Ҳа, жуда ҳам гўр эдик ўша пайтлар. Гуё биздан-да бахтиёр суйгувчилар йўқ эди бу дунёда. Илк муҳаббат гунча очганди. Кўнгиллар риштаси тугулланиб, оловли ишқ юрагимизга кириб келганди.

Биз хиёбонларни сармаст кезардик. Иккимизгина ёлғиз эдик дил боғида. Мен ўзимни сиз билан жуда-жуда бахтиёр ҳис этардим. Сизсиз қоронғи эди бу олам. Сизнинг тароватингиз, ёдингиз билан яшардим.

Қароғларингиз, ёноқларингиз ва ақиқ лабларингиздан ҳеч кўз узмасдим. Ҳа, шаҳло кўзларингиз суврати-ла тирик эдим. Қип-қизил ёноқларингиз кўз олдимдан ҳеч кетмас эди. Қулупнайранг лабларингиз бир умр тотли онларни тухфа этганди. Шалолаваш сочларингиз эса мени банди қилиб қўйганди. Мен қалбингиз бандисига айланиб бўлгандим.

Мен... мен биргина сизнинг нигоҳингиз умидида тонг оттирардим.

Вужудингиз, руҳингиз, бутун борлигингиз ёлғиз меники бўлишини истардим. Қалбингизда фақат мен, кўнглингиз дунёсида танҳо мен ҳукмрон бўлишни хоҳлардим.

Афсус, минг афсус...

Бари ўткинчи экан, бу тотли лаҳзалар. Бир зумгинага тақдим этилган ширин бўсалар, қайноқ оғушлар ширин хотиралар қат-қатига сингиб кетди.

Қароғлар, ёноқлар, дудоқлар — мангу хотирот.

Азизам, сиз ҳадя этган ширин лаҳзалар доимо уйғунлик бахш этиб туради менга.

Қароғларда порлаган ишқ, ёноқларда гуриллаган муҳаббат, дудоқлардаги севги чўғлари ҳар лаҳза кўнгилга илиқ ҳарорат, майин эпкин солиб туради.

Қаердаки майин, жиловаш кўзлар дуч келса — сиз, қизаринган ёноқлар учраса — сиз, ол лаблар ва ша-лолаваши сочлар гуриллаб турса сиз, сиз, сиз! Мана шуларнинг бари сизни бот-бот эслашга ундайверади.

Қароғлар...

Ёноқлар...

Дудоқлар...

ИЛҲОМ ПАРИСИ

Шинамгина ётоқхона. Бу ерда оппоқ жилдли кўр-па-ёстиқ тушалган симтўр каравот, қўш тортмали стол ва суянчиқли стул, икки токчасида ҳам катта-кичик китоблар зич тизилган қаҳваранг жавон савлат тўкиб турибди. Хона одмигина жиҳозланганига қарамай, ки-шини ўзига жалб этади. Тўшак гўё минг йиллардан бери ҳеч ким ётмаганидан дарак беради. Стол устида-ги тунчироқ, қаламдон, ўчирғич ва бошқа лаш-лушлар сақланадиган цилиндр қути, устма-уст терилган китоб ва дафтарлар нақ натюрмортни эслагади. Фақат битта буюмгина ажралиб, стол чеккасида «аразлагандай» ту-рибди. Мана шу нарса дарров диққатингизни ўғирлай-ди. Секин келиб қўлга оласиз, жилдига юрак тасвири туширилган бежиримгина ён дафтарча. Шу дам нима-дир рўй беради: вужудингизда бир нималар ўрмалайди. Бир кафтча келмайдиган шу дафтар сеҳрлаб, сизни ўз домига тортиб кетади. Беихтиёр варақлашга тушасиз:

Биринчи варақ. Юракка қадалган камон ўқи расми. Пайкон юракнинг нариги тарафини ёриб чиққан, Ўқ қиррасидан қон томчилаяпти.

Иккинчи варақ. Саҳифани бор бўйича энлаган улкан юрак. Тарс ёрилган, пойига қадар йиртилиб кетган.

Учинчи варақ. Юрак «дук-дук» товуш беряпти. Бу товушдан юрак гоҳ таранглашиб, гоҳ ичга ботяпти.

Тўртинчи варақ. Камондан ўқ узишга шайланаётган қанотли гўдак. У осмон ва ер орасида туриб, ўлжани нишонга оляпти.

Бешинчи варақ. Юрак занжирлаб ташланган, занжирнинг учи ҳам, кети ҳам йўқ.

Олтинчи варақ. Юрак кўксидан ўпирилган, ковак. Ичи зим-зиё тун.

Еттинчи варақ. Иккита юрак қўшув белгиси орасида турибди. «=»дан сўнг гигант сўроқ белгиси бор.

Саккизинчи варақ. Юракка гулчамбар илиб қўйилган. Чамбардаги гуллар ранг-баранг.

Тўққизинчи варақ. Осмондан гуллар уваланиб, ёмғирдай севалаб ёғилаяпти. Гулёмғир остидаги юрак гулюракка айланган.

Ўнинчи варақ. Қўш юрак. Бири иккинчисининг бағрига нақ ярмигача ботган.

Ўн биринчи варақ. Сон-саноқсиз митти юраклар. Жуфт-жуфт бўлиб, бош-адоғи кўринмас йўл бўйлаб кетиб боришяпти.

Ўн иккинчи варақ. Юракда кўз тасвири бор. Одам сингари оғиз, қўл-оёқ, қошлар ва бошқа аъзоларга ҳам эга.

Ўн учинчи варақ. Юрак тимқора кўзойнак таққан.

Ўн тўртинчи варақ. Юрак қўлида тўппонча. Нақ кўкрагига қадаб, тепкини босишга шайланыяпти.

Ўн бешинчи варақ. Мана шу ерда чизмалар тўхтаган. Кейинги варақлар қордай оқариб турибди. Ғалати рамзлар, ғам ва қайғу, севинч ва шодлик кайфияти, ҳажр ва васл ҳислари, изтироб-аламлар ранги сингган бу тасвирлар ғайришуурий ўй-хаёлларга етаклайди.

Дафтарни ёпиб, оҳиста жойига қўясиз. Шу асно эшик «ғийқ» очилиб, ичкарига ўспирин бир йигитча кириб келади. Чамалайсиз, нари борса ёши ўн тўрт-ўн беш атрофида. У кела солиб, стулга ўрнашади. Тунчироқни ёқади. Хонага ғира-шира нур таралади.

Донг қотасиз: «Қоронғида расмларни қандай кўрдим?» Ҳайратдан ёқа ушлайсиз: у сизни кўрмаяпти. Сиз унга кўринмаяпсиз. Ажабо?!

Йигитча дафтарни қўлига олади. Филофдан қалам, ўчирғич олиб иш бошлайди. Сиз унга яқин сурилиб келасиз, ортидан кузатасиз.

Мана, у ишляпти. Расм чизаяпти, бироқ чизмаси сизга кўринмаяпти. Кимнинг сувратини ишляпти — номаълум. Лекин сиз ҳамма нарсани, ҳатто, мана шу тиришқоқ йигитчани аниқ-тиниқ кўриб турибсиз. Ниҳоят, йигитча юмушини бажариб, дафтарни ёпади. Кўзларини ишқалайди, эсноқ тутаяди. Нигоҳи билагигадаги соатга тушади.

Вақт алламаҳал бўлган. Ҳозир одамлар донг қотиб ухляпти. Йигитча чироқни ўчиради-да, тушакка сурилиб боради. Шитир-шитир ечиниб, майка-иштончан кўрпа орасига секин киради. Ҳаял ўтмай хонада майингина хуррак эшитилади.

Сиз қизиқиб, дафтарни қўлга оласиз. Варақлайсиз...

Мана, ўша ўн бешинчи варақ. Ҳеч қаери қимтилмаган, гард тегмаган юрак. Осмону фалакда парвоз қиляпти. Ортидан сон-саноғи йўқ қанот битган юраклар... Қоронғи тунда шуъла сочиб учишляпти.

Ҳайратга чўмасиз. Бу ерга сизни нима етаклаб келганди ўзи? Илгаригидек муҳаббат эмасми? Ҳа, шу муҳаббат.

ИККИ ҚУТБ

Жувон дераза олдида музтаргина турибди. Нигоҳи дераза кўзларига шитир-шитир урилиб, сирпаниб-сирғаниб тушаётган томчиларга қадалган.

Алланечук товуш таралади. Юракни ўртаб юборгудек аламли товуш. Гўёки ёмғир нола чекаётгандай, нола қилиб йиғлаётгандай.

«Бу қандай сир бўлди?» — ёмғир манзарасига қараб жувоннинг юраги ҳаприқади.

Деразадан нарёғи оппоқ туман, одамни ром этгулик ҳеч вақо йўқ. Бироқ ана шу туман бағрини ёриб, ёпирилиб урилаётган ёмғир жувоннинг нигоҳига ришта улаган.

* * *

Йўлакдаги эшик очилиб-ёпилди. Оёқ товушининг дўп-дўпи, кейин йўғон овозда кимнингдир йўталгани эшитилди.

Жувон сергак тортиб йўлкага чолиб чиқди.

Шаҳвари экан. Қўлида қаппайган елимхалта. Афтангори бир аҳволда, ивиб кетибди.

Жувоннинг эрига раҳми келди: «шамоллаб қолмасин, бояқиш».

— Ёмғир ёғишини туш кўрибманми, кўкқисдан ура кетса де, палакат...

— Ундай деманг, — жувоннинг кўнглида уйғонган меҳр ўрнини алланечук нафрат эгаллади, — ундай деманг!

Йигит анграйиб қолди. Севинчи ичига сиғмаётган рафиқасининг фавқулодда тўнини тескари кийиши таажжубга солмай қўймайди кишини.

Жувон тумшайиб, ичкари кирди. Тагин дераза ол-
дига силжиб борди. Маъюсҳол ёмғирни томоша қила
бошлади.

Чордевор ҳаммомнинг эшиги товуш берди.

* * *

Йигит шалаббоси чиққан кийим-бошини жон-
жаҳд-ла ўнг-чапга айлантириб, сиқди. Тоғорага ша-
риллаб сув тўкилди. Ёмғир суви.

Йигит суви сизиб олинган кийим-бошини шундай-
гина дорга ёйиб қўймади. Бир-икки сира илиқ сувга
чайиб олди. Шундан кейингина ҳовури кўтарилди.

* * *

Жувоннинг кўзларида ёш балқиди. Деразага термула
туриб йиғлаб юборди. Товуш чиқармаслик учун лабла-
рини қимтиб олди.

«Аҳмоқ у, аҳмоқ, — койиган бўлди эрини, — шуги-
нани ҳақорат қилса-я, бефаҳм, нодон...»

Дераза сувга бўккан, ҳануз «кўз ёш» тўкяпти.

— Ахир... ахир чора тополмай ўзини шу ерга уряпти,
нола қияпти-ку, бу одам бўлса...эҳ...»

Жувон энди ҳовучини юзига олди.

* * *

Йигит газ плитаси мурватини буради. Гугурт чизиб,
олов ёқди. Қўлларини гуриллаб ёнаётган оловга қала-
ди.

Гуриллаб ёнаётган оловдан завқ туйди. Кўзлари яш-
наб кетди унинг. Сезилар-сезилмас жилмайди.

Олов шуъласи йигитнинг бор вужуди узра таралди.
Сўнг қалби...руҳига ўтди.

* * *

Туйкус ёмғир тинди.

Туман чок-чокидан сўкилиб, пора-пора бўлди.

Атроф тиниқлашди.

Рўпарадаги баланд уйлар, икки-уч терак бўйли каттак-катак бинолар шундайгина кўз олдида ястаниб турди.

Мусаффо осмон тагин бўй кўрсатди. Тип-тиниқ.

Жувон дераза кўзларида қадалиб қолган томчиларга ғарибгина боқди. «Шар-шар», «шитир-шитир»ларга ўрганган қулоқ ён-верга сер солди.

Йўқ, ёмғир товуши батамом тинган; теваракни энди еру осмонга бўйлагулик «ку-ку», «чирқ-чирқ»лар эгаллаганди.

* * *

Йигитнинг чехраси ёришди. Ҳануз дераза олдида қозикдай қадалиб турган жувон томон йўналди.

Йигит дабдурустдан парипайкарининг нозиккина елкаларини қучиб олди.

— Ана, офтоб ҳам чиқди, — астойдил шодланди йигит.

— Ёмғир... — қолган гапи бўғзида қолди жувоннинг.

— Қўйсанг-чи, офтобни қара, яшнатганини қара, олам нурга тўлди-ку...

Жувон индамади. Енгилгина бош ирғаб уни тасдиқлаган бўлди-ю, ичикди.

Ёмғирни қумсади.

* * *

Тунда момоқалди роқ гумбурлади. Яшин чақди. Сўнг теваракни «шитир-шитир» товушлар қоплади.

Йигит бошини кўрпага буркаб олди.

Жувон тўшакдан сирғалиб чиқди. Дераза олдига шошди.

МУҲАББАТ

Чақалоқ биғиллади. Жувон чўчиб уйғонди. Шошиб бешик қасавасига қўл илди. Оҳиста-оҳиста чайқала бошлаган бешик гўдакни элитди. Тонг ёришаёзган, борлиқ аста-секин оқариб, ним хира ёруғлик парда ортидан хонага ҳам оқиб кирганди. Уй ичи тагин сокинликка инди. Жувон ён қабатига ўгирилди: ширин уйқуни ураётган эри дунёни унутган одамдек ухляпти. Жувон кўрпа ичидан сирғалиб чиқди-да, бош тарафда ечиб қўйилган қалин халатини эғнига илди.

* * *

«Уҳ!»

Эшикни очгани заҳоти биллурдай товланаётган оппоқ манзарадан энтикди жувон. Кўзни қамаштиргудек қор ҳавасини кўзғади. Кўзлари яшнади. Пайқамаган экан: қор ҳамон ёғяпти. Боши узра гув тўкилиб, қорчамбар ясапти...

* * *

Жувон кафтларини ишқаб-ишқаб, ошхонага ўтди. Газ плитасини ёқиб, чойнакка чой қўйди. Нонуштага тараддудланди.

* * *

Йигит эриниб ўрнидан турди. Яйраб керишди. Ён қабатига қаради: тўшак бўш. Тунги шўхликлари ёди-

га тушиб ним жилмайди. Сўнг бешикка яқин силжиб, дока чойшабни оҳиста кўтарди-да, пишиллаб ухлаётган чақалоқнинг дўмбоққина юзларидан муччи олди. «Ўзимнинг кўзичоғим» деди ғурурланиб.

* * *

Столга дастурхон ёзилди. Қанд-қурс, сарийёғ, асал, буғи кўтарилиб турган қайноққина сут муҳайё бўлди. Жувон эри уйғонганини билган, ташқи эшик «ғийқ» очиб ёпилганидаёқ шарпасини сезганди. Шу боис хатти-ҳаракати чаққон тус олиб, нонуштани тезлаштирди. У чойни дамлаб, чойнакни дастурхон устига қўйганди ҳамки, туйқус ортидан кимдир кучоқлаб олди. Эри. Тагин шўхлига тутди: жувоннинг ол ёноғига қизиб турган лабларини босди.

— Нарн туринг-е, уят борми сизда, — нозланди жувон.

— Кимдан уялишим керак, ҳеч ким йўқ-ку, — ўша тахлит тураверди йигит.

— Нега? — бир чаққонлик билан бўшалиб, эрига юзланди жувон. — Эртаю кеч кузатадиган бир зот бор.

— Ким? — ажабланиб сўради йигит.

Жувон қўлини осмонга нуқиди:

— Сизу мени яратган зот.

* * *

Гупиллаб ёғаётган қор кўча узра қийқириб чопиб бораётган бола-пақирларнинг гайратидан жўшгандай шиддат-ла ёға кетди. Йўловчилар чекка-чеккадан оҳиста юриб кетишяпти.

Жувон дарвоза тагида бир муддат эрининг ортидан кузатиб турди. Одатдагидек пичирлаб қўйди: «Худоё, ўз паноҳингда асра».

* * *

Чақалоқ бешикдан озодликка чиққан. Кўзларини пирпиратиб, очиб юмади. Лаблари четига сизиб чиққан оппоқ сут юқи томоғига оқиб тушди. Олмачадек жажжи муштларини дўлайтириб, оёқларини депсий бошлади. Ўз тилида алланималарни бижир-бижир гапирди. Қовоқчаларини уйди. Бир нимадан аразлагандек, лаблари чўччайиб, яна икки четга тортилди. Кўзлари кимнидир излади.

— Вой, боламдан-а, сани ташлаб кетдими аянг, — хонага шошиб кирган жувон қўлларини сочиққа арта-арта чақалоқни бағрига олди. Эркалашга тушди: «Дадангдай полвон бўласан-а, зўр бўласан-а. Ҳа дегин, хўп дея қол».

Чақалоқ худди онасини тушунгандек, сўзларини ид-рок қилгандек кўзларини юмиб-очди. Жувон шодланиб боласининг юзларидан ўпиб-ўпиб олди.

* * *

Жувон кечки овқатга уннади. Қозонни қизитиб ёғ қуйди. Шу чоқ шўх-шодон кайфиятда йигит кириб келди. Қўллари тўла елим халта. Ўзида йўқ шод. Жувон илиққина салом-аликдан кейин илмоқли гап қилди:

— Моянангизни опсиз-да...

— Йўқ, — деди эри шарт кесиб. — Аванс.

Жувоннинг юзларидаги кайфият сунди.

* * *

«Бу қурғур нимага тинмайди-я», — зардаси қайнади жувоннинг. Нигоҳини деразадан олиб телевизор томоша қилаётган эрига қадади. «Бу кишим боқи беғам»,

— асабийлаша бошлади — «Бу йил ҳам эски пальтода чиқарарканман-да қишни...»

* * *

Тун кечаги оромни туҳфа этмади. Жувон эрига терс ўгирилиб ётди. Йигит унга томон яқин силжиб қулоғига шивирлади:

— Жоним, албатта олиб бераман, фақат пича сабр қилгин.

Жувон парво қилмади. Эшитмаганга солди ўзини. Йигит жаҳл қилгудек туриб кетди.

* * *

Нариги хонада чироқ ёнди. Бир зум ўтиб сигаретанинг ҳиди ҳаво аралаш ичкарига сузиб келди.

* * *

— Туринг, ишга кеч қоласиз, — эрини туртди жувон. Йигит кўзларини ишқалай-ишқалай очди. Лом-мим демай эшикка йўналди.

* * *

Нонушта наридан бери қилинди.

* * *

Йигит ўзини бўралаб сўкди. Ишхонага кела-келгунча ўй ўйлади. Ниҳоят бир қарорга келди: «Қарз оламан. Ваъдага вафо қилиш керак-да».

* * *

Атроф бирдан ёришиб кетди. Осмон тиниқлашиб, қуёш кўринди. Жувон ўзини койиди: «Ўл, қайсар бўлмай, янги пальтога бало борми? Эскиси тешиб чиқармиди. Уйдан ташқари чиқмасанг... Бечорани эзганинг-

эзган. Ўша ордона қолгурни каллангдан чиқариб ташла». Сўнг кўнглига туғиб қўйди: «Узр сўрайсан. Келгани заҳоти».

ҚОР ПАРЧАЛАРИ

Гўдак бир ёшга тўлган. Бугун унинг туғилган куни. Осмон ҳам унга совға тайёрлаб қўйган экан — гупиллашиб қор сочяпти.

Бола дунёга келган куни ҳам қор учқунлаганди. Мана ҳозир ўша таниш ҳолни тагин бошидан ўтказяпти.

Паррак-паррак тушаётган қор гўдакнинг жажжигина юзларига қўниб, сингиб кетяпти.

— Вой, асалим, музлаб қопсан-ку, — меҳрибон она қучоғидаги боланинг ёноқларига қайноқ лабларини босди, сўнг ёнидаги одамни туртди, — ўлгур «Дамас» кемаса кемапти, бирорта такси тута қолайлик, қизингиз совқотиб кетди, ахир.

Ота икки-уч одим олдинга силжиди. Физ-ғиз ўтаётган машиналарга қўл силкий бошлади.

* * *

Қизалоқ туйқус йиғлаб юборди. Олмачадай қўллари лаҳм гўштдек қип-қизарган. Пайпоқсиз оёғида кавушча. Ичи қорга лиқ.

Йиғи товушини эшитиб она ичкаридан отилиб чиқди. Сўнг жаврай кетди:

— Бола бўлмай кетгур, ким айтди сенга ҳовлига чиқ, деб. Бунинг устига қор ўйнаганини-чи!

Она болани силтаб, уйга судраб кирди. Қизалоқ ортига ўгирилди. Жиққа ёш кўзларини миттигина «қорбобо»дан узмади.

«Қорбобо» маъюс кулимсираб турди.

* * *

Бўйчангина қизнинг юзига алланима зарб-ла урилди. Қиз ачишган юзини кафтлари билан тўсди. Орта турган икки ўспирин хохолаб юборди.

Қиз жонига ўт тушса ҳамки, йиғламади. Бор кучини тилига тўплади:

— Қўлинг сингурлар, акашак бўгурлар...

«Қароқчи» синфдошлари тагин кулишди.

Қиз қарғаб-қарғаб хумордан чиқди. Сўнг оппоқ қорни «ғарч-ғурч»лаб юриб кетди.

* * *

Қор сомонча-сомонча тушяпти.

Қиз аудиторияда ўтирибди. Йигит ҳам.

Қизнинг қўлқоплари жиққа ҳўл, парта остига ёйиб қўйилган. Йигитнинг кафтлари ҳозир ҳам чўғдек ёняпти.

Қиз ширин хаёлларга берилган. Йигит ҳам.

Профессорнинг завқбахш маърузаси бугун ўз таъсирини ўтказолмади.

Қор сомонча-сомонча тушяпти — ташқарида. Оташ юракларда эса муҳаббат.

* * *

Жувон пардани сурди. Деразадан ташқарига боқди:

— О! — ҳайратини яширолмади. — Қандай гўзал!

Атроф биллурранг. Бирорга оёқ изи йўқ.

Жувоннинг бирдан шашти тушди: «Қанийди... қанийди менинг дардларим устига ҳам қор ёғилса, кўмилиб қолса дардларим...»

У ҳар йили қорни мана шу сўзлар билан қарши олади.

* * *

Аёл ҳадиксираб оёқ босилган ердан юриб боряпти. Бекатгача ҳали анча бор. Бир қўлида елимхалта. У тойғоқ ерга келганда бирдан йиқилиб тушди. Қўлидагини чангаллаб олди. Ичида севиниб қўйди: «Хайрият, нон расво бўлмади».

— Эҳтиёт бўлсангиз бўлмайдими, опа, қор ҳам бемаврид ёғди-да, — йўловчилардан бири келиб кўмаклашди.

— Ундай деманг, худонинг қаҳри келади-я, — чап биқинини силаб, майингина дакки берган бўлди аёл, — қор ёғса ризқ ёғилади, марди-мардумнинг баракаси кўпаяди.

Аёл яна алланималарни гапирди. Халоскор йўловчи маъқуллаб бош ирғаб турди. Сўнг йўлига бурилди.

Аёл тагин ҳадиксираб оёқ босди. Бекатга етгунча кўнгли билан гурунглашиб борди: «Қор ёғди-ризқ ёғди. Мардумнинг баракаси эмасми? Бу жон озгина лат еса епти-да...»

* * *

Осмонда қуёш чарақлаб турибди. Ҳаммаёқ алғовдалғов: тарновлар тумшуғидаги сумалаклар эриб, чакллаб сув томаяпти, ер ола чалпак тус олган, ҳар ерда уюм-уюм қор тўпчалари.

Кампир девор тагидаги харракда ўйга ботиб ўтирибди. Унинг кўзлари маънисиз кезади. Бир қўлида ҳасса. Гоҳ-гоҳ ғудраниб қўяди: «Бир-икки кун эримай турганда-чи... Офтоб ҳар куни бор, қор-чи?»

Шу асно дарвоза эшиги очилиб, бир йигит қунишиб чиқади.

— Шу одатингизни ташламадингиз-ташламадингиз. Тагингиздан зах ўтиб кетди-ку, ойи?!

Кампир бу гапларга парво қилмайди. Унинг ғами ҳозир бу эмас. Қўнглидаги саволга жавоб излаб тополмапти: «Офтоб ҳар кун бор, қор-чи?»

ТУҒИЛГАН КУН

Тун чўкди. Осуда тун. Ой тўлишган, юлдузлар чақноқ. Осмондаги бу манзара мусаввир чизган энг нодир сувратни эслатади. Атрофда сокинлик ҳукмрон. Борлиқ шуълага чўмиб, ойдин сукунат бағрида жим ухламоқда. Баланд, кўп қаватли уйларда чироқлар ўчиқ. Одамлар тунги оромга шўнғиган. Фақат тўртинчи қаватдаги мана бу хонада оппоқ тўшакда шифтга термилганча ширин ўйларини эрмак қилиб ётган қиз бедор. У гоҳ ўнг, гоҳ сўл тарафига ағдарилиб, ухлашга уриниб кўради. Аммо ҳаливери «сояси» кўринмайдиган оромбахш уйқу йўқ. Қизгинанинг кулгичларида шу он табассум порлайди. У ўйидан биров огоҳ бўлиб қолгандек, уялиб, юзи томон кўрпани тортади. Димиқиб кетади чоғи, кўрпа қатини тушириб, дарров чалқанча ётиб олади, тагин нимхира шифтга нигоҳини тикади. Уни шириндан-ширин ўйлар ўз салтанатига олиб кетади.

Жамила бахт деб аталгулик мўъжизали онларни бошидан кечирмоқда. У кўнглининг эгасини топган. Меҳржон шундай юрагига кириб келдими ё давомли учрашувлар сабабми, аниғини билмайди. Юрагига назар солса, севги аталмиш гул ғунчалаган. Юрак дук-дуклаб ажиб урмоқда. Қалбига қулоқ солса, шундай нидо келади: «Меҳржон!»

Жамила Меҳржон билан битта идорада ишлайди. Иккови эртадан кечгача оппоқ қоғозларга кўмилиб, ҳужжат тахлашади. Меҳржон Жамиладан икки йил аввал ишга келган. Чаққон, билимдон, фаҳм-фаросатли

йигит. Директор биринчи кун иш бошлаган Жамилани идора ходимлари билан таништириб бўлгач, уни шу йигитга топширди-қўйди. «Нимани билсангиз, ҳаммасини ўргатасиз», деган. Меҳржон ваъда берган. Жамила ҳам анойи эмас. «Устози»дан имкон қадар кўп нарсаларни ўрганиш учун у ҳам ўзида борини намоён қилишга уринди: қавҳа дамлаб берди, телефон жиринглаб қолса, гўшакни олиб узатди, нима даркор бўлса, чаққонгина туриб, кўз юмиб-очгунча аллақаердан топиб келди. Бир гал Меҳржон туғилган кунини уйида нишонламоқчи бўлиб, ҳамкасблари қатори Жамилани ҳам айтди. Шунда у ёш устозига эсдалик бўлишга арзирли нима совға қилсам, экан деб ўйлай-ўйлай, охири сурат солинадиган чиройли нақшли рамкани зарқоғозга ўраб, тўрт тарафидан лента чирмаб туҳфа қилганди. Совғага зарқоғоз ичига солинган бир парча хат ҳам бор эди. Унда мана бу битиклар ёзилган эди: «Мана шу фоторамкага кўнглингиз бекасининг сувратини соласиз». Ким ўйлабди, дейсиз, кун келиб, ўзининг суврати шу туҳфа қилинган рамкадан жой олишини. Жамила Меҳржоннинг ўзига нисбатан кўнглида илиқлик борлигига аввалдан гумонсираб юарди. Кичкина байрам куни эса гумонлари ростлигига ишонч ҳосил қилди. Меҳржон уйда ёлғиз ўғил эди. На опа, на синглиси бор эди. Кун бўйи меҳмонлар учун пишир-куйдир қилиб толиққан онасига меҳмонлар тарқагач, ёрдам беришни Жамиладан илтимос қилганди. Йўқ демади. Ярим сбатда ҳамма идиш-товоқларни юиб, саранжом-саришгалади. Аммо вақт алламаҳал бўлганди. Боши очиқ қизнинг қоронғи кечада кўчада қолиши яхши эмасди. Йигит кишининг уйида тунаши ҳам маъқул иш эмасди. Охири, Меҳр-

жон такси тўхтатиб, Жамилани кузатиб қўймоқчи бўлди. Кўчага чиққач эса йигит нимадандир қалтираётган қизнинг билагидан шарт ушлаб олди:

«Сизга нима бўлди?»

«Совқотиб кетяпман».

Меҳржон дарров эгнидаги костюмни ечиб, Жамиланинг устига ташлади. Қиз йигитдан урилаётган иссиқ нафасданми, ундан келаётган ароқ ҳидиданми, кўнгли озиб, боши айланиб кетди ва ўзини тутолмай йиқилаётган маҳал Меҳржон тутиб қолди. Қизнинг дармони йўқ эди. Қаддини ростлашга куч тополмагач, йигит даст кўтариб, орқага, ўз уйига қайтди. Нима рўй берганини тушунган Меҳржоннинг онаси ҳам Жамилага дарров ўрин-жой солди. Сўнг пиёлада совуқ сув тутди. Қиз хиёл ўзига келди. Аҳволидан уялди. Шу куни онасига дугонам уйига таклиф қилганди, туғилган куни, деб ёлғон гапирганди. Холи қолгач, ростини айтса, онаси хавотирланишидан қўрқиб, телефон қилиб, яна ёлғон гапиришга мажбур бўлди: «Ойижон, дугонам бир ўзи идиш-товоқларни йиғиштиришга қийналяпти, шу ерда қолиб, ёрдамлашай, эртага бораман, майлими...»

Шу тун Жамила илк бор бегона одамнинг уйида қолди. Бу тақдир аломати экан. Ана шу воқеадан сўнг Жамиланинг кўнглида Меҳржонга нисбатан меҳрми, муҳаббатми, бир илиқ туйғу пайдо бўлди. Уни ҳар гал кўрганида юраги ҳаприқар, эти сезилар-сезилмас титрарди. Йигитга кўз қирини ташлаб, кузатадиган одат чиқарди. Меҳржонга бўй-бастдан берганди худо. Ўзига яраша жамоли ҳам бор эди. Чиройли йигитларни кўрганда юрагига аллақандай туйғу ўрмалайдиган ҳол узлуксиз кеча бошлади Жамилада. Орадан уч

ой ўтиб, ўзининг ҳам туғилган кунига навбат етганда ҳаммадан биринчи Меҳржонни таклиф этди уйига. Бироқ у рўй-рост рад этди:

«Буни қаранг, Жамилахон, сиз таваллуд кунингизни нишонлайдиган кун мени хизмат билан сафарга жўнатишяпти. Нима қиламиз, иш, аммо совгадан қочмаймиз...»

Жамила кутмаганди. Ранжиса ҳам сездирмасликка уринди. Севинчли куни эса ўзига татимади. Меҳмонлар тарқаб, ўз хонасида якка қолганида эса Меҳржон эрта-лаб берган совға ёдига тушиб, зарқоғоз ичида нима «яширинганига» қизиқди. Лентани бўшатиб, зарқоғозни очгач эса тарракдек қотди-қолди. Меҳржоннинг туҳфаси Жамила унинг туғилган кунда ҳадя этган фоторамкага солинган чиройли суврат экан. Жамила ўз сувратини кўриб, аввалига ҳайрон бўлди, кейин юзида табассум порлади. Совғага «илова» хатча ҳам бор эди. Унда шундай битик муҳрланганди: «Жамила, мен кўнглингиз асирига айландим. Асирнинг тақдири энди сизнинг қўлингизда» Бир-бирининг кўнгил асиру асирасига айланган Меҳржон ва Жамилани тақдир мукофотлади. Уларнинг яқинда тўйи бўлади.

ЮРАККА БУЮРИБ БЎЛМАЙДИ

Паға-паға ёғаётган қорга қараб энтикасан киши. Мунчалар ёқимли, а? Кафтларингни тутиб турасан, тушиб қўнган заҳоти қор эриб, қўлларингга сингиб кетади. Яна завқ бағишлайди одамга. Атроф ҳозир ҳам гўзал. Ана, кета-кетгунча тизилган дўкону магазинларнинг ойналарига бир-биридан чиройли суратлар солинган. Бирида қорбобо, бирида қорқиз, яна

бошқасида ҳалқачаларига лента боғланган қўш қўнғироқ, арча шохига илинган кичкина ўйинчоқлар суврати ҳам бор. Кеча автобусдан гушиб, йўлнинг нариги чеккасига ўтаётганимда яна кўзларим қувнади. Ўзини кўз-кўзлаб турган ҳайбати катта, безатиғлиқ арча... Мана шу арча хаёлларимни тўзитиб юборди. Юракка буюриб бўлмас экан...

Институтнинг сўнгги босқичи. Қиш аллақачон этак ёзиб бўлган, Янги йил эшик қоқиб турган пайтлар. Биз, талабалар қишки таътилда эдик. Ҳар замонда қўнғироқлашиб, бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўрардик. Айниқса, курсдошим Гулноза билан кунора телефонлашиб турардик. У агар бирор сабаб бўлмаса, менга ҳеч қачон сим қоқмас, ўзим важ-карсон топиб, қўнғироқ қилардим. У шаҳар ичкарасида, университет хиёбонига яқин жойда истиқомат қилар, мен шаҳар ёқасида, ундан салкам ўн чақирим наридаги маҳаллалардан бирида яшардим. Мен гарчи йигит ёшига етган, ақлим тўлишиб, яхши-ёмонни фарқлай билсам-да, бироқ ҳали болалик одатларимни ташламагандим. Бу гал ҳам ана шу одат мени тинч қўймади. Янги йил арафасида Гулнозга қўнғироқ қилиб, уч-тўрт нафар курсдошлар учрашиб, безатиғлиқ кўча, хиёбонларни айланишимизни айтганимда, у дарров кўна қолди. Аммо негадир иккиланиб, «қизлар ҳам борми?» деб сўради. Ёлғонга тағин ёлғонни қўшдим. «Қизлар борки, сизни ҳам чақиряпмиз-да», дедим. У рози бўлди. Биз Мустақиллик майдонида ўрнатилган арча олдида учрашишга келишдик. Ярим соат деганда ўша ерга етиб бордим. Қарасам, Гулноз аллақачон келган, асабийлашиб, билагидаги соатига тез-тез қараётган экан. Мен унга яқинлашдим. Саломлашиб, сир бой бермасликка уриндим (яна ёлғон ёрдамга келди).

— Бу ярамаслар дарсга кеч қолиши камлик қилгандай яна...

— Қўйинг, келиб қолишар, — деди сўзимни бўлиб Гулноза.

— Уларни кутиб, эсхонамиз чиқсинми? Юринг, яхшиси, иккимиз айланамиз, — бу гапни унга қандай айтдим, қаердан шунча журъат пайдо бўлди, билолмай қолдим. Аммо унинг ранги ўзгариб кетганини кўриб, тилимни тишладим.

— Озроқ кутайлик-чи, — деди Гулноза. Сўнг кўзларимга тикилиб, сўради: — Ўзи кимлар келмоқчи эди? Қизлардан-чи?

Бу савол мени довдиратиб қўйди. Бир-икки курсдош йигитларнинг номини айтиб, кейин уларга нима ҳунар кўрсатганимни тушунтиришим мумкин эди, аммо қизларга келганда... бу жуда мушкул иш эди. Бирга ўқийдиган қизлардан шаҳарда фақат уч кишигина яшарди. Қолганлари турли туманлардан келгани учун аллақачон кетиб қолишган, уларнинг бугунги, мен ўйлаб топган «учрашув»га келиши ҳам даргумон эди. Шу пайт мени бу муаммодан қаердандир пайдо бўлиб қолган бир сураткаш қутқарди. У олдимизга келиб, «суратга туширайми, эсдалик бўлади, турган жойларинг ҳам яхши», деб аврай бошлаганди, мен дарров розилик бера қолдим. Гулноза бу ёқмаганини юзларидан сездим, аммо у ноилож кўнди. Шу кўйи учрашувимизнинг чорак қисми суратга тушиш билан ўтди. Кейин Гулноз бесабрлана бошлади. «Яна ўн дақиқа кутаман, бирортаси келмаса, менга жавоб», деди дангал қилиб. Шу заҳоти калламга фикр келди. Телефонимни чўнтагимдан чиқариб, ёлғондакам тугмачаларини босиб, гапира кетдим:

— Алло, Саида, нима бўлди? Сизларни бир соатдан бери кутиб турибмиз, Мана Гулноз шу ерда. Тезроқ келсанглар-чи, «кетаман»га тушяпти у.

Гулноз менга ишонди. Шу кўйи унинг «ўн дақиқа»си ярим соатга чўзилди. Мана шу вақт давомида унга у-бу гапларни айтиб, зериктирмасликка уриндим. Аммо учрашувга «келаётганлар»дан бирортасининг сояси кўринмагач, у аҳд қилди:

— Бўлди, Дамир. Мен кетдим. Тоқатим тоқ бўлди. Бу ёлғончилар билан Янги йилдан кейин гаплашаман. Ўшанда... Нима бўлди, Дамир, — деди у тўсатдан унга термилиб қолганимни кўриб. Мен энди сирни очишим кераклигини, бу шунчаки ўйлаб топилган тадбир эканлигини тушунтиришим керак эди. Чунки мени деб бошқалар гапга қолишини истамасдим. Охири Гулнозга ростини айтдим:

— Гулноз, мени кечир, учрашув икки кишилик эди. Мену сен...

Гулноз ғалати кулиб қўйди. Бу киноямиди, истехзоми, англамадим. У юзимга бир зум тикилиб турди-да, сўнг индамай шиддат-ла юра кетди. Унга етиб олдим. Кечирим сўрадим. У эса ҳамон индамасди.

Охири унинг йўлини тўсдим. Унинг нафаси шундайгина юзларимга урилар, менга боқиб турган кўзларида эса аллақачон нафрат уйғонганди. Мен режамдаги сўнгги амалга ўтдим. Унинг совиб кетган кафтларидан маҳкам сиқиб, шивирладим:

— Гулноз, мен...мен сени севаман.

Унинг кўзларидаги нафрат ўрнини ҳайрат эгаллади. Мен охирги сўзларимни айтишга ўзимда қандай куч топган бўлсам, у ҳам сўнгги сўзларини айтишга журъат қила олди.

— Мен эса йўқ. Уч кун олдин уйимизга совчи келди. Нон синдирилди. Баҳорда тўйим бўлади. Энди хайр!

У юрагимни парча-парча қилиб, қадамларини тез-тез ташлаб мендан узоқлашди. Мен унинг орқасидан чопмадим. Бунга ҳожат ҳам қолмаганди. Ҳа, юракка буюриб бўлмас экан...

АСЛ МЎЪЖИЗА

Одам унчалик гавжум бўлмайдиган, кета-кетгунча чўзилган ва хиёл паст девор олдида ўрнашган бекат. Мен бир даста атиргулни орқамга яшириб, кўнглим соҳибасига айланиб улгурган соҳибжамол қизга яқинлашиб келяпман. Мана унинг ҳуркак нигоҳи менга тушган замон яна ҳам зийраклашди. Кийимларининг у ер-бу ерини тузатган бўлди. Пальтосининг тиккайиб қолган ёқасини ёйди. Бошидаги пальтосига мос рангдаги айвонли пушти ранг шляпасини сал орқароққа тортиб қўйди. Ҳаммаси рисоладагидек-ку-я, занғар йўтал тинчлик бермаяпти. Шамоллашдан қолган асорат. Мен икки-уч одимлаб унга яқинлашдим. Шу асно мўъжиза рўй берди гўё. Мен йўқ жойдан гул ундирадигандек, ортимга беркитиб келаётган гулдас-тани шундай чаққонлик билан унга тутқаздимки, у бу қандай рўй берганини даставвал англолмай қолди. Кўзлари ҳайратдан катта-катта бўлиб, чиройли безатилган ва ўралган гулдастага қаради. Сўнг табассум ҳадя этди. Жилмаиганида бутун борлиғи, юз-кўзлари, ишонсангиз, қошу кўзларигача таърифларга жо бўла олмайдиган даражада чиройли кўриниб кетади. Шусиз ҳам гўзалу, аммо табассум яна кўрк бағишлайди-да.

— Салом, — деди сўнг ҳамон табассум порлаб турган

юзига энди қизиллик югуриб. Мен алиқ олдим. Унинг узатган кафтини енгилгина сиқиб, кўришдим. Қизиқ, қўлқоп киймаса ҳам, қўллари илиққина. Буни муз қотган панжамга иссиқлик югурганидан сездим.

— Аҳволинг тузукми? — дедим ҳаммасини билиб, кўриб турсам ҳам.

— Яхши, — деди у.

— Айни дамда нимани хоҳлайсан? — ўзимни дунёдаги энг буюк сеҳргардек ҳис қилиб, унинг барча орзу-истакларини рўёбга чиқаришга тайёр туришни кўрсатгим келди. Биламан, кўп нарсаларга қодир эмасман. Муъжиза яратиш ҳам қўлимдан келмайди. Башарти, у учун тоғни кўпоришга, денгиз сувини қуритишга, ҳув осмондаги ойни ҳам олиб беришга тўғри келганда пилдирпис бўлмайман-ку? Нимадир қилиш қерак.

— Нимани хоҳлайман? Ҳмм... — бир муддат жим қолди у. Наздимда, дилидаги орзулардан бирини танлай бошлади. Кўзлари атрофга зийрак боқди ва бирдан ҳушёр тортди. Мана шу сўзлар табиат ўзи ранг берган ва бичган бежиримгина лаблари орасидан учиб чиқди:

— Ҳув анави тиланчининг қорнини тўйғазишингизни истайман. — Кўчанинг нариги тарафидаги кичкина дорихона эшиги тагида мунғайибгина ўтирган, кийимлари жулдур, афт-ангорини соқол босган чолга имо қилди у. Мен енгилгина ҳуштак чалиб юбордим.

— Бор-йўғи шуми? Майли, бу хоҳишингдан ташқаридаги тилак бўла қолсин. Энди ўз тилагингни айт.

— Аввал айтганимни қилинг.

Унинг қайсарлиги менга беш қўлдай аён. Хоҳишига қарши бориш бенаф. Неча марта уриниб кўрганман. Уддасидан чиқа олмаганман. Аммо ҳеч қачон эзуликдан ўзгасини ният қилмайди.

— Майли, шу ерда тура тур, ҳозир келаман.

Мен уни шу жойда қолдириб, кўчанинг нариги тарафига ўтдим. Аввал қатор тизилган дўконлардан бирига кириб, иккита кулча, бир стакан қадоқланган қаймоқ, шарбат ва озроқ пишлоқ харид қилиб, тиланчининг олдига бордим. Елим халтачага солинган харидларнинг ҳаммасини унинг қўлига тутқаздим. Тўрт-бешта нонга етгулик пул ҳам бердим. У титроқ турган қўлларини ҳовуч қилиб, мўл-кўл дуо қила кетди. Сўнг изимга қайтдим. Аммо не кўз билан кўрайки, хоним турган жой бўм-бўш. Қуённинг расмини чизиб юборибди. Бу қайси йигитга ҳам ёқарди? Айтинг-чи? Жаҳлим чиқиб, ғазабдан нима қиларимни билмай турганда қўл телефоним куй чалиб юборди. Телефон тугмачасини босиб, қулоққа тутдим.

— Аямнинг мазаси қочибди. Ҳозиргина синглим телефон қилди. Уйга шошяпман.

— Йўлдамисан?

— Ҳа.

— Мен ҳозир...

— Йўқ! Ўзим.

У доимо шундай, ўжар. Бировнинг ёрдамига ҳам муҳтож эмас. Гарчи вазият шу ҳолни тақозо қилса ҳам қабул қилмайди. Бир тарафдан шу маъқулдир. Яна ким билсин?

Мен телефонимни чўнтагимга тикдим. Ногаҳон кўчанинг нариги тарафида, ҳозиргина олдидан қайтганим — тиланчига кўзларим тушди. У мен берган егуликларни зўр иштаҳа билан еяётганди. Дам-бадам олдидан ўтиб-қайтаётган йўловчиларга қараб ҳам қўярди. Шу он кўнглимдан шум фикр ўтди: «ҳаммасига шу шумқадам сабабчимасмикан, исқирт». Уни ёмон кўриб кетдим.

Биз бир ҳафтадан сўнг, хонимнинг аяси тузалгач, яна учрашдик. Тагин ўша жойда. Бу гал ҳаммаси рисоладагидек ўтди. Йўтал ҳам тўхтаган, ортиқ безовта қилмаётганди. Шу атрофдаги ошхоналардан бирида тушлик ҳам қилдик. Негадир бу гал мен ёмон кўриб қолган тиланчи кўринмасди. У танда қўйган жойи — дорихона эшиги тагида йўқ эди. Шу ҳақида хонимга сўз қотгандим, унинг жавоби мени ҳайратлантириб юборди.

— Тиланчини аям даволаниб чиққан шифохонада кўрдим. Дарвоза тагига ўрнашиб олибди. У мени ҳам, аямни ҳам дуо қилди, — сўнг жилмайиб қўшиб қўйди, — сизни ҳам.

Энди ақлим етгандай бўлди. Дорихона, касалхона... Асл муъжизани шу тиланчи яратмаганмикан?

ЙЎЛОВЧИСИ ЙЎҚ БЕКАТ

Осмон тўқ симоб тус. Аччиқ изғирин турган. Шамол симёғоч симларига «лаб» уриб, «виз-виз» куй таратади. Ўта ғамгин, кўнгилни музтар этадиган куй. Мен бекатда тобора сийрак тортиб бораётган йўловчилар қаватида туриб автобус кутяпман. Ҳадеганда келавермайди. Оёқларимни галма-галига депситиб, кафтларимни «уҳ»лайман. Оғзимдан чиққан ҳовур бир тутам бўлиб кўкка кўтарилади-да, кейин ҳаво бағрини ёриб, сингиб кетади. Бир нафас илиқлик туйган қўлларимга изғирин тагин игнасини санчади. Пўстинимнинг оҳори кетиб, чўнтаклари авра-астарсиз қолган. Қўл суқиш бенаф. Ўра оғзига чўп суққандай гап. Қўнжи калта этигим ҳам юпқа. Совуқ шувиллаб кириб, оёқларимни чимчилаб оляпти. Ҳарна бошимда сувсар телпак бор. Пўсти тўкилиб, териси ярқираб қолган бўлса-да, бошимни аёздан пана қиляпти. Чорак соат деганда узоқ-

дан автобус нишона беради. Мен қувонаман. Қўлларимни бир-бирига уриб, ишқайман.

Умид. Мана шу туйғунинг борлиги ҳам кишига қувват бахш этаркан. Ниманидир умид қиласан, кутасан. Ана шу нарсага тез фурсатда эришмаган тақдирингда ҳам барибир охири хайрли тугайди-ку?

Мен «қаппайган» автобусга аранг илиниб олдим. Эшик олдидан жой теккани учун ҳам омонат турибман. Салон одамга лик. Автобус тутқичларида сон-саноксиз қўллар: нозик, бақувват, майда, катта... Ўриндиқдаги йўловчиларга маза деб бўлмайди. Улар томон тутқичга қўли етмай аранг турган йўловчилар оғиб кетиб, кўнгилларини хира қилади. Аммо-лекин миқ этишмайди. Негаки, бу автобус. Оёқ қўйишга жой бўлмагандан кейин тушуниш мумкин. Нигоҳим яна кезишда давом эта туриб, туйқус қизил қалпоқча кийган қизга қадалади. Қаллиғим ишдан қайтяпти. Юрагимга илиқлик югуриб, хурсанд бўламану, аммо... бирдан шартта терс ўгириламан. Юзим автобус дарчасига тегай-тегай дейди.

Бўлажак турмуш ўртоғимга шу тобда кўринишим, бу абгор аҳволда дуч келишим дуруст эмас. У билан аллақачонлар муносабатга киришган, бир-биримизнинг меҳр ва муҳаббат ришталаримиз тугунланган бўлишига қарамай, бу нораво жой ва вазиятда учрашишим, кўзларига кўз тикишим уятли. Кўнглимга тугдим: «Галдаги бекатда албатта тушиб қоламан». Шундай бўлди ҳам. Шимим чўнтагига қўл суқиб, йўловчиларни чорлаётган паттачи болага беш юз сўмликни чўздим, бурилиб орқамга қарамай жадал қадам босдим. Автобус кўп тўхтамади. Кетди. Мени яна ўша изғирин, заҳари тоб берадиган совуқ бағрига тортди. Бекат йўловчисиз, бўм-бўш. Атрофга олазарак нигоҳ ташлайман. Бир жон

кўринмайди. Қишнинг совуқ, захтортар бу ҳавосида калласи бор одам нима қилсин?! Гоҳ-ногоҳ шамолнинг аччиқ ниналарига тоқат қилолмаган қўлларимни шимим чўнтақларига тиқиб оламан. Чўнтақларим бўм-бўшлиги ногаҳон хаёлимга келди-ю, рангим қордай оқариб кетганини фавқулодда сездим: ахир, бор-йўқ минг сўм пулим қолгани, уни автобус учун асраётганим, шунинг учун ҳам мана бу қора совуқда кира қилмай, бор азобга дош бераётгандим-ку? Азбаройи қаллиғимга пул тўлай олмаганимни англаганим учун ҳам манзилимга етмай туриб, йўлда тушиб қолмадимми?

Мен аро йўлда қолган эдим. Ҳозир «такси» тўхтатиб, унда уйимгача боришим, ўша ернинг ўзидан ҳайдовчига кира ҳақини тўлашим мумкин эди. Аммо уйда ҳозир ҳеч бир зог йўқ. Икки кун аввал уйдагиларнинг ҳаммаси қўшни тумандаги қариндошимизникига кетишган, ҳамсоялардан шу пайтга қадар қарз олмаганман, бордию «такси»ни кўрсатиб, қарз кўтарсам, кулгига қолишим тайин эди. Андишам бор. Доим қаппайган чўнтагим бугун бўм-бўш эди. Эрталабки воқеани эса эслашни хоҳламайман. Умримда пул ўғирлатмаган одам бугун шип-шийдам бўлиб ўтирибман. Мен ортиқ ўйлаб ҳам ўтирмай йўлни орқага бурдим: ишхонага.

Бу тунни ўша ерда қоровул билан ўтказаман. Бир кун минг кун эмас. Эртага яна ҳеч нарса кўрмагандай уйимга қайтаман. Ўша ернинг ўзида ҳамкасбларимнинг биридан қарз оламан.

Бир бекат йўлни пиёда босиб келгунимча кулоқларим шолғомдай қизариб, кўзларим «пахтаси» нақ сувга бўкди.

Қоровул амаки шинаванда одам. Иссиққина хонасида қайноққина чойни хўриллатиб ўтирган экан.

Мени уйчасининг деразасидан кўрибоқ пахтаси астаридан чиқаёзган тўнини устига ташлаб, чиқиб келди.

— Э, укагинам, мошиндан қоп кетдингми? Тезроқ уйчага кир, қайноқ чой бор.

Қоровул амакининг хонасига кирганим ҳамон танамга қон югурди. Бир пиёла чой ичимни гуриллатди.

— Майлими телефон қилсам?

Амаки бурчакда, эски тумбочка устидаги русмдан чиққан телефонга имо қилди.

— Салом, яхшимисиз?.. Ҳа, ишхонамиз телефони бу... Ўзимники қуввати тугаганди. Бугун биз томонларда кўрингандай бўлдингиз? (жўрттага сўрадим) А... ишингиз. Ҳа-а... Менми, тузукман? Яхши, аҳволим дуруст. Ўзингиз-чи? Қалпоқчангиз бирам чиройли эканки, худди қизил қалпоқчани эслатди. Майли, омон бўлинг...

Мен қаллиғимга ёлғон гапирдим. Пихини ёрган кисавур пулимга қўшиб, сотиб олганимга ҳали бир ой тўлмаган қўл телефонимни ҳам ўмарган эди.

— Ма, яна бир пиёла чой ич, ўзингга келасан.

Мен қоровул амаки узатган бир пиёла чойни «ўзимга келиш учун» эмас, шу бугунги омадсиз куним аламини босиш учун оғзим куйсаям қайноқ-қайноқ ичдим.

БУРЧ ВА САДОҚАТ

Йигит қизнинг офтобда товланаётган силлиқ сочларига қўл югуртирди. Сўнг шимининг чўнтагидан алланима чиқариб маҳбубасининг кафтига тутқазди:

— Менгаям ёзиб тур, — деди шивирлаб.

Қиз бош ирғади.

— Эсон-омон бориб келинг. Бурчингиз ахир, — шун-

дай деди-ю, нохос лаблари титраб кетди. Кўзларида ёш қалқиди.

Поезд ўрнидан қўзғалди.

Йигит сўнгги журъатиға эрк берди-да, югуриб вагон зинасига кўтарилди. Бор товушича хитоб қилди:

— Сени севама-а-а, мени кут!

Қизнинг олов олган пуши ранг лаблари қип-қизарган, кўзлари ажиб манзараға дуч келиб илкис ундан ажралгандек мунгли ранг тортган.

Поезд бора-бора кичкинагина нуқтаға айланди. Маҳбуба огир хўрсинди. Туйқус қўлида нимадир борлиги эсига келиб, шошиб қаради: букланган хат.

У перронда анча вақтгача серрайиб турди.

* * *

Поезд пишқирган кўйи тунни қоқ иккига бўлиб кетиб боряпти. Вагонларда чироқлар ўчиқ. Йўловчилар уйкуға чўмган.

Йигит ҳали ухлаганича йўқ. Қўлларини ёстиқ қилиб, шифтга термилиб ётибди. Айни дамда кўнглида ҳам ҳаяжон, ҳам ҳадик, ҳам алам ин қурган.

У беихтиёр қалбига кулоқ солади: «Бир йил нима деган гап? Ўтади-кетди. Кейин тўй қиламиз. Уни оппоқ либосда кўришни шунчалар орзу қиламанки...»

* * *

Қиз мактубга икки сидра кўз югуртириб чиқди. Юрагида тўлиб-тошган ширин туйғулар ҳаяжонга солди.

«Қандай яхши, «азизим» дебди, «жонгинам» дебди. Бу сўзларни илгари айтганмиди? Йўқ. Балки айтгандир. Жинни. «Севаман» деб жар солишини-чи? Одамлар олдида... Ер ёрилмади-я. Уф-ф, бир йил... вақтнинг имиллашини-чи?»

Шу кеч маҳбуба ҳам ширин ўй-хаёлларга банди бўлди.

* * *

Икки ҳафта тўлар-тўлмас йигит маҳбубасидан мактуб олди. Оғзи қулоғида. Хатни такрор-такрор ўқиб, ёдлаб олган. Айниқса, мана бу каломларни интонация билан айтади, худди шеър ўқиётгандек:

«Менинг мард аскар йигитимга соғинчли юракдан саломлар!

Йигитлик бурчини ўтаётган ул арслон йигитга доимий муҳаббат ёр бўлишини тилаб...»

Ошиқнинг ҳамроз-ҳамроҳлари юрагига ўт тушади. Унга ҳавас ва яна ҳасад-ла тикиладилар. Ким билсин, уларнинг ҳам кўз остига олганлари бордир?

* * *

Қиз ошиғидан тагин хат олди. Икки дона расм ҳам. Хатни узундан-узоқ ёзибди. Нақ дoston дейсиз. То ўқиб битиргунча терлаб кетди, шўрлик. Ногоҳнигоҳи расмларга қадалгач, юраги ҳаприқиб кетди унинг.

Нақ Алпомишнинг ўзи. Ҳарбий кийим шундай ярашиб турибдики, тикувчи уни шу туришида устида бичиб қўймадимикан, деган хаёлга боради киши. Фуражкасичи... Мана-ман деган йигитнинг ҳавасини келтиради.

Жилмайиб тушибди. Кўзлари худди чироқ шуъла таратаётгандек, кўзларни қамаштириб юборади.

Қиз туриб-туриб расмни телбаларча бағрига маҳкам босди. Лаблари орасидан майин сўз сирғалиб чиқди:

— Севгилим!

* * *

Йигит туш кўрди. Куёв кийимида эмиш. Ёнида маҳбубаси оппоқ либосда гуркираб турибди. Севинганидан нукул жилмаярмиш.

Куёв келинчакни чимилдиққа кўтариб олиб киргани ҳамон манзара тўзиб кетди. Кўзини очса, казармадагилар тапир-тупур кийинишга тушишган. Миясига урилган дастлабки фикр шу бўлди:

«Уйдагилар боришдимикан, айтиб қўйгандим...»

* * *

Қиз пинҳона байрам қилди: аскар йигитдан совчилар келди.

* * *

Йигит фотиҳасини нишонлади. Аскар дўстлари билан қадаҳ чўқиштираркан, кўзлари сузилиб кетарди. Уйидан келган совға-саломлардан биттасини ажратиб олди. Қийиқча гирдига кичик ҳарфларда исми битилган экан.

ҚОРА ШАҲЗОДА

Айвонга кираверишда, сўл томондаги бурчакда чиройли гулқутида барглари дағал, шапалоқдай-шапалоқдай, тўқ яшил, тиккага ўсиб, тарвақайлаб кетадиган бир хонаки гулга кўзингиз тушади: қора шаҳзода. Қизиқ, нега шундай аташар экан-а? Барглари шапалоқдек бўлгани учунми? Ё тик ўсиб кетганими? Гоҳ қора, гоҳ тўқ яшил тусга кириб товланиши учунми-кан? Билмадим...

Сўнгги курсни битирар чоғим, янги йил киришига беш кун қолганда таваллуд кунимни нишонлаётгандим. Курсдош ўртоқларим ва қизлар келишганди. Ўшанда курсдош қизларга қўшилиб у ҳам келганди. Келмаганида бу ҳадя бўлмасди, эҳтимол. Ўшанда сизга айтиб бермоқчи бўлганим — ушбу ҳикоя ҳам дунё юзини кўрмасди балки. Ҳадя бошқалар тухфалари ичида энг қадрлиси бўлиб қолди. Ҳа, қора шаҳзодани менга малика берганди. Мен кўнглим гулини эркалаб шундай атардим.

— Бу сизга, — шундай дея юзидан табассумни сидириб ташлаб бўлмайдиган қиз ўртача косадай келадиган гултувакни узатди. Ўшанда икки-уч япалоқдай баргдан иборат эди бу гул. Бўйи икки қарич ҳам чиқмасди. — Қора шаҳзода.

— Шаҳзода деганингиз-ку, маъқул. Лекин нега энди қора? Ахир, қораманми? — дедим ажабланиб. Шу гапимни айтар-айтмас унинг юзига табассум ёйилди.

— Нега куласиз? — янада ҳайрон бўлдим мен.

— Мен сизни демадим. Манави қўлимдагини айтдим. Олсангиз-чи, қўлим узилиб тушади ҳозир, — деди у чийиллагудек бўлиб.

Соддалигим қурсин, уни малика деб чақириб юрганим учунми, жавобан мени шаҳзода деяпти чоғи, деб ўйлабман. Бўш келмадим барибир.

— Каминани шаҳзода десангиз ҳам, бирор ерингиз камайиб қолмасди...

— Ёқмай қолсин, — деди у аллақандай эркалик билан.

Бизни атрофдагилар кузатиб турган экан (севишганлар нақ кўз устида дейишади-ку). Туйқус курсдош ўртоқларимдан бири шифт кўчиб кетгудай қилиб чапак чалиб юборди:

— Шаҳзода! Малика бор жойда шаҳзода ҳам бўлади-да! — деди у гапни ёғлиққина қилиб. Сўнг бирдан шуни эълон қилди-қўйди: — Ўртоқлар, бугундан бошлаб Азиза маликамиз, Қодир эса шаҳзодамиз. Хуллас...

— Бунга қолса, ҳозир тўйни ҳам нақд қилиб юборадим, — вайсади кимдир.

— Ҳа, нима қипти? Келин ҳам, куёв ҳам ўзимиздан бўлса. Уят жойи борми?

Фаросатига чипқон чиққан, бу ўртоғимнинг юзинг-кўзинг борми демай ҳар гапни сочиб юборадиган бе-маза одати бор эди. Аммо мана шу ерда у ёқиб тушди. Қучоқлаб раҳмат дейишдан ҳам тоймасдим, агар уятга ўрин бермаганимда.

Азизага зимдан қарадим. Уятдан қизариб кетган, кўзларини қаерга яширишни билмай безовталанарди, бечора. Менинг ҳам тилимга бутов солинганди чоғи, акс сўз айтишга бирор сўз тополмадим. Нима ҳам дердим. Ўтироз билдириб бўлмайди, рағбат қилишга эса андиша йўл бермайди. Шундай пайтлар бўлади, одам сўзлашга бир сўз тополмай каловланиб қолади. Мана шу нобоп вазиятда қолгандим мен. Аммо шу тоб мен яна бир нарсани, қўлимдаги кўримсизгина гул — қора шаҳзодани ҳам яхши кўриб кетдим. Қалин, дағал, энли барглар нафис, нозик ва ёқимтой туюлди менга. Гарчанд кўз қувнатгулик манзара бермаса-да, негадир кўзларим қувнаб, яшнаётганди. Биз — ошиқ-маъшуқларнинг хижолатпазлигимизни аритиш учунми ё кўнгил шуни истадими, кимдир шу тоб шўх мусиқа қўйиб юборди. Ҳамма жонланиб қолди. Тадбирнинг бу ёғи ўйин-кулги, рақсга уланиб кетди. Мавзу ҳам ўзгарди.

Эртаси кундан бошлаб эса қора шаҳзода сабаб бутун факультетда мен «шаҳзода»га айландим. Ўзим учун малика бўлиб юрган Азиза эса энди курсимизнинг ма-

ликаси бўлиб қолди. Шу-шу, биз бир-биримиз учун шаҳзода ва малика бўлиб қолдик. Мен Азизани малика, у эса мени қора шаҳзода деб чақиришни одат қилдик. Кейин...кейин эса бу умрлик одатга айланди. Мен кўнглим гулини малика деб эслайдиган бўлдим. У ҳам назаримда каминани шаҳзода деб хотирласа керак. Менимча, шундай.

Ҳамма севишганлар ҳам бир-бирининг висолига эришавермас экан. Гарчанд кўнглимиз кўнглимизга мос келса-да, юлдузимиз юлдузимизга тўғри келмади. Бизга бахт ўгайлик қилди. У ўзгага, севмаган, севишни раво кўрмаган етти ёт йигитга тегиб кетди. Тақдир олдида ҳамма ожиз...

Одамнинг айтгани бўлмас экан, пешонага ёзилгани, тақдирга битилгани бўлар экан деб бежизга айтишмаган. Маликам пешонамга битилмаган экан.

Ўқишни битирганимизга, шафқатсиз ҳаёт бизни кўнгилнинг ўзга-ўзга кўчаларига бошлаб кирганига ўн йилдан ошиқ вақт ўтди. Бу орада қора шаҳзода унди, ўсди. Шохлари йўғонлашиб, тарвақайлаб кетди. Барглари кўпайди, йириклашди. У ўзининг кичкина гултувагига сиғмагани учун катта гулқутига кўчирдим. Ҳозир дераза токчасида эмас, айвоннинг офтобшувок бурчагида турибди. Ҳар кўз тушганида қора шаҳзода гўё маликадан — севгилим Азизадан сўз айтишга чоғланади. Мангу севгидан сўзлайди бу гул.

НОМУС ВА МУҲАББАТ

Жувон кун бўйи ичкарида қамалиб ўтирди. Кеча оқшом ишига чиқмади. Умрида илк бора. Айни дам унинг сукунат билан тиллашаётган юраги уйғона бошлаган аллақандай ёт, оғриқли туюмларга лиқ ҳиснинг

исканжасида музтаргина бўлиб қолганди. Бора-бора қаттиқ сиқувга олаётган, шафқатсизларча сўнгсиз оғриқлар индираётган аламли азоблар ўз-ўзидан қандай дўнди?

Нима учун?

Гуноҳ... тил тан олмайди, у эса алаққачон гуноҳга қоришиб битган.

Мана шу шоҳона уй, билагу бўй-гардонни тиллага кўмиб ташлаган ял-ял тақинчоқлар, савлат тўкиб турган анави «Nexia» кўчада шундоққина ташлаб қўйилганмиди. Шамолдек елиб келаётган Амриқонинг кўзни ўйнатгулик пуллари... осмондан тушяпти-ми?

Йўқ!

...Дўндиқ фаранги атирнинг ифори уфуриб турган хушбўй вужудидан сархуш бўлаёзган кўйи тўшакка ястаниб ётарди. Одатий лаззатни туйган бўлиб (ширин хаёлларнинг асираси эди шу тоб) ўзига яна бир қур разм солди. Тўшак каравот ёнидаги тумбочкадан юракнусха кўзгуни қўлига илиб, ўз жамолига суқланиб қаради. Ним илжайди. Зебо чеҳраларини кўз-кўз қилаётган, ойдай париталъатни акс эттираётган кўзгу унинг диққатини ўғирлади. Шунақа. Ҳар гал тўшакка сингиб кетишдан олдин кўзгуга ўзини солиб кўради. Жамолининг жодуси ўз-ўзини сеҳрлайди. Айни дам эшик сассиз очилиб, аллақандай шарпа нималарнидир шитирлата бошлади. Туйқус кўзи тушган жувон галдаги мижознинг шошилиб ечинаётганидан — эҳтирос ўйинларига бетоқатланаётганидан сархуш жилмайди.

— Қоматданам берибди худо, — йигитнинг хушқаду хушсувратлиги мусаввир чизган мукамал гузал сурат даражасида эдики, дўндиқ бунга тоқат қилолмай юра-

гидагини ошкор қилди-қўйди. Мижоз ҳали унга қиё боқмаган эди. Эғнидаги кўйлагининг тугмаларини бўшатаётиб, хушомад қилган танфурушга илкис назар ташлади. Назар ташлади-ю, фавқулодда эси оғган одам кўйига тушди. «Ё қудратингдан, синглимга бир томчи сувдек ўхшаркан-а», хаёлидан ўтди унинг. Жувонга тикилди-тикилди-да, сўнг кўйлагининг тугмаларини қайта қадаб, ечган костюмини эғнига илди.

Танфуруш мижозининг бу ногаҳоний қилиғидан ажабланиб, ошкора хохолаб юборди:

— Сени эркак деб ўйловдим, — қитиғига тегмоқчи бўлди. Айни дам олов бўлиб турган шу йигитнинг олдида эришни, яйрашни дил-дилдан истаётганди.

— Сен эса... сен эса... — нима дейишни билмай, гапини буткул йўқотди йигит. Сўнг ҳушини жамлаб олди шекилли, нишонга тегадиган ўқдай қилиб:

— Сени синглимдай кўрдим, — деди. Жувон бунга парво қилмади. Тушакдан сирғалиб тушди-да, қад ростлаб, тумбочка устидаги сигарет қутидан бир донасини олиб лаблари орасига қистирди. Омонатгина тортиб қўйган халати камарини хиёл қисиб боғлади. Сўнг чўнтагидан ўт ёқгич чиқариб чакди. Сигаретани бир-икки ичига тортиб, роҳатланди-да, тутунини киборларча шифт узра қўйиб юборди. Тутун буралиб-буралиб, тўзиб кетди.

— Синглинг эсингга тушдими? Мана шу ерда-я? Тағин мени кўрганингда-я, — у нописанда илжайди. Кейин аччиққина сўз тилига тошиб чиқди: — Синглинг мендай бўлса нима қилардинг...

Йигит юрагига муз теккудай бўлди. Қўли ҳаво узра шаҳд кўтарилди-ю, кафти ёйилиб муаллақ қолди. Лаблари асабий титраб, нигоҳи ўктамона чақнади.

Бироқ лом-мим демай турди-да, эшик томон шитоб-ла юриб кетди.

Жувоннинг юрагида аччиқ довул турди. Ҳеч қурса, сўккандаям майлийди, бунчалар эзилмасди. Нигоҳичи... кўзлари дов бермади-я. Юракка илк бор етти ёт ҳис оралади.

...Жувон умрида илк бор «касби-кори»дан ҳазар қилди. Хўрлиги келди. Биргина мана шу сўз бутун дунёсини остин-устун қилиб ташлади. Ахир, фоҳишани «синглим» дейишга ким ботина оларди. Ким журъат қиларди бунга. Туйқус жувоннинг руҳиятини чулғаб олган, юрагига юққан аллақандай ҳис ўзга бир дунёнинг манзараларини кашф этмоқда эди.

Жувон бегона туйғунинг аламноқ ва азобли эканлигини шу тоб пайқай бошлаган: бу номасрур аччиқ савдонинг оташноқлигини сўнгсиз оловлар ичра ҳис қилаётганди. Бироқ муҳаббат деб аталмиш пок туйғунинг фақат номус-ла ярашиқлигини, иффати булғаб ташланган бадахлоқ кимса зинҳор-базинҳор бу ойдин йўлкага қадам босолмаслигини ҳали англаб етмаганди.

Жувон юзларини жизиллатиб оқиб тушаётган кўз ёшларини даструмолчаси билан артиб, ўрнидан қўзғалди. Хона бурчида турган телефонга яқинлашиб, гўшакни кўтарди-да, рақамларни терди. Зум ўтмай олдинги шаддодлигидан асар ҳам қолмаган, ўзгача сўниқ ҳолда гапира кетди:

— Сизларга айтиб қўймоқчийдим, энди мен ҳеч қачон у ерга бормайман, боролмайман...

Гўшак жойига илинган заҳоти жувоннинг юзини яна аччиқ кўз ёшлар юва бошлади.

Муҳаббат забт этган юракда номус уйғонганди. Афсуски кеч... жуда кеч.

МУҲАББАТ МУЎЖИЗАСИ

У тошойна олдида узоқ туриб қолди. Гўё ўз акси билан суҳбатлашаётгандай, ўз аксига боқиб неларнидир уққандай бўлди, чамаси. Ҳа, кўп кўргуликларга гувоҳ бу кўзгу унинг синиққан нигоҳи-ю, салқи тортиб, тобора мазмунликдан мосуво бўлаётган қароғларини, чирой батамом сидириб ташланган чехрасидаги сўниқларни сўзсиз ифодалаб бераётганди.

Аёл ўз сувратига қараб туриб, кўнглида сўниб бораётган ҳаёт нашидасини ич-ичидан ҳис қилди. Қароғларини ёриб чиққан бир жуфт томчилар силлиқликдан асар қолмаган яноқлар узра думалаб, жиз этиб куйдириб юборди. Шиддат-ла оқара бошлаган соч толалари эса ҳали ўттиз баҳорни-да қаршиламаган, бу бояқишнинг ўтинга айланиб қолганини «сўзлаб» бераётганди. Аёл навжувон бўлса-да, сиртдан бир разм солганингиз заҳот ошини ошаб қўйган кекса аёл сингари кўзга ташланарди. Ҳолбуки, у эндигина йигирма тўрт баҳорни қаршиламоқда эди.

Қалбини музли туйғулар исканжага олиб, сиқаётган, бутун вужуди узра совуқ эпкин таратаётган нарса кун сайин кучайиб бормоқда. Бу уни шафқатсизларча қийнаётган, руҳиятини қарахтликка, жисмини ўтга ташлаган қийноқ — бепуштлик.

Мана шу хонадонга келин бўлиб тушганига беш йил тўлибди. Беш йилдирки, на ичиш-ейишида, на кийишида ҳаловат бор. Эртаю кеч эрининг қовоғига кўз тикиб ўтиради. Кечагиси ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Тўшакни ҳозирлаб эрини ётоққа чақирди. Эр мум тишлаб олган, хотинининг ҳар бир лутфу карами-ю, мулоза-

матига совуққина нигоҳ ташлар, ақалли бош қимирлатиб «ташаккур» дейишга рағбат қилмасди. Бу гал ҳам одатдаги ноахлоқий анъанани давом эттиргудек бўлиб сас-садосиз ётоққа кириб келди-да, чироқни ўчириб, тушакка йўналди, сўнг терс ўгирилиб олди.

Унинг хўрлиги келди. Пиқиллаб юборди. Дилидаги тилига кўчди:

– Жавобимни беринг бўлмаса, бунча қийнайсиз...

Эрдан тагин садо чиқмади. Кўрпани бошига қадар тортди.

Жувон муҳаббат қоришиқ оила абадий бахтли бўлади, деб ўйлаганди. Бекор гап экан. Муҳаббатдан-да улўғ, қадрли яна бир туйғу бор экан. У буни вақт ўтган сайин янада теранроқ ҳис қила бошлади. Ахир, бор жону жаҳонини бир-бирига туҳфа этган иккчи ёрнинг қисмати охир-оқибат таназзулга юз тутса...

Эҳ-ҳе... бир-бирининг кўнглини ўғирламагунча, бир-бирига жону жаҳон туҳфа этмагунча ошиқлик қайда эди, маъшуқлик қайда эди. Лекин бир-бирисиз туролмай ўксинган кўз ёшлардан шалаббо бўлган ёстиқлар, тунда ойга айтилган сир-асрорлар чин севгининг ботиний манзараси, нашидаси эди-ку. Ахир, муҳаббат нури ишғол этган дилларда уна бошлаган ҳаёт ўзгача завқ, шуур тарала бошлагани ҳам ҳақиқат эди-ку?! Висол оқшомининг тотли нашидаси, ўтли сурурга тўла кечанинг серфайзлигини мана шу порлаб, шуъла сочаётган ой айтиб берсин. Бари чин муҳаббат йўлида содир бўлмагандими? Мана... мана бу кўзгу барига шоҳид. Ишқ юлдузлари юракларга тақилган кечада шу ойна порлаб, жимирлаб кетгани, наҳотки, ёлғон бўлса?

Эҳ! Аёл мийиғида кулиб қўйди. Сўнг пичирлади: «Сенсиз туролмайман, жоним», «сенсиз ҳаёт қоронғи», «сенсиз ҳаёт қоронғи...»

Унинг овози бир парда кўтарилди: «Сенсиз ҳаёт қоронғи». Недир миясига лоп этиб урилди, хона тўридаги жавонга шитоб-ла яқинлашди-да, тортмачаларни шарақлатиб очиб, ичини титкилай кетди. Иккинчи тортмачани очган заҳоти қўлига аудиокассета илинди.

Бир оздан сўнг хона узра оҳанраболи сас таралди:

«Сенсиз ҳаёт қоронғи, менга, жоним», «Жоним»...

Мўъжазгина магнитофондан таралаётган жонни куйдиргулик бу ишқваш сўзларни бир вақтлар унинг ўзи эрига сездирмай ёзиб олганди. Мана беш йилдирки, қалбдан отилиб чиққан оташ бу сўзлар ҳамон сўнмай, такрор-такрор жарангламоқда.

Аёл ҳушни олгулик жодули сўзларга берилиб, анча вақт ўтганини сезмай қолди. Миясида чарх ура бошлаб, тинимсиз ловуллаётган ўйлар уни анча қарахт ҳолга солиб қўйганди. Бир пайт қараса, кассета чайналиб, лентаси фавворадек отилиб чиқиб кетяпти.

Ана. Бу оташ сўзларнинг умри ҳам шу ерда тугади. Сўнди. Юрагида лов этган бу ўтдан бир санчиб тушди жувон. Кейин... кейин кўникди чоғи, бошқа бу ҳақда ўйламай қўйди. Миясига яшин тезлигида ўй урилди. Бегона ўй. У мана шу етти ёт номувофиқ ўй қобиғида ишга тушди. Нарсаларини йиғиштира бошлади. Шунинг кўнглига тугиб олди: «Кетаман. У бахтли бўлиши шарт. Фарзанд кўриши керак».

Жувон ҳали ишга киришмаган ҳам эдики, туйқус ташқи эшик кўнғироғи жиринглаб юборди. Гавдасини зўр-базўр кўтаргудек бўлиб эшикка йўналди. Эшик очилган заҳоти эрининг кулимсираб турган чеҳраси алланечук ҳисларга қориштириб юборди кўнглини. Бир ажабланди, бир ғаш келди. Ҳозир қандайдир воқеа, фавқулодда ажиб мўъжиза рўй бергудай эрига тикилди:

— Тинчликми, ишдан вақтли келибсиз?

— Нурободда зўр табиб бор экан. Унга учраган борки, шифо топаётганмиш. Ўртоғим айтди, эй, саккиз йил деганда биттаси ҳомиладор бўпти. Одамлар уни авлиё, дейишяпти. Нега анграясан? Кийимингни алмаштириб чиқ. Ҳозироқ йўлга тушамиз.

Жувон эсанкираб қолди. Ўнгими, туши? Бир асрдан бери (унга шундай туюлаётганди) худонинг зорини қилиб, битта тирноқ ёлвориб сўраганлари тангрига етиб бордимми ё? О, қанийди...

Эр дабдурустан хотинини қучоқлаб олди. Сўнг қулоғи солинчагига қайноқ лабларини теккизиб, шивирлади: «Сенсиз ҳаёт қоронғи менга, жоним».

* * *

...Орадан бир йил ўтар-ўтмас айни шу хонадонда чақалоқ овози янгради.

Эр ҳам, жувон ҳам одамлар эътироф этган валий табибнинг хитобини туйқус эсга олдилар: «Муҳаббат — тангри берган неъмат. Уни увол қилмаганларга Яратганнинг мукофоти бор».

КИНО

Ёмғир шаррос қуйиб юборди. Панага ўтдим. Сувга бўкиб, ивиб кетишдан қўрққан йўловчилар ҳам ўзларини мен турган жой — кинотеатр айвончасига уришди. Четдан назар солганда одамлар чипта харид қилиш учун навбатда туришибди, дея ўйлашингиз мумкин. Ҳолбуки, чипталар сотиб бўлинган, касса дарчаси ёпилиб, кино ишқибозлари ичкарида фильм томоша қилишаётганди.

Тез-тез соатимга қараб қўяман. Кино бошланганидан чорак соат вақт ўтган, мен эса асабийлашишдан нарига ўтмайман. Энди чинакамига жаҳлим чиқа бошлаганди. Кеча телефон қилиб тайинлаб қўювдим. У ҳам шуни кутиб турган эканми, осонгина розилик берди.

Ўзи айни ҳиндча кинонинг жинниси. Қайда ҳиндча кино намоиши бўлса, дарров этагимдан тортади. Бу гал ташаббусни мен қўлга олгандим. Шундай суюниб кетди, шундай суюниб кетди, ўлай агар, унинг ширин жони кинога боғлиқ, деган аҳмоқона фикр урилди миямга. Кейин учрашув жойини мўлжаллаб олдик. Даставвал, ишхонасидан олиб кетмоқчи эдим. Кўнмади. Бошлиғининг ошиқ-маъшуқларга тоби йўқ эмиш. Қайдаки қўлтиқлашиб юрган йигит-қизга кўзи тушса ўз-ўзидан жини қўзиб кетармиш. «Нима, хотинига севмасдан уйланганми», деб сўровдим, пиқиллаб кулиб юборди. «Аёли ўзидан беш ёш катта. Онасининг зуғуми билан хотин олган», деди кейин ачингандек бўлиб. Хуллас, уни мана шу «панагоҳ»да кутиб оладиган бўлдим. Аслини олганда ҳиндча киноларга сира ҳушим йўқ. Турган-битгани ғалва. Шу қизларга нимаси ёқади, ҳайронман. Анавинақа жойлари бор-у — дўппослашиши-чи... ичагим узилиб кетай дейди. Қотиб-қотиб куламан. Эй, ҳали мушт тегмасдан ағанаб кетади. Зарбнинг ҳавосига учиб кетади-я. Геракл бўп кет-э...

Аммо-лекин қўшиқлари... уҳ! Юрагингни эритиб юборади-я... Сел-сел бўлиб кетасан. Йиғлатворади-да.

Қани йиғламай кўр-чи, мана-ман деган эркакниям бўзлатмаса, мени ҳар нарса денг.

Бир гал қайси бир кинога тушувдик. Номи эсимда йўқ. Экранда ҳали титр пайдо бўлмай, юрагим бир шу-

виллаб кетдики... мусиқа оҳанглари нуқул мунг таратади. Бош-оёқ ғам-ғусса. Бунақа киноларни кўриб одатланмаган эканман: уялмай-нетмай ҳўнграб юборибман. Ахир, муҳаббат учун курашган севишганлар охир-оқибат ҳаёт билан видолашар экан-да...

Сирасини айтганда кино томоша қилиш ҳам тузук иш. Мисол учун муҳаббат ҳақида фильм кўриб, муҳаббатнинг қадрига етасиз. Жононингизни асраб-авайлайсиз. Бошингизда кўтариб юрасиз. Худди тақдирингиз башорат қилинаётгандай бўлади. Чин. Ахир, ҳаётнинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам муҳаббат эмасми! Севгисиз яшаб бўларканми?

Масалан, мен бир лаҳза бўлсин ҳаётимни севгисиз тасаввур қилолмайман. Нафас оламанки, суюклигимни ўйлайман. Аммо-лекин кино ҳаёт бўлмасанда, барибир, нафи тегадиган нарса. Қулоқ тутинг, сиз ошиқ-маъшуқларга ҳам қор қилиб қолар. Серучрашув пайтимиз эди. Илк маротаба кинога тушдик. Ҳиндча кинога. Олд қаторларга жой қолмай ортагиларга илинибмиз. Зал одамга лиқ. Бир маҳал чироқ ўчиб, ҳайбатли экраннинг юзи ёришди. Фильм бошланиб, томошабинларнинг чакаги ўча бошлади. Ҳамманинг диққати экранда. Бизнинг жонон ҳам пинак бузмай томоша қиляпти. Фақат менгина тўрт томонга аланглаб, оловимнинг ҳовурини чиқараман. Сабрим чидамади. Лоақал кино тамом бўлгунча бирор-бир эрмак керак-да. Ўз-ўзидан шум қилиқлар банди узилиб кетди. Қўлимни завқ билан томоша қилаётган маҳбубамнинг елкасига қўйдим. Кафт-бармоқларим пайпаслагудек бўлиб, унинг елкалари узра майин черта бошлади. У ялт этиб менга қаради-ю, тек ўтиринг, деб яна нигоҳини экранга қадади. Менга бу қор қилармиди — қайтага авжла-

на бошлади. Унинг енгил ва майин титраётган вужуди борлиғимга олов пуркаб юборди. Нозик бармоқлар узра югурган шўхваш, қизиётган қўл омонатгина сиқувга олди. Қулоқ солинчаги томон силжиган лаблар сеҳрли ва айни пайтда жонга олов сочгулик сўзларни шивирлади: «Сени севаман». Айни шу тоб экран тарафдан ҳам шу сўзлар акс-садо таратди: «Сени севаман».

Чорасиз қолган юракнинг дук-дукини бир эшитсангиз эди... Жавоб қайтаришга лол ва мум тишлаб қолган қизнинг қорачиғлари қоронғида йилтираб кетганини бир кўрсангиз эди...

Бол хаёллар сурурини ичкаридан шовуллаб чиққан одамларнинг чуғур-чуғури титиб юборди. Соатимга яна бир қур нигоҳ ташлаб олдим: роппа-роса икки соат ўтиб кетибди. Бу орада ёмғир ҳам тинган, фақат йўлакларда ҳалқоблар юзага келиб, ҳавони намхуш ҳид тутиб кетганди. Наздимда, ҳолимга маймунлар йиғлаётганди-ёв.

Умидни бутунлай узиб, чўнтагимдаги бир жуфт чиптани ғижимлаб-ғижимлаб, ахлат қутичага ташлаб юбордим. Айвон зинасидан пастга тушиб, беш-ўн қадам оёқ босган ҳам эдимки, жуда ҳам таниш майин овоз юрагимни гуриллатиб юборди. Ортимга ўгирилдим.

— Бошлиғимиз қўққисдан мажлис бошлаб юборди, шунга... — бошини хиёл эгиб, айбдорона оҳангда сўз қотди, бизнинг жонон.

Бир чаққонлик билан унга яқинлашдим-да, кескин оҳангда:

— Бошлиғингни... — ичимда сўкдим. Сўнг қўлтиқлашиб шитоб-ла касса томон йўналдик.

Энг сўнгги сеансга фақат иккимизгина чипта сотиб олдик.

МУҲАББАТ ИБТИДОСИ

— Шамоллаб қолманг тагин, — кук шойи чопонни елкаларингга оҳиста ташлаб қўяди «маъбуданг». У томон ўгирилиб, майин жилмаясан:

— Раҳмат, азизим.

— Куп қолиб кетманг, бирпасдан кейин овқат тайёр бўлади.

Меҳри тафти қайноқлигидан сеҳрланиб, бош ирғаб қўясан. У мамнун бўлганча, ошхонага оёқ илади. Шу тобда муҳаббатга таъзим қилгинг келади. Кўнгил кўнгил учун яралганига яна бир бор имон келтирасан. Энтикиб қўясан...

Олди очик, кенг айвоннинг бир устунига таяниб, паға-паға ёғаетган қорга қараб узоқ-узоқ хаёл суришда давом этасан. Ёшликнинг оловли дамларини, дилларни куйдиргувчи мунис лаҳзаларини эслай туриб, юрагинг ҳапқириб кетади. Қувончдан қалбинг яшнаб, кўзларинг ёшга тўлади.

Пағалаб ёғиб, атрофни қуюқ оқ рангга чулғаган оппоқ қорни яхши кўрардинг. (Ҳануз қиш неъматини ўзгача бир иштиёқ билан қарши оласан).

Ўшанда — қишнинг илк кунлари эди. Синфда, дераза олдида синфдош дўстларинг билан қизгин суҳбатлашиб ўтиргандинг. Туйқус ташқарига, ҳовлини бўй-бастича қоплаб, тинимсиз ёғаетган қорга кўзларинг тушди-ю, қийқириб юбординг:

— Уҳ! Қорни қаранглар!

Умрида қор кўрмаган одамдай жўраларинг билан гувиллаб ташқарига отилдинг. Кўзларинг жимирлаб кетди. Бир зумда ҳаммаёқ оппоқ қорга бурканибди.

Юрагинг ўз-ўзидан ҳайқирди: «қорбўрон!». Шунда дастлабки қорни сен отдинг. Ўртоқларинг жўр бўлишди... Кейин аллақаердан қизлар пайдо бўлди. Юз-кўзи, оғиз бурни демай қизлар, йигитлар бир-бирларига қор думалоқлаб отиша кетди. Шиддатли, беаёв бу «ҳужум» айна пайтда мароқли, завқли эди. Сен қорбўронга «севишганлар ўйини» деб ном қўйгандинг. Жўраларинг бундан хохлаб кулиб юборишди.

«Мен ўнта қизга қор отсам, демак, ўновини ҳам яхши кўрарканман-да?» — калака қилганди кўккўз бир синфдошинг. Сен эса ўз сўзингда қатъий туриб олдинг. Фикринг хато бўлса-да, ўзингга маъқул келганди. Чунки сен доимо қорбўронда фақат битта қизни мўлжалга олардинг. Завқланиб, алоҳида бир меҳр билан ёндошардинг бунга. Уни хафа қилишни, кўнглини ранжитишни сира хоҳламасдинг. Кўз қорачиғингдек асрардинг. Бироқ буни у сезмасди. Сездирмасдинг. Уни ёқтиришингни ўзи билмасди. Билдирмасдинг.

У сенинг маъбуданг эди. Кўнглинг маъбудаси.

«Маъбуданг» қалбингдагини англаб етган кун, севишингни билиб қолган дам сен учун бахтиёр кунлар бошланганди. Ўзингни дунёдаги энг бахтли инсон санагандинг. Бундан сархуш эдинг сен.

Ўша куни ҳам қорбўрон авжига чиққанди. Юз-кўзлари қорга пишган; киприклари, қовоқларига қор парчалари ёпишиб қолган йигит-қизлар бу ўйиннинг чўғини аланга олдиришганди. Улар кулишиб, қийқиришиб, қувлашиб қор отишарди бир-бирига.

Туйқус кимдир «вой кўзим» дея кўзларини чангаллади-ю, дами ичига тушиб чўккалаб олди. Барча шу томонга қаради: «маъбуданг»... сенинг «маъбуданг!» Шу пайтгача ардоқланган, асраб-авайланаётган қизга кимдир қор отибди.

— Кечир жўра, мен... мен билмасдан... — газабинг жўшганини кўриб сени мазахлаган, устингдан маза қилиб кулган ўша кўккўз довдираб қолди. Сен у томон ўқталиб бординг-да, оғиз-бурни аралаш зарб-ла мушт тушурдинг. Бурнидан шувиллаб қон оққан қон сурпдай оппоқ қорга тўкилди. Негадир ҳамма бирдан жимиб қолди. Сукутда лол ва ҳайрон бўлиб тикилди барча қиз-йигитлар. Сен эса асабийлашиб, ҳансираб, чукур-чукур нафас оласан. Кейин нима бўлгани кечагидек ёдингда.

Хавотирлангудай бўлиб «маъбуданг» олдига бординг-да:

— Оғрияпtimi? — дея меҳр-ла сўрадинг. У қаддини ростлади-да, ёшга лик қизариб қолган кўзларини сенга қадаб, ўдағайлади:

— Менга ғамхўрлик қилма, эшитдингми? — дея ҳиқиллаб юборди ва синф томон чопиб кетди.

Мулзам бўлганча туриб қолдинг. Атрофдагиларнинг пичир-пичири шундоққина қулоғинг остида янгради:

— Севарканми?

— Ўзинг кўрдинг-ку, юрагидан урган-да!

Сенда аллақандай куч пайдо бўлди. Ён-верингдагиларнинг ўзгача нигоҳи, синфдошларингнинг меъданга теккулик шивир-шивири суяк-суягингдан ўтиб кетди. Шу тобда битмас-туганмас ирода ва яна аллақандай қудрат сени «маъбуданг» олдига чорлади....

Синфга югуриб келганингда партага бағрини бериб, йиғлаб ўтирган севгилинг шарпангдан сесканиб бир ўтирилди-ю, аламли ва яна аллақандай ҳис билан юрагингга баттар ўт қалаб юборди:

— Сени ёмон кўраман! Мен билан бошқа гаплашма! — шундай дея яна юзини партага яшириб олди.

Сен бутун борлигинг олов олиб, унга яқинлашдинг-да, юрагига ўт пуркаб юбординг:

— Сенсиз... сенсиз яшолмайман. Ўлиб қоламан. — Айни дам вужудингда титроқ турди. Товушинг ҳам, бор сўзларинг ҳам титратиб, гуркиратиб юборди унинг дилини. Қалбингда исён кўтарган туйғулар бирин-кетин ўзга қалбга синга бошлади. Сен ўзингни тутиб ту-ролмадинг. Уни... уни илк бора олов бўлиб қучиб ол-динг.

Кўнгилнинг ройишига қарши чиқолмаган дил не-ларнидир унсиз айтмоқда эди. Бу қалбда, ботинда пинҳона кечаётганди...

— Тушлик тайёр, кела қолинг, — туйғун хаёлларинг ошхонадан таралган майин овоздан тўзғиб кетди.

Атрофга боқасан: қорнинг ҳавас уйғотувчи марва-риддек манзараси дилингни яйратади. Яна оташ туйғу-лар, мавжли, жўшқин ҳисларни уйғота бошлайди.

Сен нурафшон ўтмишнинг сеҳрли, мавжли онлари-дан мамнун бўлиб ошхона томон йўл оласан.

Кўнглингда барқ уриб турган севги нашидаси мангу таралиб туришини қалбингдан ҳис қиласан.

ҚОРЛИ ХИЁБОН

Қор паға-паға ёға бошлади. Лайлакқор.

Завқим ошиб кетди. Телбалардай нуқул илжаяман. Болаларча, ҳовучимни энлироқ ёяман. Кўниб улгур-май эриб кетаётган қорга қараб ширин энтикаман.

Дунёни бошимга кўтариб қичқиргим, танамга сиг-маётган сўнгсиз қувончларим, севинчларимни улаш-гим келади ҳаммага.

— Эҳе-ҳе-ҳей!

Айни шу дам ёқимли мусиқа садоси таралди. Ич

чўнтагимдан ярим кафтча-да келмайдиган телефонни чиқариб қулоққа тутаман-да, ҳайратимни ичимга яширолмай, қувончимни изҳор қиламан:

— Салом! Биринчи қор билан...

Телефондан алам қоришган майингина ширин овоз келади:

— Уфф... Яна қувлик қилдингиз-а. Доимо шунақасиз. Ахир, биринчи бўлиб табрикламоқчийдим.

Қаллигим. Яна хафа бўлди. Доим ранжитаман. Нима қилай, қувлик табиатимда бор (йигит киши деган абжирроқ бўлсин-да). Уни юпатмоққа уринаман:

— Жоним, айборман. Майли, бунинг эвазига хоҳлаганингни буюр. Йўқ, тўхта, ҳозироқ олдингга учиб бораман. Ясаниб тур, чиройли бўлиб, — шундай дея, телефонни ўчириб қўйдим — бу таклифимга унинг фикрини ҳам сўраб ўтирмай. Ахир, эр киши хотинига ўз сўзини ҳозирдан ўтказмаса, унда оиланинг бошини тута оладими?!

Бир зумда чақмоқдай бўлиб кийиниб чиқдим-да, «Нексия»ни пича қизитиб, сўнг гуриллатганча севгимнинг олдига шошдим. Гуппиллаётган қор ичимни қиздириб юборяпти. Тотли, ширин туйғулар қўзғалди яна юракда.

Севги! Кўнгил баҳорда уйғонади, кўклам нафаси уфурган чоғ қалблар гуллай бошлайди — севгига лиммо-лим тўлади, дейишади. Рост. Лекин аёз гувиллаган дамларда, изғирин найзасини санчиб, совуқ шамол ачиштирган пайтларда ҳам кўнгил оловдай яшнаб турар экан. Демакки, қалб ҳамма вақт севги изҳор қилишга, ишқ учқунлари олов олишга шай. Бунга фурсатнинг кераги йўқ. Дил муҳаббатдан беадоғ ёниб гуриллаб туради.

Биз, икковимиз ҳам қишнинг момик, оппоқ қорларини ёқтирамиз.

Ҳар гал қор ёққан маҳал сайрга отланамиз. Шаҳар чеккасидаги сайргоҳ боғ бу пайт бўм-бўш; хувиллаб қолади. (Энди бу ерни оталиққа олганмиз).

Ҳали-ҳамон ёдимда. Кечагидай. Дастлаб, қўлтиқлашиб, бир-биримизга суяниб, у ерга кириб борганимизда бирор зог йўқ эди.

Атроф кимсасиз, худди тундранинг ўзгинаси. Ана, қатор тизилган акация дарахтлари савлат тўкиб, ғўдайиб турибди. Жимликдан юрагинг қинидан чиқиб кетгудай. Ҳа, агар ёлғиз келганимда нақ ўтакам ёрилиб кетарди. Бироқ биз икки кишимиз.

Севгилинг ёнингда бўлса, шер бўп кетаркансан; ҳеч нарсадан ҳайиқмайсан, попугингни пасайтиришга ҳеч ким ботинолмайди. Сен олов мисоли гуркирайсан. Мен унинг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай, даст кўтариб оламан-да, бағримда қучиб, чирпирак қилиб гир-гир айланаман.

У қичқириб юборган пайт қўрқдим. Сезиб турибман, боши айланди. Мен шумларча қилган қилигимдан ўзим хижолат бўлдим. Кўзларини юмиб олган экан, пирпиратиб очди-ю, қўлларини бўйнимдан оҳиста бўшатиб, бағримдан ажралди. Кейин бир-икки одим орқага тисарилди. Шарт ўгирилиб олди. Уни бу ҳовуридан тушишга энди анча тер тўкишга тўғри келади. Ялиниш, ёлвориш... Хуллас, бу шум қилиқ бошқа такрорланмаслигига сўз бердим, охири қасам ҳам ичиб юбордим.

У бир зайлда, қошларини чимирганча терсдай бўлиб тураверди. Менга зиғирча ҳам парво қилмади.

Нима қилиш керак?

Бошим қотди. Шунда яна бир шумлик қилдим. Ил-

жайиб яқинлашдим-да, қўққисдан исканжага олдим. Бу шундай ғайритабиий тезликда содир бўлдики, у қандай қуршовда қолганини дастлаб англаёлмай қолди. Мен шунда бисотимдаги энг нодир, камёб сўзлар билан уни эркалай бошладим:

— Жоним, ахир, сени севаман-да, нима қилай?..

— ...

— Сенсиз ўлиб қоламан, эшитаяпсанми? — қулоғига шивирладим.

У юракни куйдириб ўтгувчи бу тафти қайноқ сўзлардан таъсирланиб кетди, чамамда. Кўзларида ёш филтиллади. Сезилар-сезилмас ютиниб қўйди. Кейин нигоҳини мендан яшириб, кўкрагимга оҳиста бош қўйди ва секин пичирлади:

— Мен ҳам.

Юрагим баттар қизиб кетди.

Ҳа, ўша дамдаги ҳолатимизни ўзимча тасаввуримга сиғдираман: паға-паға ёғаётган қор остида, ажиб суврат — икки қалб сурати ҳосил бўлганди. Яна сукунатга банди бўлган қорли сайрбоғда икки мунис қалб — мен ва у мўмин мусичалардек анча вақт шу алфозда туриб қолгандик...

Муסיқанинг ёқимли садолари хаёлларни тўзитиб юборди.

— Э-й-й, уйимизга бориб овора бўлманг. Мен аллақачон ўша жойдаман. Сизни кутяпман... Қалай? — айёрларча хитоб қилиб, жарангдор товушлари-ла мот қилган қаллиғим бу гал мени енгганди.

Қойил. Хаёлимга келмаганди.

Мудом биринчиликка ўрганган кўнгил ҳеч бўй бермаяпти. Рулни ўнгга буриб, тагин тезликни оширдим-да, машинани физиллатганча сайрбоғимизга шошилдим.

Қор энди бўралаб ёға кетди.

ЗУЛМАТ КҮЛ

Ойдинкүл... ойдин күл...

Чиндан ҳам ойдин эди бу күл. Кундузи қуёшнинг заррин нурида ялтиллаб, этни сескантиргудек жимирлар, оқшом эса ой шуъласида кумушдай товланарди. Ёзнинг жазирамасида одам аримасди бу ердан. Соҳил мўр-малахдек ёш-қари чўмилувчиларга тўлиб кетарди. Баданни яйратгулик роҳатижон сув бутун вужудга аллақандай тотли титроқ индириб, қалбни шуурга, сурурга тўлдиарди.

Ҳа, ҳа, бу ойдин күлнинг сурурбахш ҳавосидан, роҳатбахш маъвосидан яйраб-яйраб кетарди вужуд.

Энди-чи? Энди... Энди ойдин күл йўқ. У жозибасини ҳам, тароватини ҳам, танларга югургилик муздек роҳатижон ҳавосини ҳам йўқотган. Унда на шуур, на тафт, на гўзаллик, на нур бор энди.

У... у энди аввалги Ойдин күл эмас — зулмат күлга айланган. Тунлари қорайиб зулмат ичига сингиб кетади. Кундузи эса қуёшнинг оташ ҳароратидан биғиллаб қайнаб, кўм-кўк күлмак тусга киради.

Сен ҳар гал мана шу бешуур ва бежило Зулмат күл ёнидан ўтиб кетаётиб кўзларингни чирт юмиб оласан. Вужудинг қақшаб кетади. Бир жунжикиб оласан. Манглайингда совуқ тер томчилари балқийди. Юрагингда турган санчиқ озори бутун борлигинга таралади. Қароғларинг ёшланади. Аччиқ хотиралар ёпирилиб келади яна. Яна муҳаббатинг ҳаволари таралиб кетади: аччиқ-аччиқ озорлар руҳингни эза бошлайди...

...Ўшанда зиёфатдан қайтаётгандинг. Курсдош ўртоқларингдан бири тугилган куни шарафига мўъжаз-

гина базмча уюштирганди. Биринчи курснинг ўзидаёқ овоза бўлган муҳаббатинг — маҳбуба ҳамкурсинг ҳам сен билан бирга эди.

Одатда севгилингдан ҳеч ажралмасдинг. Зиёфатми, бирор тadbирми, кино ё концертми, албатта уни эргаштирардинг. Уни еру кўкка ишонмасдинг. У ҳам ўз навбатида сени жонидан ҳам ортиқ суярди.

Сен маҳбубангни қўлтиқлаб юриб, кўл бўйлаб яқинлашганингда бирдан яйраб кетдинг. Қизиб турган вужудинг майин эсаётган сабодан ҳузурланди. Базм ўз таъсирини кўрсатганди, сархушроқ эдинг. Шу тобда шууринг муздек ҳаво, вужудинг муздек тафт истади.

Оҳиста юришдан тўхтадинг. Кета-кетгунча чўзилиб, биллурдай товланаётган қўл сени ўзига ром этган эди. Бир эпчиллик билан қўйлагингни танангдан суғуриб олиб ташладинг.

— Нима қилиясиз? — ажабланди маҳбубанг.

— Қизиб кетяпман, — дея шиминг камарига қўл югуртирдинг. Бу маҳал атрофда бирор зoғ ҳам кўринмас, нариги соҳилдаги бир-икки одамни ҳисобга олмаганда ҳеч ким йўқ эди.

Сен маҳбубангнинг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай, югура солиб сувга отилдинг. Бошинг билан шўнғиб кетдинг.

— Уҳҳ, маза! — ўн-ўн беш қадам нарида сув юзида кўриндинг.

— Тезроқ чиқинг, шамоллаб қоласиз, — безовталана бошлади меҳрибонинг. Сен унга парво ҳам қилмай гоҳ чалқанча, гоҳ юза бўйлаб суза бошладинг.

— Эй, ақлдан озмадингизми, чиқинг дейман, — ростакамига хавотир ола бошлади севгилинг.

— Қара, ҳозир ҳу анави ергача сузиб бораман, — деб нариги соҳилга имо қилдинг. Шу аснода жўмардли-

гинг тутди. Ўзингни шижоатли ва жасур қилиб кўрсатмоқчи бўлдинг.

Нариги қирғоққача яна юз-бир юз йигирма қадамлар бор эди, чамаси. Маҳбубангнинг жиғибийрони чиқди. Бундан наф бўлмагач, ялинишга ўтди:

— Музлаб қоласиз. Чиқин-нг, сув совуқ, ахир...

Сен фақат бир нарсани нишонга олгандинг: нариги қирғоққача сузиб бориш. Гапинг гап эди. Дарҳол ишга киришдинг. Моҳир сузувчидай чалоплаб суза кетдинг. Ортингдан меҳрибонингнинг қўрқув тус олган ҳайқириги кўкни тутди:

— Қайтинг, қайтинг орқага...

Сен қанча масофани босиб ўтдинг, билмайсан, бир пайт оёқларинг томири тортиша бошлади. Ҳаракатинг сусайди. Мўлжалингга чорак кам қолганда туйқус сув ичига тортилдинг. Оғзингга кирган сув бўғзингдан ўтиб кетди. Бир кўтарилиб, бир шўнғиб кўл сатҳида қалқий бошладинг. Бу — чўкаётганинг нишонаси эди... Бирдан кўзларингни зулмат босди. Бу зулмат яна неча муддат давом этди, билмайсан... Қоронғилик ичра узоқ-узоқдан келаётган ҳадикли ҳаяжонли товушлар аста-секин баралла олдгинангда эшитила бошлади: «Пульси ура бошлади, юраги ишга тушди, ана-ана, кўзини очяпти». Ярқ этиб кўзларингни очганингда бўғзинг ачишиб, оёқ-қўлларинг қақшаб оғриётганди. Тегрангда аллакимлар уймаланар, сендан нигоҳларини узмай қўлбола муолажалар қилишарди.

Шу заҳотиёқ миянгга чақиндай фикр урилди: «Чўкибман: Бу одамлар мени қутқариб олишган. У-чи, у қаерда қолди?» Минг ташвишда нигоҳинг одамлар орасида қалқиди: афсус, тополмадинг... туйқус ён қа-

батингга ўгирилдингу... ярим юмуқ кўзлари-ла ерга қапишиб ётган маҳбубангга кўзларинг тушиб, бир сапчиб тушдинг.

— Кўзғалманг, йигит, худо жонингизни қайтариб берди, — амрона товуш қилди кимдир.

— У-чи, — маҳбубангга имо қилдинг...

Ҳеч кимдан сас-садо чиқмади. Ўкириб юбординг. Наздингда осмон чок-чокидан сўкилиб кетди.

Кейин бари сенга аён бўлди. Чўкаётганингни фаҳмлаган маҳбубанг соҳил бўйлаб бесамар у ердан бу ерга, бу ердан у ерга чошиб, ёрдам сўраб, қичқираверган. Нариги соҳилдагилар эса унинг овозини эшитмаганлар. Оқибат маҳбубанг ўзини сувга отган. Бироқ у сузишни билмасди...

Туйқус чўкаётганингни кўриб қолган халоскорларинг шошиб қолишган. Маҳбубангни қутқариш учун эса, афсуски, анча вақтни бой бериб қўйишган...

Мана, ўша машъум воқеадан кейин орадан анча вақт ўтди. Одамлар энди бу ерга келмай қўйишган. Хосиятсиз деб ўйлашади. Шундан кейин одам оёғи тегмай қолган кўл Зулмат кўлга айланди. Ҳозирда Зулматкўл қирғоғи бўйлаб узун темир панжарали тўсиқ қўйилган. Ҳар куни, ҳар дақиқа бу йўлдан машиналар ғиз-ғиз ўтиб туради. Лекин олдингидек ҳеч ким яёв йўл босмайди. Ҳатто бу кўлга қайрилиб ҳам қарамайди биров. Сен ҳар гал машинада бу йўлдан ўтасану кўзларингни чирт юмиб оласан. Лекин бенаф. Ўша кунги машъум ва аччиқ кун хотирангда муҳрланиб қолган. Унута олмайсан.

Ойдинкўл...

Ойдин кўл... Зулмат кўл. Қоп-қоронғи тундай совуқ жимирайди. Зулмат қаърига сингиб кетаётгандай туюлади. Бешуур ва бежило тусга киради.

САЛОМ, ШИРИН ТУЙҒУЛАР!

Кўнгил бир осмонки, унда беадоғ чақнаб турган юлдузлар — мавжланаётган туйғулар.

Ой бутун вужудга иниб, ботинни ёритиб турган зиё-ваш ёғду.

Бу ёғду муҳаббат нури билан йўғрилган.

Ҳа, ҳа, бу ўша зиёваш, оташ ҳароратли туйғу — муҳаббат!

Сен инжу ҳислар қуршовида сармаст; кўнгилнинг оташ ҳароратидан ёна бошлайсан. Бутун ҳаётинг шу зайлда — севгининг беором лаззатларига қоришишини дил-дилдан истайсан.

Муҳаббатдек ўтли ҳис сени батамом забт этган, эндиликда сен бу оташ кучнинг асири — кўнгил бандиси. Тунда бехос уйғониб кетасан.

Сокинлик ҳукм сураётган хона ойнинг ёғдусидан ёришган; деразадан имиллаб кираётган заррин нур борлигингга сингиб киради. Ён томонингга қарайсан. Сен томон юзини ўтирганча ажиб ифор таратиб ёринг ухляпти. Унинг жиловаш қоп-қора сочлари ёноқлари узра сирғаниб тушган, ёйилганча оппоқ ёстиқ билан битта бўлиб ётибди. Мамнун жилмаясан. Шу аснода негадир ўзингни жуда ҳам бахтиёр ҳис этасан. «Кумуш бағрида Отабек ўзини шу қадар бахтли ҳис қилмаган бўлса керак», — мағрурлигинг ёқиб тушади ўзингга. Вужудингга қўзғалган қандайдир ҳис олов ҳарорат олади. Анвойи гуллар ифори анқиётган ёрингга янада яқинроқ силжийсан. Бармоқларинг титрай бошлайди. Беихтиёр унинг ёноқларига қўл югуртириб унинг ёйилиб тушган сочларини оҳиста тартибга келтирасан.

Ҳа-а...Сочлар ҳам бу мафтункор юзларга бежиз ошиқ

бўлмабди. Ўзгалар нигоҳидан асрамоқ-чун парда бўлибди бу гул чехрага. Чехрада қора қалам қошлар, ол ёноқлар, олчаранг дудоқлар, ҳаттоки нафисгина бурун ҳам оро бериб турибди.

Ажаб... ёноқнинг чап қирғоғида нуқтадек бўлиб турган хол бир олам гўзаллик туҳфа этиб турган экан. Шугина нарса кўрк очиб турган экан. Наҳот, гўзаллик мана шу нуқтадек холдан бошланса... Юзларга зиё таратиб, ойдинлик бахш этаётган нур шу хол бўлса...ажаб?!

Сен бу нурсиймо хилқатга термулиб, ўзингни буткул йўқотасан. Ҳа-ҳа, ақл-ҳушинг ағёрлик қилади сенга. Бу ҳар гал такрорланаверади... Сен ўз ёввойи ҳисларингни жиловлашга куч тополмайсан. Метиндан-метин ироданг дош бермай қолади.

Энг ширин туйғунинг асири бўласан-қоласан. Юрагинг тўлқинланиб кетади. Ўзида йўқ шод кўнглинг бахтнинг сархуш лаҳзаларини кечирмакка тушган бўлса-да, сен барибир чув тушасан. (Қизнинг жодуваши хуснига йигитнинг ғурури ожизлашиб қолади). Сен ҳаммадан ҳам қаттиқроқ севиб қоласан уни. Бу сўнгсиз давом этаверади. Ёринг эса чиндан ҳам гўзал. Бутун олам бир ёну, мана шу малаксиймо гўзал ёринг бир ён. Гуё сукунат ҳам унинг тенгсиз хуснига маҳлиё бўлиб, тилини тишлаб қолгандек жимжит.

Ҳа-ҳа, бу сухсур париваш сенинг давлатинг. Бисотингдаги энг катта бойлигинг. Кўз қорачиғингни авайлагандек асрайсан уни. Уни еру кўкка ишонмайсан. Чин. Унга узоқ тикила туриб бор-йўқ нарсаларни унутасан. Хаёлингда фақатгина ёринг — малаксиймонг мавжуддек.

Шу аснода ҳам яна ҳушингдан айрилдинг. (Термулиб ўзингни йўқотдинг гуё). Мафтункор ҳурлиқо сени ўз хуснига асир этди яна. (Ухлаётиб ҳам сени ўзига банди айласа-я?!) Нигоҳингда уфураётган ҳаво ишқнинг сеҳ-

ридан. Ҳа, ҳа, муҳаббатнинг оловидан бу. Қизиб турган вужудинг унга талпинади. Охир чидаёлмайсан... (Назарингда агар шу ишни бажармасанг, ўлиб қоладиган-дексан). Олов тафт лабларинг бебаҳо гўзалликни ошкор қилаётган ана шу миттигина холга оҳиста келиб қўнади... Борлигинг оловдан-да гуриллаб кетади.

* * *

Соат занг уради. Ўгирилиб қарайсан: роппа-роса олти.

Ана, тонг ёриша бошляпти. Туннинг қора пардалари сўкилиб, қуёшнинг қизғиш нурлари сочилиб кетяпти борлиққа. Шу пайт енгилгина ҳомуза тортиб қўяди биров. Сезасан, бу — ёринг. Уйғонди, у тўшакдан ирғиб туриб, кифтларидан ошиб кетган сочларини тартибга келтира бошлайди. Сен иссиққина тўшакда сарв қад-қоматига маҳлиё бўласан. Ўрнингдан туришга эринасан.

Фахрланиб кетасан: хотинингдаги беқиёс жамол, ақлни ўғирловчи бўй-баст, ҳеч кимда йўқ. Ҳеч кимда...

Ёринг тунги кўйлақда яна ҳам зебороқ кўринаркан. Ёйилиб, тўлғонаётган сочлари-чи? Вужудингдаги қон гупуриб кетади. У хийла вақт ўзини тартибга солади: сочларини битта қилиб йиғиб, тўғноғич қадайдди, сўнг халатини устига ташлаб эшикка чиқади. Сен жодуланганча, тарашадек бўлиб тураверасан. Бундай мукаммал ҳусн-тароватдан ақлинг лол бўлиб қолади. «Муҳаббатнинг куч-қудрати тилдами ё дилда ёхуд жамол, ҳусн, қад-баст унинг зарбаларими — ўз ўзингга савол берасан ажабланиб. Шугина ожиза вужуд ақл ўғриси-я...» Хаёлларингни қўнғироқдек жангли овоз тўзитиб юборади:

— Салом, азизим... — сочиққа артинганча пайдо бўлади қаршингда. Туйқус кўзларинг шаҳло кўзларга

тушади. Минг ҳайратда ўрнингдан ирғиб турасан-да, ёрингни бағрингга оласан. Уни қаттиқ қучиб қулоғига оҳиста пичирлайсан:

— Жоним...

Шахло кўзларда эса ҳали ҳам сувратинг порлаб турибди. Атроф бирдан ёришиб кетади. Кўкда заррин нурларини ишққа тоблаб, борлиққа таратганча қуёш ярақлайди. Айни шу дам муҳаббат нури барча хаёлларга сингиб кетгандек туюлади.

Юраклар ҳайқира бошлайди:

«Салом, ширин туйғулар!»

ШАДДОД ҚИЗ

Ўрик гулидай оппоқ кўйлақда чўғдай бўлиб ёнган шаддод қиз...

...Уни илк бора бир ҳамкасб дўстинг уйида учратган эдинг ва ...ўшандан бошланганди гўзал ҳаёт. Дўстинг туғилган кун шарофатига катта зиёфат уюштирганди. Унинг энг яқин дўстлари қатори сен ҳам таклиф этилгандинг бу зиёфатта.

Меҳмонлар орасида сени ўзига жалб этган мафтункор бир малаксиймо эди. У ўрик гулларидек оппоқ либосда эди. Бу кўйлақ ўзига чунонам ярашгандики, дид-ла кийингани ва гўзал чехраси барчани ўзига маҳлиё қилаётганди. У йўлақда дугоналари билан қийқириб, шўх-шодон суҳбатлашарди. У ўта шаддод ва беғам бўлиб кўринди сенга. Шу пайт дўстинг чекка-чеккада чуғурлашиб, гурунглашаётган ҳамроҳларни дастурхонга чорлади. Меҳмонлар бирин-кетин дастурхон атрофига ўрнашдилар.

Тасодифни қарагинки, сен у билан ёнма-ён ўтириб қолдинг. Базм бошланиб кетди. Зиёфат жуда қуюқ тортилган, дастурхонда бўш жой йўқ, хилма-хил ноз-неъ-

матлар солинган ликопчалар бир-бирига жипс турарди. Айниқса, сархуш ичимликлар кўзни қамаштириб юборгудай эди.

Сен одатда ҳеч ичмасдинг. Ёқтирмасдинг. Айни дам сенга узатилган ароқ тўла финжонни ҳам рад этдинг. Шунда... шунда оҳанграбодек жарангдор товушлари билан у сени мот қилди:

— Ароқни эркак киши ичади, йигитти гули...

Сен оловланиб кетдинг. Гуруринг қўзғалди. Ўрнингдан шарт туриб бировга узатилаётган финжонни тортиб олдинг-да, бир кўтаришда томчи ҳам қолдирмай ичиб юбординг. Гулдурос қарсақлар бўлди. Олқишларга кўмиб юборишди сени. У эса сеҳрли товушлари билан ўзига яна ром қилди:

— Сиз чинданам йигитти гули экансиз!

Бутун вужудинг қизиб кетди. Назарингда, олов ичингда бетизгин гур-гур ёнарди. Шу пайтга қадар бирорта қиз сенга хушомад қилмаганди. У сенинг журъатингга тан бериб, тикилиб турди-да, юракка олов қўйиб юборгудек жодули табассум қилди. Бу билан «мен сиз билан фахрланаман» деган бўлди.

Давра қизигандан-қизир, ҳамкасб дўстингнинг шаънига турфа мақтовлар ёғилар, тилаклар кўк қадар бўйлар эди. Ҳар бир лутфгўй ўз тилагини силлиққина изҳор қиларди. Гал сенга келганда... бир оз ҳаяжон босди сени. Манглайингда тер пайдо бўлди. Қизиқ, ҳеч нимадан ҳайиқмайдиган одам ёнгинангда ўтирган жимитдекки-на қиздан чўчиб кетдинг. У шу тобда ҳам сендан кўзини узмай термулиб турарди. Вужудингда қўзғалган аллақандай куч ҳаяжонни тўзитиб юборди. Сен қўлингга яна қадаҳ олиб, қад ростладинг ва бисотингдаги энг ноёб сўзларни қалаштириб юбординг...

Кутилмаган бу ғайришуурий тилак ҳаммани ҳай-

ратда қолдирди. Жумладан, уни ҳам. Лекин бу сафар лом-мим демади. Фақат бошини «қойил» дегандек енгил ирғаб қўйди. Шу аснода кимдир магнитофон қулоғини бураб юборди. Ёқимли қўшиқ таралди. Туйқус ҳамма ўрнидан қўзғалиб, рақсга тушди. Сен эса жилмай ўтиравердинг. Ёнингга қарадинг: у қўзларини бир нуқтага қадаб ўтирарди. Луқма ташладинг:

— Нега ўйинга чиқмаяпсиз?

— Хоҳламаяпман, — деди у ўта лоқайд ҳолда.

— Мен таклиф қилсам-чи? — сўрадинг аллақандай журъат билан. У ялт этиб сенга қаради.

— Майли, — розилик билдирди сўнг.

Иккиси даврага қўшилиб энди рақс тушган ҳам эдиларингки, қўшиқ тинди. Бир зум ўтмай, сокин, руҳга аллақандай титроқ уйғотадиган мусиқа таралди. Атрофга қараб хижолат бўлдинг: жуфт-жуфт бўлиб рақс тушарди ҳамма. Сен нима қилишни билмай қолдинг. Бу вальс эди.

Негадир шу тоб титраб кетдинг. Сездинг: У ҳам майл билдирыпти вальсга. Шунда ишга киришдинг: ўзинг билмаган, танимаган қиз билан чирмашиб ўйинга тушдинг. Кафтлар бир-бирига қовушди, нозик белни сескантириб гир айланди эркак билагинг. Нигоҳинг ўктам тус олди. Унинг ҳуркак нигоҳига зарбалар бера бошлади қароғларинг. Охир дош беролмади у. Қўзларини олиб қочди. Айни дам кафтлар чўғдай олов олиб, ёнар, вужудларда уйғонган оний ширин титроқ бутун борлиқни жунбушга солаётгандек эди. Сен шаддод қизнинг бирдан попуги пасайиб қолганини фавқулодда ҳис қилдинг. У лочин чанга-лига тушиб қолган чумчуқдай бенажот эди.

Куй тиниб, ўрнини шўх мусиқа оҳанглари эгаллагач, у деди:

— Илтимос, рухсат берсангиз, — йўлакка имо қилди.

Сен дастлаб тушунмадинг. Бироқ у рўмолча билан кўзларини ишқалаб, эшикка йўналганда унда қандайдир нохушлик рўй берганини сездинг. Дарров ортидан эргашдинг.

— Нима бўлди сизга? — унинг ташқарида ҳиқиллаб турганидан кўнглинг бузилиб кетди.

— Ўзим, шунчаки, — деди у сир бой бермасликка тиришиб.

— Йўқ, бу ҳол вальсдан кейин рўй берди-ку, — тагига етмоқчи бўлдинг сен.

— Билмадим, кўнглим бўшашиб кетди. Илтимос, мени ёлғиз қолдиринг.

Сен нималар содир бўлаётганига тушунолмай, ажабланиб оргингга бурилдинг. Ҳали уч-тўрт қадам босмаган ҳам эдингки, унинг ўз-ўзига шивирлаб айтган мана шу олов сўзлари борлигини гуриллатиб юборди: «Уни севиб қолибман-ку, эй худо...»

Сен унинг олдига яқинлашдинг...

СЕВГИМ МЕНИНГ, АНДУҲИМ МЕНИНГ

«Армонсиз яшаш ҳақида кўп ўйлардим, шунинг учун орзуларимга ҳеч қачон хиёнат қилмаганман. Аммо инсон минг урингани билан армон балосидан қочиб қутулолмас экан».

*«Кўнгил дафтари»га
йўлланган мактублардан*

Кўнгил нашидаси ҳамон уфуриб турибди.

Яшилликка бурканган борлиқ яшнатиб юборади дилларни. Бироқ бу яшилликдан, бу зангор ҳаводан

сен илҳомланмайсан, завқ туймайсан. Чунки бу зан-гор фасл сенинг мунглиғ хотирангни уйғотиб юборади. Маҳзун муҳаббатинг ҳаволари ёйилиб кетади борлиққа.

Сен баҳорни ёқтирмайсан. Унда хусуматинг бор.

Баҳор сенга ҳаётингдаги энг аччиқ, оғриқли дамларни эслатади.

Аччиқдан-аччиқ хотиралар яна ёпирилиб келади юрагингга. Қалбингга маҳзунлик инади.

Айрилиқнинг андуҳли, сералам зарблари урилаворади: юрагинг парча-парча бўлиб кетади.

Сен... сен ҳижроннинг таъмини туясан. Ҳажрнинг рангларини илғайсан. Юрагинг санчиб-санчиб қўяди. Борлигингда дард қўзғалади. Қалампир таъмидан-да аччиқ-аччиқ дард...

Ўрик гуллари гужғон очилиб турган кунларнинг бирида тўйинг бўлди. Ўн тўрт кунлик ойдек келинчак бўлиб гўшангага кирдинг.

Уҳ... етти ёт бегона кўнгил... татимади сенга. Фавқуллодда бахтсизлигингни ҳис қилдинг. Ўзгалар тилида энг тотли онлар дейилмиш бу ғамбода лаҳзалар бахтининг айни бахтсизлиги эди.

Бировлар орзу қилган бахт деб санаган келинлик сарупоси, гўшанга, ёр-ёр садолари сен учун айни шу дам энг катта бахтсизлик эди.

Оқшом чўкиб, тун ёйилган маҳал сен бахтинг билан видалашдинг.

Юрагингда чирс-чирс синаётган орзулар, сўнаётган умидлар, шу чоққача талпиниб келган ишончлар қуйиб кул бўлмоқда эди.

Сен энди бировнинг жуфти ҳалоли, лекин ёримас. Ўзинг суймаган ва суйишни ҳам тиламаган етти ёт бегонанинг маҳрами...

Сездинг. Дил-дилдан сездинг... бегонангга ҳеч қачон майлинг йўқ.

Йўқ!

Кўнглингни забт этган ёринг аллақачон бутун дунёнгни, борлигингни эгаллаб олган экан. Сен шугинадан хурсанд бўлдинг, чин. Соф муҳаббат инсон умрида фақат бир маротаба дуч келади. Энг соф севги атиги бир мартагина тўхфа этилади кўнгилга. Шундан масрур эдинг сен.

Чимилдиқ ичида, ҳузурбахш момикдай оппоқ тўшак ичидасану... бетин тўлғонасан — аланга сени ютиб юборган. Олов куйдириб, кул қияпти вужудингни.

Қароғларингдан сизиб чиқаётган ёш юзларингни намлар, юрагингда гуриллаётган аччиқ-аччиқ туйғулар борлигингни куйдириб, кул қилмоқда эди.

Сендаги бу маҳзун кайфиятни туйқус илғаган бегонанг бағрига янада қаттиқроқ босиб, қулоғингга шивирлайди:

— Ҳаммаси яхши бўлади...

Уҳ... «Ҳеч қачон... Ҳеч қачон...» ҳайқиради олов ичида қолган юрагинг.

Йиғлама қиз, йиғлама, тўй сеники, ёр-ёр,

Остонаси тиллодан уй сеники, ёр-ёр.

Қулоқларинг остида ҳеч аримаётган ёр-ёр садоси кўнглингга чўғ қалайвериб аламларингни гуриллатиб юборади.

Ҳа, йиғламоқда қалб. Сел-сел бўлиб ёш тўкмоқда кўзлар. Ёр учун, ёр васлига эришолмай ҳажр доғида куйган қалб учун, муҳаббат учун унсиз фарёд чекмоқда юрак.

Шу тобда дарднинг алангали ҳароратидан куйиб кул бўлаётган ғариба — сен бир олам, сендек ғариба-

нинг поймол бўлган орзулари, қурбон қилинган бахти эвазига ўз шодиёнасини нишонлаётган бегонанг бир олам. Аслида битта оламда вужудга келмаганми қалблар?! Бир оламнинг одамлари эмасми? Эҳ...

Кўнгилни кўнгил тушунмагандан кейин... у нимадан, кимдан нажот кутсин. Бошини қайси тошга бориб урсин...

Сен кўникдинг. Тақдирингдаги битикка кўндинг. Бахтнинг аро йўлда қолиб кетганини қалб-қалбингдан сездинггу барига рози бўлдинг.

Мана... мана шу гўшага келин бўлиб тушганингга ҳам неча замонлар ўтиб кетди. Неча-неча баҳорлар қайтадан гуллади. Неча-неча куз бот-бот хазонлик ёзди...

Бироқ кўнгил ўша-ўша... Ўша соф, сара туйғуларнинг ардоғида яшаб кетяпти. Ўша ёр ёди, соғинчи билан нафас оляпти.

Илк муҳаббат қалбда мангу муҳрланаркан. Севгининг илк марта уфурган нафаси, таралган ҳавоси димоғда абад сақланаркан. Кўзлар ўша муҳаббатнинг олов ранглигидан нурга тўлиб, зиё таратавераркан...

Ҳа-ҳа, илк муҳаббат. Севги, андух, дард. Юракка олов ёққан маҳзун ишқ.

Мана кўклам нашидаси ҳамон уфуриб турибди. Яшилликка бурканган борлиқ яшнатиб юборади дилларни. Бироқ бу яшилликдан завқ туймайсан. Чунки бу зангор фасл сенинг мунглиғ хотирангни уйғотиб юборади. Маҳзун муҳаббатинг яна ёйилиб кетади.

ХИЁНАТ ИСКАНЖАСИ

Аёл ярим кечаси кишини сескантиргувчи товушдан уйғониб кетди. Бошини ёстиқдан кўтариб ғира-шира қоронғиликка чўмган хонага разм солди. Сергакланиб

қулоқ берди. Йиғи товуши. Нариги хонадан келяпти. Аёл сезді — қизи.

«Уҳ» — огир хўрсиниб юборди ягона дилбандининг ҳолига ачинган она. У тўшакдан сирпаниб тушди-да, овоз эшитилаётган хона томон йўналди.

Кафтини оғзига қўйиб йиғлаётган дилбар қиз чўк-калаб олган, мунғайиб ўтирар, тўзиб кетган сочлари елкалари оша кўксига ёйилиб тушиб, уни бир мажнун қиёфага солганди. У ўксиб-ўксиб йиғлар, ҳар товуш чиқарганда елкалари бир силкиниб тушарди.

Хонага дераза оша кирган ой шуъласи атрофни хира ёғду билан ёритиб турар, гўёки кумуш нурида товланаётган хона ичи зим-зиёликдан ойдинликка қараб шўнғирди.

— Нима бўлди? Яна ўшани дебми? — қизининг ёнига оҳиста чўкди мушфиқа. — У бир томчи кўз ёшинга арзимаиди.

Она жигарбандининг елкаларидан қучди. Унинг силлиқ, майин сочларини қавариб қолган қўли билан силади. Яна бир нималар деб унга тасалли берди. Кўнглида эса яна лов этиб нафрат, ғазаб олов олди.

Аёл бир ҳафта бурун яшнаб-яйраб юрадиган қизининг тўсатдан уйга кўзида ёш билан келганини кўриб, капалаги учиб кетганди. Қизининг қарғаётган, лаънатлаётган кишисининг кимлигини дастлаб англолмай ҳайрон турди-да, гап куёви ҳақида бораётганини билиб, фигони фалакка чиқди. Жабрдийдасининг «у менга хиёнат қилди, ойи» деганида оловга мой сепилгандай бўлди. Шу оннинг ўзиёқ куёви олдига шамолдай учиб борди-да, бор нафратини сочиб, алаmidан чиқди.

Она шўрлик қизининг дардида минг ёнди. Унинг пешонаси шўрлигидан куйди. Қизи эса тамоман чўкиб қолди, кўзларида маҳзунлик ин қуриб, юрагини ғам-

андухлар кемиришга тушганди. Бир ҳафтага бормай чўп-устихоннинг ўзи бўлди-қолди. Атрофга олазарак боқиб, маъюс нигоҳ ташлайди. Онаизор уни бу маҳзун ҳолдан чиқаришга кўп уринди. Бўлмади. Қизи чиндан ҳам эрини севар, бу хиёнатдан кейин ҳам давом этаётгандек, фақат буни сиртига чиқаришга шўрликнинг гурури йўл қўймаётганди, чамаси.

Шу тобда мушфиқ аёлнинг туриб-туриб хўрлиги келди. Лабини қимтиб, тишлаб юборганини, оғриқ аччиғидан кўзларида ёш ғимирлаганини пайқамасди. Ичидан кучли хўрсиниш келди-ю, ютиниб, ўзини босди. Қанийди, ер ёрилса-ю, ичига кирса... Жону жигарининг бу аччиқ кўргуликларини бошқа кўрмаса.

Аёлнинг ҳам юраги бутун эмас эди. У ҳам бахтсизлик ботқоғига ботганда худди ҳозиргидек, дилбандининг кўйига тушмаганмиди?! Хиёнатнинг таъмини дастлаб у татиб кўрмаганмиди?.. Ҳа, одамзот ҳеч қачон юрагига доғ тушган кунни эсидан чиқармас экан. Бу тоабод, қалбни жизиллатиб, жисмига олов пуркар экан.

Севиш — бахт, севилиш ундан-да катта бахт. Бироқ бу фақат орзулигича қолса, амалга ошмай юракнинг бир четида шаъмдек милтираб турса, бундан ортиқ бахтсизлик бўлмаса керак.

У севганмиди?.. Севилганмиди?.. Қайси бир қора кўзнинг ёри, суюкли дилдори бўлганмиди? У ҳам муҳаббатнинг ширин-аччиқ таъмини тотиб, олов ҳислар қуршовида қолиб, ёнганмиди, ўртанганмиди? Юраги ҳаприқиб, кўнглида олов туғёнлар уйғонганмиди?..

Ҳа! У ҳам бир вақтлар сулувдеккина қиз бўлган. Бир қошиқ сув билан ютгулик чиройи кимларнидир ҳасадда куйдирса, кимларнингдир ҳавасини қўзғатарди.

О, ўша пайтлар тақимини ўпгувчи узун сочлари бўларди. Юрган пайти илондай тўлғониб, товланарди.

Жимир-жимир этарди. Сочини қирқта қилиб ўрдиртириб қўярди. Қирқ жамалак кокилли қиз йигитларнинг юрагига олов пуркаб юборганди ўша дамлар. Кейин... кейин бировга суюкли ёр бўлди. Бутун жисмини, борлигини бағишлаганди унга. Келинчак бўлиб гўшангага кирганда, ўзини еттинчи осмонда ҳис қилганди. Ўзидан-да бахтлироқ, суюклироқ инсон бўлмаса керак, деб ўйлаганди. Ёрининг оғушида сармасту сархуш эди. Кейинчалик чиройи яна очилиб кетди. Ўн беш кунлик ойдай жамолидан нур тарала бошлади. Ҳуснига ҳусн, кўркига кўрк қўшилди. Кўҳликкина жувон бўлди. Якаю ягона жигарбанди — қизи туғилганда-чи?

О, ўша шукуҳли дамлар, файзга тўла хонадон сурури...Қувончу севинчларга тўла қалбнинг назр-ниёзи...

Кейин-чи, кейин нима бўлди? Наҳот, қизи билан андармон бўлиб, эрини унутди. Унга вақт ажратолмадими? Йўқ, ахир ёри билан мудом бирга эди-ку. Ҳамнафас, ҳамдам яшаётган эди-ку?!

Қаерлардан сузиб келган эди қора булутлар? Бахтиёр дамларига қоп-қора жала қуйдирган у тим қора абрлар қаерлардан оқиб келган эди?! Нега ўшанда сезмади? Илдиз отаётган бадкорликни қуритибгина қўймади. Фафлат босган эдими?

Ҳа-а... Энди барибир эмасми?! Надоматдан нима фойда? Энди кеч. Жуда кеч, жуда...

Елкасига томиб тушган совуқ томчилар бечора қизни жунжиқтириб юборди. У бошини кўтариб, нигоҳи қаерларнидир кезаётган онасига ўгирилиб қаради: унинг ҳам кўзларида ёш филтиллабди.

— Ая, — деди қиз хавотир ичида.

Мушфиқа аччиқ хотиралар қобиғидан чиқиб, қизига юзланди, лекин лом-мим демади. Тўшакдан қўзғалиб, ўз ўрни томон йўналди. Юраги тўлиб турган онаизор

айни шу дам ожиз эди гапиришга. Хиёнат қурбонларига айланган шўрпешоналарнинг аччиқ қисмати бир нуқтада кесишганди.

ТУҲФА

Айёмга уч кун қолганди...

Йигитнинг дарди икки ҳисса ошди. Юз чақирим наридаги қишлоқдан онаси кириб келди.

Йўқ. Йигит мушфиқанинг қадам ранжидасига сира оғрингани йўқ. Бироқ у ҳам аёл. Айёмда хотинига туҳфа қиладиганидан онасига ҳам бериши керак-да.

Бу зорманданинг уруғига ўт тушган бўлса.

Йигит ташида кулди. Ичида...йиғлади.

* * *

У бўлмасидан чиқмай, кун бўйи тўрт девор ичида қамалиб ўтирди. Тушликка ҳам ўтмади.

Янги келган жойи.

Қарз сўрашга ийманди. Ҳамкасблари ётсирайди.

Ҳали ой тўлганича йўқ. Демак, маош ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

* * *

Ҳожати тушган ўртоғига сим қоқавериб жони бўғзига келди. Ҳар гал шундай жавоб олди: «Узр. Ҳозир ёнимда йўқ, кейинроқ, жура». Тоқати қолмади, узини сўкиб юборди: «Қарз бермай ўл, аҳмоқ!»

* * *

«Энди ошна, бизга ҳам мана сенга, деб ташлаб қўйгани йўқ. Бир кун ундай бўлса, бир кун бундай. Бу ойда чиқимлар кўпайиб кетди. Иложим йўқ, узр».

Йигит дўкондор ошнасида ҳам ҳафсаласи пир бўлди. Боя кириб келишда ҳайбатли «супермаркет» деган ёзувга қараб, қалбида қандайдир умид уйғонгандек бўлганди. Чиқиб кетаётиб, худди шу ёзувга тагин кўзи тушди-ю, мийиғида кулиб қўйди.

* * *

Йигит уйга қош қорайганда кириб келди. Ёлғиз хотинини кўриб, ажабланди. Онасини сўради.

— Кетиб қолдилар, — деди жувон, — шунча унадим, ҳечки қолсалар...

Йигит бошқа лом-мим демай ичкари йўналди. Кийим-бошини ечмай шундай тўшакка отилди. Шифтга узо-о-оқ термулиб, хўрсинди. Оғир хўрсинди.

* * *

Кўзлари илинган экан. Пик-пик товушлардан уйғониб кетди. Хотини. Ёнгинасида мунғайиб, йиғлаб ўтирибди.

— Нима бўлди? — сўради хавотиромуз.

Жувон тўлиб-тошиб турган экан, ичидагини тўкиб сочди:

— Икки-уч кунни ичида ўзгариб қолдингиз. Тузук овқатланмайсиз, гаплашмайсиз. Ўй-хаёлингиз аллақаяқларда. Ойингизам очилиб юрмаганингиз учун кетиб қолганлар-да. Ахир, менам сизни деб яшаяпман-ку!

Йигит ним жилмайиб уни бағрига тортди:

— Тентаккинам, шунга қўрқиб кетдингми?

* * *

Йигитни тагин залворли ўй босди. Хаёллар қуюндек ёпирилиб келаверди. Кўзларини юмиб ухлашга уриниб

кўрди. Кўнгли хотиржам бўлмагандан кейин кўзга уйқу келармиди? Ёнбошига ўгирилди. Жим алфозда ухлаб ётган хотини шу қадар... шу қадар сулув кўриндики, бехос пичирлаб юборди: «Барибир, иложини топишим керак. Керак!»

* * *

У бор бисотини титкилади. Совғага арзирли ҳеч вақо чиқмади. Тагин кўз югуртирди. Хона узра нигоҳ ташлаб, жавонда илиғлиқ ёмғирпўшга келганда таққа тўхтади. Жигарранг ёмғирпўшни шу йил кузда 90000 сўмга харид қилганди. Кийган бўлса уч-тўрт бор кийгандир, сиёғи кетгани йўқ.

У ҳеч нарсани ўйламай ана шу ёмғирпўшни шарт-шуртлаб елимхалтага жойлай бошлади.

* * *

Эрталабданоқ ҳаво айниётганди. Осмонда булутлар бор эди.

Йигит бозордан остона ҳатлаб чиққандаёқ ёмғир шаррос қуйиб юборди. Уйга кела-келгунча жиққа ҳўл бўлди.

* * *

Йигит тўшакка чўзилди. Эндиликда қуршовга олган ёвқур ўйлар ариган, ўрнини баҳордек ширин, шаббодадек майин хаёллар эгаллаганди.

У ёнбошига ағдарилиб, ором олаётган хотинига жилмайиб боқди. «Жоним» деди шивирлаб, у эшитмаса ҳам. Яқин силжиб, қизиб турган ол ёноғидан енгилгина бўса олди-да, сўнг хотиржам уйқуга кетди.

* * *

Уйнинг аллақайси бурчагида пайдо бўлган жимитдеккина матоҳ йигитнинг юрагига ҳамоҳанг зарб ура бошлади: чиқ-чиқ... чиқ-чиқ... Тонг ёйилганиданоқ жувон бу матоҳга тўлиқ эгалик қилади.

Айтмоқчи, йигит онасини ҳам унутгани йўқ.

Фақат ёмғирпўш...

ҲАЁТ МАЗМУНИ

Жувон иш столида ҳорғин ўтирибди. Кафтлари қоп-қора сочлари орасига шўнғиб кирган. Кўзлари бир нуқтага қадалган: «Муҳаббат замондошларимиз талқинида». Оппоқ қоғозларнинг бирида шундай битик бор.

— Оҳ-ҳо, соатга қара! Футбол ҳам ҳозир тугади. Бўла қол, ухлаш керак энди, жоним... — хонага писиб кирган эрининг шарпасини сезмай қолди жувон. Йигитнинг бақувват, қизиб турган кафтлари нозик елкаларини қучгандагина эсини таниган бўлди. Ногоҳ рўпарасидаги кафтдеккина соатга боқди: миллари бирга қараб силжиб борапти.

* * *

Чакка сочларига оқ тушган муҳаррир аёл афтини буриштирди:

— Сийқаси чиққан мавзу. Одам Атонинг давридаёқ эскириб бўлган. Сизга маслаҳатим, бошқа мавзунини кўринг.

— Туни билан шу мавзу ҳақида бош қотириб чиқдим. Сценарийси тап-тайёр. Сиз эскирган мавзу деяпсиз, наҳот Ҳоди Тоқтошнинг машҳур ҳикмати...

— Жа-а, ўжар бўп кетяпсиз, бунақада билмадим, сиз билан яна неча кун ишларканмиз, — муҳаррир қизишди. Яна давом эттирса, олов олиб кетишини сизди чоғи, бўлмадан чиқиб кетди.

* * *

— Сизнинг дастурингиз оммабоп. Ойнаи жаҳонда нақ уч йилдан бери кетяпти. Янгиликка интиласиз, изланасиз, тан олиш керак, — бош муҳаррир ҳафсала билан сўз қотди. — Мана, кейингиси... так, муҳаббат деяпсиз. Гениально. Муҳаббатсиз ҳаёт бўларканми? Инсоннинг инсонийлиги ҳам муҳаббат туфайли-ку! Хўп, сизга омад. Чарчаманг...

Жувоннинг юзларида табассум порлади. Кўнглида тагин умид ҳисси уйғонди: «Ҳарна, тушунадигани бор экан-ку?!»

* * *

Иш оқшомга қадар чўзилди. Жувон уйга қайтганда юзи хижолатдан қизариб кетди. Эри овқат пишириб, уни кутиб ўтирган экан.

— Тушунаман, жоним. Иш дейсан, ўзингни ўққа-чўққа урасан. Донғи чиққан тележурналистсан. Лекин оилали эканингни ҳам эслаб қўйсанг чакки бўлмасди... Майли, кийимингни алмаштириб чиқ, овқатланамиз...

«Қандай олижаноб эр-а, ҳар гал шундай ҳиммат кўрсатади. Тушунадиган инсон-да» — шу ўйлар қобиғида жувон кийимини алмаштириб, ортига ўгирилувдиямки, девордаги соат нигоҳини тортди: миллар йигирма иккидан ошиб кетяпти.

Аллақандай хўрсиниқ бўғзига келиб қадалди.

* * *

Шаҳарнинг одам гавжум хиёбонларидан бири. Жувоннинг юрагини ҳаяжон қамраб олган. Мавзу но-зиклигидан бўлса керак, ҳеч ботинолмаяпти.

Чорак соат шундай беҳудага ўтди. Оператор йигит бошқа тоқат қилолмади. Кифтини эзиб юборган лўм-боздек камерани филофига сола туриб, — интервьюн-гизни олмасангиз, кетамиз опа, — деди тап тортмай.

Жувон саросимада боши қотди. Таваккалига ёнги-насидан ўтиб кетаётган йўловчи олдини тўсиб чиқиб, микрофон тутди:

— Илтимос, муҳаббат ҳақида ўз фикрингизни бил-дирсангиз...

* * *

Жувон иш шу даражада силлиқ кечади деб сира ўй-ламаганди. Хамирдан қил суғургандек ўтди-кетди бари.

Муҳаббат, одамларнинг айтишича, «ҳаёт мазмуни» экан. Жувон севинганидан кўзларида ёш балқиди. Кўнглининг аллақаерида чирсиллаган умид гуриллаб кетди: «Мана, муҳаббат шайдолари. Замонамиз қаҳра-монлари. Сийқаси чиққанмиш...» Туйқус муҳаррир ёдига тушиб, худди ўшандай қилиб афтини буришти-риб қўйди.

* * *

Жувон оёғини қўлга олганча шошиб келди.

Уй жимжит. Демак, эри ҳали қайтмаган. (Унинг ҳам кеч келадиган одати бор, баъзи-баъзида).

У хонага ҳам ўтмай, тўғри ўзини ошхонага урди. Азза-базза кечки овқатга уннади.

Ярим соат ўтар-ўтмас, ташқи эшик шарақ-шуруқлаб очилди. Жувон сергакланиб, йўлакка ўтди. Эри пойабзалини ечаётган экан. Хотинининг шарпасини сезиб, ўгирилди. Бир қўлида капгир, кейингисиди сочиқча ушлаган жуфти ҳалолини кўриб жилмайди:

— «Сен мана шу туришда гўзалсан, азизим», — деди гурур-ла. Жувон ўзига боқди: эғнида ҳали ечилмаган, ишга кийиб борадиган кийим.

* * *

Жувон муҳаррирга йўлакда дуч келиб қолди. Ранг-рўйи бир аҳволда:

— Мен бошқа каналга ишга ўтяпман, — деди у даб-дурустан, — муҳаррирликка бошқа бировни ёлларсиз, ҳа, айтмоқчи, бош муҳаррирингиз ҳам қараб турмас...

— Сиз мендан ранжиганга ўхшайсиз...

— Сиз ўта қайсар, ўжарсиз, — деди кескин товушда. — Бунӣ ёшликка ҳам йўйиб ўтирманг. Умуман, чарчаганман, менга послушный ходимлар керак...

Жувон муҳаррирнинг ортидан бир оз тикилиб турди-да, сўнг ўзидақа тусда такрорлади: «менга послушный ходимлар керак...»

* * *

— Биласизми, сизда ўта ноёб истеъдод бор, дастурингиз эфирга чиқар-чиқмас, мана булар сувдай оқиб келса-я. Дирекциямизда бунақа ҳодиса ҳали бўлмаган.

Бош муҳаррир олдида тўп-тўп турган мактубларга энди эътибор қаратди жувон. Кўзлари яшнаб кетди.

— Айтмоқчи, дастурингиз дам олиш кунлари эфирга чиқади энди. Монтаж ишларини ҳам кундузги сменага кўчирдик. Сизга енгил бўлсин дедик-да, — деди жилмайиб бош муҳаррир.

* * *

Жувон ҳовлиқиб телефон тошларини терди. Гўшакдан таниш овоз келган заҳоти тилга кирди:

— Сизга хушхабарим бор...

ЧИПТАЧИ

Университет хиёбони бекати.

54-маршрутли микроавтобус секин келиб тўхтади. Паттачи йигитнинг юраги дукиллаб ура бошлади. У дарчалар шарақлаб очилган заҳоти салондан ташқарига отилиб чиқди. Мижозлар чўнтак ковлаштириб, бирин-кетин унга томон яқинлашдилар.

...Йигитнинг чайир ва чаққон бармоқлари пул сана-япти. Сергак кўзлари эса атрофга аланглайди.

* * *

Паттачи йигит оғир хўрсиниб, бир даста қоғоз пулларни ҳайдовчи олдига ташлади.

— Ҳа, шаштинг паст? Ё мазанг йўқми? — кўзгу орқали нигоҳ ташлади ҳайдовчи эркак.

— Йўқ, ўзим, шунчаки... — йигит шимининг чўнтагидан гижим дасрўмолчасини чиқариб, бўйин-пешонасини ачиштириб артди. Рўмолча нам тортиди.

* * *

Йигит қош қорайганда уйга кириб келди. Эшикка кўз тикиб ўтирган кекса аёл ёзиглиқ дастурхон устидан докани олиб ташлади. Бир чойнак чой, бир коса лағмон келтириб қўйди.

— Ўзинга ҳечам раҳминг келмайди, — синиқ овозда гапирди мушфиқа, — мениям устун қилиб қўйгани йўқ.

Йигитнинг томоғини лағмоннинг қайноққина суви куйдириб ўтди. Беихтиёр онасининг оқ тушган чакка сочларига кўзи тушди. Юрагида ғалаён уйғонди: «Сизга қийин, ойи...»

* * *

— Менга қара, сени нима жин урди ўзи? Кечадан бери ўзгариб қолдинг! — ҳайдовчи йигитни койиб берди, — тобинг қочган бўлса айт, жавоб берай.

— Йўқ, ака, ҳаммаси жойида, ташвишланмасангизчи, — йигит белига чарм чўнтак-филофини тақиб, ишга киришди.

* * *

Мана шу автобус университет хиёбонидан кунига ўн марта айланиб ўтади. Ҳар гал бекатга яқинлашаверса, йигитнинг туси ўзгарувчан бўлиб қолади. Автобус дарчалари кўзларини михлайди. Ўзи салон ичида-ю, ҳуши ҳув анави гўддайиб турган чинор ёнидаги бинода. (Бинода талабалар таҳсил олади). «Нима гапинг бор» деётгандай ўшшаяди дарахт. Агар чини билан шу саволни берганда борми, йигит тап тортмай жавоб берарди: «Мана шу бинода дунёдаги энг гўзал, энг ақлли, чиройли қиз ўқийди».

* * *

«Бугун ҳам чиқмади. Ё бошқа автобус билан кетиб қолдимикан? Йўғ-е, ахир ҳар кун ўзимизники билан қатнарди-ку. Ҳисобдан ҳеч адашмасди. Ё мазаси бўлмадимикан...» — йигитнинг миясида ёвқур уйлар тўфони бошланди.

* * *

— Сиздан илтимос, ака, бир кунга рухсат беринг...

— Мана бу ўғил боланинг гапи бўлди, — ҳайдовчи уни зимдан кузатиб турган экан. — Яна дурустман дейсан-а, отанг тенги одамни алдаб. Бор-да, қимирламай, ўраниб ёт. Олдимга отдай бўлиб келмасанг кўрасан!

* * *

Мушфиқа гангиб қолди. Ўғли ишидан илк марта ҳали қуёш ботмай туриб, вақтли келди. Одат тусига кирган экан. Қозонда овқат пишмаган бўлса-да, дастурхон ёза кетди.

— Ойи, қорним очгани йўқ, — деди йигит уни шаштидан қайтариб. Сўнг тўғри ётоғига кириб кетди. Кира солиб ўзини тушакка отди. Аламли шивиради: «Мунчалар ношуд бўлмасам-а...»

* * *

Йигит тонг-саҳардан факультетга етиб келди-ю, яна бирров ён дафтарчасига кўз югуртириб олди: «физика, 2-курс, 15-гуруҳ...»

Йигит уни шу туришда икки соат кутди.

* * *

— Қошида холи бор, деяпсизми? — аудиториядан лапанглаб чиққан бақалоққина қиз, беўхшов тиржайиб куйди. — Нима, исмини айтмаганмиди?

Йигит хижолатдан қизарди.

Уч кундан бери келгани йўқ. Касал. Майли, сизга телефонини бераман. Фақат мени айтмайсиз...

* * *

Гўшакдан таниш овоз келди:

— Алло, нима, кондуктор деяпсизми, 54-автобус, вой-й... — орага чўзиқ-чўзиқ товуш уланди.

Йигит асабийлашиб, қайта телефон қилганида шундай жавоб олди: — Эртага ўқишга бораман. Ўша автобусда.

* * *

Йигит онаизорини хурсанд қилди:

— Энди қийналмайсиз, ойижон, ҳеч ҳам.

Мушфиқа ҳеч нимани тушунмаса ҳам мамнун жилмайди.

* * *

— Оббо, қайсарлигинг қолмади қолмади-да, — жеркиб берди ҳайдовчи йигитни. — Бир кунда тузалиб қолдингми?

— Отдайман, ака, отдайман, — кўтаринки кайфиятда ишига шўнғиб кетди йигит.

* * *

— Бир кун кўринмаганингизга юрагим ёрилиб кетай деди, — йигитнинг кўзларида олов ёнди. Беихтиёр қизнинг момикдай қўлларига кафт югуртирди.

Автобус томондан сигнал янгради. Сўнг ҳайдовчининг асабий овози келди:

— Бўла қолсанг-чи, тез, чипта йиғиш шунча қийин бўп кетдим...

Йигит ним табассум қилиб, салонга отилиб кирди.

Қиз бармоқдай чиптадаги ажи-бужи ёзувга кўз югуртирди: «Сизни бугун 18:00 да «Феруза» кафеси

олдида кутаман, ошиқ йигит». У беихтиёр қўлларини кўксига босиб, шивирлади: «Хайрият, журъатинг бор экан-ку, йигит?!»

ЗАРБА

(Спортчининг кундалигидан)

15 ноябрь. Шомга яқин

Ҳаммаси кутилмаганда рўй берди. Чаккамга оғир зарб тушди. Мувозанатимни йўқотиб қўйдим. Кўз олдим қоронғилашиб кетди.

Элас-элас эслайман. У ҳавода учибми, сакрабми, мен танимаган, билмаган етти ёт давангирдай йигитни кўз олдимда чапа-растасини чиқарди.

Ростини айтсам, йигитлигимдан уялдим.

Уша оқшом

Тонггача уйларим билан олишиб чиқдим. Безорининг туйқус пайдо бўп қолгани... Хаёлимдан сира кет-маса-я, нақ Брюс Лининг ўзи. Қиз бола бўла туриб-а, тавба...

Унинг каратэдан хабардорлиги етти ухлаб тушимга кирибдими?

Вужудим зирқираб оғриётгани йўқ, руҳим...

16 ноябрь. Эрталаб

Тонгга яқин кўзим илинибди.

Қўл телефонимнинг шўх мусиқасидан уйғониб кетдим... Уша. Тагин олижаноб-а. Ҳол-аҳволимни сўради.

Ҳўрлигим келди.

Уша кун

Бугун ўқишга бормадим. Шу моматалоғи чиққан ба-шарамни кўз-кўз қилгани борайинми...

Уша куни. Кечқурун

Шомга яқин телефон жиринглади. Гушакни кўтардим. Тагин Уша. Аччиқ-аччиқ гапириб ташлади:

— Нега ўзингни оп қочасан? Соткангни ўчириб қўйибсан. Эсингдан чиқарма, ҳаёт учун курашиш лозим.

Куйиб-қуйиб кетдим...

17 ноябрь

Курсдошларимдан уялиб кетдим. Башарам билан нима иши бор-а буларнинг? Жигимга тегаверганидан кейин мажбур бўлдим. Ёлғон гапирдим: «Йиқилиб тушдим».

Бояқишлар чиппа-чин ишонишди.

Уша куни

У... у худо ярлақан қиз экан. Сотмабди. Ҳеч кимга.

Мен...унга лойиқ йигит эмасман.

Ўзимни тобора ожиз сезяпман...

Уша куни. Дарсдан сўнг

Гапни кўндаланг қўйдим. Дилимдагини айтдим.

Унинг лаблари титраб кетди. Титроқ товушда юрагимни узгудай бўлиб сўз айтди:

— Бу мард одамнинг гапимас. Сен... сен... — ортига қарамай чопиб кетди. Сездим. Кўзлари ёшланди.

Қандай журъат қилдим-а? Наҳот, энди ундан айрилсам...

Уша куни

Мен мағлуб одамман. Лекин... лекин тан олгим йўқ. Йў-ў-ўқ!

Бир ҳафтадан сўнг

Газетани варақлаб туриб, муъжазгина эълонга кўзим тушди.

Миямда нимадир чақнади.

Биласизми, бу илк умид эди. Ишонч эди.

27 ноябрь

Оппоқ кимонодаги болакайларни кўриб юрагим хаприкди. Шу жажжи каратэчиларнинг ҳайқириги ҳайҳотдек зални кўчираман, дейди.

Нега энди мен шуларга ҳавас қилмас эканман...

Йил боши. 27 январь

Бугун машғулотларга қатнай бошлаганимга икки ой тўлди. Бу ёқда имтиҳонлар ҳам эшик қоқиб турибди. Агар... агар ўқиш ё спортдан бирини танлаш имконияти туғилса, мен тап тортмай кейингисини танлайман.

Нима қилай, бу менинг ҳаётим, қолаверса, муҳаббатим учун зарур.

5 февраль

Мақтанчоқлик бўлса ҳам айтиб қўяй, бугун мардлик қилдим. У билан ярашиб олдим.

Боқишлари... боқишлари шу қадар гўзал эдики, ўлай агар, шу қорачиғлар учун жонимни ҳам суғуриб беришга тайёрман.

5 март

Қувончимга сиймай кетяпман. Охири уддаладим. Салтони. Эҳ-ҳе, ҳалигача эпполмай уннаётганлар қанча, дейсиз. Бунинг рингдаги олишувда унчалик аҳамияти йўғу, ҳарна-да. Мураккаб усул. Аммо-лекин яйратиб юборади. Ёнверингиздагиларни.

Сенсей (мураббийим) кузатиб турган экан, олдимга секин келиб, елкамга қоқиб қўйди: «Баракалла».

25 март

Уни музқаймоқ билан сийладим. Беш яшар боладай яшнаб кетса, денг. «Кўнглимдагини топдинг-а», деди қувлик билан.

«Эҳ, тўнка, — дейман ўзимга, — эртароқ таклиф қилмайсанми сайрга?»

5 апрель

Тушунмадим. Сенсей элбурутдан мени мусобақа рўйхатига киритиб қўйибди. Мендан олдин келганлар, тажрибалилар қанча?

Бу ҳақда оғиз очгандим, шундай жавоб қилди: «Кўзларинг айтиб турибди, сен мағлуб бўладиганлардан эмассан!»

Юрагимга қулоқ солдим: «Тўппа-тўғри!»

Шу ҳафта

Терга бўкиб шалаббом чиқди. Машғулот тугаб, кийиниш хонасига ўтгандим ҳамки, йўлакда икки киши гаплашиб турган экан.

— Таниш, — деди сенсей, — менинг фахрли шогирдларимдан.

Ҳам ажабландим, ҳам кулгим келди.

— Устоз, — дедим, — худо хоҳласа мана шу шогирдингиз келин бўлади менга.

У қип-қизариб кетди.

Сенсей «Ҳа, шайтон» дегандай жилмайиб қўйди.

Янги ҳафта боши

Бугун мен учун энг ҳаяжонли кун. Ҳалитдан вужудимга титроқ тушган. Навбатдаги республика очиқ турнири бўлади.

Мен, барибир, ўзимга ишонаман. Катта гапираяпти, деб ўйламанг, юрагимдагини айтяпман-да.

Юрагимдагини!

ҲОФИЗ

Йигит ҳафсала билан соч таради. Оппоқ ёқаси остидаги қора йўл-йўл бўйинбоғи, эғнида чиппа ёпишиб турган тим қора костюм-шимига яна бир қур назар солди. Ҳаммаси жойида. У ортига ўтирилгандиямки, мунисгина хотинининг саволомуз нигоҳига тўқнаш келди. Бояқиш жувон жимитдеккина бўлиб, термулиб турган экан.

Йигитнинг таъби тиришди:

— Яна ҳисобот берайми? Қаерга бориб, қачон қайтишимни айтайми?

Бояқишнинг боши хиёл эгилди:

— Азонда кетиб, алламаҳалда қайтасиз. Чиллали одам...

— Мен ишлаяпман, ўзимни, оилани деб. Санъаткорнинг иши шунақа. Бугун тўй бор. Хавотир олма...

Хиёл ўтмай уйга ёпирилиб келган сукунатга жувон яна банди бўлди.

* * *

Ҳофиз йигит қўшиқ айтяпти-ю, ўй-хаёллари аллақаерни кезиб юрибди. Йўқ, шу аснода уйида аччиқ сукунатга чўмиб ўтирган навниҳол хотинини эмас, жилпанглайвериб, ҳар бир муқомига пул тиланаётган, нозу ишваси билан казо-казоларнинг сўлагини оқиздираётган мана бу тўй капалагига нигоҳ-наштарини суққан.

* * *

Йигит уйга кирар чоғи бир мункиб кетди. Зина қирасига пешона билан урилаёзай деди. Хотини қўлтиғидан тутиб қолди.

— Бунча бўкиб ичмаса, худойим-эй, — эрини тўшакка ётқиза туриб афт-ангори буришиб кетди жувоннинг...

Шўрлик, ҳар оқшом эри оғзидан мана шундай ивирсиқ чиқарганда тоғора тутиб эси кетади.

Жувон кўрпа остига аста сирғалиб кирганда қароқларидан силқиб чиққан ёш томчилари юзларига оқиб тушди. Ҳиқиллаб юбормаслик учун оғзига қўлини тутди.

* * *

— Раҳмат, синглим, раҳмат, камтарона меҳнатимиз сизга манзур бўлаётганидан хурсандман, а, лаббай, янги қўшиқлар? Ҳозир ана шу янгилари устида иш-лаяпмиз. Бир-иккита клиплар ҳам режага киритилган. Яккахон концертми? Йилнинг охирида. Янги йил арафасида. Бўпти. Телефонлашиб тулинг. Сиздай ашаддий мухлисларимиз борлиги учун юрибмиз-да...

Йигит гўшакни жойига илиб, ўрнидан тураёзганда хотини сўз қотди:

— Индинга ойимнинг туғилган кунлари. Шунга тараддуд...

— Шу арзимас нарсаям мени безовта қиласан-а? Ана сувенир магазинлар тиқилиб ётибди. Бориб хоҳлаганигни олавер.

— Ойим совғага зориққанлари йўқ. Озгина эътибор...

— Биласан-ку, ҳеч ишдан бўшамаяпман, ақалли бош қашишга вақтим йўқ. Тушунишинг керак. — Йигит бошқа лом-мим демай ташқарига йўналди.

Жувоннинг лаблари титраб кетди.

* * *

«Бу ўйинчи эмас. Юракни куйдирадиган ўт. Олов бу. Олов», — йигитнинг суқла тикилган кўзлари раққосанинг хиромигамас, ҳусну тароватидан таралаётган ажиб тортиққа, шайтон найрангига банди бўлди. Шу он кўнглига тугиб олди: «Кўнглига қўл солиб кўраман...»

* * *

Ярим йўлга келганда кулранг «Нексия» таққа тўхтади.

Йигитнинг юзидан олов сачраб кетди. Тўй капалагининг кафти бир зум ҳавода ёзилганча қолди. Жопи ҳалқумида турган экан, бор аламини сочиб юборди:

— Сени эсли-ҳушли йигит десам... Тўғри, мен ўйинчиман, лекин тан сотадиган фоҳиша эмасман, билдингми? Менда ҳам қизлик ғурури, ифбат бор.

Машина эшиги шарақ очилиб, шу тахлит қаттиқ ёпилди.

Қиз чопқиллаганча қайгадир кетди.

Ҳофиз йигит пича гарансиб турди-да, кейин яна рулни қўлга олди.

* * *

Йигит қўнғироқ тугмачасини босиб тураверди. Ичкаридан жавоб бўлмагач, асабийлашиб, калитни ичқулфга тикди. Остона ҳатлаб, дўқлаганча хотинини чақирди. Қоронғиликка чўмган зим-зиё уй соқов бўлиб тураверди.

Даҳлизга ўтибоқ чироқни ёқаркан, шундайгина ёқгич тагида ёпиштириб қўйилган бир парча қоғозга кўзи тушди: «Мени кутиб ўтирманг. Орқамдан излаб ҳам борманг. Чилламинг чиққунча инсофга келарсиз деб, зориқиб кутдим. Нафи бўлмади...»

У аламидан деворни муштлади.

* * *

Йигит ёлғизликка аранг уч кун чидади.

* * *

— Нега бундай қилдинг, уятмасми ахир, қирқ кунлик келинчак...

— Сиз-чи, ичиб-шишиб алламаҳалда қайтадиган куёв. Ҳалитдан шундай бўлса, бу ёғига байрам экан-да, — жувон йигитнинг сўзларини кесиб бидирлай кетди.

— Бўлди, ваъда бераман. Бошқа ичмайман, уйга эр-тароқ келаман.

Жувон илк марта эридан устун келди.

* * *

Жувон телефон гўшагини олди:

— Ойижон, маслаҳатингиз кор қилди. Ёлғизлик йигит кишиниям бездирса керак-да. Кўз тегмасин, куёвингиз ҳозир анча тузук. Янги клипида мениям чиқармоқчи. Жон ҳолимга қўймаяпти, қандай бўларкин-а...

ГУЛЛАГАН ФОЖИА

Қўнғироқ чалинганда жувоннинг юраги шувиллаб кетди. Галдаги дарси 2-«А» гуруҳида. Талабалари ичида биттаси сал ғалатироқ. Олддаги партада еб қўйгудай бўлиб термулиб ўтиради. Жингалаксоч йигит. Соч, қошлари қоп-қора. Кўзлари ҳам. Йўқ, кўзлари лазернинг ўзгинаси. Куйдириб юборади.

Жувоннинг оёқлари тортмаяпти. Лекин дарс ўтиши шарт. Илож қанча...

* * *

Жувон ишини одатдагидек давоматдан бошлади. Талабаларни бирин-кетин йўқлама қиларкан, жингалаксоч йигитга келганда, ундан сас-садо чиқмади. Журналдан бошини кўтариб, аудиторияга юзланди. Олд қаторда яшнаб ўтирадиган лазер кўз...йўқ.

Илк даъфа жингалак сочга «Психология» фанидан « — » тушди.

* * *

Жингалаксоч «Психология» муаллимасининг нав-
жувонлигини билади. Чилласига ўн кун қолганда эри
автоҳалокатга учраб, эрта бева қолганини ҳам била-
ди. Сўраб-суриштирди. Ўздан атиги тўрт ёшгина кат-
та экан. Йўқ, унга ачинаётгани йўқ. Инон-ихтиёрини
қўйган, қалбига қулоқ солган. Шу.

* * *

— Сени нима жин урди? Ҳушинг жойидами ўзи? —
жингалаксочнинг қадрдон ўртоғи тутатди. — У эр кўр-
ган экан. Сен-чи... тенгингни, умуман қадрингни бил.
Ана сизга муҳаббат!

— Кўп вайсама, сен ниманиям тушунардинг...

Йигит кўнглидан бўлак дарддош, сирдош тополмади.

* * *

Жингалаксоч «Психология»дан илк жорий назорат-
дан ўтолмади. Устига-устак қолдирган дарслар ҳисоби
ўн икки соатга етибди. Шу чоққа қадар ўзлаштирмаган
экан.

Иқтидорли толибнинг келиб-келиб «Психология»-
дан чув тушишига ҳеч кимнинг ақли бовар қилмади.

* * *

— Мен сенга беш кетмадим, жўра, йигитни ишини
қилмаяпсан, — койиб берди жингалаксочнинг қадр-
дон ўртоғи.

— Ишинг бўлмасин, аралашма... Мени тушунадиган
одам туғилмаган, — кейинги гапини пичирлаб айтди
ошиқ йигит.

* * *

«Одам дегани шунақа ҳам писмиқ бўладими? Унда ҳам лаб-лунж бор, тил бор. Безрайиб тургани турган. Факультетда битта шундан қўрқаман. Нигоҳлари... тешиб юборай дейди...» — кўнглидан ўтказди жувон.

* * *

Жувон режа юзасидан талабаларга анкета саволларини тарқатганди. Кафедрада шуларни ўқиб, мийиғида кулиб ўтирибди. Саволларга кўпчилик ҳазиломуз жавоб қайтарибди. Галдаги варақ қўлига илингач, бирдан жиддий тортди. «Хатто файласуфлар ҳам бундай таъриф беролмайди: «Бахт — бахтсизликни енга олиш», «Муҳаббат — гуллаган фожиа» Буни ким ёзибди, деб варақнинг юза қисмини ўгирган эдиямки, юрак-юрагига олов сачралиб кетди гўё.

Жингалаксочнинг лазер кўзлари бутун вужудини куйдиргандай бўлди шу тоб.

* * *

Ошиқ йигит охири тан олди: «Унинг олдида ожизман. Соқовман. Наҳот, шунақаси ҳам бўлса-а...»

* * *

Семинарлар даври бошланди.

Жингалаксоч ҳамма предметлардан қийналмай ўтди. «Психология»га келганда...

* * *

— Мана бу ўртоғингиз билан учинчи марта топширяпсиз, — нописанда сўз қотди «Психология» муаллимаси

жингалаксочнинг лазер кўзларига қарамасликка тиришиб, — бу сўнгги имконият. Шуни ҳам эплотмасангиз, унда факультет билан хайрлашаверинг.

Ошиқ йигит тарта устидаги мана шу билетларнинг ҳаммасига тайёр. Фақат бошқа ўқитувчига топширса, қани...

Жингалаксочнинг қадрдон ўртоғи бошқа чидаб туролмади:

— Домла, бунинг нима учун айнан сизнинг фанингиздан ўтолмаётганини биласизми? Нима учун олдингизда соқов бўлиб туришини ўйлаб кўрдингизми ҳеч?

Жингалаксоч ўртоғининг билагидан чангаллаб олди. У бунга парво ҳам қилмади. Лов этган олов аланга олди:

— Биласизми, у сизни, у сизни севади, — туйқус юзига тушган тарсакидан гандираклаб кетди йигит.

Важоҳати даҳшатли тус олган ошиқ шиддат-ла йўлакка ўтди.

Машмаша бутун факультет бўйлаб тарқалди.

* * *

Ошиқ йигит шу кеч кўрпага бурканиб...йиғлади.

Энг қадрдон ўртоғи энг қаттол душмани бўлди.

* * *

Жингалаксоч жувонга сўнгги бор нигоҳини қадади.

Жувон ҳовучини юзига олганча ҳиқиллаб юборди.

* * *

Эртаси куни деканатга иккита ариза тушди. Иккаласи ҳам бир мазмунда. Аризалар гарчи тасдиқланмасанда, арз этгувчилар ўзларича тасдиқлашди.

ЎЗБЕКЛАР МУҲАББАТИ

— Мен Жулия Робертсга ҳам, Никол Кидманга ҳам ўхшашни истамайман. Тўғри, актрисаман, лекин биринчи навбатда ўзбек қизиман, ўзбек... — деди соҳибжамол қиз йиғлагудек бўлиб.

— Бу сўнгги кадр. Қийнаманг одамни энди, синглим. Ахир, маҳбуба ролини ўйнаяпсиз. Бахтиёр эканлигингиз мана шу деталда яққол кўринади, — тим қора кўзойнак таққан, мўйловли ўрта ёшлардаги эркак зорлангудек бўлиб деди.

Қиз кўнмади. Орияти қўзғаб йиғлаб юборди.

«Ошиқ» йигит режиссёрга сўз қотди:

— Ҳозирча қўя туринг.

* * *

«Актриса эмиш. Тагин иқтидорли. Битта эпизодга оёқ тираб турибдию» — режиссёр бурқситиб сигарета тортди-да, чўғини ушатиб ташлади, — «Эҳ, Шарқ, Шарқ, Европа билан беллашишга тортинасану яна чиранасан-а? Бунақада юз йилда ҳам жаҳон аренасига чиқолмайсан. «Оскар»ни фақат тушларингда кўрасан. Голливудга рақиб бўлишга ҳали мишиқисан, мишиқи! Сени мана бундай эзиб ташлайди» — сигарет қолдиғини оёғи тагига ташлаб эзфилади.

* * *

«Энди нима бўлади? Ҳаммаси чиппакка чиқадиими? Қаердаги беҳаё кадрни деб-а? Наҳот, шунча меҳнатим сувга оқиб кетаверса? Одам ҳам шунақа бетайин бўладими-а...»

«Маҳбуба» уйга кела-келгунча қарама-қарши ўйлар гирдобиди қийналди. Бир кўнглига қулоқ солгиси келди-ю, шайтонга ҳай берди...

«Маҳбуба» эшик тутқичига қўл узатгандиямки, туйқус қўл телефон мусиқа таратиб юборди. Қулоғига яқин олиб бориб афти буришиб кетди.

Сабр-тоқатини юрагига сиғдириб, унинг лутф-истиҳоласини зўр-базўр қабул қилди. Сўнг жавоб берди:

— Эртага ўтаман. Қаҳрамоним тақдирини ўша ерда ҳал қиламиз.

* * *

«Ошиқ» қош қорайганда уйига кириб келди. Хотини маҳтал бўлиб, йўлига кўз тикиб турган экан. Эри остона ҳатлар-ҳатламас жаврай кетди:

— Вақтли келаман деганингиз шуми? Ош дамлаб қўювдим. Ланж бўлсаям ейсиз энди.

— Иш қўпайиб кетди. Режиссёр билан ҳеч келишолмаяпмиз. Майли, қўявер, овқатингни суз. Ўлгудай очман, кўрасан, битта ҳам гурунчингни қолдирмайман.

Иккиси ошхонага ўтишди. Жувон қўлига капгир олди. Шу тоб йигитнинг шумлиги тутди: хотини ортидан келиб елкасига кафтларини ёйди, сўнг хиёл энгашди ва...

* * *

«Ошиқ»қа қўйиб берса сўнгги эпизодни қойиллатиб бажаради. Хотинига сездирмай репитиция қилгани чакки чиқмади. Бироқ «маҳбуба» номаҳрам, ахир бу ер Ҳолливуд эмас-ку? Кейин ўзбекчилик, дегандай... андиша, ор-номус масаласи бор.

«Ошиқ» туни билан миясини ғовак қилиб, тонгда бир фикрга келди.

* * *

Режиссёрнинг таъби тирриқ бўлган, «махбуба» сўнгги эпизоддан бош тортяпти.

Иш ўлда-жўлда бўлса: монтаж, дубляж дегандай...

— Битта бўсага осмон узилиб ерга тушадими, — асабийлашишдан нарига ўтмайди режиссёр, — ахир фильмга эффект бериш керак. Замонавий фильм бўлса. Ёшларбоп. Тагин шахарлик ошиқ-маъшуқлар ҳаёти...

— Менда бир фикр бор, — чуваланган ишни саранжомлашга ҳиссасини қўшмоқчи бўлди «ошиқ». Тонгдаёқ мақсад қилиб олганини режиссёрга айтди.

Режиссёр қўзойнагини олиб, қўм-қўқ кўзлари билан «ошиқ»қа бош-оёқ тикилди. Унга яқин юриб келди-да, елкасига оҳиста шапатिलाб қўйди:

— «Шаҳарликлар муҳаббати»ни «Ўзбеклар муҳаббати»га алмаштирамиз, денг. Гениально. Ҳа-ҳа, шунда сўнгги кадрнинг кераги ҳам йўқ, эҳ, ўзбеклар, ўзбеклар...

Режиссёрнинг кейинги сўзларидан армоннинг иси келди.

* * *

Фильм премьераси бошланиш арафасида.

Кинозалда тумонат одам йиғилган. Саҳнада фильм ижодкорлари саф тортиб туришибди. Қалбларида оловли ҳаяжон уйғонган.

Барча мухлисларнинг эътибори «ошиқ» билан «махбуба»да. Уларга аллақандай ҳавас-ла боқишади.

Фильм ижодкорларига сўз берилди. Режиссёр қуюқ сукунатда аллақандай ҳис-туйғуда кўнглидагини тўқди:

— Биламан, ўзбек халқи серандиша, ор-номусли, мағрур халқ. Бу илтифотларга сазоворлик, албатта. Бироқ жаҳон ареналарига кўтарилиш учун Европадан ўр-нак олсак арзирди...

Мана шу сўздан кейин залда турли овозлар ғимир-сиб қолди. Навбат «ошиқ»қа келганда ҳовури бир оз тинди.

— Тўғри, акамиз ҳозир рост гапни айтдилар. Жаҳон саҳналарини забт этишда Ғарбдан сабоқ олиш керак. Лекин шу ўринда бир эътироз уйғоняпти, андиша ва ор-ғурури мустаҳкам бўлган бизнинг миллат ўша жаҳон саҳналарини Ибн Сино, Беруний, ал-Хоразмийдек даҳо алломалари билан эгаллаб олмаганмиди? Ҳазрат Навоийнинг Фарҳоду Ширин, Лайли-Мажнунлари бутун дунё ошиқ-маъшуқларига намуна эмасми?..

Олқишларнинг кети узилмади. Нақ чорак соат қар-сақлар навоси янгради.

Режиссёр «маъқул» дегандек «ошиқ»қа енгил бош силкиб қўйди.

«Маҳбуба» кўзларида ёш ғилтиллади. «Ошиқ»қа раҳ-мат, деб қўйди секингина.

«Ўзбеклар муҳаббати» нақ бир ой экранни банд этди. Бир йил ўтар-ўтмас давлат мукофотига сазовор бўлди.

ЮЗИНЧИ ШЕЪР

Яна бир қоғоз ғижимланиб, ахлат қутига ирғиб туш-ди. Сукунат ҳукмрон хонада йигит Робинзондай якка-ёлғиз ўтирибди. Қўлида қалам. Гоҳ-гоҳ тер тепчиётган манглайини қалами кети билан ишқаб қўяди.

Шўрлик хонтахта муштнинг зарбидан бир силкиниб тушди.

— Уф-ф... — йигит ўрнидан шаҳд туриб кетади. Кейин-ги қоралаган қоғоз ҳам жувонмарг бўлади. Қаламни алам билан хонтахта устига ташлайди. Хонтахта чеккасида турган нону сувдай неъматга айланган китоб яна ва-рақланади.

Ёд бўлиб кетган бўлса-да, йигит муршиди коми-
лининг битикларига бот-бот кўз югуртиради. Овозини
баралла қўйиб, ихлос-ла ўқийди:

«Энди тиканлими бу эрка йўллар...»

* * *

— Ваъда бермай ўл, сўтак, — ўз ўзини қийинчи йи-
гит. Хамир қориб нон ёппасанмики, тандирдан узиб
бераман, дейсан. Мана ҳолинг...

Кейин ўз-ўзига кулиб қўйди «тоза жонингни опти-
да-а...»

* * *

Устозимнинг янги шеърларидан ўқиб бераман. Йў-
ўқ, кўнмайди. Ўжар у. Қўлингиздан келмаса ваъда бер-
манг йигит, дейди. Қизиқ, унга бағишлаб бир китобча-
лик шеър ёзган бўлсам... Нуқул «яна битта», деяверади.

Аҳмоқ, ўзинг нега ваъдани қуюқ қилаверасан. Шеър-
дан хазина топганмисан ё илҳом Аловиддиннинг чи-
роғидай матоҳ бўлиб қолдими?

Йигит яна аламини ҳамроҳ-ҳамнафас китобдан ол-
ди:

«Сиз ёққансиз менга ҳамиша...»

* * *

Қиз бисотини титкилашга тушди. Пардоз-андоз бу-
юмлари сақланадиган жавонча тортмасидан кафтдекки-
на юпқа муқовали китобча чиқди. Унинг орасида қоғоз
пуллар тахлангандай бир даста варақ шишиб турган
экан.

«Телбаман-телба, — илкис пичирлади қиз. — Шуги-
нага муккамдан кетсам-а. Уям ёзиб ташлайвераркан-да,
шоирман деб. Яна битта ёзиб берса. Нақ юзта бўлади».

Қиз бир оз туриб, сўнг ўз-ўзига сўз берди: «Бўлди, энди бошқа қийнамайман».

* * *

Мана шу уйда китоблар сақланадиган бир эмас, учта жавон бор. Шеърый тўпламлар ҳам талайгина. Қиз маҳбубининг асарларини бу жавонларда сақламайди. Уйидагилар-ку, аллақачон ис олиб бўлишган: «бўлажак куёвининг шоирлиги беш қўлдай маълум. Шу боис бўлса керак, қиз уят чўғидан куйиб кетмай деб, хуфийёна жойда асраб келяпти шеърларни.

Бу ҳол узоққа чўзилмади. Нонушта маҳали ошхонага югуриб келган телбанинг сингилчаси бир қўлида тароқ, кейингисида бир даста қоғоз билан ҳамманинг ҳушини учуриб юборди:

— Поччамнинг шеърлари экан... — деди қувлик қилиб.

* * *

Илгари қийналган бўлса қийналгандир. Лекин бу даражада эмас. Миясига тузукроқ бир фикр келмаса-а... Ташбеҳни-ку, қўяверинг. Тонгга қадар ёзиб-ўчирганлари бир қути чиқинди.

«Бу бош эмас, ошқовоқ, урсанг пўкиллайди» — мижғовланди йигит.

Сўнг бир оз шаштидан тушди. «Бошқа кунга қолдирсам-чи учрашувни, тобим йўқ дейман, тушунар». Туриб-туриб яна фикридан қайтди: «Ваъдасидан қайтди демайдимми». Шу тоб қўл телефони жиринглаб қолди. Тугмачани босиб, қулоғига илди: «Бугун келиб ўтирманг, тобим йўқроқ. Яхшиси, индинига учрашамиз. Ўша жойда. Ўша вақтда...»

* * *

Икки кун бир нафас олиб чиқаргудек ўтиб кетди. Ижодий тўлғониш қайта бошланди.

«Бу савил мендан юз ўгирдимикан-а, илҳом бўлмай кетгур» асабийлаша бошлади йигит. — Э, бор-е, менга нима зарил...

Қўлларини ёстиқ қилганча каравотга чўзилди. Бир-икки нафас тин олиб, хотиржам бўлишга уринди.

Йўқ, ваъда-ваъда! Йигитлик сўзи! Эртага жавоби бор...

Уф тортиб, чўккалаб олди бошини қўллари орасига олиб, сиқди. Гуё шундай қилса, шеър тукилиб тушадигандек. Тонг отиб, куёш бўй кўрсатди ҳамки, қалам куртак очмади.

* * *

— Нега кайфиятингиз йўқ, — сўз қотди қиз. Йигит хаёлга берилган экан. Уни эшитиб-эшитмай, жавоб қилди.

— Бу гал кечиринг, мен...

— Биласизми, мен ҳам шеър ёздим. Биринчи мен айтай, — йигитнинг сўзини англаб етмай, шошқалоқлик қилди у. Йигит тонг қотди. «Ҳазилми бу?» Ошиқнинг жавобини ҳам кутмай маҳбуба бирдан шеър айтишга тушди:

Юрагимда оппоқ тонглар уйғонади,
Улғаяди менинг севгим — яшил ҳаво
Олам яшил, осмон яшил, тўлғонади
Сева-сева қалб қурмагур — мавжли наво.

Шу тоб ошиқнинг кўнглидан алланима отилиб чиқди, хитоб қилди:

Олов гурлар, ҳисларимдан чақнайди ўт,
Парвонадай ёнгинагда айланаман.
Мен телбаман. Телбаликнинг азоби йўқ...
Билмайсанки, шу куй сенга уйланаман.

Қиз кулиб юборди. Йигит унинг қўлидан ушлади ва жиддий шивирлади:

— Сен менинг илҳом малагимсан. Билдингми...

ҲАЁТ АЧЧИҚ, ҲАЁТ ШИРИН

Йигит босар-тусарини билмай қолган, оғзининг таноби қочган. Эрмакка сўкиб берсангиз ҳам, хумордан чиққудай дўппосласангиз ҳам чидаб беради. Шу тобда ундан бахтиёр одам йўқ. Ундан бахтиёрроқ ота йўқ.

* * *

Дошқозонда гуручлар сайради.

Ҳовлида тумонат одам йиғилди.

Йигитнинг кўни-кўшни, қавм-қариндошгагина эмас, бутун бошли маҳаллага ош бергулик ҳоли бор.

Йигит бор-йўғини сочиб юборди. Ҳаммоллик ортидан териб-тергилаган ризқу рўзини улаша кетди.

* * *

— Энди тишингизни кирини сўриб ўтирасиз, — тумшайди жувон чақалоқни бешикка белаётиб, — сизга ўшалар бир бурда нонини раво кўрганмиди?

— Қўй, хотин, худо одамнинг насибасини беради. Отанг бозор, онанг бозор, тонг отсин... — йигит овунтирмоққа уринди.

* * *

Бешикнинг ғийқиллагани эшитилди. Кейин майин оҳанг таралди. Жувоннинг ўй-хаёллари аллага оқиб кирди:

Чилланг чиқди болам-о, алла,
Ширин бўлди нолам-о, алла,
Ғамга энди йўлиқтирма, алла,
Жондан жонга зориқтирма, алла...

* * *

Йигит ён бошига ағанади. Деразадан симиллаб оқиб кираётган ой шуъласидан юзи ёришди.

Ховлининг этагидан девор кўтариш керак. Бир табақали бўлса ҳам эшик ўрнатиш шарт.

Жамғарган ақчаларини аллақандай бешик ўрамга совурди.

«Йўқ, — кўнглидан ўтказди у, — шу мурғаккина беш йил зориқтирди-ку. Зиёфат уюштираман... арзимабдим».

* * *

Йигит эсини танибдики, ҳаммолчилик қилади. Ота-касб. Шўрлик у ҳам қашшоқ ўтган. Лекин ўта ҳалол иш. Дастмойса шугина бўлгандан кейин бояқиш нимани ҳам ўйласин.

* * *

— Уфф, ухламай ётганини-чи... — жувон чорак соат бешик тебратиб, секин гаворапўшни кўтаргандиямки, чақалоқ мунчоқдек кўзларини қадаб турибди. Жиғибийрони чиқди унинг. Ўйланиб ҳам ўтирмай шарт-шуртлаб ечиб олди.

Тагликлар нам тортиб кетибди.

* * *

Чақалоқ қайта беланганда пича аввалги ишини такрорладию, кейин бошқа ҳунар кўрсатди. Онасининг кўкрагини нақ ярим соат чўлпиллатди.

* * *

— Бу зумрашангиз шундай қилиқлар кўрсатдики, — йигит остона ҳатлаган заҳотиёқ, жувон жаврай кетди, — онагинамни учкўрғондан кўрдим-а?!

— Яша, паҳлавон, — ота ўғлига ён босди. Жажжигина юзчаларига лаб босиб, бурнини секин чимчилаб олган бўлди. Сўнг хотинига юзланди, — ўғил бола шундай бўлиши керак. Ота ўғил...

Жувон эрига мушт дўлайтирди-ю, кейин табассумга изн берди.

* * *

Жувон тун ярмига келганда чўчиб уйғонди. Бир бешикка, бир ёнгинасида ётадиган паҳлавон келбат ёрига қаради... Сесканиб кетди. Эри жойида йўқ. Юраги гаш тортиб, эшикка йўналди.

Ҳовлининг чап этагидаги мойчироқ липиллаб турибди.

Жувон сергак тортди. Эри алланималар билан банд экан.

* * *

— Шунча уннадим, тикланмади бу чириб кетгур, пайвандчини қаердан топдим энди, — тонг маҳали йигит сўз қотди.

— Бугунча бозорга чиқмай турунг, — эрига ачингандек бўлди жувон.

Йигит унга нигоҳини қадади: «Сенинг оч ўтиринингни истамайман».

* * *

Йигит илк марта ҳаммолликка дастмоясиз чиқди.

* * *

Жувон, гарчи тушунмаса-да, синиқ араванинг у ер-бу ерига кўз югуртириб кўрди. Фойдаси йўқ. Эркак эп-полмаган ишни аёл бажаролармиди? Туйқус эрининг «пайвандчи» дегани ёдига тушиб, фикри тиниқлашди: «Ҳамсоянинг боласини юборсам, акамнинг битта таниши бориёди...»

* * *

Йигит уйга кирар маҳал қақшаб оғриётган белидан қўлларини олди. Кайфияти йўқ. Куни билан пайвандчи излаб, тополмаган. Бозорда унақаларга насиба сочилмаган бўлса...

Хаёл аралаш айвонга бориб қолганини сезмай қолди. Бирдан кўзлари яшнаб кетди.

* * *

— Бу зумраша отасигамас, онасига ўхшаши керак, — йигит чақалоқни бағрига олиб, эркалашга тушди. Жувон жилмайиб эрига қаради.

БУ МЕНИНГ РОМЕОМ

Бир оздан сўнг Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта»си қўйилади.

Бугун премьерара.

Бир даста гул кўтарган суқсурдай қиз одамлар тўда-

Умид АЛИ

сига қўшилмай, чеккада турибди. Ёлғиз. Кўзида тим қора кўзойнак. Дам-бадам билагидаги жимитдеккина соатига кўз ташлаб қўяди. Кўзларида қувонч порлаган. Жиндек ҳаяжон ҳам бор. Аммо-лекин қалби умидга лиқ. Лаблари асабий титрайди: «Ўзинг мадад бер, эгам».

* * *

Зал одамга лиммо-лим. Тепа қаватда ҳам одамлар бор. Бўш ўриндиқлар йўқ ҳисоб. Томошабинларнинг аксарияти ёшлар. Йигит-қизлар.

Олдинги қаторга ўрнашган суқсур қиз тиззасида гулдастани кучоқлаганча мунисгина бўлиб ўтирибди. Ҳаяжони босилмаган. Саҳна кимсасиз бўлса-да, нигоҳини узмайди. Кўзойнагини олиб қўйган. Кўзлари сергак — кимнидир излайди.

* * *

Саҳнада барваста, хушсуврат йигит кўринган заҳоти қиз бир қалқиб кетди. Юраги ҳапқирди. Бехос пичирлаб юборди: «Ромео... Ромеом».

* * *

Залда одам бор-йўқлиги сезилмайди. Сокинлик. Ўчиқ қандиллар остида залдан-да тошгулик томошабин борлигига айна дам ишониш қийин.

Спектакль бошланишиданоқ ҳамма карахт бўлиб қолган.

* * *

Қизнинг юрагига ўт тушди. Ромеога яқин турган пари пайкар шу қадар... шу қадар хунук кўриниб кетдики, иложини топса, бўғиб ўлдирса. Ўй-хаёллари билан олишавериб толиқди. Охир мана шу сўзлар билан ўзини юпатди: «Жульетта деганлари шу бўлса, гирт... уф-ф, менга нима бўляпти ўзи?!»

* * *

— Боядан бери кузатаман, мунча асабийлашмасан-гиз-а, қизим, — бўйинбоқ таққан, гардиши тилла ранг кўзойнакли киши сўз қотди.

— Йўғ-е, ўзим, шунчаки, — деди қиз эсанкираб. Ўтибор бермаган экан, бу ён қабатидагилар ҳам унга саволомуз тикилиб туришибди. Хижолатдан юзлари қизариб кетди суқсурнинг.

* * *

Қиз қалбида яна алланималар ғалаён кўтарди: «Жульетта ҳеч ҳам мос эмас Ромеога. Айтарли чиройли ҳам эмас. Париги... бирам беўхшов. Ромеомники...азалдан дидли у.

Мунча суйкалмаса бу... гўрсўхта?»

* * *

«Чиқиб кетсаммикан? Мана булар нима деб ўйлашади? Боя тоза бошни қотирди-ю.

Қизик, нега бу асарни илгари ўқимаган эканман-а? Ўзи бирорта пьеса ўқиганмидим...

Жульетта жодугар эмасмикин? — қиз ўйлади-ўйлади, охири дик этиб ўрнидан турди...

* * *

Қиз эшик олдида соқчига дуч келди. Боя кираве-ришда, шошилганиданми, ҳаяжонданми эътибор бермаган экан. Унинг салобатидан ўзини йўқотиб қўйди, бечора. Нима дейишини билмай, саросимада салом берди.

Соқчи қизнинг қўлидаги гулга қараб ажабланди.

Суқсур ўзига разм солди-ю, туйқус капалаги учиб кетди: «Вой шўрим, акажон, сумкачам ичкарида қопти, опчиқай». Соқчи ҳали рухсат бермай туриб, у шарт ортига бурилди-да, ичкари томон чопқиллай кетди.

* * *

Қиз қоронғида тимирскиланиб, жойини топиб олди. Ўриндиғи супачасида кафтдай қопчиғи шундай турган экан. Қўлига олди-ю, ўтириб, суянчиққа оҳиста суянди... Кейин қопчиқ оғзини очиб, алланимани излади... жойида экан шекилли, «хайрият», деб пичирлади мамнун.

Ёнверидагилар тагин бирров қўз ташлаб олишди. «Мунча сергак бўлмаса булар, театрини томоша қилавермайдими?»

* * *

Ҳайбатли бахмал парда бир ёпилиб очилди.

Қиз кутмаган, хаёлига-да келмаган манзарага шоҳид бўлди.

Юракни ўртаб юборувчи куй таралди.

Жульетта... сўнг Ромео...

Бахмал парда тагин туширилди.

«Вуй», — ўрнидан шаҳд туриб кетди суқсур.

— Бу шунчаки театр, асар-ку, қизим, — деди меҳрибонлик билан ўша тилла гардишли кўзойнакли киши.

Қиз ёшли кўзларини унга қадади. «Тушундим», дегандай бош силкиди.

* * *

Олқишу қарсақларнинг адоғи кўринмади. Саҳнада ўша либосларда, ўша гриммда актёрлар таъзим қилиб туришарди. «Ромео» ва «Жульетта»нинг қучоғи гулларга тўлиб кетган.

Қиз ўз гулдастасини «Ромео»га бермоқчи эди, у шама қилди. Гулдаста «Жульетта»га тегди. Қиз унга зимдан назар солди: «Чакки эмас» — деди унинг талантига тан бериб.

* * *

Қиз гриммхонада йигит билан талай вақт ёлғиз қолди. Унга ҳаваси чандон ошган, ўзига ярашиб турган оврупча либосидан ҳеч кўз узмай турарди. Олдида севиклиси эмас, нақ Ромеонинг ўзи турганига ақли бовар қилаётганди, чамаси.

Йигит дабдурустдан қизни қучоқлаб олди-да, шивирлади: «Менинг ягона Жульеттам сенсан, эшигдингми?»

* * *

Қиз ўзида йўқ шод. «Ромео»сидан дастхат олган. Биринчи бўлиб. Аслида бунинг учун эмас. Ҳадемай ўша актёр йигитга жуфти ҳалол бўлади. Мана шунинг учун.

У қуда томоннинг тўйни тезлаштираётганини тўсатдан эшитиб қолди. Ойиси дадасига шу ҳақда шипшиётган экан. Қани айтинг-чи, «Ромео»га бир умрлик «Жульетта» бўлиш, бахт эмасми, ахир?

ОҚИБАТ

Аёл энкайиб, пуштага узалди. Худо барака берган помидорлардан биттасини узиб олди. Қип-қизил. Нақ пиёладай. Нафс ўлгурга бас келиб бўлармиди? Оғизнинг сувини келтиргач...

Аёл лаб-лунжини артиб, тевааракка сер солди: ҳашарчилар аллақачон полизнинг ярмига силжиб кети-

шибди. У бетоқатланиб яна кимнидир излади. Узоқда, пайкал бошида гимирсиб турган эрига кўзи тушиб кўнгли тинчигандек бўлди.

* * *

Эркак юк тахлаш билан овора. Помидор лиқ яшикларни тартиб билан бир чеккадан териб чиқяпти.

Ҳали мўлжалга етганича йўқ. Бугунги ҳисобда беш тонна бўлиши керак. Кечгача яна юз яшиклар тахласа марра уники.

* * *

Куёш тиккага келган.

Қумғон биқирлаб қайнаяпти.

Аёл куч-қуввати борица товуш берди:

— Чойга келинлар-ай, ҳувв! Оби-иид!

Ҳашарчилар бирин-кетин қад ростладилар.

Узуқ-юлуқ товушлар қулоққа аранг етиб келди:

— Ҳозир, боряпмиз!

* * *

Куёшнинг тафти баланд. Шўхлик қиялпти: қовжиратишга қасд қилган.

Соя жойда ҳам нафас олиб бўлмайди.

Аёл эрига термосдан муздеккина чой қуйиб берди. Эркак тер тепчиб чиқаётган манглайини енги билан сидириб пиёлага қўл чўзди.

— Уф-ф, мунча жизғанақ қилмаса-я, — аёл қўйлагини елпиб, кўксига «пуф»лади.

— Саратонда жизғанақ бўласан, қаҳратонда яхна.

Даврадан гурра кулги кўтарилди. Ҳашарчиларнинг чарчоғи чиқди.

Эрининг ҳазили нашъа қилиб, аёл ҳам кулгига изн берди.

* * *

— Ўғлийизди талтайтириб юборгансиз. Ҳеч бўлмаса, шу бугун қабатингизга олсангиз бўларди. Бозор куни, ўқиш бўлмаса? — Икки пақир помидорни инқиллаб кўтариб келиб тўнғиллади аёл.

Эркак шошиб хотинининг қўлидан юкларни олди. Чеккага қўйди. Бош сараклаб гап бошлади:

— Хом ўйлайсан хотин, хом. Нима учун уни ҳамма ишдан озод қилганимни биласанми? У ўқиши керак. Иши шу! Иқтидорли бола. Бир гал мактабига ўтганимда домлалари мақташганди...

— Ҳаёт фақат ўқиш дегани эмас-ку, энди иккинчи курсга ўтди. Ёнингизга ўтиб оғирингизни енгил қилсин дейман, — эрининг гапини кесиб бидирлади аёл.

— Битта ўғил, — хитоб қилди у, — уни асрашимиз керак. Менинг бошим қора меҳнатдан чиқмади. Уни шу кўйга тушишини истамайман. Замонни кўриб турибсан, ўқиганники бўлиб қолди.

Аёл бу мавзуга хотима ясади. Билади, барибир эрини шаштидан тушириб бўлмайди. Ўжар у.

Аёл хўрсиниб, пақирга қўл узатгандиямки, эри жеркиб берди:

— Бошқа бунақа оғир юк кўтарма. Ўзим олиб бораман уйга. Сен тезроқ бориб кечки овқатга унна. Ҳашарчилар эрта кетамиз дейишяпти.

* * *

Аёлнинг ичидан қиринди ўтди. Барибир ўғлидан норози бўлди: «Ўқиб шаҳар олиб берармиди, отасига

ёрдам берса бир нави-ку. Бечора шу оиласини деб, тиним билмайди. Умри далада ўтяпти тупроқ искаб. Бу бўлса китоб-дафтарга тумшуғини тираб олган...»

* * *

Сўнгги яшик тахланганда трактор ҳам тириллаганча келиб қолди.

Кўз юмиб-очгунча юklar прицепга ортилди.

— Кўнгил тинчидими энди, а, ака? — шофёр ортилган юklarга имо қилди.

Эркак шофёрнинг елкасига оҳиста шапатилади:

— Мана шу омонатни эгасига эсон-омон етказсан-гиз, кейин кўнгил тинчийди, ука.

* * *

Дастурхон ёзилди. Ҳашарчиларга кечки овқат тортилди.

Аёл қўли тўрт, оёғи олти бўлиб елиб-югураётган ўғлидан мамнун. Эри унга қош қоқиб қўйди:

— Кўряпсанми, ўқимаган?! Ўқиганнинг фаҳм-фаросати ҳам бошқача бўлади. Сен бўлса ўпкаланиб ўтирибсан...

У гапини тугатмагандиямки, ўғли ёнига шошиб келди. Қўлига алланима тутқазди:

— Кеча стипендиямни олувдим. Ҳашарчиларга. Қўшиб қўярсиз. Ҳарна-да..

Онанинг томоғига нимадир тиқилди. Гапиргиси келди-ю, гапиролмади.

Ота ўғлининг елкасига меҳр-ла қоқди:

— Баракалла, ўғлим, ҳеч қачон кам бўлмагин!

Шу тобда унинг кўзларида ёш филтиллади. Севинч ёшлари.

ЗИЙНАТ

Тунги осмон мусаффо, юлдузлар нурли, ой мунаввар.

Вужуд-вужудларга сингиб кетгулик вазмин сукунат жуда сирли туюлади. Ғашга тегиб, инқиллаб турадиган соат ҳам негадир айна дам дардини ичига ютган, овозсиз.

Тўйнинг шовур-шувури тинганига уч кун бўляпти. Янги келин-куёв. Чарчоқлари ҳали аримаган. Бўсағада бахт пойлоқчилиқ қиляпти. Осойишталик дегуликдан мўлроқ керак-да....

Туйқус тўшак ғичирлайди. Яна. Келинчак иссиққина кўрпа ичидан сирғаниб чиқиб, ён қабатига ташлаб қўйган енгилгина халатини эгнига илади. Ҳоким сукунатга банди бўлган жуфти ҳалоли шундай ширин ухляяптики, жувон унга кўз ташлай туриб бахтининг мукамаллигини шу аснода яна ҳис қилади. Энгашиб, ёрининг ёноғидан илиққина бўса олади.

* * *

Куёш ҳам энди кўз ишқаб, қизариниб келяпти. Ой ҳамон суқланиб қараб турибди. Ҳурлиқодан сира кўз узмайди. Кетгиси йўқ.

Келинчакнинг боши қотди. Супуришни ҳовли саҳнидан бошласинми... Кўча томондан ҳали уялади. Бегонасираши бор. Маҳалланинг саҳархез чоллари дарвоза тагидан ўтиб кетса, уятдан ёрилиб кетади-да.

«Дарвоза тагидан бошлаганим маъқул», — ҳаяжон юраккинасининг тўрига ҳоким бўлиб олган. Шу уйга тушганидан буён илк бора қўлга супурги олиши. Жиндеккина қўрқув ҳам бор.

«Кун ёйилиб кетса, одам кўпаяди», — илдамроқ тус олади ҳаракати.

Юмушлар ипи тугунидан ечилиб кетади: шакароблаб сув сепеди, тимдалаб-тимдалаб ер супуради. Сўнг ҳовли этагига ўтади. Қурғур, у ер чангнинг кони. Шундай тупроқки, оёқ тўпиққача ботади.

Келинчак кўз юмиб-очгунча енг шимариб саҳарги ишларни битиради.

* * *

Пешинга бориб кун қизиб кетади. Офтоб ўз тиғини санчишга тушади. Аммо-лекин келинчак офтобдан қўрқмайди. Бир дунё иш уюлиб ётган бўлса. Ҳали кир чайиш ҳам керак. Янги тўдаланган кир-чирлар бор.

* * *

Куёвтўра ҳалигача базму жамшид қияпти. Тўйдан қолган зормандани насибахўрлар билан тиндирыпти. Бу қурғурнинг уруғи шундай кўп эканки, яна аллақайси бурчаклардан ирғиб чиқаверса денг.

Куёв чидамли йигит. Ҳеч бўй бермайди. Улфатлари икки пиёлани бўшатмай туриб кўзлари сузилиб қолади.

Хайрият, тўртинчи кунга бормаи базму жамшид тугади.

* * *

Куёвтўра ишга отланиб қолади. Тўйдан кейин илклафъа.

Жуфти ҳалоли унга бир қур разм солади. Ҳаммаси жойида. Силлиққина.

— Ана энди марш, — дейди енгил қувлик билан.

Йигит шошмайди. У томон бир-икки қадам силжийди.

— Нима-а, — дейди ҳайрон бўлиб келинчак.
Куёв шўхликка изн беради. Яна йигитлиги тутати.

* * *

Келиб-кетгувчиларнинг оёғи тинмайди.

Бояқиш келинчак эгилиб туравериб-эгилиб тура-
вериб чарчаб кетади. Нима қилсин, урф-одат. Келин-
чакнинг солланиб туриши зийнат ҳам ҳусну кўрк.
Йудагилар мана шуни луқма қилиб олишган. Бири
шўрликнинг у қулоғидан, бири бу қулоғидан қуйга-
ни қуйган.

Осмон узоқ, ер қаттиқ бўлса-а...

* * *

Шомга бориб куёв ишидан қайтади. Жуфту ҳалоли
ҳурмат-эҳтиромни қуюқ қилиб, кутиб олади. Йигит
тағин шўхлик қилади (нима қилсин, йигит-да!). Но-
расмий одатларга нима етсин. Оила тинч бўлса, бахт
ҳукм сурса бўлди-да...

* * *

Тунда осмон яна мусаффолашади. Ой бокира тус-
га киради. Юлдузлар тағин мунавварлашади. Бахт бў-
сағада пойлоқчилик қилади. Осойишталик деғуликдан
мўлроқ керак-да!

Йигит куёвлик мақомидан силжии-иб кетяпти (энди
эркак-да!) Келинчак кўкракка тақилган медальондай
— ўша-ўша. (Бу «зийнат», «ҳусну кўрк» унвони. Асраш
керак!)

ИНОЯТ

Йигит уйғонганда офтоб қизариниб, секин кўк то-
мон силжий бошлаганди.

«Палакат!» — ўзини койиган бўлди — «Ғафлат босмай ўл!»

«Энди нима фойдаси бор?» — тагин ёстиққа бош қўяркан гудраниб қўйди. Ўз-ўзига аччиқ қилиб, кўрпага ўраниб олди.

Йўқ. Уйқу тум-тарақай қочган, ғашлик ҳисси қўзғалган кўнгил хотиржамликка бўй бермаяпти. Кўрпани итқитиб ташлади. Чордона ўтириб олиб, ўз-ўзига мингиллади: «Одам деган шунақа ғофил бўладими-а? Энди хоҳ саҳарлик қил, хоҳ саҳарлик қилма, барибир. Кўзасан, кўза!»

* * *

Уч кун бўлди. Йигит бесаранжом. Ейиш-ичишининг тайини йўқ. Тагин шу исти-бистига рўзадорлик қиляпти. Ҳавас қилган.

Ўзи ўй-қури хотинида. Хотини туғруқхонада. Ҳали дарди аригани йўқ. Қайтага зўрайган. Бош дўхтирнинг айтишича, эрта-индин кўзи ёрармиш.

Шундай шарафли ойда гўдак дунёни ларзиллатиб, туғилса фахр эмасми? Бундай қутлуғ бахт фақатгина Яратганнинг суйганига насиб этмайдими? Йигитнинг кўнглига бу муборак гаплар келмайди. У аллазамонларда туғилмаган. Тақводор онаси хурсанд бўлсин дебми, мушфиқага қайишиб, Яратганнинг амри маъруфига жиндеккина амал қиляпти. Бор-йўғи шу.

* * *

Йигит ҳамкасаблар даврасидан сирғалиб чиқди. Онасининг панд-насиҳатларини миясига қуйиб олган: «Ароқ иймонни куйдиради». Демак, рўзадорлар бу зормандадан минг чақирим нарида юриши керак.

Туғилган кун соҳибасини қуруққина уч оғиз сўз би-

лан табриклади-ю, жуфтакни ростлади. Эртага бошлиғига важ топиб беради: «Хотиним туғруқхонада».

* * *

Йигитнинг пича боши айлангандек бўлди, кўзлари тиниб кетди. Билди. Саҳарликсиз рўзадан бу.

«Худо жазоимни беряпти. Ғофиллик қилма, деяпти», — ўйлади болаларча феъл-атвор қилиб. Уйга келакелгунча бетайин, бемаслак фикр-хаёлларга ғарқ бўлди. Онасининг сув қилиб ичиб юборган ўғитини ўзига дастак қилди: «Бунча сиқилмасанг, йигит. Мўминсан, мусулмонсан, демак, риёзат чекишинг керак. Ҳаттоки, шарт. Унутма!»

* * *

Эшикдан ичкари кирибоқ бушашиб кетди. Ўзини бўм-буш қопдай ҳис қилди. Кийим-кечагини ҳам алмаштирмай ётоғига йўналди. Ўзини диванга таппа ташлади. Сўнг минг азобда ўнгарилиб олди, чалқанча. Туйқус шифтга термулди. Чироққа. Кулгуси қистади: осилиб турган бешуур чироққа ўзини менгзади.

«Чироқ кечаси нур сочади, қувватини кўз-кўз қилади. Рўзадор ҳам баайни шундай. Ифтордан кейин куч-ғайратга тўлади. Ана фалсафа!»

* * *

Йигит ўй сури-иб кўзлари илинган экан. Телефоннинг залворли товушидан чўчиб уйғонди. Шошиб нариги хонага ўтди.

Онаси экан. Қуюққина ҳол-аҳволлашди. Кейин гапни бошқа ёққа бурди: хотинини сўради.

Она она-да, боласини ўйлайди. Келинига ҳам қайғуради. Боласининг тенг ярми бўлса... Кунига икки

махалдан туғруқхонага қатнайди, шўрлик. Кейин ўғлига ахборот беради. Она бўлса шунчаликдир-да...

Йигит бари рисоладагидай кечаётганидан мамнун бўлиб гушакни жойига қўйди. У изига бурилмас ҳамон тагин қўнғироқ сас берди.

— Алло...Нима? Ўғил? Ҳозирни ўзида-я? Вой тилингиздан... Ҳозир, ҳозир бораман...

Йигитга куч кирди: оёғини қўлига олиб учди.

* * *

Йигит туғруқхона биноси олдида ғимирсиб турган онасига кўзи тушиб ёқасини ушлади «Тавбангдан кетай, мунча чаққон бўлмасалар-а...»

Кўнглидан ўтди: «Ҳамшира эринмай қавм-қариндошларга дарак бериб чиққан. Телефоннинг кучи-да...»

* * *

Она тагин художўйлигидан қолмади: «Болам, арвоҳларни чирқиллатма, ота-боболаримизнинг урфи-га амал қилиш керак. Рамазонда туғилган болага шу исмни бериш шарт. Иrimi шундай».

Йигит бошини қашишга тушди: «Замон бошқа-ча. Ўғлим кейин ўпка-гина қилмасмикан». Ҳартугул онасининг кўнглини хотиржам қилди. Иккита исм танлади.

* * *

Йигит ифторликни онаси билан қияпти. Дастурхон устида мушфиқа сўз қотди:

— Хотинингни шу ерга олиб кел. Чилласи чиққунча қарашиб тураман. Ўзинг ҳам рўза тугагунча шу уйда турасан... Нега ўқраясан? Каталакдай уйингда сиқилиб кетаман. Менга у ерда ҳаво етишмайди.

Она фарзанд учун жон куйдирганда фарзанд нега саркашлик қилсин.

Йигит мўмин-қобил бўлишга сўз берган, мусулмон, ахир...

ҲАЁТ КУРАШ ДЕМАК

Қуёш эриниб кўз очади. Уфқ қип-қизарган...

Аёл саҳармардондан ишига отланади. Ҳар кунги одати. Вақтлироқ бориб мактабни чиннидай ялтиратиб қўймаса нақ директордан балога қолади. Қўрсфёъл бўлса.

Аёл муштипар. Ақлини танигандан буён тозаликка тиришади. Ўта поқдомонлиги боисми, мана, умри фаррошликда утяпти.

Тақдир-да!

* * *

Чинқироқ соат уйни бошига кўтаради. Ўсмир йигитча тўшагидан ирғиб туради. Хона деразасини ланг очади. Деворда илиғлиқ радиоприёмник мурватини бурайди. Айни вақти. Гимнастика машғулоти бошланган. Йигитча бадантарбияга киришади: «бир-икки... бир-икки...»

Эҳ-ҳе, ҳали кундалик режада қанча ишлар навбат кутиб ўтирибди: ювиниш, нонушта, мактабга ҳам бориб келиш керак.

Йигитча тартибга қатъий амал қилади. Боадаб у. Онасининг сўзини икки қилмайди. Сўз берган.

* * *

Уйнинг тўрида, девор манглайида муқаддас сурат илиғлиқ турибди. Фуражка кийган солдат йигит назар

солиб турибди. Гўё уйдаги бор воқеа-ҳодисани кузатиб, зимдан таҳлил қилаётгандек.

Афсуски, аскар йигит бу оламда йўқ. Хизмат сафаридан қайтмаган. Афғонда шаҳид кетган.

* * *

Аёл мактабнинг ўзидагина фаррошлик қилмайди. Ўзи яшаётган мана шу «дом» чор-атрофини ҳам супуриб-сидиради.

Кундузлари ҳам бўш ўтирмайди. У-бу пишириқлар пишириб бозорга олиб чиқади. Ҳартугул, бир-икки сўм тушса бир нави-да. Рўзгорнинг кам-кўстига ярайди.

* * *

Йигитча мактабидан кела солиб онасига қарашади. Бозорни гир айланиб чиқади. Сотилгуликларини «шара-бара» қилади. Харидорлар расталарнинг ўздан топила қолди. Тизилиб ўтирган савдогарлар димоққа ниш урган таниш ҳиддан дарров чўнтакларни ковлашга тушадилар.

Йигитчанинг қийналишига ҳожат қолмайди.

* * *

Аёл тақдирга тан бергани йўқ. Токи жони бўғзидан ирғиб чиқмаган экан, курашади. Ҳаёт учун.

Мушфиқанинг ҳам эл қатори яшагиси, шу яккаю ягона жигарбандининг орзу-умидларини кўргиси келади.

Йигитчанинг ягона мақсади бор: отасидек ҳарбий хизматни ўтаб келиб, шу соҳада фаолият юритмоқчи. Элини, Ватанини кўриқлаш маслагига, ҳаёт мазмунига айланган.

Мушфиқа ўғлининг бу ройишига изн бермаяпти. «Ҳар қанақа касб бўлсин, майли, — дейди, — аммо- лекин ҳарбий... йўқ-йўқ!»

* * *

Ҳаёт ўз йўлида имиллайверади. Йигитча асл йигит бўлиб одамлар сафига кириши, элнинг иссиқ-совуғига яраши учун, эҳ-ҳе, қуёш неча марта кўз юмиб очаркин.

Мушфиқа ёлғизгина жигаргўшасининг дуойи жони-ни қилади. Гоҳи кечалари мижжа қоқмай унинг қоши-да ўтириб, хаёл суради. Аччиқ-ширин хотиралар юра-гини эзади. Кўзларидан чиққан ёш томчилари бетига сизиб тушади. Бор-йўғи бир йил турмуш қурган жуфти ҳалоли ўй-қурларида андармон бўлади.

«Отасини кўрмаган шўрликкина» — шафқатсиз ар-монлар юрагига беаёв бостириб келади.

* * *

Тонг бўзаради. Узоқ-яқинларда саҳархез хўрозлар-нинг қичқириви, сергак итларнинг вовуллаши эши-тилади.

Муштипар шошиб уйғонади. Ошхонага ўтиб газ плитасини ёқади. Чой қўяди. Ўғлининг хонасига секин кириб келади-да, ширингина бўлиб ухлаб ётган жи-гаргўшасининг пешонасидан аста ўпиб қўяди. Қавар-ган кафтлар ёстиққа банди бўлган бош узра югуради. Авайлабгина силайди. Сўнг ташқарига оёқ илади.

Деворга тираб қўйилган узун дастали супурги, сир-ти қорайган челақ ўрнидан кўзғалади.

* * *

...Соат миллари мўлжалга силжиб бориб ...чинқириб юборади.

Йигитча ўрнидан керишиб уйғонади.

Радиоприёмникдан мусиқа оҳангларига уйғун таниш хитоблар янграйди: «Гавдангизни эгиб, бармоқ учларини оёққа теккизинг. Бир-икки...бир-икки...»

МЕҲР ВА МУҲАББАТ

Йигит қизчасини етаклаб чиқди. Бирров билагадаги соатга кўз югуртирди.

Шошиш керак. Бўлмаса ишига кечикади.

— Дада, кўтайиб олинг, — эркаланди қизча илдам юришга тоби келмай.

Йигит тўхтади. Дакки бермади-ю, донолик қилди.

— Катта қиз бўлгансан, шундайми?

Қизча бошини ликиллатди.

— Катта қизни кўтариб юриш уят!

Қизча қовоқ-тумшуқ қилиб олди. Боғчага кириб боргунча лом-мим демади.

* * *

Онаизор аччиқ ўйга ботган. Куну тун миясини бир ўй кемиради: «Ҳеч тутқич бермайди, боласи тушмагур. Ҳеч бўлмаса она сути оғзидан кетмаган гўдагини ўйласа-чи... Ўлган хотин кетди-қўйди-да. Шу юришидан биров миннатдор бўлармиди? Сўққайи-и-иб юрса! Қирчиллама йигит-а? Хунук, жуда хунук...»

* * *

Қизалоқ боғча опасидан ҳайиқмайдиям, уялмайди-ям. Кела солиб ўзини унинг иссиқ бағрига отади. Йи-

гит уни қўшқўллаб топшириб, изига қайтгач, тарбиячи жувонга ҳам жон киради. Нақ она-боладай қучоқлашиб олишади. Болалар ҳайрон.

Мана ҳозир ҳам жувон қизалоқни ўпичларга қўмиб ташлади. «Қизим, қизгинам», дейди. Бошқа жу-жуқларга бу сўзни ўлиб қолса ҳам айтмайди. Йўқ, жувон норасидаларга зуғум қилмайди, меҳри тафти-ни сочади. Фақат қизалоққа сара меҳр-муҳаббатини беради.

* * *

Тарбиячи жувонни тақдир бахтдан қисган. Турмуш қурганига бир йил тўлар-тўлмас эри автоҳалокатга учраб, шўрликкинани бева қолдириб кетди. Кўз очиб кўрганидан қолган яккаю ягона ёдгори — попуккина қизчаси ҳам уч ёшга тўлмай нобуд бўлди. (Унинг манг-лайига ҳам отасининг машъум тақдири битилган экан). Шу. Ота уйига сўппайиб кириб келди, бечора.

Ётиб қолмасин дейишдими, уйдагилар шу болажон ишни топиб беришди. Боғчага келган куни мана ширингина қизалоққа кўзи тушди-ю, пича дарди қувилган-дек бўлди.

Қуйиб қўйгандек, боласининг ўзгинаси экан.

* * *

Кечга бориб қизалоқнинг тоби қочди. Иситмаси ошиб, тўшакка чўзилди.

Мушфиқанинг ташвиши ортди.

— Худойим-а, кечагина туппа-тузук юрувди-я, Шуда, она бўлмагандан кейин, жонингни гаровга қўясан, — ўғлига пичинг қилди.

Эртаю кеч кулоқ-миясини қоқиб ҳеч ўнглаттиролмаётган ўжар боладан тагин сас-садо чиқмади.

Йигит шу тоб аянчли аҳволда эди-ю, ғурурми, орми, нимадир бўй бермаётганди.

* * *

Мушфиқа эрталаб ўғлига ҳасрат қилди.

— Боланг алахсираб чиқди. Боғча опасига мунча ёпишиб олмаса-а...

Тонг отгунча «боғча опа»лаб чиқди-я, бояқиш. Бўлди, бошқа сабрим қолмади. Ё қизингни қўшқўллаб топшириб ке, ё...боғча опасини бу ерга келтир...

— Нима деяпсиз, ойи, бировни ҳасми бўлса, қора-чиғлари бордир... — алланечук бўлди йигит.

Онаизорга жон кирди.

— Билмасам гапирмасдим, болангга она бермаган меҳрни беряпти-ку, яна нима дейсан?!

Йигит бошқа лом-мим демади. Тушунтиришнинг ҳожати ҳам йўқ эди.

* * *

Жувон алланимасини йўқотгандек бесаранжом алфозда қолди. Қирқта жонини ҳам тортиб олган қизча бирваракайига уч кун келмаса...Дийдори очиқиб кетди. Ич-ичидан сизди — бардошининг сўнгги томчиси ҳам қолмабди.

Кўнглига туғиб олди: тонг отса тўғри уйига боради.

* * *

Омади бор экан жувоннинг. Автобусдан тушган кўйи не кўз билан қарамасин, қизалоқ бекат ёнидаги дорихона олдида ер чизиб ўтирибди. Худди ўзи. Шошиб бориб қучоқлаб олди. Юз-кўзларидан ўпиб, титраб-қақшаб йиғлади:

— Шунчалик ҳам бўладими, мени адо қилдинг-ку...

— Уч кун қимийламай ётдим, — деди қизча бармоғларини санаб кўрсатиб.

Жувон ҳовуридан тушиб, қад ростлади. Шу асно бирдан юзи ловуллаб кетди. Йигит целлофан халтачада алланима кўтариб қаққайиб турибди.

* * *

Йигит ногаҳоний муддаога кўчди.

ЮРАК БИТТА — СЎЗ БИТТА

1

Шинамгина хонада базм бўляпти.

Туғилган кун.

Қиз бу қутлуғ кунни синфдошлари билан балки сўнгги бор нишонлаётгандир. Битирувчи синф бўлса. Яна ким билсин, ҳаёт мўъжизаларга бой.

Бироқ унинг ҳаловати йўқ. У синфдош ўртоқлари, дугоналари билан чақчақлашиб, қувнашиб ўтирибди-ю хаёли аллақарларни кезяпти. Сергак нигоҳи дамо-дам эшикка бурилади. Эшик тиқиллагудай бўлса, бир сапчиб тушади, юраги энтикади.

Соат миллари ўнга силжиб боряпти. Унинг умиди ҳали сўнганича йўқ.

Мана шу нарса юрагига таскин беради: «Келади, кечикиб бўлса-да, келади, сўз берган. Йигитлик сўзини берган!»

* * *

Йигитнинг қўлида гулдаста. Бунга қаноат қилмаяпти. Ён бўйлаб тизилган турфа дўконлардан боши айланган. Ҳозиргина дўконлардан бирига кириб сувга

бўккан мушукдай шалвираб чиқди. Нарсаларга осмоннинг нархи қўйилган экан.

Шўрликда арзигулик пул йўқ (ўнинчи синф ўқувчисида жарақ-журуқлар қаердан бўлсин?!)

Йигитнинг боши қотган, бироқ нимадир қилиши лозим. Туғилган кунга албатта антиқа совға олиб бораман, деган.

Йигит туйқус соатига қарайди: таъби тиришади, хўрсинади. Ўзича тасаввур қилади: «Синфдошлари аллақачон йиғилиб, у ёққа боришган. Ҳозир давра қуриб, дастурхон атрофида ўтиришибди. У эса... у эса интиқиб кутяпти...»

Йигит туриб-туриб бир қарорга келди. Ҳозир боради-да, гулдастани қўлига тутқазади, кейин синфдошлари олдида унга севги изҳор қилади. Баралла. (Ўртоқлари ҳали бу «оламшумул» муносабатдан беҳабар). Мана бу кутилмаган совға бўлади.

Бояқиш, базмга етиб борганида синфдошлари тарқалиб кетганини, қиз шўрлик бир нуқтага кўзини қадаб ўтирганини хаёлига ҳам келтирмайди.

2

Қиз илдам оёқ босди. Билагидаги соатига бир қур назар солиб, ўзини ёмон кўриб кетди. Асабийлашиб, нималарнидир гудради — оғзидан чиқаётган ҳовур эса мана шуларнинг барини тўзитиб, ҳавога сингдириб юборди. Бироқ бу қайта-қайта такрорланди.

Қиз шошиб оёқласа-да муз ернинг тойғоқлигини ҳам, физ-физ ўтиб кетаётган машиналарнинг кийим-бошига лой сачратиб, доғ-дуғларга буркашини ҳам назарга илмади. Унинг мақсади битта: тезроқ манзилга етиб олиш керак. У ерда одам кутиб турибди, ахир. Юрагида мана бу сўз олов олган: «Бир соат

бўлди. Кетиб қолган бўлса-я? Йўғ-ей, йигит киши бир сўзли бўлади-ку?!»

* * *

Йигит талай вақт кутиб қолди. Юпун кийинган эмасми, жунжикиб, қулоқлари қип-қизариб кетди. Бурни бир бурда лаҳм гўштга айланди. Оёқлари галма-галига депсиниб, ях ерни мажақлаб ташлаяпти. Ўтган-кетганнинг эътиборини тортиши тоза ваҳима.

Йигитнинг жон-жонига муз тушган, бироқ шунда ҳам бу ердан бир қадамга бўлсин жилгиси йўқ. Ногоҳ шивирлайди: «Ўлиб қолсам ҳам кутаман. Балки зарур иши чиқиб қолгандир».

Кутиб ўлиб қолиш — жасорат. Йигитнинг маслаги шу!

3

Жувон эри то ишдан келмаса овқатни сузмай туради. Қорни очқаб кетса ҳам, очлик қорнини таталаб, қийнаса ҳам.

Йигит ишхонадан доимо алламаҳалда келади. Соат мили гоҳ ўн, гоҳ ўн бирга қадалган бўлади. Баъзан келмаган кунлари ҳам бор. Жувон бунинг аламига уч-тўрт кунлаб гаплашмай, қовоғини солиб юради. Эр айбига иқрор бўлиб, маҳрига чиройликкина, гумбаздек қилиб ош дамлаб беради.

Кўнгиллар яна яшнаб кетади.

Жувон яхши билади — эри ваъдасидан ҳеч қачон оғиб кетмайди. Ваъда бердими — бажаради. Масалан, бугун эртaroқ келишни, йўлакай бозорга тушиб, улбул харид қилишни эрталаб ишга отланаётган маҳал айтганди.

Жувон ошхонада уймаланаётганди. Йўлакдаги эшик очилиб ёпилди. Сезд: эри. Унга очик чехра билан

пешвоз чиққанди... бирдан қотди-қолди. Йигит бу ҳолга ажабланди:

— Нима бўлди яна? Мана, эртароқ келдим-ку?

— Бозорлик-чи? — эрининг бўм-бўш қўлларига имо қилди тўнғиллаб.

Йигит тагин изига қайтди.

Жувон яна ошхонада ивирсиди. Лаби лабига тегмай алланималарни ғудради. Юраги барибир осуда, тинч эди: «У барибир бир сўзли!»

РАШК

1

Йигитнинг сочлари тўзғиган, ёқаси йиртиқ, оппоқ кўйлаги ғижим. Дамо-дам сўкиниб қўяди. Юзи бўғриққан, кўзларида чақнаган ғазаб ўти ҳалиям ловуллаб турибди.

Қиз йигитдан сал нарида турибди. У тим қора костюмни чанг-чунглардан тозалаш билан овора. Бирор сўз қотмайди. Жимгина ишини бажаради.

— Кетдик, — дейди йигит туйқус амрона товушда.

Қиз хиёл бош эгиб унга яқинлашади. Костюмни узатади.

— Билиб қўй, агар ўша сўтак билан яна кўрсам, ўлдираман...икковингниям, — пўписа қилди йигит.

Қиз ўз-ўзича, сезилар-сезилмас жилмайди. Йигитнинг мардлигидан, шижоати гуриллаганидан мамнун. Тагин яна уни синамоқчи бўлди.

— Ахир, синфдошим, ўн йил бирга ўқиганмиз...

— Ўқиб бўлгансан, нега тушунмайсан-а?! Қайлиғимсан, ҳали тўй бўлмай туриб, гап-сўз тарқалишини ис-тамайман.

Қиз хотиржам бўлди. Қўнгли яна бахт нурига лим-мо-лим тўлди: «Севарқан. Бўлмаса, рашк қилармиди? Туппа-тузук гаплашиб турган одамни кела солиб дўппослаб кегармиди? Ер ёрилмади, кириб кетсам... Энди нима деган одам бўламан? Майли, унинг номидан телефон қилиб, узр сўрайман».

2

Жувон машинанинг таниш сигналидан орзиқиб кетди. Дераза олдига шошиб борди. Пардани суриб пастга боқди. Ўша. Эрининг кулранг «Нексия»си. Шом энди тушаёзган, атроф ғира-шира бўлса-да, кўзга яққол кўринади.

Туйқус машина олд эшиги очилиб, нотаниш жувон кўринди. Нариги томонда эса эри.

Жувон пича кузатиб турди.

Улар алланима тўғрисида чуғурлашишди. Йигит қўлини ён томондаги «дом»га нуқиб, бир нималар деди. Нотаниш кимса бошини силкиб, уни тасдиқлаган бўлди. Сўнг шошиб ўша томон оёқ илди. Икки-уч қадам юриб, ортига ўгирилди. «Раҳмат», деди. Бу овоз аниқ эшитилди. Йигит тавозеъ-ла, хиёл бош эгди. Сўнг мана шу рўпарасидаги «дом»га қараб юрди.

Жувоннинг юрагига ўт тушди.

Хийла вақт ўтмай эшик қўнғироғи жиринглади. Жувон бориб эшикни очди.

— Салом, азизим! — хуш кайфиятда сўрашди эри.

Жувон одатига хилоф иш тутди. Айланиб-ўргилмади. Тумшайиб, ошхонага ўтди. Ҳовури кўтарилаётган қозон тагини ўчирди. Биқирлаб қайнаётган чойнакни четга олди.

Йигит ошхонага кириб, хотинини ортидан қучди.

Жувон силтаб юборди.

— Тинчликми, нима гап? — ажабланди йигит.

— Бу саволни ўзингизга беринг, — ўпкаси тўлди жувоннинг.

Йигит ҳеч нарсага тушунмади. Хотинидан изоҳ кутди. Ҳадеганда жавоб бўлмагач, ўзи сўз қотди:

— Ҳойнаҳой, боягидан шубҳаланаётган бўлсанг керак. Жиннивой, меҳмон экан, қариндошиникига кепти. 3-домдаги сариқ сочли бор-ку, ўтган йили эри қазо қилганди. Ўшаникига. Ишонмасанг, ҳозир ҳузурига олиб бораман.

Жувон ўша ҳолича, терсдай бўп тураверди. Йигит имонинини ўртага солиб шу гапни тагин такрорладиямки, хотинининг тўнг кайфияти ўзгармади.

Жувон ўз хонасига ўтиб, тарсиллатиб эшикни ёпиб олди.

Йигит асабийлашди. Костюми ич чўнтагига қўл югуртирди. Кейин балконга ўтди.

Бир зум ўтмай у ерни сигарета тутуни ўрлади.

* * *

Йигит хаёл суриб, алламаҳалда кўзлари илинган экан. Уйғонса, аллақачонлар тонг отган, қуёш чарқлаб, пардаси суриб қўйилган дераза оша ичкарига нур улашмоқда эди.

Йигит тумбочка устидаги соатга қаради: еттидан йигирма дақиқа ўтяпти. Кўзлари қўққисдан соат тагига қистириғлиқ букланган қоғозга тушди.

Уни очиб, кўз югуртирди: «Ошхонада нонуштангиз тайёр. Ишингизга кечикманг. Бугун ҳам мошинангизда жононлардан яна бир-иккитасини миндириб келинг, хўпми?!»

Йигит кулиб юборди, пичирлади: «Жиннивой, рашкдан тоза берган-да худо». Сўнг керишиб ўрнидан турди. Кўтаринки кайфиятда ваннахонага йўналди.

КЎЗ ЁШ АСИРАЛАРИ

1

Қиз тонгга қадар мижжа қоққани йўқ. Олатасир ўй-хаёллари билан олишиб чиқди, бояқиш. Бахт этак қоқиб кетганидан буён аҳвол шу. Меровсираб қолган. Ҳар-ҳар замонда аясидан дакки эшитади: «Ҳушинг жойидами, ҳов! Бу нима туриш, эрта-индин келин бўладиган қиз?!»

«Келин бўлмай ўлай» — ичини ит тирнайди шўрлик-нинг. Ўзини ўзи қарғайди: «Жоним узилса-чи, минг марта яхши?!»

Бугундан бошлаб қиз маҳрамликка ўтади. Келинлик сарупосини кияди. Афсуски, унга жуфти ҳалол бўладиган йигит ошиғимас. Лекин ошиғи ҳам қарсак чалиб ўтирмаганди.

Камбағаллик айб бўлса, бошқа гап эди. Дунё бой-га боқаркан.

Ота рози — худо рози, дейишади-ку!

Қизнинг аяси тонг қотди. Ҳар кун элбурутдан уйғонадиган қизга нима жин урди? Қуёш бўй кўрсатяпти ҳамки, ётоғидан бери келмаяпти. Сабри чидамай ўша хона томон йўналди. Қизи ҳамон ухлаб ётибди. Олдига оҳиста жилиб бориб, секин туртди:

— Тура қол, қизим, пешин бўп кетяпти. Ҳали салонга ҳам бориб келишинг керак. — Бехос кўзлари доғ-дугинган оппоқ жилдли ёстиққа тушиб, ичи шувиллаб кетди.

Кеча шу ёстикқа жилдни ўзи бичиб қўйганди. Қанд-дек оппоқ эди. Энди сув шимган қандга ўхшаб қопти.

Мушфиқа кўнглидан ўтказди: кечаси билан йиғлаб чиққан.

«Эҳ, армонли дунё, яна қанча ситамларинг бор?» — онаизор шу сўзларни минғирлаб эшикка йўналди.

Қиз ҳамон ухлаб ётарди. Ким билсин, балки туш кўраётгандир. Тушида ўз ошиғи билан даври даврон сураётгандир....

2

Келин ўзини зиндонбанд этилган каби ҳис қила бошлади. Гарчи сокинлик ва хотиржамлик лаҳзаларини ҳадя этаётган хона шинам ва кўз қувнагулик алфозда бўлса-да, етти ёт жой. Тагин бир бурчакни чирмаб олган мана бу қора парда уни исканжага олган бўлса! Биқиниб ўтиришдан бошқа чораси йўқ бояқишнинг.

Келинчак туриб-туриб бирдан ҳиқиллаб юборди. Товуш чиқармаслик учун кафти билан оғзини юмди. Нозиккина елкалари силкиниб-силкиниб кетди. Ёш томчилари дув-дув тўкилди.

Нон синдирилиб, фотиҳа қилинганда ҳам, ота уйдан йироқлаб ўзга уйга келганда ҳам, куёв билан кун бўйи уловда санқиб юрганда ҳам, ҳатто ёр-ёр айтилиб, давра тўрига кузатилганда бир қатра чиқмаган ёш энди дарё бўлиб оқиб чиқяпти.

Бир неча лаҳзалардан сўнг тўйнинг тарақа-туруқлари тиниб, осудалик сеп ёйганда куёв оҳиста қадамлар билан кириб келади. Чимилдиқнинг бир бурчини кўтариб ичкарига мўралайди ва... Келин бўлмишнинг миясига мана шу ҳол лоп этиб урилган эди-да.

Йўқ, келин бахт гўшангасида эмас, бахтига жаноза ўқилаётган қора чодир ичида. Юрагини сиқиб, сувини кўзларидан томиздираётган бахтсизлик исканжасида.

3

Даврадагиларнинг юзида табассум порлаган, ҳамма ўзида йўқ шоду хуррам.

Давра ўйин-кулги, рақсу хиром билан тобора қизияпти. Бақир-чақир, шовқин-сурондан холи висол оқшоми ўзгача кайфиятда ўтяпти.

Куёвтура кўзларида балқиган севинч нури тўйга зиё таратяпти. У мамнун ва аъло кайфиятда жимгина ўтирибди. Юзидаги табассум барчага завқ улашади. Ёнгинасида ўтирган келинчак эса...

Оппоқ либосга бурканган нав-ниҳол келинчак бошини ним эгган кўйи миқ этмай ўтирибди. Нигоҳи қуйига қадалган. Уни бахт ўз оғушига олган деб бўлмайди. Асло. Айни дам кўнглида кечаётган туйғулар аччиқдан-аччиқ. Ўз оловига ўзи қоврилиб ўтирибди.

Гоҳ-гоҳ ёнида ўтирган гўзалликда ўзидан қолишмайдиган соҳибжамол дугонаси биқинига секин туртиб қўяди: «Бундай чехрангни очсанг-чи, нима, азада ўтирибсанми?»

Келинчак лом-мим демайди, лекин юраги жавоб беради: «Ҳа. Азада ўтирибман. Бахтимнинг азасида ўтирибман». Бунини яноқлари узра дув думалаб тушаётган томчилар ҳам исбот қилиб турибди. Аммо юзига тортилган ҳарир парда бу абгорликни фош этмайди.

ИНСОФ БЕР, ХУДОЙИМ!

1

Жувон ўраб-чирманган; сутдай оппоқ ҳижоб ичида юзлари шундай товланадики, гўё нур тошиб чиқаётгандек. У саҳармардондан уйғонади. Ҳали саҳархез хўрозлар қичқирмаган, соат миллари бешга силжиб улгурмаган бўлади.

Жувон бомдодни ўқиб бўлгандан сўнг дуони мана бундай бошлайди: «Илоҳо, мағфиратли, меҳрибондирсан, шаҳваримга тавфиқ бер. Уни ҳидоятга бошла...»

Жувоннинг эри аслида ёмон одам эмас. Мардумнинг кори бориға қайишадиган, ўз рўзгорини бутлайдиган, меҳнаткаш ва одамохун йигит. Бироқ битта айби бор, ичмаса туролмайди. Ичганда ҳам беармон, дунёни унутиб, қултиллашиб ичади. Битта шишани кўрдим демайди. Учтани бўшатмаса ҳисобмас. Ҳаммаси мана шундан кейин бошланади. Фирт маст бўлиб олиб дунёни бошиға кўтаради.

Жувон эртаю кеч яратгандан эриға инсоф тилайди. Уни ҳам ҳидоятга йўллашни, гуноҳларини мағфират қилишни сўрайди. Мана ҳозир ҳам жойнамозда чўкка тушиб, пичир-пичир дуо ўқияпти: «Худоё, ўзинг қўллагин, бу кишимга инсоф бер...»

Жувоннинг суюкли шаҳвари оғзини ўрадай очиб-ёпиб, хуррак отяпти. Дунёни сув босса, ўрдакка не ғам.

Бироқ жувон ишонади. Бир кунмас бир кун унга ҳам инсоф кирар. Мусулмон эканини, борар жойи икки қулочгина ер, бу ялтир-юлтур дунё синов майдони эканини англаб етади. Жувон умидвор. Дуолари ижобат бўлади. Ишонади.

2

Навжувон. Чап кўзининг таги бир оз кўкарган. Бўйни ости чизиқ-чизиқ, тилинган, шишинқираган. Қўлида даструмол. Кўкарган жойига босиб-босиб қўяди.

У ҳаял ўтмай дик этиб ўрнидан турди-да, тошойна олдиға бориб яна ўзига суқланиб боқди. Ҳалиям светофордай кўкариб турибди.

Кеча можаро чиққанди. Келинчакнинг эри илк мар-

та алламаҳалда кириб келди. Оёқда туролмайди. Бад-бўй ҳид анқийди. Ароққа роса бўккан. Шу туришида ғўлдиради: «Туғилган кун... ошнамники... а-а-зизим...»

Ҳам куласан, ҳам ачинасан киши.

Келинчак чидаб туролмади. Ўзини таҳқирланган сездди. Илк марта эрига нишини санчди...

Эр кишига саннаб бўлармиди? Тагин шер бўп турган маҳалида?

Келинчак ишига яраша «мукофотини» олди.

Йигит нариги хонага гандираклаб кирди-да, шу билан эрталаб қуёш чарақлаб турганда чиқди. Қараса, хотини кўринмайди. Ҳамма хоналарни излаб чиқди. Йўқ. Бир маҳал пиқ-пиқ товушлар ошхона томондан эшитилди. Шошиб йўналди. Столга мукка тушганча пиқиллаб ўтирибди, шўрлик. Олдига яқинлашди. Узр сўради. Хотини бошини кўтарди. Йигит хижолатдан кўзларини олиб қочди. Ичида ўзини сўқди. «Ароқнинг касрига бу» — миясига шувиллаб ўй келди.

Турмушига йил тўлмай дастлабки муштдан насиба олганди келинчак. Шунда ҳам эрини қарғгани йўқ. Ҳеч кимга сир бой бергани ҳам йўқ. Худодан инсоф сўради. «Ароқ ўлгурни оғзига бошқа олмасин», деди. Аммо ҳали ярашганича йўқ. Эрини таъзирини бермоқчи. Обдон ялинтирмоқчи. Шу.

3

Аёл мунғайиб қолган, ўй-хаёл ич-этини кемиряпти. Ҳали қирчиллама ёшга етмай сарғайиб қолган ўғли хароб бўлган. Ичмаса ҳаво етишмагандай бўлаверади. Киши чанқаганда қай кўйга тушади. Ана шундай. Фақат чанқоқ ўрнини сув эмас, ароқ қондиради.

Ароқхўрга ким ҳам қизини берарди. Одамлар ҳам аҳ-

моқ эмас қизининг умрини хазон қилиб. Ҳар ким ҳам фарзандининг бахти камолини ўйлайди.

Бу ёқда йигитнинг ёши ҳам ўтиб боряпти, ҳадемай ўттизни қоралайди. Унга гап кор қилмаса. Панд-на-сиҳат у қулоғидан кириб бу қулоғидан чиқса. Ичмаган куни йўқ ҳисоб. Онаси сал қаттиқ гапирса ўқрайиб қарайди. Фойдасига гапираётгани ақлига ҳам келмайди. Раҳматли эри ҳаёт бўлганда ўғли бу иллатга йўлиқмасмиди? Ҳарҳолда ота, қаттиққўллик қиларди. Мушфиқа гоҳи шу хаёлларга бориб эзилади, шўрлик. Кун-тун худодан инсоф сўрагани сўраган.

Мушфиқа ана шу аччиқ ўйлар комида ўтирибди. Мунғайиб қолган.

УЛГУРИШ

1

Профессор маъруза ўқияпти. Юз кишилик аудиторияда фақатгина кекса ўқитувчининг дағал товуши эшитилади. Барча талабаларнинг эътиборини жамлаган. Битта талаба қизгина нигоҳини парта сиртига қадаб, хаёл суриб ўтирибди. Кафтларини чаккасига тираган. Охиrhoқда, четда ўтиргани учунми пайқаш қийин.

Бугун арафа, байрам олди. Сўнгги дарснинг сўнгги дақиқалари.

Ногоҳон қиз пичирлаб юборди: «Алдоқчи. Менга совғаси керакмиди?»

Паришон қизнинг ўй-хаёли ҳозир йигитда. Йигит айна шу курсда ўқийди. Уч кундан буён қораси ҳам кўринмайди. Охирги учрашувда пайкарининг оппоқ кафтларидан ушлаб ваъда берганди: «Сюрприз тайёр-лаяпман. Ишонаманки, сенга маъқул бўлади».

Кўнғироқ чалиниб, ҳамма кўзгалди ҳамки, у ўрнида қапишиб ўтирибди.

— Нима бўлди сенга, мазанг йўқми? — ёнидаги дугонаси дафтар-қаламларини йиғаётиб, уни туртди.

Роппа-роса бир дақиқадан сўнг паришон қизнинг аввалги ҳолидан зиғирча ҳам қолмади. Ўзида йўқ шод. Қўлида ўзининг суврати ишланган портрет. Салкам бўйича келади. Термулиб ҳеч тўймайди.

— Ўша рассом ишлабди. Ахир, у Тошкентда-ку? — ажабланди қиз. Йигит унга жавобан табассум изҳор қилди. Улгурганидан мамнун эди.

2

Жувон тунда уйғониб кетди. Нимқоронғи хонада фақат бир меъёрда чиқиллаётган соат товушигина эшитилади. Худди инқиллаётган беморнинг ўзгинаси. Бу жувоннинг гашини келтирди. Қизиқ, илгари ҳеч аҳамият бермасди. Ҳозир миясига нуқиб урилгандай бўляпти. У кўзини юмиб, тагин ўзини уйқуга солди. Йўқ. Одам ўзини мажбурлай олмас экан. Яна мана бу дардисар инқиллаб, асабига тегса. У чойшабни юлқиб, тўшакдан силжиб турди. Деворни пайпаслаб, чироқ тугмачасини босди.

О, ёруғликка нима етсин. Жувон соатга нигоҳини қадади. Ўн бирдан ошяпти. Янги санага атиги йигирма дақиқагина вақт қолибди. Қизиқ, ётоққа қачон кирган экан. Шу ўй билан ғижим тўшакка қаради: бўм-бўш. Диванни тўлдириб ётадиган эри йўқ. (У бир йилдан буён Россияда, шартнома асосида ишляпти.)

Жувон хўрсинди. Боши лўқиллади. Яна. Шом маҳали икки дона таблетка ютиб, тўшакка чўзилгани эсига тушди. Дард қайта ниш санчяпти. Этаги ғижим халатининг чўнтагига қўл югуртирди. Яна таблеткадан бир донасини оғзига солди. Қийналиб ютинди. Сув ичмоқчи бўлиб эшикка энди шайланган эдиямки, диван бо-

шидаги тумбочкадан ёқимли куй эшитилди. Ортига қайтди. Қўл телефонни қулоғига тутди:

— Алло... Вуйй... мунча бедарак кетдингиз... Нима... атиги икки ҳафта? Менга икки йилдай туюлди... Хайрият, улгурдингиз-а, раҳмат. Йўқ, совғангиз керак эмас, ўзингиз соппа-соғ келсангиз, шунинг ўзи катта совға... Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Аянгизни ўзим табриклаб қўйдим. Сизни номингиздан ҳам. Совғага ўтган ҳафта жўнатган жемперларингиздан биттасини бердим. Сизни дуо қилдилар. Бошқа ҳаммаси жойида. Бўпти. Тез-тез телефон қилиб туринг.

Жувоннинг бошидаги оғриқ таққа қолганди. Шу дам кайфияти чоғ эди унинг.

3

Аёл боласининг миттигина қоматига қараб энтикади, кўзлари қувнайди. У бир ҳафтадан буён шу ерда. Туғруқхонага келган куниеқ кўзи ёриганди. Уйдагилари ҳар кун хабар олиб туришибди. Фақат эридан дарак йўқ. Аёл туғруқхонага эри билан келган кунни кечагидай эслайди. Шундан кейин гумдон бўп қолди. На қораси кўринади, на хабари бор? Ич-этини ит тирнаяпти. Келиб-кетгувчилардан сўрашга хижолат бўлади. Бирортаси фаросат қилиб гап очмаса. Қайнонасини кўрганда-ку, ўзини қўярга жой тополмай қолади.

Аёл сезиб юрибди. Эрта ё индин жуфтакни ростлаши аниқ. Бир ўзи сўппайиб кириб борса уйга... ярашадими?

Бу ердагиларнинг ҳаммасини эри қўлтиқлаб олиб кетяпти. Кеча ҳамхоналаридан икки кишига жавоб беришди. Яна биттаси шайланиб турибди. Тушда жўнаворармиш. Кейин бир ўзи қолади.

«Войй... — бирдан ток ургандай сапчиб турди ўр-
нидан, — ахир бугун байрам-ку. Шуниям унутса...»
— хўрлиги келди унинг. Кўзларига билинар-билинемас
ёш сизиб чиқди. Шу пайт палата эшиги қия очилиб,
ҳамширанинг боши кўринди. Табассумини ошкор қил-
ди:

— Қани, опа, бўҳчангизни тез йиғинг-чи, ана, ха-
ридорингиз пастда кутиб ўтирибди.

— Ким? — овози бўғилиб чиқди унинг.

— Вой тавба, сизга ким харидор бўлган ахир, почча-
да! — шу гапни айтиб эшикни ёпди.

Аёлнинг юзлари ёришди. «Мана бунини муъжиза деса
бўлади. Ҳали бурнидан ип ўтказмасамми!» — бирдан
мағрурлиги тутди унинг.

Аёл билмайди... Билмайдики, эри етти кунлик иш
сафаридан тўппа-тўғри шу ерга учиб келган. Қуруқ
ўзи эмас. Антиқа совғасиям бор. Бу ёғи бизга қизиқ
эмас.

МУНДАРИЖА

Қисса

Жодуланган кўз	3
----------------------	---

Ҳикоялар

Кенжа келинойи	128
Кенжа келинойи (иккинчиси)	131
Кенжа келинойи (учинчиси)	134
Кенжа келинойи (тўртинчиси)	136
Девор ортидаги сир	139
Кузатув	142
Тақдир ёзуғи	145
Нигоҳлар тўқнашдилар	148
Сўнгги кўнғироқ ва атиргуллар	151
Қирқ саккиз варақли дафтар	154
Севиш айб эмас	157
Фурур бекаси	160
Пушти ранг қўлқоплар	164
Савдойи	168
«Лайли»+«Мажнун»=Сўнгги кўнғироқ	171
Қор ёққан кеча	174
Ёмғир кўзёшни яширади	177
Қароқлар, ёноқлар, дудоқлар.....	181
Илҳом париси	184
Икки кутб	187
Муҳаббат	190
Қор парчалари	194
Туғилган кун	197
Юракка буюриб бўлмаиди	200
Асл мўъжиза	204
Йўловчиси йўқ бекат	207
Бурч ва садоқат	210

Қора шаҳзода	213
Номус ва муҳаббат	216
Муҳаббат муъжизаси	220
Кино.....	223
Муҳаббат ибтидоси	227
Қорли хиёбон	230
Зулмат кўл	234
Салом, ширин туйғулар!	238
Шаддод қиз	241
Севгим менинг, андуҳим менинг	244
Хиёнат исканжаси	247
Туҳфа	251
Ҳаёт мазмуни	254
Чиптачи	258
Зарба	262
Ҳофиз	265
Гуллаган фожиа	269
Ўзбеклар муҳаббати	273
Юзинчи шеър	276
Ҳаёт аччиқ, ҳаёт ширин	280
Бу менинг Ромеом	283
Оқибат	287
Зийнат	291
Иноят	293
Ҳаёт кураш демак	297
Меҳр ва муҳаббат	300
Юрак битта — сўз битта	303
Рашк	306
Кўзёш асиралари	309
Инсоф бер, худойим!	311
Улгуриш	314

Адабий-бадний нашр

Умид АЛИ

ҚОРА ШАҲЗОДА

Қисса ва ҳикоялар

Масъул муҳаррир:	<i>А.Қоржовов</i>
Муҳаррир:	<i>О.Қанаев</i>
Дизайнер:	<i>Р. Таиматов</i>
Мусахҳиҳ:	<i>М.Холиқова</i>
Саҳифаловчи:	<i>Г.Курбанбаева</i>

Нашриёт лицензияси: АИ №270

Босишга 15.01.2018 йилда берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16

“Virtex Times UZ” гарнитурасида офсет усулда босилди.

Нашр босма табоғи 20,0 Адади 4000 Буюртма №3

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.

«Dizayn-Print» МЧЖ УИЧК босмахонасида чоп этилди.

100054.Тошкент шаҳри, Чупон ота кўчаси, 28-а уй.

Телефон: (371) 273-19-51

Факс: (371) 273-19-50

Email: dizayn-print@mail.ru

www.IjodPress.uz